

# Шарҳ назариди

1998

5

67-ЙИЛ ЧИҚИШИ

АДАБИЙ-ИЖТИМОИЙ  
ЖУРНАЛ

БОШИ МУХРАРИ

Ўткир ҲОШИМОВ

НАЗАРИД НАЗАР

Омон МУХТОР,  
Бахтиёр КАРИМ,  
Юсуф ФАЙЗУЛЛО,  
Мурод МАНСУР,  
Икром ОТАМУРОД,  
Нуруллоҳ МУҲАММАД РАУФХОН,  
Асад ДИЛМУРОД

МУАССИСЛАР:  
ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ,  
ЎЗБЕКИСТОН ОММАВИЙ АҲБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИ  
ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ ВА ҚўЛЛАБ-ҚУВВATЛАШ  
ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ЖАМҒАРМАСИ



Азиз адабиёт дустлари!

«Шарқ юлдузи» журнали мухлислари!

2001 йилда, Янги Аср бошланишида журналимиз ташкил топганига 70 йил тулади. Аслида, 80 йил дейиш ҳам мумкин. Журнал уз адабий-бадий, ижтимоий-сиёсий шаклида бошқа номлар билан олдин ҳам нашр этиб келинган. Қандай бўлмасин, «Шарқ юлдузи» ўтган йиллар давомида Сизнинг хонадонингизга нур олиб кирди, қалбингиз, руҳингизни ёритишга ҳаракат қилди. Утаётган Асрдаги чигалликлар, қисмат синовлари ҳам, фараҳли-жозиб ҳаёт ҳам кузгудек, журнал саҳифаларида уз аксини топди. Журнал йилдан-йилга Сизнинг ишонган суҳбатдошингиз, доимий ҳамроҳингиз бўлишга уринди ва биз бу билан фахрланамиз. Сизнинг меҳрингиз, хайрихоҳ муносабатингиз «Шарқ юлдузи» сўнги йилларда, айниқса мамлакатимиз Мустақилликка эришиб, Янги Бир Ҳаёт йулини танлаганидан буён, янада қизиқарли, сермазмун бўлиб бораётганининг бош сабабидир.


1999 йилдан бизнинг умидимиз катта. Журналимиз янги йилда узининг сиз соғинган олдинги шаклида (70x108 1/16 форматда), ҳозирги чиқиб турганидан купроқ безалган ва муҳими, Сизни мамнун этадиган пухта, кўркем асарларга кенг урин берган ҳолда нашр этилади.

«Шарқ юлдузи» бошқа нашрларга нисбатан арзон. Йиллик баҳоси — 1500 сўм.

Бизнинг индексимиз — 911

Журналга истаган ойдан обуна бўлиш мумкин.

Шу кунларда 1999 йил учун обуна давом этмоқда.





Низомжон Парда



### Ёзилмаган дoston бoблари

Бир ҳуқуқшунос сифатида мен давлат ва ҳуқуқ тарихини ўрганганман.  
Мустақил давлат вужудга келиши ва шаклланиши жараёнида турли-туман сиёсий туфону иқтисодий бўҳронларни бошидан кечиради. Давлат раҳбари узоқни кўра оладиган, воқсаларни чуқур ва атрофлича таҳлил қилиб, уларни ўз вақтида зарур ўзанга солиб юбора оладиган шахс бўлса, кемасини усталик билан бошқарувчи моҳир дарғадек, давлатни ижтимоий-иқтисодий бўҳронлар гирлобидан дадил олиб чиқа олади...

Убайдулла МИНГБОЕВ

### Бошланиш

*Минг тўққиз юз тўқсон бир — сана,  
Сентябрнинг Биринчи куни.  
Оламшумул бўлди тантана,  
Бизникилар унутмас уни.*

*Минг тўққиз юз тўқсон бир — рақам,  
Асрларга татир обида.  
Янги давлат! — деб ёзди Ҳакам  
БМТнинг китобида.*

Сентябрнинг бу куни билан  
Хурриятдан бошлар сабоқлар,  
Уни бутун якуни билан  
Омма қалб тўрида ардоқлар.

Оламшумул тантана, зеро,  
Жаҳон айвонида — таниқ, бор.  
Сен согинган эркак, марҳабо,  
Марҳабо, эй суюкли диёр.

Бизникилар — бир маслак, бир тан,  
Мадҳинг айтиб, жон-дилдан хушлар;  
Шу кун қайта туғилдинг, Ватан,  
Дунё —  
Истиқлолинг олқишлар!

## Биринчи қисм

(Кечаги кундан бу кунга)

Истиқлол,  
Истиқлол,  
Истиқлол...  
Сенинг шу ёшингда осон кечмади.  
Ётлардан ҳайиқма,  
Бардам бул,  
Оқ йул,  
Писанд қилмаса-да, улар ҳеч на! — деб.  
Ҳаво бўғиқ турар,  
Қовоғи солиқ,  
Қон талаш-уфқлар этаги.  
Ҳар ким ўзи билан ўзи «илмоқлик»,  
Даҳсар пуд юк келар гапларин таги.

Ҳафта утаяпти...  
Бензин,  
Солярка йўқ.  
Тақа-тақ тўхтаган автолар бари...  
Иш ҳақин ололмай бировлар абгор,  
Заводларда туриб қолмиш пахта бунтлари.

Кимдир аламзада,  
Узуқ-юлуқ дер:  
— Қани у, СССР?!  
— Битдими?! Битди.  
— Гуёки тарқаган тумандай кўкка.  
— Кейин маълум булар сири-асрори,  
Орқага қайтиш йўқ, кўприклар ёнган,  
Уфққа туташган бизнинг йўл бориб;  
Уфққа,  
Уфққа,  
Уфққа!

\* \* \*

→ Ҳар ишнинг уз вақтида ҳадди,  
Қани, дастурхон ёз,  
Бирпас тамадди.  
Чойдан қуй,  
Гапларинг бўлса...  
— Э, шу пайт  
Бир гап сизгадими кунгулга?  
— Айтавер,  
Тортинмай,  
Келганин тилга.  
— Майли,  
Сенга... Бор битта савол,  
Айт-чи, Сузамол,  
Муствақиллик бизга нималар берди?!  
— У-ҳу,  
Бой бўлгур, Худойберди,  
Ҳали билмайсанми шуни ҳам.  
«Билмас»га сизқоннинг ини минг дирҳам.  
Муствақиллик оёқ, қўлинг бўшатди.  
Берди тилингга эрк,  
Кузларингга нур.  
Ел,  
Югур,  
Изла,  
Топ,  
Қаддингни кутар!  
Сенинг бағишлади ақлингга шуур!  
— Бу ёғи-чи?  
— Бу ёғини ўзинг топ, жўра.  
Қолмадикми худди чироқсиз...  
— Йўқ.  
Ҳали кўп гапдан йироқсиз.  
...Йул ҳам ойдинлашар,  
Бўлса бут имон.  
Мени айтди, дерсан,  
Бу гапга инон!..

\* \* \*

«Катта оила»дан ажралиб чиққан,  
Оёқ-қўли боғлиқ,  
Ёш рузгор эдик.  
Еярман,  
Киярман  
Йигирма миллион жон,  
Ўзбек номи билан бор эдик.

Туғри,  
Кечаги кун  
Бугундан бир нав...  
Лекин  
Датация —  
Қарз эвазига.

Иттифоқдан қуруқ чиқаётиб,  
Тушундик —  
Ҳайҳот,  
«Сир»ли мағзига.  
Шунда...  
Тилла бериб, ололмай чақа,  
Пахта бериб, кўрдик санг бўзни.  
Алам қилар экан, рости —  
Шаънингга ёпиштирсалар  
«Боқиманда» деган сўзни!

## Иккинчи қисм

(И қ л и м)

Истиқлол!  
Бардам бўл,  
Сенга йўл.  
Унг,  
Суллар.  
Йўл,  
Йўллар...  
Қайбири ҳавас:  
Бири — борса келар,  
Бири — борса гумон,  
Бири — борса келмас.

Биз бормоқдамиз.  
Майли,  
Бугунча ҳузур ҳам билмасмиз.  
Тамойилин белгилаган ўзимиз,  
Моҳиятин ҳам кўролган кўзимиз.  
Тагпахсасин шундоқ кўйдик устивор,  
Бу ёғига...  
Дедик:  
Эгам, ўзинг ёр!

\* \* \*

Лек  
Ўтажак йўлимиз ўтилмаган ҳали,  
Баланд-пасти маълум — ўтган маҳали.  
Тарихда  
Ҳар йўлнинг бошланиши — шу;  
Олисларни кўзлаб,  
Ташланиши — шу.

Биз ўтажак йўллар  
Саркаш,  
Гоҳ чалкаш.  
Майли,  
Бор бўй билан унга кирайлик, дадил.

Ўтда, аёзларда тўғри келар яшаш,  
Иқлим ҳам... у қадар бўлмас  
Муътадил.  
Аммо  
Юмшатувчи ўзимиз,  
Жиловдори ҳам.  
Ҳей,  
Қовушиб кетсами гапу сўзимиз  
Юзимиз бўлур равшан —  
Яна  
Мукаррам!..

\* \* \*

Ҳозирча қайдадир  
Омборлар  
Нолон.  
Баъзи супраларда қуриган урвоқ.  
Супурги уруғин янчар бир жувон,  
Гирдида  
Жужуқлар — бари жулдурвоқ.

— Менга қийин, дейдими Фалончи?!  
Ҳалқуми кўрмаган сингари  
Томчи...  
— Қуявер,  
Жанг қурбонсиз бўлмас,  
Ҳаёт — бир жанг.  
Кўринмас уруш...

Ёруғ оламларга,  
Азиз одамларга  
Биз ёпажак нондан...  
Бу, хамиртуруш!..

\* \* \*

Нон,  
Нон,  
Нон.  
Ғалла мустақиллигин кўтарайлик бошга!  
Қашқадарё,  
Сурхон чоши,  
Тоғлардай юксал...  
Тилларанг бошоқлар  
Буй чўзди Қуёшга!

\* \* \*

Юрт,  
Таърифнинг бир китобга жамлаш қийин,  
Сел-сувингни минг тўғонга дамлаш қийин.  
Оллоҳ берса,  
Экин-тикин —  
Арпа, бугдой  
Поясин ер-осмонга ғарамлаш қийин!

ШОЙИМ БЎТАЕВ

---

# ШҮРОДАН ҚОЛГАН ОДАМЛАР

Қисса





## БИРИНЧИ ҚИСМ

### Бахтсиз оила

#### БИРИНЧИ БОБ

Бир йил аввал ўглининг оғзидан илкис шу гап чиқиб кетди:

— Умр бўйи полиз қўриқчисига ўхшаб битта таёқ ушлаб ўтасизми, ота?!

Ўғил бу гапни айтмаслиги керак эди-ю, орқаваротдан эшитганлари қулоғига маҳкам ўрнашиб қолганиданми ён-ки кўпдан буён хаёлида шу фикр юрган эканми, томдан тараша тушгандек кутилмаганда айтди-қўйди.

Ў, назоратчининг қай аҳволга тушганини бир курсангиз эди!

У аввал ҳеч нимани англамаётгандек, ўз қулоқларига ишонмагандек ҳангу манг бўлиб турди; бир зумдан сунг кўкарди, қаршисида нима қилиб қўйганлигини англаб-англамай безрайиб турган ўглининг қулоғи остида чунонам шавла қайнатдики, у гуппа қулаб, бошқа ўт ёқишнинг ҳожа-ти бўлмади.

Она фарёд уриб, зор қақшаб, уйнинг у бурчидан-бу бурчига юргани билан фойда чиқмади, то кўни-қўшнилари хабар топиб, келиб юзига сув сепишмагунча ўғил ҳолим шу экан-у, тилимни қичитиб нима қилардим-а, дегандай ёта-верди.

Назоратчининг феъли бир келса ёмон келарди.

Ургани етмагандай, ўғли билан гаплашмай қўйди.

Гаплашмай ҳар бало бўлгур, жим кетса майли эди, ўша гапни, ўша воқеани резинкадай чўзиб юрди: ҳар эслаганда ёнига нималарнидир қўшиб-чатди; шу даражага етказдики,

жабрдийда ўғил эмас, ота бўлиб қолди; ҳатто, битта-ярим-танинг, э, садқаи фарзанд кетсин, отага шунақа қиладими, деганини эшитиб қолса озорланган кунглига қандайдир таскинбахш шабадалар эсгандай енгил-енгил нафаслар олди. Бунгаям қаноат қилмай, аслида ҳеч қанақа алам қилмаслиги лозим бўлсаям, қолган аламини хотинига тўкиб солаверди, шу баҳонада бот-бот қўлининг қичигиниям бостириб турди. Аслида, хотинини уришдан фойда йўқ эди: у боёқиш сал дўққаям гужанак бўлиб, худди таёқ келиб синадигандек қўллари билан бошини пана қилиб оларди.

Бундай муомала ўғилнинг аламини кундан-кунга улгайтирди: энди у ҳамма гапни ичида сақлар, отасининг узидан ҳам, унинг касби-коридан ҳам ичида нафратланар, бу ҳол жуда даҳшатли эди.

Аслида, бу ўғил назоратчининг яккаю ёлғизи эди; уни пайпаслаб, эркалаб ўстиришганди, айтганини ҳаммиша муҳайё қилишганди. Балки, шу сабабли ҳам назоратчи унинг бемаврид айтган гапидан беҳад тутаб кетиб, тўнини тескари кийиб олгандир. Ўғилнинг ана шу вақтда мактабни тугаллаши, бирон бир ишга ёки ўқишга деганларидай... шу вақтга тўғри келиб қолганлиги ўлганнинг устига тепгандай бўлди: ўзи бу пайтда қўлида ҳунари борларнинг ҳам калласи қотган, сал-пал ҳимо бўлмаса, рағбат билдирилмаса, анча-мунча одам калавасининг учини йўқотиб қўйиши турган гап-ку, назоратчининг қўлидан ҳемири иш келмагани етмагандай, ота қарғишига дучор бўлиб турган писарчасига йўл бўлсин!

Ўғил беш-ўн кун сандироқлаб юрди, у ёқ-бу ёққа бош уриб кўрди, наҳот топмагач, қўшни қишлоқда яшайдиган амакисининг олдига борди.

Амакиси тиниб-тинчимас, айтишларига қараганда, ишнинг кўзини биладиган одам эди. Ишнинг кўзини билгани шу эдики, мол-ҳолларни кўпайтириб ташлаган, туёқлар сонига қараб кўнглини хотиржам қилиб, мўйлов бураб юраверарди. Лекин, туёқ ҳам ердан ўсган дарахт эмас, иссиқ жон экан, шу қиш ичи бари бирин-кетин таппа-таппа юмалаб, қайларгадир жўнаворишди, қайга жўнашсаям, эгалари ортларидан қанча қувгани билан етолмайдиган, чақиргани билан эшитилмайдиган жойларга кетишди; уларнинг эгасиман деб юрган одам ўнта темирқозиқнинг, нари борса тўрт қулочдан келадиган ўнта чириган арқоннинг эгаси бўлиб чиқди; агар, борди-ю... астойдил моҳиятга назар ташласак, бу нимарсалар ҳам унга вақтинча бериб қўйилганлигини пайқаган бўларди-у, одатимизга кўра, бизни моҳият-поҳият қизиқтирмайди, кўрганимизни айтиб кетаверамиз, кўрганимиз шуки, амаки икки қўлини бир тепа қилганича қолаверди.

Бу ...амаки назоратчидан тўрт-беш ёш кичкина эди. Ака-укалар ёшлиқдан ёвлашиб ўсишганди.

Бу душманликнинг етти иқлимга донғи кетган, ёшу қари — хабардор; қаерда ака-укаларнинг, қавму қариндошларнинг галва-ғишаваларини куришса ё эшитишса, ҳа, фалончилардай бўлгиларинг келиб қолдими, деб уларни намуна қилиб кўрсатишарди.

Айниқса, иккаласиям уйланишгандан кейин ҳар куни қирпичоқ, жангу жадал авж олаверганки, илгаригиларини болалик уйинлари деб хаёл қилиб юрганлар бу масаланинг анча жиддийлигини ҳис этишиб, фаҳм-фаросатдан ажрамай, вақти-соатида улардан бутунлай этак силкишган эди.

Ана шунда уканинг ака-укаси, опа-сингилсиз яккаю ёлғиз қизга уйлангани асқотиб қолган, қизнинг ота-онаси кўз очиб куришган фарзандларининг доғини тортмаслик учун уни эр-пери билан ўзлариникига кўчириб кела қолишган эдики, фаҳми ожизимизча, худо раҳмат қилгурларнинг бу дунёда ана шундан бошқа гуноҳ ишлари йўқ эди.

Ука-кетди.

Ака қолди.

Улар на Кечани эслашди!

Чунки, Кечани билмасдилар, хотирлай олмасдилар, унинг қоронғи осмони қабатларида чақнаган милёнлаб шўълавор юлдузларидан, сутдай тошиб долғаланган ойларида гофил эдилар; олис дунёлар насимларидан кўнгиллари бебаҳра, наинки бебаҳра, Кўнгилнинг ўзи ҳали таваллуд топмаганди: кулманг, биродар, кулманг; Кўнгил таваллудисиз одамнинг бу дунёга келиши, юриши, кетиши бир ҳашарот умричалик эмаслигини ҳожи поччангиздан сўрасангиз, яхшилаб тушунтириб қўяди.

На Бугунни уйлашди.

На Эртани қайғуришди!

Хайф, бир қорин...

У маҳал бу икки безотнинг оналари ҳаёт эди.

Кампир, ҳар нарсага кўзёш тўкаверадиған, бўлар-бўлмас гап-сўзларга аралашаверадиған сержағ; кўнгли тор, мўрт бўлгани учун, кичик ўғлини кўчириб кетишганидан кейин воқеанинг асл моҳиятига етмай туриб, ташлаб кетган кичик ўғлини, унинг бошини айлантириб илму амал, жодуларни қўллаган қайнонасини, соқоли супургидай бўлгани билан барибир хотинкули қайнотасини (агар, бу соқолингга ўт тушкур хотинкули бўлмаганида, бошқага уйланиб аллақачон ўғил орттириши мумкин эди!), эрни бир кунмас-бир кун қаро ер қилиб, гўрга тикадиған келинини қарғай-қарғай кунни кеч қилар, шу билан чарчаб ухлаб қоларди. Тонг отгач, яна дийдиёси бошланарди: кечаги айтилган сўзлар, қарғишлар, иддаолар бирма-бир такрорланар, бир тарзда давом этарди.

Кампирнинг қарғишлари тегдими ёинки ўзининг вақти-соати етган эканми, келиннинг отаси бирдан оёқ узатиб ўлди-қолди. Хабар етгач, кампир дарров калиш-махсисини

кийиб йўлга отланди, у орадан қандай гап ўтмасин (аслида, ҳеч қанақа гап ўтмаганди) бунақа маъракалардан қолмасди.

У, маъракада тўнини ағдариб кийиб, роса чуввос солди.

Ўз дардини айтиб йиғлади: роҳат кўрмаганини, эри ёш ўлиб кетганини эслади, бобо-ю бобокалонларининг гўрда чиришганини, энди уларнинг олдига қудагинасининг ҳам жўнаганини, эртами-кечми ҳаммаям боришини айтиб-айтиб йиғлади, юракларни эзиб юборди.

Ўзиям дод солаверди.

Йиғи-сиғи қилаверди.

Дод-войлару йиғи-сиғилар орасида қулоққа чалинган сўзлар маъноси чақилганда шу нарса аён бўлдики, қудагинаси бу дунёда топилмас одам бўлганмиш, рўзгорини эплаб-сеплаб жой-жойига қўйиб юрганмиш, энди у қайтиб келмасмиш, қайтиб келмаслигиям кўп афсусланарли иш эмасмиш, нега деганда, у нақ беҳиштнинг ўзига кетганмиш, жаннатиймиш.

Ана-а!

Ўша кеча у қудагинасиникида, яъни кичик ўғлиникида тўнаб қолди.

Келинининг уй тутишию рўзгорини ҳамма мақтаганиди, кампир бунгаям дарров кўнди. Катта келиннинг ландовурлиги, ўғилгинасининг топган-тутганини жойига қўя олмаслиги, бадастур эмаслиги ҳақида узундан-узун ваъз айтди.

Кампири тушмагур шунақа кампир эдики, бунақасини етти иқлимда саҳро кезиб, сув кечиб ҳам қидириб топиб бўлмасди. Ўзи кўриб-билиб турсаям, ўзининг кўриб-билганига эмас, бировнинг айтганига ишониб кетаверарди. Унинг кўзи, кўнгли билан тилининг орасида унчалик тузуқ муносабат ўрнатилмаган эди-ю, лекин қулоғи билан тили жуда-жуда топишган, апоқ-чапоқ бўлиб кетишган, ғов була олгулик барча унсурларни ўртадан кўтариб ташлашган эди.

Маъракадан қайтган кампир илгариги барча араз-гиналарни унутди. Катта келинидан сал норози бўлсаям невараси Тошмуродни ёнига олиб, қўшни қишлоққа жўнайдиган бўлди. У ёқда икки-уч кунлаб қолиб кетарди, ҳатто, келинига ундай қил-бундай қил, деб ўз уйидагидек фармойишлар бериб қўярди, ўзини икки дангиллама ҳовлининг эгаси гумон қилиб, кериларди.

Кичик ўғил ўзида йўқ шод, қайнотасининг чорваларига эга чиқиб, ишбилармон номини олиб, айшини суриб юраверди.

Тошмуроднинг бувиси билан боришига отаси кўп рўйхушлик бермаса-да, буни очик-ойдин айтолмас, майли, ҳозирча кампирга ёнқозиқ бўлиб турсин-чи, кейин-кейин қадамини узиб ташлайман, деб хаёл қиларди.

Ўз умрлари давомида кўп шовқин-сурон солишган бўлса-да, ҳар иккала кампир ҳам абадий масканларига жимги-

на оёқ узатиб кетишди. У ёқда нималар қилишяпти, фаришталарни ҳол-жонига қўймай тўзитаиб юришибдимми, у ёқдаям қарғашяптими-йўқми, буни ёруғ жаҳондаги барча одамизод вақти етиб билиб олаверади. Улар кетишгани билан бу ердаги ғалва-ғишаваларнинг тинчимаганини эса, ўзингиз кўриб-билиб турибсиз, аҳвол шу экан-у, юраверишсаям бўларкан, деган надоматларингиздан энди фойда йўқ.

Бояги бояги, бойхужанинг таёғи экан — кичик ўғил мана энди ўзиниям, ёлғиз қизиниям, иккаласидан тўралганлариниям оғир кунларга қолдириб ўтирипти: у ёқдагилар буни аввалроқ билишганида янаям бошқачароқ ҳаракат қилишармиди, қим билсини; кечани кеча, кундузни кундуз демай кўпайтиришган мол-ҳоллари ҳам куёвни бегонасирашиб, уларнинг ортидан кетгани ёмон бўлди; нафсиламбрини айтганда, куёв ҳам ана шу кейинги сафардан кўпроқ норози бўлди, аввал шод, кейин ношод бўлди.

Бор гап шу.

Амаки бу қишлоққа кўчиб келишидан аввалги ҳолатга қайтган эди, феъли бадбинлашган, сал гапга олов оламан, деб турарди. У ярим қопча бугдойни ғалвирлаб, тозалаб ўтирган экан. Қўли ишдан, оғзи сўкишдан бўшамаётган экан:

— Э, онагинангни... ҳаммаси ҳаром ўлиб кетса-я! Кечани кеча, кундузни кундуз демай қарасаму, боқсаму... ҳа, онагинангни!..

Аён бўлдики, у ҳамон индамай-нетмай кетворишган моллардан хафа, алами босилмаган, чамаси, икки дунёдаям босилмаса керак. Ғалвирни элаганда бугдой устига ҳар хил ўтларнинг уруғлари, майда тошчалар, қоракуя кўпроқ чиқиб қолди, шекилли, энди у омборчининг гўрига гишт қалай кетди: унинг хаста хотини қолмади, сийниси қолмади, бурни қолмади... бари керагини олаверди. Шу асно яқинлашиб қолган жиянини пайқаб, заррача хижолат чекмади, юмушдан ҳам тўхтамади, фақат ҳақоратларга кон тилининг учидан тузукроқ сўз чиқиши мумкинлигини исбот қилгандай:

— Ке, Тошмурод! — деб кўйди.

Тошмурод салом бериб қаққайиб тураверди.

Амаки унга бир ола қараб кўйди:

— Қалайсизлар?

— Тузук... — деб кўйди Тошмурод, шу тарзда айтдики, тузукнинг расволиги билиниб қолди.

Амаки сўкинишдан тўхтагани-ю, лекин юзи ҳамон хафақон, қовоғи солиқ, биров билан гаплашгиси йўқ, мунда-ай.... одамга ўхшаб яйраброқ, эмин-эркинроқ сўкишларига ҳалақит бергани учун жиянидан норози кўринарди; балки, норози кўринишининг бошқа сабаблари ҳам бордир-у, биз бехабар қолгандирмиз.

Тошмуроднинг сўррайганича қотганини кўриб:

— Нима гап? — деб сўради, шундай сўрадики, бундай сўралганда ҳеч гап йўқ, деб индамай кетавериш маъқулдай эди; амаки жаҳли чиқиб турганиданми, пухталиқ қилибми, ишқилиб, саволнинг орасига жавобниям хом-хатала қилиб узатиб юборган, шуни еб кетавер, дегандай бўлганди.

Тошмурод ёш бўлгани учун ичидагини кўрмай, чайнала-чайнала мактабни битирганини тушунтирди, маслаҳат сўради, нима қилай, деди.

Амаки беозорлик билан елка қисди:

— Билмасам, билмасам, билмасам! — деб бир сўзни уч марта такрорлаб айтди, шундай оҳиста товушда айтдики, тезроқ йуқол, йўқса, ҳозир портлатиб юбораман, дегандай бўлди.

Тошмурод ёш бўлгани учун катта портлашлар олдидаги ҳолатларни илғай олмасди, яна нималардир деди.

— Эй инсон, мен невлай? — бирдан тутақиб кетди амаки. — Унта қорамалим бир ҳафтада йиқилиб берди; жиян бўлиб, ака-а бўлиб бирор марта мендан ҳол сўрадиларингми? Ўзларингиз ҳукумат одамисизлар, ҳамма нарсани ўзларингиз биласизлар, бир калхўзчи одам сенларга нима маслаҳат беради? Шу кунларда ўлишга қўлим тегмайди; худода нима гуноҳ қилувдимки, бир ҳафтада мени кўшқўллаб уриб, ҳам оёғи билан тепса... Ана-а, битта тиррақ бузов қолди. Униям жони чиқай-чиқай деб турипти. Энди, у ўладими-қоладими ишим нима?

Амаки чошғалвирни бир четга улоқтириб юбориб, негадир ҳовли этагидаги пастак пахса девор томон юрди. Девордан нариги ёқда бошқа ҳовли йўқ, адир, текис ерлар бора-бора кўтарилиб, бир-бирларига эгизаклардай ўхшайдиган тепаликлар бошланади, улар ҳо-ов чўққилари осмонга шаффоф тигдай санчилган тоғларга сомеъ қиёфада туришарди. Баҳайбат кўнғир тошлар тоғларга салобат бағишлайди, ўт-ўланлар ифорлар таратиб бағрига чорлайди, арчалар гўзал безакдай ўзларини кўз-кўз қилишади.

Амаки деворга суяниб, тоғларга орқа ўгирганча, лекин қўли билан у томонга ишора қилиб пайдарпай сўйлай кетди:

— Кўряпсанми, кўряпсанми? Хайрият шу тоғлар бор экан, тинимсиз сув юбориб туради, одамлар мол-қолларини боқишади; йўқса, нима бўларди, биласанми? — амаки шунчаки сураган, аслида унинг учун жияни билиш-билмаслигининг унчалик аҳамияти йўқ; гўёки, мендан эмас, анаву тоғу тошлардан ёрдам сўра, деяётгандай бўларди; кейин айтган гапларининг мазмунидан бу маъно очиқ-ойдин кўришиб қолди. — Тоғнинг ортида бир талай тожик қишлоқлари бор-а, маччойилар яшашади. Аёлларини уйдан чиқаришмасди, барининг егани олдида, емагани ортида эди; экини, чорваси зўр эди. Энди-чи, энди?! Ҳар эрта тонгда хотин-халажлар, қора-қура болалар тоғу тошлар оралаб юришади; равоч қидиришади, туятаппонларнинг томирларини

кавлаб олишади, қўшоёқу қоқи ўтларниям қўйишмайди. Улардан ҳам барака кетган, топган-тутганларини еб соплашган. Ҳар куни бу ёққача тушиб келишади, ялинишади, чуввос солишади, аммо, илож қанча; уларга ҳам, худди шундай, илож қанча, деб айтаман.

Тошмурод амакиси бу гапларни нима учун айтаётганлигини фаҳмламади. Қизариб-бўзариб, унинг сўзларини ба-зур охиригача эшитиб турди-турди-да, кейин хайр-маъзур-ниям насия қилганича жўнаворди. Йўлда кетаркан, ўзига-ўзи энди бу хонадонга қайтиб қадам босмайман, деб онт ичар, отасининг таъқиқларига қарамай яширинча келиб юрганларини эслар, ҳаммаси бир гўр экан, деб ўйлар, ана шу ҳаммаси бир гўрнинг ичида ўзиям борлиги хўрлигини келтирарди.

Тошмурод ҳақиқатан ҳам анча вақтгача ўзини кўрсатмади. Ёз кунларининг бирида ўша тиррақи бузовнинг хаёлими, жин-ажинасими уни қоқ ярим тунда икки шериги билан бу ерга бошлаб келди. Бошқалари кетиб, якка ўзи қолганидан бу пайтда тиррақи бузов анча-мунча ўзига келиб қолган, семирган; индамай-нетмай, эгасига билдирмай киройи етаклаб кетса бўладиган ҳолга келганди. Ўзи бу маҳалда ана шунақа етилган моллар дала-туздами, боғлоқлик турган жойидами кимларгадир бебилиска эргашиб кетиб қолишар, сўзлашни билмаганлари учун тиллари ниҳоятда щирин қовурдоқ бўладиган бу ҳаром қотгурлар ақалли маъраб ҳам эгаларини огоҳ қилишга қурблари етмасди: садқаи шунча ем, садқаи шунча хашак, аслида уларга эга эмас, бир қулоч бошвоқ кифоя экан. Аслини олганда, ана шу эгаларининг ҳам бўйинларига бошвоқ солса бўлади-ю, негадир шундай қилишмайди; шундай қилишмайди деймиз-у, тузукроқ синч солишга, теварак-атрофга тузукроқ қарашга эринамиз; агар эринмаганимизда, бу гапни айтмаган бўлардик; ҳуда-беҳуда сўзлаб гуноҳ орттиришга не ҳожат; ҳа-ҳа, қаранг, қаранг, ҳеч шошилмай-ошиқмай назар ташлайверинг, ана шунда кўрасиз, кўриб ўзингиз ишонч ҳосил қиласиз, уларга бошвоқнинг ҳеч кераги йўқ, бу арқонлар уларнинг бўйинларида кўпга бормай чириб тушади, уларнинг бўйинларида бошқачароқ атайлаб ўйлаб топилган, атайлаб кўзга кўринмайдиган қилиб ишланган, пишиқ-пухта, узилмайдиган, борган сари тобора маҳкамроқ ушлайдиган бошвоқ бор-ку; борган сари тобора маҳкамроқ қисиб оладиган, ўтиб кетган абосидан тугилажак авлодигача етадиган ниҳоятда узун, ниҳоятда чексиз, ақл бовар қилмайдиган, кўз илғамайдиган... эй, ноқис, сенга сўз сўзлашни ким қўйибди!

Ўнта қозигу ўнта арқонни яхши ниятда охурга ташлаб қўйган амаки эрталаб туриб қарасаки, хизматдаги битта қозик қолибди, холос; арқон-парқони билан илгариги тиррақи бузов, ҳозирги каттакон ҳўкизни ўғирлаб кетишибди.

Улган ўнтасининг алами уғирланган биттасининг олдида ҳеч гап бўлмай қолди. У аввалига, қозикдан ечилиб кетгандир, деган ўйда, юраги ортга тортганча, ортга тортиш нима бўпти, тўхтай-тўхтай, ҳовлини бир сидра қараб чиқди, қараб чиқди-ю, фойдасизлигини сездди.

Ундаям кейинги пайтларда акасининг яхши фазилатлари бош кўтара бошлаганди, неки алам ўтса, дарров хотинига ёпишарди. Учоқ бошида куймаланиб юрган хотинига ўдағайлай кетди:

— Падарлаънат, мол қани? — молнинг йўқлигини ўзи кўриб-билиб келган бўлсаям, кўриб-билмаганга бўкиргани галати чиқди.

Эрининг авзойини кўриб, хотинининг капалаги учиб кетди.

— Оғилда йўқми? — дея базўр сас чиқарди.

— Оғилда онангнинг эри ўтирипти, — деди эр шунча яхшиликлар кўрсатиб кетган марҳум қайнотасининг руҳини беҳад шодлантиришга киришиб.

Яна кўп ношоён сўзлар, бошқача бақир-чақирлар ҳам бўлдики, муаллифнинг асаблари ниҳоятда сустлиги; чиройли, оҳанжомали гап-сўзларга ўрганганлиги-ю, очиқчасига тоби-тоқати йўқлиги; бир сўзни айтишдан аввал уни минг тарозига солиб, елкасидаги фаришта-ю, шайтонларга ҳам бир-бир кўрсатиб олиши, уятчанлиги туфайли андиша-истихолаларга керагидан ортиқ бориши; устига устак, но-зиктаъб ўқувчиларниям босинқи тушга ўхшаш бундай ҳаётни тасвирлашдан кўра ишқ-муҳаббат бобида жиндаккина кўз ёшлар, каттароқ эҳтирослар, эркалашлар, қайноқ бўсалар, қизишиб кетганда буларгаям қанот қилмай тоза тўшаклар, жавлон уришлар, ҳансирашлар, аразлар, қувончлар, пул беришлар, пул олишлар: ўртада нималардир сотилгани-ю, сотилган матоҳнинг яна эгасида қолавергани ҳақида тузукроқ асарлар талаб қилиб туришгани сабабли; булардан ташқари, муаллифнинг ўзиниям сиз каби қорни очқаб чучвара хаёлида ўтиргани учун қолганини айтмай қўя қолди. Боз устига, эринчоқлиги тутиб, жабрдийданинг мелисагача борганини ҳам тузук-қуруқ ифодалай олмади.

Шу кунни ҳеч қутилмаган ҳодиса юз берди: мелисадагилар уйқудан унг томонлари билан турган эканми, жабрдийданинг арз-додини диққат билан эшитишиб, шитоб билан ишга киришишди.

Йўқолган жонивор топилгач, қайларгадир жўнаворишган ўнта қардошини ҳам етаклаб келгандек бўлди, амакининг боши шоён кўкка етди, қўлидан қашлағични қўймай жониворнинг жонини киргизиб қашлайверди, айниқса, қорни-ю биқинларини алоҳида меҳр билан қашлади, бу машғулотни билан шу қадар овора эдики, мелисалар олдида солиб кетишган уч безори ўғри, инчунин, Тошмурад билан ҳам иши йўқ, қашлайверди.



Кечкурун кўни-кўшнилари кириб келишди.

Улар негадир жониворнинг топилганидан унчалик хурсанд эмасдай кўринишди.

— Чатоқ бўпти-да! — деди Аливой деган тракторчи очик-ойдин. — Акангизнинг ёлғиз ўгли — эшитган қулоққа уят, мелисага бормасангиз ҳам бўларди...

— Э, мен невай? — деди амаки худди ёш бола араз ургандек тўмтайиб. Сўнгра ўша кўни юраги тўхтаб-тўхтаб қолгани ёдига тушдим, бехосдан ҳовриқиб, тўнни тескари кийиб олди. — Менга деса турмада чириб кетмайди-ми? — деган эди, қайнота-қайнонасининг ва молларининг қайларгадир жўнаворишганига ҳам шулар айбдор, деган фикр миясидан кечди. — Мен шунақа эдимми, а; мен шунақа эдимми, а?! — дея тепсина бошлади. — Мени хонавайрон қилишди, ўзларининг ҳолларига солишди...

Келганларнинг дилларидан «сени ҳеч ким хонавайрон қилгани йўқ; сен ўзинг аслида шунақа эдинг, вайрон жойда бини бўлган бир вайрон эдинг» деган фикрлар «йилт-йилт» этиб ўтди-ю, тилга кўчмади, алоҳа, тилга кўчгани билан фойдасиз эди; чунки, бу одам, қарисан-қартасан — асли наслингга тортасан, деган мақолни эшитмаганди; борди-ю эшитган бўлсаям, «буни бошқаларга атаб ўйлаб топишган, менга даҳли йўқ, деб ўйларди; бундай ўйлашининг сабаби шунда эдики, у ҳозирни кўрар, ҳозирнинг ташвишини қилмоқчи бўлар, ўтмишу насл-насаб, келажак авлод ҳақида катта бошини кичик қилиб эслашни-ўйлашни хоби-хотирига келтирмасди.

— Ўтган йили унта молингиз ўлди, бирор жойингиз камайиб қолдими? — деди ҳамшиша оғзи қулоғида, хандон-хушон юрадиган. Илёс исмли эллик ёшлардаги қоп-қора бир одам, камайган-камайганини жуда яхши биладигандек бир алпозда; сирасини айтганда, Илёсвойнинг ҳамшиша тиззасию тирсаги тўзиб-йиртилиб юрар, унинг камайиб-кўпаядиган ҳеч вақоси йўқ, шунинг учун бовар этолмас, бу ҳақда мулоҳаза юритиши ё ақл ўргатиши, албатта, кишига малол келарди. Айниқса, киши дову дунёсини зулмат чулғаб турган амакига ўхшаган бўлса, бу ортиқча гап учун уни уйдан ҳайдаб чиқаришга ҳақи бор эди; аммо, бу кўшни минг йиллик кўшни эканлиги боис, устига устак амакининг ўзиям бу кишлоқнинг одами бўлмагани учун ҳамшиша тили қисик, тили қисик бўлмасаям ҳар доим ўз-ўзини шундай ҳис этар, кўп ҳолларда худди ҳозиргидаги каби бир ола қараб кўйиш билан кифояланиб кўя қоларди.

Кўни-кўшниларидан ҳеч қайсиси ўғрилардан негадир нафратланишмас, қайтанга уларга ичлари ачишиб оҳ-воҳ қилишар, эзилишар, гўёки ўғирлаганлар эмас, ўғирлатган айбдордек: гўёки пашшадек нарсани филдек қилиб мелисагача кўтариб борган амакидан ёзғиришарди; чунки, амаки даъвосидан воз кечса ҳам мелисалар воз кечмаслигини;

чунки, мелисаларнинг воз кечмаслиги олдида бир жондор хуни ҳеч нарса эмаслигини айтишарди. Ҳеч бирининг гуноҳи йўқ, дейишарди; ҳамма гуноҳ уларни ўғирликка мажбур қилганларда, дейишарди-ю, бу мажбур қилганлар ким экан, деган саволга жўяли жавоб айтишолмасди; ҳаммасиниям назарида, у катта куч кўзга кўринмас, у қайдадир узоқда, жуда узоқда бўлиб туюлар, у ҳаммани кўриб-билиб, ҳолаҳволидан хабардор бўлиши керак ҳолда ҳеч кимни кўрмаётганлиги, ҳеч кимнинг ҳолаҳволидан хабар олмаётганлиги одамларни ажаблантирарди, ҳолос.

Қўни-қўшнилар чиқиб кетишгач, қишлоқнинг оқсоқол-кўксоқоллари келишди. Бу оқсоқол-кўксоқоллар уч киши, учовиям пала-партиш кийинишган, учовиниям ўйида сичқонлар ҳассага суяниб юришар, лекин, йўғини яшириб, борини ошириб юрадиганлардан бўлганлари учун иззат-ҳурматлари жойида, сўзлари кесар эди. Улар маърака-маросимларда бош, ҳар бир хонадонда нима бўляпти-нима қўяпти, хабардор эдилар.

Улар жабрдийда билан беписанд кўришишди, уйга ҳам киришмади. Худди биринчи марта кўраётгандай ҳовлининг уён-буёнига назар солишди; бир-бирларига им қоқишди, имо-ишоралар қилишди, «раҳматли ҳаёт эканлигида фалон нарса пистон жойда эди, анаву мана бундай эди», деб, бир-бирларига кўрсатишди, бир-бирларига гап маъқуллашди. Уларнинг бу тарзлари ғалати эди, худонинг ўзи кечирсин-у, худди раҳматлини тирилтириб келиб, бизга бу ёқмаяпти, ҳовли-жойингизни, жойу жалолингизни яна илгаригидек, ўз ҳолига келтирмасангиз илож йўқ, деяётгандек бўлишарди.

Кейин ҳовлининг ҳозирги эгасига тасодифан кўзлари тушиб қолгандек, ие, бу нима қилиб юрибди бу ерда адашиб, дегандек, ажабланиб қарашди. Шу қараш баробарида жуда нохуш ҳол юз берганини эслашди, эслашди-ю, қовоқ-тумшуклари осилиб кетди. Жимликни новчалигидан Даканг лақабини орттирган, товуши йўғон бўлгани билан кўнгли бўш бир оқсоқол бузди:

— Хо-ош, энди-и... жиянни нима қилдингиз?

Амаки, мен жиянни ҳеч нарса қилганим йўқ, нимаики бўлса, ўзига ўзи қилди, дегандай кифт қисди.

Иккинчи оқсоқол калта соқолини тортиб узайтирмоқчидай тутамлаб-тутамлаб қўяётган, жуссаси жиккаккина бўлгани билан бир вақтлар ичи фитна-фасодга, турли гийбатларга тўлиб-тошган, ўзидаги бу иллатни қариганда туйқус пайқаб, хижолат чекиб, қолган умрида уларни қириб ташлашга бел боғлаган, энди бирини йўқотдим деса иккинчиси бош кўтариб билдирмай ўз ишини қилиб кетаверишидан изтироб чекиб юрадиган одам эди. У, кўпинча бармоқларини букиб-букиб, нечага кирганини ҳисоб-китоб қилиб қолар, етмишга кирибман, деб ҳаммани ишонтириб бўлгач,

кўп ўтмай ўз хулосасидан тонар, йўқ, роппа-роса етмиш бешни уриб қуйибмиз, дерди. Ишқилиб, етмиш йилми, етмиш беш йилми фақат ичидаги иллатларни боқиб-парваришлаб, семиртириб юборганидан улар ажриқ томиридай ботинини ўраб-чирмаб олишган, бечора энди қутуллолмай ҳалак эди. Томир сугирилганда ўзи билан анча-мунча тупроқ илаштириб чиққани каби бунда ҳам кичкинагина бир иллатни ўз-ўзича ўлдириш мушкул; анча-мунча қон йўқотишга, йўқотилганининг ўрнини тозаси билан алмаштириб туришга тўғри келар эди.

— Дуруст иш бўлмапти, яхши иш бўлмапти! — деди ҳозир ҳам қандайдир фитнани кўзгашга ич-ичидан ёқимли истак, мойиллик сезиб ва буни пайқаб қолганидан дарҳол тилини тишлаб, учинчи оқсоқолга ўғирилди: — Ўзингиз бир нарса денг-да!..

Учинчи оқсоқол ўрта бўй, кенг пешонали, келишган одам эди, шунча сифатлари устига яна ақлли, оғиркарвон, мулоҳазали эканлигини ҳам қўшсак, ҳеч иккиланмай, бундай одамни экспонат сифатида музейга қўйса ҳам бўлади-ку, дея ҳовриқиб қолишингиз мумкин. Ҳовриқманг. Ана шу одам бир вақтлар зўр чавандоз ҳам эди, остидаги оти юлдузни кўзларди. Кўз текканми, атай қилинганми, аввалдан тузук-қуруқ эҳтиёт чораларини кўришмаганми, ишқилиб, талотўнда, улоқни оламан деб энкайган пайти эгар ағдарилиб кетиб, у учиб тушган. Боши билан заранг ерга урилган. Аслида, йиқилганда от ёлини тўшайди, эшак тўёгини, деган доно мақол бор-у, боши заранг ерга урилса, анча-мунча серёл отнинг тўшаган тўшамасиям қор қилолмай қоларкан. Шу-шу биттаю битта экспонат-одам ҳам баланд токчага қўйилган, тасодифан тушиб кетган ўн иккинчи асрнинг сопол кўзаси каби чил-чил синди; тез-тез ҳушини йўқотиб, кузлари олайиб юрадиган бўлиб қолди. Кўза қимматли ёдгорлик бўлгани учун сопол синиқлари ҳам кўчага чиқариб ташланмаганидек, бу одамнинг ҳам бир вақтлардаги катта иззат-обрўсини сақлаб, оқсоқоллар сафига қўшиб қўйишганди. Кўп ҳолларда ундан чиққан маслаҳатнинг тескарисини қилишса, ҳаммаси жой-жойига тушиб кетишини кўриб, қойил қолишарди. Булиб ўтган воқеани унга йўл-йўлакай тушунтириб келишганига қарамай, у ағнимагандай ҳар иккала ҳамроҳга эринчоқлик билан базўр бир-бир қараб чиқди. Кейин нима гап-сўзлигини илкис эслаб қолди шекилли, томдан тараша тушгандек:

— Қамалса қамалсин! — деди.

Жабрдийда бу гапдан суюндими-суюнмадими, унчалик ажрим қилиб бўлмай қолди. Лекин икки оқсоқол бирданига «қамалса биз учун шармандалик, фалон қишлоқда яшайдиган фалончи ўз жиянини битта сигир деб қаматибди, деган гап-сўзларни кўтариб юриш оғир; мана, чавандоз ҳам тескарисини тўппа-тўғри айтиб турибди» деб ўйлашди.

— Ана-а! — деди новча оқсоқол юпқа лабларини чапиллатиб. — Нимаики бўлмасин, бориб даъвонгиздан кечинг; нимаики бўлмасин, жиянни чиқариб келинг, ахир қонингиз би-ир...

— Шундай бўлсин! — жиккак оқсоқол тасдиқлашдан нарига ўтмади; у ҳали-ҳануз фитнаангиз бирор сўз айтиб юбормоқдан ичида кўрқиб, ўзини тийиб турарди.

— Менинг даъвойим йўқ! — деди амаки негадир оқсоқолларга жаҳл қилиб.

— Буни бизга эмас, ҳукуматга бориб айтинг, — насиҳат қилди новча оқсоқол.

— Билсангиз, бу гап-сўзлар бизнинг қишлоғимиз номига, раҳматли қайнота-қайнонангиз шаънига дуруст эмас, — ҳарчанд сўзламасликка уриниб турган бўлсаям жиккак оқсоқол ўзини тийлмади. — Эски замонда Мамаюсуфбойни қавму қариндошлари калхўзга кирмади, деб қулоқ қилиб юборишганини ўзингиз ҳам эшитгансиз, ҳали-ҳали гапиришади. Бечора Сибириё бўлиб кетди. Кимга фойда-ю кимга зиён? Қавму қариндошлариниям ер ютиб кетди: калхўз аро киролдими, калхўз миннатдор бўлдимми, калхўз қабртош қўйдими? Бэ?! Ёғ еганда ёт яхши, қон ичганда қариндош — одамнинг одамлиги шунда билинади...

Бу гаплар собиқ чавандозга ёқмади. Сафсатадек туюлди.

— Э! — деб қўйди.

Жиккак оқсоқол дарров тилини тийди. Маълум бўлдики, собиқ чавандознинг ҳалиям айтгани-айтган, дегани-деган экан. Бу хитоб унинг оғзидан шунчаки чиқиб кетган бўлсаям, ёнидагилар ундан оламжаҳон маънолар топишди: новча оқсоқол бу хитоб баҳонасида «гапни гапир уққанга» деган мақолни эсласа; жиккак оқсоқолнинг дилида қарама-қарши фикрлар бош кўтарди, гапимни бўлиб бу миясини еган чавандоз нима демоқчи экан, деб ўйлади; яна ўйладики, чавандознинг буларга аввалдан адовати бормикинки, яхши-яхши гапларимизни тинглашга қўймади, деб.

Шундай-шундай гапларни гапиришиб, улар бу ерни тарк этишди.

Дарвозадан чиқаётиб, яна ортларига ўгирилишди, яна ҳовлининг ҳар томонига синч солишди, қайсибир дарахт остиданми, ҳў-ўв бостирмаданми... бирор ёқдан раҳматли ҳамқишлоқларининг чиқиб келишини кутгандай, шуни истагандай, э, оқсоқоллар бир кеп қопсизлар, уйга қирмай кетиш йўқ, дея жилмайиб-жилмайиб қўлларидан ушлаб етаклашларини соғингандай бўлишди: ҳақиқатан ҳам, худди шу заҳоти қўллари живирлашиб кетгандай туюлди, кўзларидан ёш қўйилди.

Бунча омонатсиз, бунчаликлар мўртсиз, эй, яхши **ОДАМ?!**

Амаки роса ўйлади.

Қанча ўйлагани билан аниқ тўхтамга келолмади.

Бунга ўғирланган жонивор сабаб эди.

Нега деганда, амаки сураётган ҳар қандай олижаноб ҳаёл орасигаям бу лаънати олқиндидек суқилиб кириб олар, халақит бераверарди.

Эртаси куни у қўни-қўшниларнинг гап-сўзларидан, оқсоқол-кўксоқолларнинг газабларидан кўрқибми-ҳайқибми, мелисахонага борди...

## ИККИНЧИ БОБ

Назоратчининг хотини — қирқ беш-эллик ёшлардаги аёл, сочлари оппоқ оқариб кетган, юзини қалин ажинлар кавлаб ташлаган, қўллари косовдек, кўринишидан етмиш-саксонларни қоралаган кампирга менгзагулик эди. Катта-катта кўзларигина бир маҳаллар чиройли бўлганлигидан нишон бериб турар, қувонч нималигини билмаганиданми бу кўзлар ҳамиша мунг билан боқар, дунё билан, теваарак-атроф билан заррача кори йўқлигини кўрсатиб тургандай эди. Эгнидан ҳамиша бир хил — ранги ўнгиб, туси учиб кетган чит кўйлак тушмас, оёғидаги тош калишу бошидаги румолгача ана шу кўйлакка мос эди.

Ҳозир у учоқ бошида, чўғланиб турган оловга боққанича дувиллаб оқаётган кўз ёшларини тиёлмай ўтирарди. Назарида, Тошмуроди ана шу чўғ орасидан чиқиб келаётгандай, шу чўғ орасида юргандай туюлар, шунданмикан, у тунж ҳайкалдек қотиб қолганди. Нафсиламбрини айтганда, ҳозир у ҳайкал бўлганда тузукроқ эди, борган сари қоврилиб-ёнаётган дили олдида ўчоқдаги олов бир тоғора муздай эканлигини тузукроқ синч солган ҳар қандай одам фаҳмлаб оларди. Аёл бугун супрада қолган ун юқларини қоқиб-суқиб чақалоқ муштичалик хамир олган, шунга ёйиб қотирма пиширмоқда эди. Хаёлида бу қотирмани пишириб бўлиб, ярмини ишга кетган эрига қолдиришни, қолган ярмини ўғлига етказишни мўлжалламоқда эди; бироқ, у ўғлини қаерга олиб кетишганини, қаерга қамаб қўйишганини билмас, ордан беш-ўн кун ўтиб кетганига қарамай, бунга эридан сўрашга юраги дов бермас, ўзи гап очиб қоладими, деб эртаю кеч оғзини пойласа ҳам эридан садо чиқмасди. Аёл унта саволга базўр битта жавоб қайтарадиган камгап, теваарак-атрофда бўлаётган воқеа-ҳодисаларга, инсонларга, ҳатто энг яқин кишиларига (аслида, яқин кишиси бормиди?) ҳам бепарводек кўринса-да, у савқи табиий ҳис-ла эрининг ўғлига муносабатини аниқ, беҳато илгарди.

Тошмурод ўғрилиги учун қўлга олиниб, қамаб қўйилганлиги ҳақидаги хабар етиб келгач, эрининг юз-кўзларида аллақандай оталик ҳиссига ҳеч-ҳеч қовушмайдиган, ана-а, айтмадимми, дегандай, ўз айтгани келганидан боши шоён кўкка етган одамлар қиёфасида буладигандек ўзгаришлар

зухурланганини аёл тўсатдан пайқаган, даҳшатга тушганидан индамай қолганди.

Агар, аёл зийракроқ бўлганида, эрини ўглининг ўғрилигидан ҳам кура кўпроқ нима учун унинг айнан ўқасиникига тушгани ажаблантираётганини сезган ва шу томонга куч бериб, унинг ўғлига муносабатини ўзгартириб юборган бўларди: албатта, бунинг учун бироз худбинлик, бироз қувлик, бироз тошбағирлик каби ҳозирги замон одамларининг ноёб фазилатлари зарур эдики, аёл буларнинг барчасидан мосуво, билиб олгани, суянгани йиғи эди, холос. Эрининг эса бадбин ҳаёлидан ўқтин-ўқтин Тошмурад (ўғлим, дейишга тили бормасди!) қасдимни олиш учун шундай қилганмикан, деганга ўхшаш бир нималар гивирлаб утиб қолар: қанақа қасд эди, деб сўралса, шўринг қурғурнинг ўзиям тузук-қуруқ тушунтириб беролмасди-ю, шундаям, барибир, бу ҳол ҳукумат олдида ўзининг ҳам жавобгар эканлигини англантишидан кўрқиб кетарди.

Етмагандай, касбу коридан келиб чиқиб, ўзини жиноятчилар билан курашиб юрган музаффар баҳодир, оппоқ одам деб билганлиги; айтилган йўлдан бир қадам ҳам четга чиқиш мумкин эмас: ушлашибдими, демак, у қоп-қора, у гуноҳкор; унинг орасига кирганларнинг бари гуноҳкор; кеч-маса, ота-онасиям гуноҳкор, деган мужаррад тасаввурларга канадай ёпишиб олганлиги ўғилга заррача бўлсин-да раҳм-шафқат кўрсатишига изн бермасди.

Назоратчи ўйласа, Тошмурадининг гуноҳлари кўп эди.

Аввалроқ у отасини, ота эканлигини-ку қўяверинг, поста турадиган шундай одамни қўриқчига ўхшатиб, катта жиноят орттирганди назоратчининг назарида.

Буни кечириб бўладими?

Албатта, йўқ.

Бунақа гаплар учун жиноятчини олдинда нималар кутишини назоратчи яхши билади.

Кейин бу воқеа бўлди...

Назоратчи, ўқаси билан ўғлини сўзларимга қулоқ солишмагани учун шу кўйга тушишди, деган гапларни очиқдан-очиқ айтарди-ю, нарироққа ўтмас, шунинг ўзи билангина қаноатланарди; бу доирага ўзиниям қўшиши лозимлигини ҳеч-ҳеч ҳаёлига келтирмасди. Балки, ўғлим мендан қасдини олиш учун шундай қилгандир, деган, аслида жуда тўғри булган бу фикрни на худо (ҳозирча!), на бандаси унинг кўнглига солишарди. Шу чоқда, ҳа, ҳа, айни шу дамда бу фикр унинг кўнглига солиниши керак эди, унинг юмук кўзларини зўрлик билан очиб бир нур эндирилиши лозим эди; нега бундай булмади, азизлар; азизлар, деймиз-у, бу азизларнинг фақат ўзлари учун азиз эканлигини кўриб афсус чекамиз; шу азизлигингиздан анаву одамгаям бир чимдим юқтирсангиз-чи, дейишдан ўзимизни тиёлмаймиз; шундай эмасми, инсон ҳаёти ҳақида том-том китоблар бит-

ган нависанда жаноблари; сиз бунча кўп куйинасиз, бани башарият тақдирдан бунчалар оқ урасиз, курраи арзни кичик каллангизга жойламоққа нечук уринасиз, хаёлингизни бунчалик юксакликларга парвоз эттирасиз, бунча кўп ёзасиз, бир жагингиз очилса нималарни гапириб ташламайсиз, алмойи-алжойи услубларингиз ҳақида бунча кўп сафсата сотасиз, қачон анаву юмуқ кўз-ёпиқ деразани жиндаккина бўлса-да очиб бир қатим нур эндирасиз; бу юмуқ кўз-ёпиқ дераза ортини босиб кетган могорларни қандай кўра олдингизки, айтиб берасиз?

...Аёл чўғларни косов билан ўчоқ ичидан ташқарига чиқариб, бир жойга тўда қилди, сўнгра қозондан қотирмани олиб, теграсини шу чўғда қизартира бошлади. Ҳар гал у кўлим куймасин, деб қотирмани сочиқ билан ушлаб айлантирарди, бу сафар шундайича ушлади, қотирма-ку қотирма, кафтларига ҳозир лахча чўғ қўйилсаям пайқас қилмасди. Кўз ёшлари қуриб, паришон бўлиб қолган, хаёли аллақарларга оғиб кетарди.

Қотирмани қизартириб бўлгач, тенг иккига ушатди-да, уйга кириб ярмини кўрпаси олиб ташланган танча устига қўйди.

Беихтиёр танча четига чўккалаб қолди.

Анаву бурчакда ўғли ўтирарди.

— Тошмурод! — шивирлади она лаблари.

Ўғли кўпинча ҳар хил китобларни ичида жимгина ўқиб ўтирар, кўзлари йўл кўраётгандай хаёлларга берилиб кетарди.

Аёлнинг кўзи токчада ётган қандайдир китобга тушди-ю, дарров уни қўлига олди, ҳидлади, ўғли қаршисида, танча бурчагида ўтиргандек туюлди; аёлнинг лабларига табассум дориди, жилмайди, жилмая туриб, фарёд уриб йиғлаб юборди. Йиғлай-йиғлай, худди ўғли китоб ўқиганда варақлагани каби китобни варақлай бошлади, ҳар саҳифасига узоқ-узоқ термулди, ҳарфларнинг кўплиги кўзларини жимирлатиб юборди, ўқишни билмагани учун бунчалик кўп нуқтачаларни қандай қўйиб чиқишганига ажабланди; кейин ҳар саҳифани ҳам ҳидлай бошлади, ундан ўғлининг кўз нурларини қидираётгандай бўлди, бармоқлари билан пайпаслади, ана шу пайпаслаши баробарида ўғлининг бармоқ изларини топиб олишга, топиб кўзларига суришга уринаётгандай эди.

Аёл ўғлини қандайдир мудҳиш ҳол кутаётганини ич-ичидан пайқарди. Қўни-қўшниларнинг гап-сўзлари ҳам унинг гумонларини тасдиқлаб турарди. Қўни-қўшнилар айтишардики, эрингизга айтинг, ҳаракатини қилиб Тошмуродни олиб қолсин (ўзлариям ўша ерда ишлайдилар!), иш судга ошса мушкуллашади, қаматиб юборишлари мумкин, дейишар; улар ўзларича қанча кўйиб-пишишмасин, меҳрибончиликлар кўрсатишмасин, аёл бу гапларнинг бирортасини ту-

зук-курук англамас, бош қимирлатиб, тасдиқлаётгандай кўринса-да, ҳаммаси у қулоғидан кириб, бунисидан чиқиб кетаверарди.

У, шу кунларда эридан қандайдир ҳаракат лозимлигини билар, унинг худди илгаригидек тепса-тебранмас бўлиб бо-раверишидан таҳликага тушарди.

Тошмуроднинг шериклари синфдошлари экан.

Бировининг отаси утган йили маккажўхори орасига экан бир туп гиёҳли ўсимлик билан қўлга тушиб қамалиб кетган эди.

Эрининг ғамидан адои тамом бўлаёзган аёлга энди буниси етмай турган экан.

Муштипаргина... ўзининг қўлидан ҳемириям иш келмаслигини билиб, олтита норасида болаларини орага солиб, йиғлай-сиқтай назоратчининг олдига келди, унинг оёғи остига йиқилишга тайёрлигини ўз оғзи билан айтди, фақат болагина чиқариб юборилса бўлди экан, ўла-ўлгунча ўша чиқариб юборганларнинг дуойи жонини қиларкан, керак бўлса, кир-пирларини ювиб беравераркан, мол-ҳолларига қараркан, қўлидан нимаики келса аямасакан, лекин бирон тийин беришга ҳам қурби етмаскан, чунки бирон тийинни тушидаям кўрмаган экан.

— Отаси атай экмаганди ўша зор қолгурни, — деди аёл ўша ўсимликнинг номини тилга олишнIAM истамай. — Гектар-гектар экканлар қолиб, келиб-келиб бир тупгинасига қараб қолган етимчани тутиб кетишди, — энди у эрини етимча деб атай бошлади. — Шуям бошқалардек кун кўрса, бошқаларга кулиб боққан офтоб шугинаниям елкасига тегиб ўтса нима қиларди-я? Мана, энди Ёвонми-Ёбонми деган қайсибир жойига олиб кетишипти, бориши икки кунлик йўл эмиш. Ким борарди у ёққа? — аёлнинг кўзларида қандайдир чексиз алам кўринди. — Ўлиб-нетиб қолсаям хабар тополмаймиз. Ёки ўзлари олиб келиб беришармикин?

— Ўлса, ўзлари олиб келиб беришмайди, — деди назоратчи хотиржамлик ва шафқатсизлик билан. — Ўликхонада уч кун кутишади, ана шу уч кун ичида эгаси чиқса чиқди, йўқса ўзлари эпини қилишади... ёқишса керак, менимча.

Бу гапни эшитиб аёлнинг кўзлари олайиб кетди. Ранги оқарди. Энди ўғлиниям эрининг ҳолига солиб қўймаслик учун уввало ялина бошлади:

— Умрингиздан барака топинг, шу болагиларни кутқариб чиқинг; катталарга би-ир гуноҳларини кечиринглар, иккинчи бу номаъқулчиликни қилишмайди, деб ўзингиз айтинг. Сиз ҳукумат одамисиз, ҳукуматга хизматингиз синган, гапингизни ерда қолдиришмайди... Майли, она-бола, ўла-ўлгунча хизматингизни қилайлик — қул қилиб олинг, айланай, қарол қилиб олинг, ўргилай, бу балодан кутқазинг; учовигинасиниям олиб чиқинг, олдингизга утирғазиб



насиҳат қилинг, уринг-сўкинг, кўрқитинг, зора-зора гапингизни олишса, одам бўлишса... и-инималар деяпман, нега гапингизни олишмас экан, шунча яхшиликлар қилиб қуйган одамнинг гапини олмай бўларканми... ва ҳоказо.

Аёлнинг узундан-узун гап-сўзларидан шу нарса аёнлашдики, боёқиш болаларга тўғри йўл кўрсатувчи раҳнамо бўлса, ишлатса, қоринларини тўйғазса, бу номаъкулчиликни ҳеч-ҳеч қилишмаскан; аммо, билишича, ҳозир ўзларини раҳнамо деб гумон қилиб юрганларни худо учасидан уриб кетган экан, ҳаммаси ўз нафси-ю, ўз ғами билан банд экан. Аёл илгари буни билмас экан-у, аммо, ўша куни, эрини қўлга олишганда жуда яхши билиб олипти, билиб олгани билан фойда йўқ — осмон узоқ, ер қаттиқ экан. Қўлга олганлар ўшанда бир-бирларига кўз қисишипти, имо-ишоралар қилишипти; қани, бизни рози қилмайсизларми, дегандай бўлишипти уларнинг шип-шийдам уйларида сичқонлар ҳассага таяниб юришганини ўз кўзлари билан кўриб-билиб туришса ҳам. Ана шунинг учун ҳам, қоққани қозиклари, оғгани хурмачалари йўқлиги учун ҳам эри кимларнингдир сўзига учиб, бир синаб кўриш ниятида бу иш билан атай шуғулланувчилардан, бунинг номини еганлардан, бунинг кетидан ошиб-тошиб миср бўлиб кетганлардан уруғ олиб ўша касофат бир тупни кўкартирган экан, ажални, ўзининг ажалгинасини кўкартирган экан. Эрини ҳибс қилмоқчи бўлганлар у уруғни қаердан олганлигини ҳам жуда-жуда яхши билишаркан, фалон жойдан фалончи акадан олдингизми, деб фалончи аканинг номини хурматлаб айтишипти, хурматлаб айтишгани билан кейинги пайтларда китмир бўлиб кетяпти, фақат артист қизларга сочоди, холос, дея бир-бирларига пичирлашганини аёл эшитиб қолипти, эшитиб уялиб кетипти, эшитмаганим яхши эди, депти, артист қизларгаям ичи ачипти аҳволи бундайчанги бўлиб тургани билан. Ҳибсчилар гапни ўз томонларига, ўз фойдаларига айлантиришаверипти. Ушанда ҳовлида эру хотин ва тўртта мелисадан бўлак ҳеч ким йўқ, ими-жимида, яхши гапириб, қарз-қавола қилсаям битта ошни пишириб, иккита ароқни кўйиб, қўлларига оз-моз қуруғидан кистириб юборилса, олам гулистон бўлар экан. Аммо туйқусдан эрининг жини келиб қолипти, шундай келиптики, ҳеч қайтариб бўлмай қолипти, арқонни узипти, битта калтафаҳм доно айтгандай. Ўзи шусиз ҳам елкалари йиртилиб, эгнидан тўкилиб тушай деб турган яктагининг ёқасидан ушлаб торс иккига бўлипти, қоғоздай парча-парча қилиб йиртиб ташлапти, ярим яланғоч бўлиб олипти. Ана иннайкейин томоша кўрсатипти. Оғзига келганини қайтармапти, мана, қамасаларинг мени обориб қаманглар, ўша ерда устимдан тупроқ тортиб кўя қолинглар, депти; унинг бақиршидан кўрқишиб, дағ-дағ титрашиб, қалтирашиб, ҳовли узра изиллаб чопишаётган-югуришаётган болаларини худди уларда қас-

ди бордек, бир-бир ушлаб олиб ураверибди-ураверибди; болаларнинг бақирешлари олам жаҳонни бузипти; ҳамиша бошини эгиб, ҳамиша нималарнидир ўйлаб, яхши гапгаям-ёмон гапгаям илжайибгина қўя қоладиган эрини, кўз очиб кўрганини йигирма йил турмуш қуриб аёл бу аҳволда энди кўриши экан: шунинг учун унинг бу важоҳатидан тамоман эсанкираб-кўрқиб қолипти, бирон нима дейин деса ўзининг қашқатаёқ қилинишини сезипти, калтақдан ҳам кўра эрининг оғзидан бўлар-бўлмас гаплар чиқиб кетишидан кўрқипти, индамапти. Болаларни тирақайлатиб бўлгач, эри энди мелисаларга ёпиша кетипти, сизлар ўзи кимсизлар, менинг ҳовлимга бостириб киришга нима ҳақларинг бор, депти; ҳукуматларинг мен учун нима қип қўйдик, хўжайинчилик қилади, депти; ҳукумат-пукумат йўқ, депти; ҳукумат ўлган, депти; сизлар ўлган оталарингизни кўмиш учун га-дойчилик қилиб юрибсизларми, дея қаҳ-қаҳ уриб кулипти; бақир-чақирни эшитганлар яқин-йироқдан югуриб келишипти, ўзлариям хўп хангоматалаб бўлиб туришган экан, кейинчалик маълум бўлишича. Томоша бўпти, томошагоҳ бўпти, фақат ер ёрилмапти, чоғи келмай қопти уния. Мелисалар кулиб туришаверипти, кулиб-кулиб аҳли оломонга қараб айтишиптики, ана-а, кўрдиларингизми, бизни кўпчиликнинг олдида ҳақорат қилди, энди олиб кетмай иложимиз йўқ, дейишипти; кўпчиликни ҳурмат қилишипти, одам ўрнида кўришипти кўпчиликни; халқ аташипти уни, халқимиз, деб гапиришипти, гап тақалиб битта одамга келганда тариқчалик менсишмапти уни, халқ баҳт-саодати йўлида битта-яримтанинг қурбон бўлиб кетиши биз учун ҳеч нарса, дейишипти; икки оёқни бир этикка тиқишипти — биз ҳам одам эдик, тушунардик, кўнардик деб; тушунтиришмагани, кўндиришмагани учун; одам эканликларини қандайдир йўллар билан эсларига солиб қўйишмагани учун надоматлар қилишипти; нафсламбрини айтганда, уларнинг ҳам одам эканликларини бот-бот эсга олиб, эсга солиб турилса яхши экан, рўзгорнинг гор эканлиги, текинга пашша офтобга чиқмаслиги ҳақидаги гаплар беҳуда тўқилган чўпчак эмас экан.

Кейин улар ҳовли узра чарх ураётган; худосиям қолмай, бандасиям қолмай, шоҳиям қолмай, гадосиям қолмай... барини маломат тошларига нишон қилаётган, қирқ-қирқ беш йиллик умри давомида жимгина яшаганининг ҳақини энди ундириб олмоқчи бўлгандай, кўзларидан жунунваш олов сачратаётган, шу асно жунбушга келган кучини қаерга сарфлашни билмагандай экинларни томир-помири билан суғуриб улоқтираётган, қасди бордай дарахтлар шохини синдириб-синдириб ташлаётган, ер тирнаётган, ер тишлаётган шўрпешонани амаллаб тутишипти (аё, ай!), қўлларини орқага қайириб боғлашипти (аё, ай!), мошинга босиб олиб кетишипти.

Аёл бу гапларни ким куриганга оқизмай-томизмай ай-тиб берар, эшитганлар ҳамма айбни эрига тункашсаям, ҳа, мелисалар ҳам одам-ку ахир, сал-пал жиз-пиз билан овутиб жўнатиб юбориш мумкин эди, деб эски дардни кўзғашсаям, барибир, айтаверарди, чамаси, шундан кўнглини анча-мунча бўшатиб оларди.

Суд чоғи эри ҳалимдай юмшаб қолганди.

У, протоколга тушган барча айбларни жуда мўмин-қобиллик билан ҳеч иккиланмай, ҳеч сесканмай, худди бир мазали нарсани татиб кўраётгандай бир қиёфада бўйнига олди. Айниқса, жаҳл устида оғзидан чиқиб кетган ношоён гапларнинг барини билиб-тушуниб айтдим, дегани ишни мушкуллаштирди, муқаррарлаштирди — у узоқ муддатга кесилди. Унга на ҳукм, на жазо, ҳеч қайсиси заррача таъсир кўрсатмагандай эди; яккаш кўзларига синч солган киши у ерда поёнсиз ғуссага, оғир мунгга, тақдир-қисмат ўйинларига нисбатан лоқайдликка дуч келардики, бундай ифодаларни юзага чиқараётган кўнгил эгаси учун икки дунё бир қадам, ҳаётнинг сариқ чақачалик аҳамияти қолмаганлиги аён бўларди.

У аёлини сўради.

Аёлининг эрта сўлган юзига ер остидан саросар назар солди, шунда кўнгли тўлди, кўзларидан дувиллаб ёш оқди; базўр сас чиқарди, базўр овоз берди, бошинг очиқ, деди.

Аёлини талоқ қўйди.

Бошқа қарамади.

Қарамай кетди.

Аёл узини ерпарчин ҳис этди, хўрланган-ҳақоратланган ҳис этди, аёл билмади: эрининг жинни бўлиб қолганига инонди.

Эридан умидини буткул узди.

Икки кўнлик йўл экан, деб қидириб ҳам бормади, жавобимни берди-ку, деди бундай чоқларда: кўнглидагини бошқаларга билдирмаслик учун ҳозиргидек эрининг қамалиш тафсилотини айтиб юрди, у ёғига ўтмади.

Умидини энди тўнғич ўғлига тикди.

Ака ўрнида ҳам, ота ўрнида ҳам ўзингсан, деди.

Ака ота бўлурми эди?

Ака онадан норозироқ ҳам эди.

У отасининг кетар чоғидаги ҳолатини пайқагандай эди.

Унинг ҳам кўнгли совугандай эди.

Аёл бўлса ўглини бу кўйга тасодифан тушиб қолган, деб ўйлар, нажот истаб назоратчининг олдига келган, ҳаёлида ўғли бир бор қутулиб чиқса, ҳаммаси жойига тушиб кетадигандай эди.

Назоратчи бўлса... бунақаларни кўравери-б-кўравери-б эти қотиб кетганди. Тинмай диёдиё қилаётган аёлнинг дарду ҳасратларини тинглаётгандай бўлиб турди-ю, лекин тингламади, унга барчаси олдиндан аниқ-равшан эди —

тушунтириб ўтиришнинг ҳожати йўқ, гапириб ўтиришнинг ҳожати йўқ, дардлашиб ўтиришнинг ҳожати йўқ, ўғирлагани ўғирлаган, вассалом.

Шу боис, аёл сал тин олиши биланоқ назоратчи фурсатдан фойдаланди, борини айтди-қўйди:

— Бу ишларга мен аралаша олмайман.

Шунча гап-сўзлардан кейин, албатта, ғалаба қозонишига ишонган, бундай терс жавобни кутмаган аёлнинг оғзи тамом очилиб қолди. Ўзига келиб, зурғатдан:

— Ие, нега? — дея олди, холос.

Назоратчи бўлса... негалигини билмайдиган у жоҳил хотиндан юзини ўгириб:

— Зақун... — дея калта жавоб қайтарди.

Аёл нимадир демоқчи бўлганди, назоратчи гапиргани қўймади.

— Ҳукумат оқни оққа, қорани қорага ажратади, — деб, фахрланаётгандай қўшиб қўйди.

Аёлнинг лаблари беихтиёр жийрилиб кетди:

— Ффу...

Назоратчи бир ўқрайганди, аёл шоша-пиша йиғиниб, жўнаб қолди.

Шу-шу ўғлини қарғайди. Қарғагандаям ўғрилиги учун эмас, назоратчидай бир одамнинг ўғли билан шерикчилик қилганидан қарғайди, тузукроқ одам топилмабди эди, дейди. Кейин ўтириб хун-хун йиғлайди, фарёд солади, нималарнидир жавранади, нималар деганини деворлар ортидан қулоқ солиб юришадиган ҳангома талаблар эшитишади, агар, бошларига мушкулроқ ишлар тушиб қолгудек бўлса, ана шу эшитганларидан таскин-тасаллилар олишади, дунёда биздан-да баттар одамлар ҳам бор-ку, дея ҳаётнинг ўзлари ин қурган қулинч, заққум дарахтига маҳкамроқ чирмашиб урчийверишади.

Назоратчини бошқа безовта қилишмади.

...Назоратчининг хотини китобга тикила-тикила анча фурсат ўтирди, сўнг қандайдир муҳим иш илкис ёдига тушиб қолгандай, саросар ўрнидан турди. Китобни авайлабгина тоқчага қўйди. Қотирманинг ярмини танча устида қолдирди, ярмини оқ рўмолчага ўраб қўлтиғига қистирди ва катта йўл бўйига чиқиб ўтирди.

Йўлда ҳеч ким кўринмасди.

Дайдибадал шамол даладан учуриб келган лайлакхасларни текис жойда ўйнатишдан ҳузур қилаётгандай, уёқдан-буёққа, буёқдан-уёққа сурар, бир-бирларига қўшиб юборар, ажратар, қиладиган бошқа муҳимроқ бир иши бўлмагани учун бекорчиликда ўзига эрмак топиб олганидан шодланаётгандай эди.

Аёл ўғли ётган жой шаҳарда, шаҳарнинг ҳў-ўв паст томонида эканлигини биларди. Илгарилари, қор қалин тушган кезларда у ҳовлидан то мана шу тош йўлгача қорни

кураб йул очиб қўяр, эрининг эсон-омон қайтиб келишини худодан сўраб, кутиб ўтирарди.

У, ҳозир кўзини юқори томонга тиккан, бирор машина-ми, аравами кўриниб қолишидан умидвор бўлганича орзиқарди.

Аксига олиб на бирор машина, на арава кўринди. Бир-икки соат ичида биронта отлиқ ёинки пиёда йўловчиниям қораси кўринмади. Икки соатлар ўтгач, ғувиллаган товуш эшитилувди, ўз хаёли билан бўлиб ўтирган аёл тамомила саросимага тушиб қолди, саросар ўрнидан турди. Овоз чиқариб, қўл кўтарди. Унинг юз-кўзларида шу қадар катта умиду ишонч, қувонч бор эдики, машина тўхтамай ўтиб кетгач, ҳафсаласи пир бўлганча ўтириб қолди.

Ердан чиқдими, осмондан тушдими — номаълум, жунининг ярми тўкилиб, ўзиям худди остонадан кираверишда, оёқ остига ташланадиган пўстакдай бир ит аёлнинг рўпарасида пайдо бўлди. Итнинг ит дейишлик ҳоли қолмаган, шу даражага етгандики, қовурғаларини бемалол санаб зоологиядан кўргазмали қурол сифатида фойдаланса бўлар, ичига ботиб кетган қорни фалсафа фани учун озуқа беришга жудаям қўл келарди. У ҳар қадам ташлаганда оёқлари чалкашиб-чалкашиб кетар, бошини кўтаришга ҳоли келмагандай осилтириб олганди (ҳаётдаги қанчадан-қанча соғлом, куч-қувватли; егани олдида, емагани кетида — фаровон, кўриқларда нишонлар олган, ақллилиги кўзидан билиниб турган итлар бир ёқда қолиб, қаёқдаги култўдадан чиққан пўстакни учратиб, шуни тасвирлаётгани учун муаллиф ҳам хижолатда!).

У, итдигини билдирмоқчи бўлдими ёки йўл бўйида тиззаларини кучоқлаганча қотиб ўтирган аёлнинг тирик-тирикмаслигини ажрим қилмоқчимиди, ишқилиб, ингранаётгандай ириллаб қўйди. Аёл сал кўзгалганди, у оёқларини майиштира-майиштира йўлнинг нариги томонига қочиб ўтди ва орқа оёқларига ўтириб, аёлга мунгли кўзларини тикиб қолди.

Катта йўлга туташ тор кўчадан эшак минган бир чол чиқиб келди. Кун иссиқ бўлишига қарамай чол гуппи чопон кийиб олган, башарасини тиканақдай босган соқол-муйлови орасидан кўзлари милтираб, бурни сўппайиб кўриниб турарди.

Чол аёлга қарамай ўтиб кетмоқчи бўлувди-ю, унинг таррадудланаётганини пайқаб, қизиқди, тортиниброқ назар ташлаб таниб қолди. Анча вақтлардан буён бирон танишини учратмаган-у, энди бундай ҳол рўй берганидан ўзини қўярга жой тополмаётгандай бўлди. Эшагининг нўхтасидан тортиб тўхтатди, хирқироқ овозда худди бақираётгандай сўради:

— Ҳа-а, сийним, бу ерда ўтирибсан?

Аёл қўли билан паст томонга ишора қилди.

— Шаҳарга бормоқчимидинг? — яна овозига куч берди чол.

Аёл тасдиқ ишорасида бош ирғади.

Чол бақиршишни қўймади:

— Нима бор экан у ерда?

— Ўғлимни олиб кетишганди... — шу гапни айтиб, аёл ўзини йиғлашдан базўр тийиб турди.

Чол эшитган экан, ҳозир ўзи эсга олмагани учун афсусланди, эътиборсизлигининг сабабларини замонга ва одамларга тўнкади: замон чатоқ-да, замон чаток; одамлар айниб кетишган-да, одамлар айниб кетишган; бир-бирларига боқмай қўйишган, бир-бирларидан ҳол сўрашмайди, оғирини енгил қилишмайди бир-бирларининг ва ҳоказо... — кўча гаплари, бундайчанги гапларни кўтариб юрадиганларнинг аксарияти қаланги-қасангилар, баъзиларининг яхши кийиниб олишганига, бўйинбоғларига, салла-дасторларига ҳам ишонманг.

— Садқаи амаки кетсин, — чол кўпчиликнинг оғзидан эшитган айбномани ўзиникидай қилиб айтган, ақли ёришиб, кўзлари чакнаб кетди. — Битта жондор экан бор-йўғи, ўшайм топилибдими, топилибди, мелисаларга оқизмай-томизмай айтиб бериб ўтиргунча жияним суғоргани олиб чиққан экан, де кўй-да! Ҳэ... амаки бўлган! Нима, шундай деса, биров ёқасидан олармиди, уриб-сукармиди? \

Ўзиниям алами бор эканми, аёлнинг бу ўтиришига чиндан ҳам ичи ачидими, ишқилиб, чол хумордан чиққунча амакининг шаънига орқаваротдан ҳақоратлар ёғдирди, бир тийинлик одам экан, деди, шу гапларни айтган, бу чоқда унинг ўзи жуда ақлли, бамаъни кўриниб кетди, чол-ку майли, бировларнинг дард-ғамлари ҳақида сўзлаётганда энг аҳмоқ-овсарларни ҳам донишманд кийёфасида кўриб, панду насиҳатларининг оқилоналигини эшитиб қойил қолмай иложингиз йўқ.

Чол қизишганидан ўтлаб кетди.

У бу ишларга алоқаси бўлмаган қандайдир воқеаларни сўзлай-сўзлай бир зум тин олганди, аёл тугатди, деб ўйлади шекилли, чолга мақсадини тушунтириб қўйди:

— Қотирма пиширувдим, биров борса, элтиб берар, деб ўтирувдим...

«Қотирма» сўзини эшитгач, чол бир ютиниб қўйди. Унинг қорни оч эди, талмовсираниб, манзират қилармикин, деб турди, манзират қилса бир тишлам олиб, оғзига солмоқчи эди. Бироқ, аёлдан садо чиқмади.

— Э, у ёққа ким ҳам борарди? — чолнинг негадир жаҳли чиқиб, бўриқиб кетди, аёлнинг умидларини чил-чил синдириб ташлади. — Йўл оғир. Отасидан бериб юбормабсан-да...

Аёлнинг индамай қолганини у ўзича нималаргадир йўйди, ишдан қувилган чиқар-ов, ўғли ҳам бунда-ай, деб хаёл қилди, ўзининг тахминидан негадир қувониб гап қўшди:

— Ё отасиям ишни бас қилдими?

— Боряптилар...

Чол эски гапани такрорлади:

— Бериб юбормабсан-да.

— Отаси... — аёл талмовсиранди, мижжаларида ёш куринди.

— Ҳа, айтавер, — деди чол энди назоратчининг чиндан ҳам қандайдир каттароқ фалокатга йўлиққанига қаттиқ ишониб, куюнгандай булиб, бироқ кўнглида тарикчаям ачиши ҳис этмай.

Бу чоқ аёл кутилмаган гап-янгилик айтиб қолди:

— Ота-бола гаплашмасдилар, уришиб эдилар. Бормаяптилар, ўзидан кўрсин, деяптилар...

Чолнинг хаёлига лоп этиб ака-укаларнинг қирпичоқликлари келди, энди ота-болаларга ўтибди-да, дея ўзи ҳам билмаган ҳолда генетик қонунлардан бирини ечди — кашфиётчи бўлди, ўз кашфиётидан ўзи беҳабар кашшоф бўлди.

— И! И-и-и! — чолни ҳайратда қолдирган сабаблардан бири шу эдики, у бу хабарни шу чоққача нега эшитмадим экан-а, деб ўйлаётганди, бундай муждаларни оқизмай-томизмай етказиб турувчи Қулмонбойдан домангир бўлаётганди, тагига етиш учун сўз кўшиб турган жойи эди. — Уришишса уришипти-да! Ёш болани бу аҳволга ташлаб қўймасинда! Яна ҳукумат одами эмиш-а? Ё, қаттиқроқ гап ўтганмиди?

— Шунақа шекилли, — деди аёл пиқиллаб.

— Унда қийин экан, — чол эснаб, аёлга тасалли бераётгандек мингирлади. — Бориб-бориб ярашиб кетишади-да...

— Билмасам... — деди-ю, билмаслиги алам қилгандай аёл тўсатдан йиғлаб юборди.

— Йиғлама, сийним, йиғлама, — чолнинг кўзи шу чоқ итга тушиб, гапни бурди. — Анаву кучук силарникими?

— Йук, — деди аёл ҳиқиллашдан тўхтамасдан.

— Ўлай деб қопти, — деди чол. — Эгаси қарамагандан кейин шу-да!

Аёл индамади.

— Эгаси йуққа ўхшайди, — мулоҳазасида давом этди чол, кейин негадир ҳўрсиниб кўшиб кўйди. — Шу кучукларгаям қийин бўлди-да! Ҳозир бозорда мол-ҳолларниям нарх ташлаган дейишади. Эшитишимча, эшак қиммат эмиш, — чол тош йўл четидан ўт чимдишга тутинаётган остидаги эшакка фахр билан қараб кўйди. — Бу жониворнинг хизмати кўп-да!

Чолнинг хаёли оғиб кетишини айтиб эдик.

У, ўзи билан ўзи бўлиб қолди, нималарнидир гўлдирай-гўлдирай хайр-маъзурниям насиё қилганча жунаворди.

Аёл ҳам унинг бу қилигига эътибор бермади.

Йўл қарайверди.

Би-ир муштипаргинаки...

Ичи тулиблар, пойу пиёда дилбанди олдига боргиси келади.

Би-ир ёлғизгинаки...

Дув-дув ёш тўкади, ёш тўкади-ю, йўлга қарайди; ай, бу йўл тош бўлгани билан қаёқдадир — остида майсанинг овозига дош беролмай ёрилади.

Дайди ит сўниб бораётган кўзларини аёлдан узмайди.

Аёлга ташланиб, кўлидаги тугунчани тишлаб қочгиси келади, аммо, олишувга чоғи келмаслигидан қўрқади.

Аёл ҳардамхаёллик билан тугунчани ёнига, ерга қўйди.

Ит калласини хиёл кўтарди.

Аёл шошилмай ўрнидан турди.

Увишиб қолган оёқлари билан базўр қадам босиб, ит ётган томонга ўтди.

Ит саросима ичида қолди.

Аёл қотирмани унутганди.

У келган йўлидан кета бошлади.

Ёруғ дунёдан умидини узаётган ит кўз кўриб, қулоқ эшитмаган чаққонлик билан тош йўлни кесиб ўтди.

Тугунчани тишлаб, орқа-олдига қарамай қочди.

Хавфсиз жойга бориб олгач, сулаклари оққанча, тугунчани олдинги оёқлари остига олди, тиши билан лаҳза ўтмай рўмолчани йиртиб ташлади.

Ит ҳаш-паш дегунча қотирмани пок-покиза туширди, уёқ-буёққа қараб ириллаб ҳам қўйди, яна қолмадимикан, дегандай ўзи йиртган рўмолчани бир қур титкилаб кўрди, ҳеч вақо тополмагач, шунисигаям шукр қилиб, думини дингиллатганча қайгадир жўнади. Узоққа бормай, нураган девордан бир мардумнинг ҳовлисига дадиллик билан кириб эди, зум ўтмай ангиллаганча ўша жойдан жун коптоқдай ташқарига улоқиб тушди; воқеан, мардум занжирдаги қанжиғини қизганган, қандайдир саёқ кучукнинг искаланиб, тап тортмай девордан ошиб ўтиши беҳад ғазабини жўштириб юборганди.

Аёл уйга етиб, танча устидаги яримта қотирмани кўргачгина ўглининг насибасини йўлда қолдириб келганлигини эслади.

Ичи шувв этиб кетди.

Шоша-пиша изига қайтди.

Ўтирган ўрнида, ҳай бор — ҳайдар йўқ, ўзидан-ўзи ўтирган жойим шумиди-я, дея сўрагулик бўлиб турибди.

Уёқ-буёқларга қараниб, анча излади.

Бир маҳал қайга кетгани номаълум чол борган еридан қайтиб келаётган эди.

— Ҳа, сийним, ўтирибсанми? — деди у боя хайрлашмай ҳам кетганини эслаб, ўшанинг ҳиссасини чиқармоқ ниятида эшагининг нўхтасидан тортиб.

Яхши сўз — жон озиги.



Чол аёлнинг жонини озиклантирмоқчи эди.  
Бироқ, тўсатдан... аёлнинг оғзидан чол кутмаган сўзлар уваланиб тушди:

— Қотирмани йўқотиб қўйдим...

Чол сесканиб тушди.

— Қотирмани? — дея, деярли бақриб сўради.

— Ҳа-а...

Чолнинг юзида қаттиқ таассуф аломатлари кўринди: ичида аёлдан домангир бўлди, ичида яниди уни, хасислик-да айблади, қорни сурнай чалиб турган отаси тенги одамга бир бурдасини раво кўрмагани учун шу аҳволга тушиб ўтирипти, дея ўйлади.

Бундай хотиннинг боридан йўғи!

Яна ичи ачипти-я!

Ёнини олмоқчи бўпти-я!

Чол яна хайр-маъзурни насиё қилди.

### УЧИНЧИ БОБ

Амаки мелисахонага бориб-келганидан кейин, негадир ана шу бориб келганлигини кўни-кўшниларга, оқсоқол-кўксоқолларга, учраган одамга айтиб бериб юрди.

— Тошмуродбекни бир кўрай, ҳол-аҳволини сўрай, деб борувдим, — жиянининг номини ҳар гал қандайдир танта-навор тарзда тилга олди. — Э, қанча қилгиликларни қилган бўлсаям, жигар-жигар-да! Мен эсламасам, ким эсларди? Аввал бозорга кирдим, иккита иссиққина нон олдим. Ахир, қуруқ қўл билан бориб бўладими? Ўзи айтмасаям, амакиси келди, деб бировлар айтар. Азбаройи худо, мелисахонасини энди кўрдим. Э, у ерда ётишни ҳеч кимнинг бошига солмасин. Биттаси кўринувди, шундай-шундай, дедим, тушунтирдим, у афтимга бирпас қараб-тиклиб турди-да, навбатчидан сўранг, деб жўнаворди. Навбатчиси темир эшикларни шарақ-шуруқ очиб-ёпиб уёқдан-буёққа, буёқдан-уёққа юриб турган экан. Қисталоқ, қиё боқиб қарамайдиё, эшитишни истамайдиё, калитларини кўрсатиб гердайиш билан овора. Бир сўкким келди-ю, шайтонга ҳай бердим. Кўришга руҳсат йўқ, деб айтади, ҳа, сендақа ҳукумат одамларини! Амакисиман, десам ҳам қўлоқ солмади. Қайтанга, ўғрилигига шерикчилик қилган бўлсангиз керак-да, вообщё сизниям бир текшириб кўриш керак, дейди. Тап тортмайди. Ҳо-ой инсон, мен даъвогарман, даъвомдан кечгани келдим, девдим, кўкрагимдан итариб чиқариб юборди.

Амаки бу гапларни ўзи тўқимаганди, рост айтаётганди.

Баъзи-баъзида узини у ерда хасчалик қуришмаганини, кўкрагидан итаришганини ўйлаб, хўрлиги келмоқдайди.

Лекин, у қанчалик кўпириб-тошиб сўзламасин, эшитаётганлар қандайдир ишонқирамаётгандай, гумонсираётган-

дай бўлиб қарашётганидан тутаб кетар, ҳатто ўзигаям баттар ёлгонлаётгандай бўлиб туюлар, нима қиларини билмай қолиб, хижолат чекарди. Талмовсирарди. Кейин кутилмаганда қасам ичиб юборарди:

— Ўлай агар... ана-а, тепамда худо турипти, борувдим, шундай деб кўргани кўйишмади!

Қасамдан кейин ҳаммаси абас топди. Бу келгинди, мелисахонага бормаган, ўша куни уйдан чиқиб кетаётганда хотинига ёлгон сўзларни айтиб, қайси гўрларда улоқиб юрган, бирор пастқам жойда уйқуни урган бўлиши ҳам эҳтимолдан узоқ эмас, деган аниқ хулосага келишди.

Майли, уйқуям ёмон нарса эмас, айниқса, баъзи бир ишларни кўриб, одамнинг умуман уйқудан уйғонгиси келмайди. Аммо ёлгон гапнинг нима кераги бор? Яна, худони ўртага солишини-чи? Тўғриси айтсин, биров уни уриб-сўкармиди?

Амаки, аввалига бундай тескари тушунишларга газаби тошиб, кўпириб юрди-ю, кейин-кейин пусиб қолди. Ҳатто, ёлгон айтувдим, дея узр сўрашним дилига тугиб кўйди. Кейин англадики, фурсат ўтган, энди фойдаси йўқ.

Нега деганда, оқсоқол-кўксоқоллар у билан гаплашмай кўйишганди.

Оқсоқол-кўксоқолларнинг гаплашмай кўйишгани худо урди дегани, бундай одамларни давраларга чорлашмас, маърака-маросимларга кўйишмасди. Амаки энди улиб кетган молларним, тиригиним, Тошмуродним, ўзининг акасиним ажрим қилиб ўтирмай, қаторасига сўкадиган бўлди. Энди унинг эсига ёлғизлиги, мусофирлиги тушадиган бўлиб қолди, асаби бузилиб, ҳаммаёққа ўт қўяман, ёндираман, дея хотинининг, болаларининг ўтакасини ўқтин-ўқтин ёриб турарди.

Ниҳоят, орадан бир ой ўтгач, суд бўладиган бўлди.

Уч ўспириннинг ортидан борганлар — қавму қариндошлари, ҳамқишлоқлари йўл четидаги кекса чинор остида давра қуриб ўтиришарди. Учта аёл, етти нафар эркак кун иссиқлигига қарамай, қалин кийиниб олишган, бу тарзлари билан худди қишин-ёзин киядиган бор-йўқ кийимимиз шунда, деяётгандек бўлишарди. Улар ундан-бундан бир-бирларига гал бермай шақиллашиб гаплашишарди. Нарх-наво, чой-қанд, ўтин-чўп, совун-гугурт ҳақида паст-баланд фикрларни билдириб ўтишарди. Бу фикрларга тузукроқ қулоқ тутилса, шу нарса аён бўлардики, дурри жавоҳир ўрнидаги бу нимарсаларни ишлатиш, истеъмол қилиш азал-азалдан уларнинг зиммасига тушган экан, ҳозир ҳардамхаёлроқ бўлиб қолган қайсидир нобакорнинг вазифаси эса етказиб бериш экан. Ўша нобакордан домангир бўлишмоқдайди, нега деганда, у ўз вазифасини уддалай олмаётган экан.

Суд биносидан юз қадамча наридаги кекса чинор остида шунақа гап-сўзлар бўлаётган эди-ю, ҳозирдан қора кур-

сига ўтиришаётган уч ўспириннинг тақдири нима кечиши тўғрисида уруг-қаёшлар қайгуришмаётгандай эдилар. Аслида, тузукроқ синч солинса, улар гапиришаётган гапларнинг уч ўспирин ҳаётига тааллуқли жойи бор эди. Аҳвол шу бўлгач, туриш-турмуш шу бўлгач, боёқишлар нима қилишсин, деяётгандай бўлишарди-ю, бу сўзларни очик-ойдин айтишмасди.

Бўлаётган гап-сўзларга аралашмай, даврадан икки қадам нарида ўз-ўзича нималарнидир хаёл қилиб ўтирган озғин киши уччала қахрамоннинг ўқитувчиси, синф раҳбари эди. Йигитчалар мактабни битириб кетган бўлишсаям, судга негандир ўқитувчиниям чақиришганди. Ўн йил мобайнида ақалли бирор марта эсга олинмаган, йўқланмаган, ҳол-аҳволи сўралмаган ўқитувчининг тўсатдан эсга олиб қолиниши унинг ўзиниям тонг қолдирган эди. Бир жиҳатдан, одам ўрнида кўришгани, ҳатто, фахрлантирган ҳам эди-ю, кўпроқ хавотирга, ҳаяжонга солиб қўйганди. Шу боис, ўқитувчи тун билан ухламай чиққан, уччовлоннинг биринчи синфга боришганини, кичкина парталарда чиройли ялтироқ кўзларини ҳар ёқларга қизиқсиниш билан тикиб ўтирганларини эсламоқда эди. Бу сабий норасидаларнинг ўн йил мобайнида бундай ўқиб-улғайганидан улғаймагани, ўша мусаффо гўдаклигича қолавериши маъқулроқ эканлигини ўқитувчи кўнглининг бир четида гира-шира бўлса-да, ҳис этиб турарди.

Болаларнинг улғайиб бундай йўл тутишларига ҳеч ким ажабланмасди.

Нима бўпти?

Бу — ҳаёт!

Онанинг иссиқ бағри эмас.

Китоблардаги олди-қочди гаплар, сафсата ҳам эмас у.

Ҳамманиям ўзининг йўриғига солиб олади.

Биров ўғри, биров тўғри — шундай бўлиб келган, шундай давом этади, деган гаплар билан одамлар ҳамма айб-гуноҳларини ҳаётнинг зиммасига юклаб юбора қолишар, шу тариқа кўнгилларига таскин-тасалли бериб, ўз иш-юмушларини тинчгина, ҳеч нима кўрмагандай давом эттираверишар эдилар.

Ўқитувчи бўлса... ҳамма айб-гуноҳ ўзидан эканлигини билиб турганча қунишиб, пинжини қисарди.

Бечорага қийин, деб ўйлашарди у ҳақда, ўн йил ўқитган, тарбиялаган болалари шу ишларни қилиб ўтиришса уялди-да!

Туққан-туғдирганлари, қавму қариндошлари, қони бирлари уялишмаса-да, негандир ўқитувчи уялиши керак эди — ажаб!

Ҳатто, ўқитувчига ачинишгандай қарашарди, лекин, тузукроқ разм солинса, бу асло ачиниш эмас, шунчаки кўнгилни кўтариб қўйиш учун номигагина қилинган дилсўхталик эди, холос.

Ҳар хил қарама-қарши фикрлар қуршовида тонгни бедор оқартиргани учун ўқитувчининг юзи синиққан, лекин, кўзлари чақнаб турарди.

«Малимлар ҳам нонемас-да! — деб ўйлади ўглининг ортидан келган семиз аёл. — Харж қилишдан қўриқиб, ўзини четга олиб ўтирипти. Рангини қарасанг, кесақдай. Узи бу калтакесакни ким чақирди экан, нимаям қилиб берарди у? Биров гапини бир тинга олмаса, қишлоқда биргадчалик, ҳисобчичалик обрўси бўлмаса — судда нима каромат кўрсатарди? Чўнтагида уч-тўрт танга пули бўлгандаям баҳарнав эди. Хотини Аҳмад девонанинг уйига ёғ сўраб чиқипти — ўл кўй-да, бу кунингдан!»

— Малим, чойга келинг! — манзират қилди эркаклардан бири.

Ўқитувчи бош чайқади:

— Раҳмат, чой ичгим йўқ.

Бошқаси унинг кўнглини кўтарган бўлди:

— Кўп куйинаверманг, малим!..

Ўқитувчи сўзлаган кишига ҳайрон боқди.

У парво қилмай, давом этди:

— Ахир, сиз бунақа ишларни қилинглар, деб ўргатганингиз йўқ-ку?

— Пешона-да, пешона! — қариндошлардан бошқа бирови сўзни илиб кетди.

— Рост.

— Пешонасида бўлмаса, минг йил ўқитсангиз ҳам бир пул.

— Балли.

— Бўладигани мактаб кўрмай ҳам бўлиб кетаверади.

— Тўппа-тўғри.

Семиз аёл фаросатсизлиги туфайли қамалиб кетган эридан анча-мунча туртки еб турарди; энди туртадиган одами бўлмагани учун баттар аҳмоқлашган эди. Бу тарзи билан у дунё алломаларининг хотинлар ҳақидаги оз-моз учраб турадиган ношоён сўзларини ҳар замон-ҳар замонда тасдиқлаб тургандай эди. Масалан, Лев Толстойнинг «Ҳожимурод» қиссаси унинг етти ухлаб тушигаям кирмаган бўлса-да, ёзувчининг бу асарда келтирган «тухумда қанча тук бўлса, аёлда шунча ақл бўлади» деган иборасини тасдиқлагандек деди:

— Малим ҳам кучукдай гап-да! Эрта-ю кеч вов-вов этади-ю, олдига ташлангани битта қуруқ суяк. Шу иш учун неччи йиллаб катта шаҳарларга бориб ўқиб ҳам келишади, хайф!

Эркаклар бош ирғаб, аёлни маъқуллашади.

Аён бўлдики, буюк алломалар ношоён сўзларини икки жинсни ажратиб ўтирмай, барчасига тегишли, деб кетаверсалар ҳам бўлар экан.

Ўқитувчи ичида зил кетиб, эшитса-да эшитмасликка олиб ўтирди.

Учовининг иши соат иккиларда кўрилиши керак эди.

Унгача, суд анча мушкул иш — жанжал кўтариб, булар меники эмас, деб болаларини сўймоқчи бўлган маст-аласт эрининг бошига ўқлов билан тушириб, ўлдириб қўйган аёлнинг ишини кўриб чиқди. Эрнинг бошқа бир шаҳарда яшайдиган укаси даъвогар бўлиб чиққан, тўғрироғи, унда укалик шаъни, ор-номуси деганларидай, бир нарсалар бош кўтариб қолган, тигиз изқуварлик ва хунталабликка тушиб, қотил аёлнинг қонунга биноан жазоланишини сўрарди. Мархумнинг ота-онаси бўлса, аксинча, бу муштипар қамалиб кетса тўрт боласига ким қарайди, булар иш бўлди — буёғи синди, худонинг олдида гуноҳкор бўлишдан кўрқайлик, деб, келиннинг тарафини олишарди. Улар, кейинги пайтларда ўғилларининг кўп ичганини, қанақадиқ восвосга йўлиққанини, учраганга дўқ-пўписа қилганини, ўқлов бошига вақти-соатида тушиб қолмаганида невараларига ҳам зиён-заҳмат етиши мумкинлигини, буни кенжатой тушунмаётганлигини очикдан-очик тан олиб айтишарди. «Э, сизларда гурур-номус борми? — дея чиранарди кенжатой. — Қандайдир бир аёл фарзандларингизни ўлдириб юбор-са-ю, унинг тарафини олиб ўтирсаларингиз; ўзи қа-нақа одамсизлар?» — дея кўзларининг пахтасини чиқарарди кенжатой. Чол-кампир ака-ука ўғилларига қараганда қотил келинларидан кўпроқ меҳр, садоқат кўришгани учун ён беришмас; ҳамма гуруринг, ор-номусинг, виждонинг ўзингга сийлов, дея кенжатойга очикдан-очик аччиқ айтишарди. Бунақа ишга энди дуч келишгани учун судьялар ва маслаҳатчиларнинг мияси обдан қотиб, қайта кўриб чиқишга қарор қилишган, жуда бўлмаса вилоят судига оширишни келишиб қўйишганди. Қора курсидаги ўттиз бешқирқ ёшлардаги озгингина, бошига оқ рўмол ўраб олган, кўзлари йиғидан шишиб кетган аёлга рухсат беришганда, у кетмай ўтираверди.

— Сиз бораверинг, — деди суд раиси уни рухсат берилганини агнимати деган хаёлда.

Аёл рўмолининг барини бармоқлари учиди ўйнаб ўтираверди.

Раис овозини баландлатди:

— Бораверинг!

Аёл базўр сас чиқарди:

— Йу-ўқ...

— Ие, нега?

— Мени қаманглар.

— Нима учун?

— Гуноҳқорман. Гуноҳим кўп.

— Ана-а! — кенжатойнинг кўзлари шодликдан чарақлади.

Чол-кампирнинг кўзлари баббаравар ёшланди.

— Ундай дема, қизим... — дея чол зўрга овоз чиқарди.

— Қамасаларинг қаманглар, — деди овозини баландла-  
тиб келин. — Қайнимнинг кўнгиллари тўлсин...

Ҳамма ҳайрон эди.

— Бировданмас, акаларидан орттирганларимни қараб-  
боқиб олсинлар, ўқитсинлар. Мени гуноҳкор билсалар,  
шундай қилсинлар.

Аёл пиқиллаб йиглаб юборди.

Бу ҳолат даъвогар бўлиб чиққан қайинини анча иккилан-  
тириб, сустлаштириб қўйди.

Келинни алдаб-сулдаб уйига олиб кетдилар.

Учов ўспирин қора курсида кўзларини жовдиратиб ўти-  
ришганда, суд зали димиқиб кетган, бу ерда оғир руҳ ке-  
зар, аллақандай ислар ўтириб қолганди.

Суд раисининг ўсиқ қошлари остидаги кўзлари юмилиб  
кетай-юмилиб кетай дер, унинг бадбуруш юзида, пешона-  
синийг тиришиб туришида, бутун вужудида, ўтиришида, қа-  
рашида ҳориганлик, ўз ишидан зерикканлик акс этиб ту-  
рарди. У, ҳозир ичига кўкат солинган бир коса муздек  
айронни ариқ лабида симириб ётишни орзу қилмоқдайди.

Учала ўспириннинг қиёфаларидан, албатта, бизни кечи-  
риб юборишади, бу қилаётган ишлари худди мактаб муал-  
лимининг арпа дўғидай гап, деган маънони ўқиб олиш  
қийин эмасди.

Ўспиринлардан бири, ўша отаси қамалгани суд раиси-  
нинг қип-қизил бурнига, бурни ёнидаги қора пашша ёпишган-  
дай беўхшов холига оғзини очганича қараб қолар, мана шу  
тепакал одам бир оғиз сўзи билан отасини шунчалик бало-  
ларга гирифтор этганига ишонгиси келмаётгандек эди.

Суд раиси ҳориганлигининг жиддий сабабларидан яна  
бири шунда эдики, у бугун уйдан норози кайфиятда чиқ-  
қан, хотини эрта саҳардан галва-ғишавасини бошлаб юбор-  
ган, яъни, менга тузук эътибор бермайсиз, қарамайсиз,  
одам ўрнида кўрмайсиз, деб, кўзининг сийдигини оқизган-  
ди. Нафсиламбрини айтганда, бу кўз ёшларга эътибор бер-  
маса ҳам бўларди, нега деганда, бу турмуш қуришганидан  
буён анъанага айланиб қолган одатий ҳол эди. Лекин суд  
раиси негадир шу бугун эътибор берган, э, ўзи сенга нима  
керак, дея бақирган, нима кераклигини ўзиям аниқ-таниқ  
билмаган хотин аввал оғзини очганича ҳайратда қолган,  
кейин чуввос солиб шу қадар пойинтар-сойинтар гапларни  
қалаштириб ташлагандики, уларга қулоқ солинадиган бўл-  
са, суд раисининг ўзиниям суд қилиб, кесиб юборилиши  
лозим эди.

Суд раисининг боши лўқиллаб оғрий бошлади. «Давле-  
нием кўтариляпти, — деб ўйлади у хафа бўлиб, — ишлаб-  
ишлаб, энди-и оёқни узатиб еб ётадиган вақт келганда бу  
аҳвол...».

Суд раиси қовоқларини базўр кўтариб, айбланувчиларга  
қаради.

Ичидан, ҳали ёш-ёш болалар экан, деган фикр ўтганда, яна ичкарироқда аллаким уларга ҳасад қилаётганини ҳам пайқади.

Кейин у, ўзининг ўн етти яшар ўглини кўз ўнгига келтирди-ю, норози бўлди.

Мана, унинг тенг-тушлари қора курсида ўтиришипти.

Фарқ борми?

Бор.

Ўгли инжиқ. Ўзини ёш боладай тутати. Егани олдида; емагани ортида бўлишига қарамай, қўллари нимжон, мускули йўқ, ранги заҳил.

«Падарлаънат боланиям расво қилди, — ўйлади суд раиси бошини кафтлари орасига олиб қисаркан. — Бирон бир ишни мустақил бажаришга имкон бермайди, шохи бордай бошқа болаларгаям қўшмайди, ўзини катта тутати — сочи узун, ақли қисқа, деб шунга айтишса керак-да! Мана, бу йигитчаларнинг кўзларидан чақмоқ чақнаб ўтиришипти, қоринлари оч бўлсаям кучлари тўлиб-тошиб ётипти — ҳаётнинг нима эканлигини, унинг машаққатларини ҳозирдан билишади. Фақат, ўғирлик қилишгани чатоқ. Буларга имкон яратиб бериш керак, буларга шароит яратиб бериш керак — лекин, қани ўша имкону шароит?...»

Суд раисининг боши баттар лўқиллаб, кўзларига ичкаридан олов сачраётгандек бўлди. Залда ўтирганларнинг гавдалари унга хира туман орасидагидек куриниб, айқашиб-уйқашиб кетарди.

Суд аъзолари, маслаҳатчилар ҳам делоларни варақлаб, баланд овозда ўқилаётган айбномани диққат билан эшитишгаётгандек бўлиб ўтиришса-да, ўз ўй-хаёллари билан банд эдилар, инчунин, суд раисининг бугун машқи ниҳоятда пастлигининг сабабларини излашарди — нима жин урдийкин, битта-яримтасининг қалтисроқ ишини ёпди-ёпди қилиб юборганини пайқаб қолишганмикан?

Улар, ишни тугатиб, тезроқ тоза ҳаво олишга чиқишни, кўча айланишни, илож топилса, бир кружка-бир кружка муздек пиво ичишни исташаётганди.

Шунинг учун айбномани ҳаммалари чала-ярим эшитишарди.

Айбномада кўрсатилишича, бу учовлон ҳозир кўзларини жавдиратиб ўтиришгани билан анойилардан эмас, қўллари хийла эгриликка ўрганиб қолган экан. Жар-журларда юрган, ўзларига ҳеч-ҳеч тааллуқли жойи бўлмаган эчки-улоқларни бебилиска ҳал қилиб юборишган экан. Подадан айрилиб, ўз-ўзларича аллақайларга улоққан, бирор тупканинг тагида бир-бирига айланишиб қолган новвосчалару таначаларга «айрилганни айиқ ер» мақолнинг моҳиятини очиқ-ойдин тушунтириб қўйишган экан. Дала-тузларда овлари юрмагач, ажал қувлагандек амакининг оғилига қадам босишган экан.

Айбномада ҳаммаси очиқ-ойдин, аниқ-равшан, кўриб-билгандай ёзилган эди.

Бу гаплардан огоҳ бўларкан, амаки, гарчи даъвосидан кечиб (давлат кечмаган эди!) олижаноблигини намойиш қилган бўлсаям, ўша кунги воқеа, ўзининг аҳволи, хўрлиги келгани ёдига тушиб, ич-ичидан қувонгандай бўлар, қанча бағри кенглик қилмайин, энди қутулиб бўлсизлар, деб ўйларди. Учовлоннинг кесилиб кетишлари учун бошқа гуноҳлари ҳам етиб ортиши унинг виждонини тинчлантирарди.

Учовлон томонидан гумдон қилинган деб гумон қилинган эчки эгаси — олтмишларга бориб қолган чувак юзли, қисик кўз, паст буйли деҳқон негадир бесаранжом бўлиб, шошиб қолди. Ахийри, чидолмади шекилли, пайпасланганча, залнинг исиб, димиқиб кетганига қарамай увадаси чиқиб, айрим жойларидан пахтаси оқиб туша бошлаган чопнига ўранганча ўрнидан турди.

Дабдурустан:

— Мани эчкимни бу болалар ўғирлашмаган! — деб қолди. Залда ўтирганлар гув этиб унга қарашди.

Деҳқон ниҳоятда ўнғайсизланди, ўзини йўқотиб қўйди.

Ёнида ўтирганлардан кимдир тирсагидан туртганди:

— Рост-да! — деб хитоб қилди.

Раиснинг боши энди санчиб-санчиб оғрий бошлади.

— Фактлар эчкингизни айбланувчилар ўғирлашганини тасдиқлайди! — деди у негадир тишларини гижир қилганча ботиний ғазаб билан.

— Пакетларни билмадиму... — деҳқон яна ўнғайсизланиб қолди. — Лекин ман хабарини топдим, эчким Назар чўпоннинг сурувига кўшилиб кетган экан. Ҳозир Искандаркўл томонларда юрипти экан.

— Бошқа эчки бўлиб чиқса-чи?

— Энлаб қўйганман. Назар чўпон энидан танийди, беҳуда хабар қилмайди. У — художўй одам. Ўғирламаганини ўғирлади, дейишга ман ҳам Худодан кўрқаман.

Шундай деб, деҳқон дарров жойига ўтириб олди.

Қутилмаган бу янгилик залдагиларга галати таъсир қилди. Худди учовлон устидаги айбловларнинг бари кўзбўямачиликдан иборатдек туюлиб эди.

Аммо художўй деҳқон айтганлари айбланувчилар гуноҳини заррача енгиллата олмасди — гап битта эчки устида кетмаётганди.

Залда сукунат чўқди.

Шу чоқ маъноли йўтал товуши эшитилди.

Ўқитувчи иккиланаётгандек секингина қўл кўтарди.

Суд раиси ўсиқ қошлари остидаги бит кўзларини унга қаттиқ тикди. Суз истовчининг уринган уст-боши, тирсақларининг йиртиқлиги, ориқлиги унда нафрат уйғотган бўлса, соқолининг қиртишлаб олингани, кўзига кўзойнак таққани бу нафратни сал-пал юмшатди.



Ҳаяжонланганидан бўлса керак, ўқитувчининг ранги оқариб кетганди.

У қийшайиб, оғирлигини бир оёғидан иккинчисига ташлай-ташлай ўрнидан турди. Кўзойнаги бот-бот бурнининг устига тушиб кетаётганлиги учун уни бармоғининг учи билан тузатиб кўяр, нима учун ўрнидан турганлигини, нима демокчи бўлганлигини унутгандай ҳаросат ичра қолганди.

— Гапиринг! — суд раиси унга беписандлик билан тикилганди, миясига мих санчилиб кетгандай бўлди, афти буришиб, ихраб юбораёзди.

— Мен нимаям дердим... — ўқитувчи сўзини шундай бошлади-ю, дарров тилини тийди. Ўқувчиларининг тўйлариди, туғилган кунларида шу тарзда сўз бошларди. Ҳозир эса... собиқ ўқувчиларининг бундай жойда, қолаверса ҳали аттестат ҳам олмай (аттестат фақат катта ўқишларга боришадиган битта-иккита болаларга берилган, қолганини кейинга суришган, аттестат дафтарчасининг камёблигини маорифдагилар пеш қилишганди) ўтиришгани уни ажаблантираётгандай бўлди. Кейин гап нимада эканлигини эслаб олмоқчи булгандай, бир зум сукут сақлаб турди-да, аввал тутила-тутила, сўнгра равон сўзлай кетди.

— Биз болаларни оила, мактаб ҳамкорликда тарбия қилишлари ҳақида кўп гапирамиз, — деди. — Бу тўғри. Бунга қўшилмай иложимиз йўқ. Аммо, боланинг уйда, мактабда кўргани жамиятга, шу жамият шароитига, муҳитига қай тариқа мос келиш-келмаслигида ҳамма гап.

Суд раиси беихтиёр ўқитувчининг сўзларига қизиқиб қолди.

Талабалик йилларини эслади. Ушанда у бир гуруҳ ҳамкурслари билан инсон ҳар қандай сиёсатдан, мафкурадан баландроқ, муҳимроқ эканлиги ҳақидаги қарашларни қизгин тарзда кўтариб чиққан, шу боис, ҳукуматнинг мавжуд сиёсатига қарши деган баҳонада университетдан ҳайдалиб кетишига бир баҳя қолганди. Суд раиси шунга ўхшаш гапларни ичида қандайдир уялиб эсларди, ҳаётга тўғри келмайдиган, ёшликнинг гайритабиий ҳодисаларга ўчилиги туфайли рўй берган ахмоқона ишлари деб биларди. У ўқитувчининг қиёфасида қари талабани кўрмоқда эди. Шунинг баробарида, ўз ўглини кўз ўнгига келтириб, оила ва мактаб тарбияси жамият шароитларига ҳеч қанақа тўғри келмайди, масалан, менинг ўғлим, ўзига қўйиб берса, қорнини тўйгаза олмай сарсон бўлади (ҳолбуки, унинг ёшидагилар бир маҳаллар инқилобий ғоялар билан тўлиб-тошиб юришган!), эҳтимол жиноят ҳам қилар, деб ўйлади-ю, бирдан кўрқиб кетди. У, қандай бўлмасин, қанча пул ишлатиб бўлсаям ўғлига жамиятдан муносиб жой ҳозирлаш лозимлигини хаёл қилди. Жамиятда бундай муносиб жойлар тўлиб-тошиб ётипти, фақат, анча-мунча одам яқинлашолмайди; пул, обрў-эътибор, юқори доираларга қавму қариндошчилик, шотирлик, куёв-

лик муносиб жойларни забт этишда муҳим роль ўйнайди; забт этдингми, хоҳлаганингча сўриб, гажиб еб ётавер — биров пишагингни пишт демайди. Суд раиси бу ишга зудлик билан киришиш кераклигини кўнглига тугди.

Ўқитувчи томоғини кириб, давом этди:

— Болаларимиз мактабни битириб нима иш қилишларини, қаёққа боришларини билмай қоляптилар. Икки-уч йил аввал мактабни тугатганлар ҳам беҳуда кўча чангитиб, ароқ ичиб юришипти, ўзлари билмаган ҳолда турли-туман жиноятларга қўл уришяпти. Жамият бунга йўл қўйиб бермоқда. Катта бир қишлоқда бирорта ишлаб чиқариш корхонаси, маданий маскан йўқ; бироқ, ароқ, сигарет сотадиган катта-кичик дўкончалар сон-саноксиз.

Ўқитувчи айбдорларни оқлайман, деб ўтлаб кетиб қолди, сўзлари умумий тус олди. Нима демоқчи бўлганига тушуниб бўлмади қолди. Суд раиси қўлидаги қаламнинг орти билан столни тақиллатиб, уни тўхтатмаганида, ким билсин, қайси томонларга от сурарди.

Суд раиси томоқ кириб, удағайлаётгандай:

— Мақсаддан узоқлашманг, — деди.

Кейин, бошқа нарсаларни ўйлаб кетди: хемикрания, мигрен... бош оғриқнинг қон босими кўтарилишидан бўлак турлариям кўп экан. Тирик бош оғрийди-да, дея ўзига тасалли берганди, яқинда ҳажга борган бир одамнинг топиб келган гапи эсига тушди. Ўғирлик қилишгани учун у ерда еттита занжининг бошларини узиб ташлашипти, буни ҳожиларнинг кўзлари ўнгида ижро этишипти, намуна бўлсин, дейишипти. Ўша воқеа суд раисининг таниши бўлган ҳожининг кўз олдига келди дегунча, ўхчий бошлармиш, унутишнинг ҳеч-ҳеч иложини тополмасмиш. Суд раисининг хаёли чалғиб, негадир ўзининг бошини олишаётганини тасаввур қилди, катта бир чоҳ бошида турганди, бош туйқусдан танидан учиб ўша чоҳга қулай бошлади, у сесканиб ўзига келди. Серрайиб қолган ўқитувчига кўзи тушиб, унинг бу ердалиги сабабини бир зум эслолмай-англолмай ҳайрон бўлди.

Нигоҳлар учрашгач, ўқитувчи баттар каловланди. У, ўзи айтишни истамаган гапни айтиб қўйиб, ана энди ичида пушаймон емоқда, нима кераги бор эди, деб уйламоқда ва қора курси томонга ўқтин-ўқтин қараб қўймоқда эди.

Суд раиси, нима гап, дегандай унга бош ирғади.

Ўқитувчининг ранги ўчди.

— Мақсад шунки, мақсад шуки, — дея бир сўзни икки-уч қайта такрорлади, кейин томдан тараша тушгандек, шундай деди: — Бу болаларнинг гуноҳларидан ўтишларингизни сўрайман. Уларнинг ўзлариям бу қилгиликни иккинчи қилмаймиз, деб ўйлаб ўтиришипти, — ўқитувчи дарс пайтидагидек, ўз фикрини тасдиқлаб олмоқчи бўлиб айбдорларга қаради. — Шундайми, болалар?

Айбдорлар бошларини эгиб, худди унинг сўзларини эшитишмаётгандек, қилт этмай утиришарди.

— Шундайми, болалар? — бир хил тарзда саволини такрорлади ўқитувчи, лекин, бу гал унинг овози қандайдир қалтираб чиқди.

Айбланувчилар келишиб олгандек, бошларини баббаравар кўтаришди.

Уларнинг юзлари ёришгандек бўлди.

Бу оққўнгил ўқитувчи, ўқувчилар юзинчи маротаба бўлсин-да, бирон гуноҳ иш қилсалар иккинчи қилманглар, деб кечириб юбораверарди, бундай афвларнинг адоғи кўринмасди.

— Айбланувчиларга савол беришга ҳаққингиз йўқ! — деди бўйинлари-ю, бетига тиғиз хўппоз тошганидан хўрознинг тожидай қизариб кетган адвокат ўқитувчини тариқчаллик менсимай.

Бу гапдан кейин айбланувчилар дарров бошларини тушириб, қунишиб олишди.

Барча суд аъзолари қандайдир масхараомузлик билан тиржайиб қўйишди.

«Франсияда ун йил мактабда ишлаган малимни судга гувоҳликка чақиришмас экан, — ўйлади ўзича суд раиси. — Томи кетади-да! — бирдан чаккалари лўққилай бошлаганди, ҳаёли чалғиди. — Бу аҳволда бора-бора ўзимиззиям қалламиз ишламай қолади-ёв! Раҳматли бувим одам ёнғоқнинг баргини бошига қўйиб ўтирса огрикни босади, дердилар, — у бошига ёнғоқ баргларини тахлаб қўйган ҳолда суд йиғилишини олиб бораётганлигини тасаввур этганди, кўнгилли чиқмади.

— Ўтиринг! — деб ўқитувчига қараганди, унинг бошидаги мошранг марғилон дўппи ёнғоқ баргидек кўруниб кетди.

Ўқитувчи иккилана-иккилана, бироз хижолат тортаётгандек бўлиб ўтирди. Ўтирди-ю, кифтини қисди.

Суд мажлиси узоқ чўзилмади.

Барча айбловлар, фактлар, оқловлар, шахсларнинг ва давлатнинг моддий-маънавий зарарлари, айбланувчиларнинг биринчи марта жиноят содир этишаётгани, пушаймонлари инobatга олинди ва уларга бир йиллик муддат билан қамоқ жазоси берилди.

Хукм эълон қилинган, наша туфайли эри қамалиб кетган, ҳали чинор остида оғзи тинмай шанғиллаётган аёлнинг чуввос солганча ҳушдан кетганини ҳисобга олмаганда, айтиб ўтиргулик ҳеч қанақа воқеа содир бўлгани йўқ.

Бир йил нима, ўтади-кетади, дейишарди айбланганларнинг ортидан келганлар ҳалиги ташвиш-хавотирларни буткул эсдан чиқаришган ҳолда, ҳатто, ўзларини елкаларидаги оғир юкни итқитиб қушдай ёнгиллашиб олгандай ҳис этишганча.

Армияга ҳам бориб ўтиришмайди, бир ташвишдан кутулишади, дея бири гап бошлаганди, иккинчиси уни жаҳл

билан тухтатиб ташлади: ўзи сиз қанақа одамсиз, йигитнинг бошига нималар тушмайди, шу арзимас нарса учун армияга бормайди, деб пичинг қилишга қандай ҳаддингиз сиғди; униси пичинг қилмагандим деди, буниси биламиз, биламиз, дея, ким билсин — нима балоларгадир ишора қилиб ўтди. Шу тариқа булар-булмас, олди-қочди, аччиқ-тизиқ сўзларни айта-айта, бир-бирларидан узилмай, тўда-лашиб қишлоққа қайтаверишди.

Биттагина одам узилиб қолди.

Шундаям уларга эргашиб, орадаги масофани ушлаб келаверди.

Тўданинг унга иши бўлмади.

Ярим йўлдагина кимдир унинг ораларида йўқлигини пайқаб қолди.

Аланглаб, анча ортда келаётганини кўрди.

Шу ҳолдан негадир шод бўлди.

Шодлигини ичида сақлолмади.

Бир нималар дегиси келди.

Деди:

— Ё, раббилламин, малим бир қизиқ гапларни гапирди-я! Гуноҳларидан ўтинлар, дейди-я! Э, ўқиб орттирган дипломчангдан ўргилдим! Сани гапинг билан бўлармиди? Ё заринг бўлсин, ё зўринг. Гуноҳидан ўтиш учун пул керак-да, пул! Малим тушмагур би-ир ўзини курсатиб қўймоқчи бўлдими, дейман-да!

Тўда эшитмади.

Қизиқмади бу гапга.

Бундан-да муҳимроқ, бундан-да қизиқроқ мавзуларга таллашиб кетаверишди.

Сергакроқ бир қулоқ чала-чулпа илғади, шекилли, ўқитувчини назарда тутиб:

— Ўзи қани? — дея мингирлаб, атрофига олазарақ қара-ниб олди. Қарагандаям эринибгина қаради. Шу билан қа-ноатланди. Ўзининг саволиям, қайтарилмаган жавоб ҳам уни заррача қизиқтирмаганлиги аён бўлди.

Уфқ қизарди.

Дала-тузларга тарқаб кетган мол-ҳоллар, эчки-улоқлар чангга ботиб қишлоққа қайтиб келишди.

Уфқ қизарди.

Бутун вужуди пайга айланиб, тарашадек қотиб кетган подачи пода ортида устига қоп ортилган эшагини етаклаб келарди. У кун буйи далада бекор юрмай ичини кўнғизча-лар тешавериб ғовак қилиб ташлашган тезакларни териб қопини тўлғазар, қайтаётганда эшакка юклаб келарди. Подачининг ҳовлисида қоп-қоп тезак уюлиб ётар, хотини мақтов эшитиш учун уни кўни-қўшниларга, қавму қариндошларига улашиш билан овора эди. Мабодо, подачи бўш қайт-гудек бўлса хотинининг жанжал солиши ҳам шундан, мақтов эшитолмай қолишидан кўрқув туфайли эди.

Уфқ ёқда, унда-бунда тўдалашиб туришган қўрғошин тусдаги булутлар узайиб, қип-қизариб кетишди. Кўк тоқида қимир этмай турган булутча ўзининг атрофи зарҳал билан безалганини билгандай, секин суза бошлади, — булар, чиқиб келганидан буён ҳаммага бахт-саодат, куч-қувват берганига қаттиқ ишонган қуёшнинг ётоғига бош қўяётиб кўрсатган сўнги мўъжизалари эди.

Суддан кейин амакининг қишлоққа етиб келиши ҳам ана шу пода қайтар маҳалга тўғри келди. У, бировнинг ҳовлиси ёнидан ўтаётиб, пасқамгина тупроқранг эшикдан устини чанг босган тўрт-бешта қора молнинг, уларнинг ортидан ўн беш-йигирма чоғли эчки-улоқнинг ичари кириб кетишганини кўриб қаттиқ ичкди. «Ҳамманики балодай, ўз-ўзича униб, кўпайиб юрипти, келиб-келиб ўлат ҳам меникиларга тегади, ўғриям меникига киради...» Шу ҳаёл ўғри — Тошмурадга нафратини оширди, хуп бўлди, ажаб бўлди, у қамалиб кетганини ичда маъқуллади.

Ўз уйига етди.

Негадир хўрсиниб эшикдан кирди. Худди, йўқлигимда ҳамма нарсани остин-устун қилиб юборишмадимикан, дегандай ҳовли саҳнига саросар назар ташлаб чикди.

Ҳовли ўртасида, қайнотасидан қолган отқозиқ остида гўжанак бўлганча қўшнининг кучуги ётарди.

«Падарлаънатга бу ерда пишириб қўйибдимикан, — деб ўйлади амаки. — Жўрттага қилган. Эгаси атай бу ҳовлига чиқариб юборган, оёқости қилмоқчи бўлган. Ҳавомизни олиб олишди, ҳавомизни бериб қўйдик...»

Амаки газаблана бошлади. Кўзлари жайноқланиб, бурун парраклари керилди. Отқозиқ остида кучук эмас, барча кўни-қўшнилари, оқсоқоллар-кўксоқоллар гўж бўлиб ётишгандай туюлди. Қўлига каттакон кесак олиб гўжни мўлжаллаб, чунонам зарб билан отдики, текканда кучукнинг бирон жойи албатта лат ейиши турган гап эди; кейинчалик бу дард туфайли ўлиб кетишиям эҳтимолдан холи эмасди — бундан амаки зарра гам чекмасди. Балки, бу кучук тикка жаннатга тушиб, у ерда ҳуру гилмонлар қўршовида, оқ, пушти, зангор гулзорлар орасида айшини суриб юрган собиқ қўшнисини, отқозиқнинг ҳақиқий эгасини, бул нобакор қотилнинг қайнотасини учратиб қолган бўлар, унинг кавсар сувида ювилган оёқлари остида ўралашар, унинг ташлаб кетган моликонасида рўй бераётган воқеаларни вангиллаганча айтиб бермоққа уринар ва лекин, у жаннатий зот фоний дунёдаги бирор нарсани — на мол-мулкни, на ҳовли-жойни, на бебурд қуёвни эслолмас, фақат шу кучукни таниб, унга меҳр кўрсатар, етти биродарнинг бириси шу-да, деб муқаддас каломларни такрорлаган бўларди. Бахтга қарши, кесак кучукка тегмади, отқозиққа зарб-ла урилиб, уваланганча сочилиб кетди. Кучук эринчоқлик билан ўрнидан туриб, думини қисганча жўнаб қолди.

— Ҳэ! — деб қўйди амаки.

Бундай қараса, хотиниям кучукдан баттар бўлиб ўтирибди. Бу ўтиришдан гўж бўлиб ётган яхши эди.

У денг, пешайвонда, устунга суюнганча йиғлар, эри бевақт улган тулдай дув-дув ёш оқизмоқда эди. Яна, атрофини паст-баланд болалари қуршаб олишганди. Нима қилишларини билишмаётгандай лаллайиб туришарди. Уч-тўрт яшар супрақоқдигина ойисининг дардини енгиллатишга астойдил жаҳд қилгандай, овозининг борича дод соларди.

Амаки ҳайрон бўлди.

Нима гап-сўзлигини англамади.

Сўраб-суриштиришни ўзига ор билди.

Болани ора қилди:

— Э, ўчир-э, овозини!

Болалар аяларининг пинжига тикилишди.

Хотин бепарво бўлди.

Ўз ҳолатини ўзгартирмади.

Йиғлайверди.

Амаки, битта арпа дўқ билан ўтакаси ёрилиб кетадиган хотинини бу аҳволда ҳеч вақт кўрмаганди, кўраман, деб ўйламаганди, шунданмикан, бир зум саросималаниб турдида, яна бақирди:

— Учи-ир дейма-ан!

Бу пўписа катта важоҳат билан аёлга қараб отилдими, болагами, ажрим қилиш қийин эди — ҳарҳолда, ҳар иккисигаям тегишли бўлса керак.

Аёлнинг овози эри айтганчалик батамом ўчмаса-да, пайсайдани билинди; лекин, у ўзини тутолмай ҳамон ҳиқиллар, елкалари силкинardi.

Хотинининг нима сабабдан йиғлаётганини сўраш амакининг ёдига шундагина келди.

— Э, ўзи нима гап? — деди қандайдир ўнғайсизланаётгандай.

— Айтмасангиз ҳам эшитдим, — аёл ҳамон кўз ёшларини тиёлмасди. — Хабарни келди, қишлоқда дув-дув гап — Тошмуродни турмага тикиб келаётган экансиз.

— Ие, ие! — амаки кулмоқчи бўлди, лекин, лаби бир четга базур жийирилди, холос; шуюм жуда аянчли чиқди. — Мен қаматибманми?

— Сиз-да! — аёл бу сўзни жуда сокин товушда айтган эса-да, ўткир пичоқнинг учига илинтириб эрининг қулогига тикиб юборгандай бўлдики, бундан жароҳатланмай қолиш мумкин эмасди.

— Э, тур-э! — бақириб юборди ярадор амаки жон аччи-гида нима деярини билмай. — Топган гапини-ю!

— Сизга барибир! — аёл ўзи билмаган ҳолда пичоқни янаям ичкарироққа урди. — Мен бошимни қандай кўтариб юраман?

— А-а?!

Аёлки шундай деса!

Аё, ай!

Амаки ихраб юборди. Каттароқ жиноят қилиб қўйишидан кўрқиб, қўлини силкий-силкий, сўкина-сўкина уйга кириб кетди.

Кирасолиб, ўзини таппа кўрпача устига ташлади.

Ҳеч нарсани ўйлашни истамасди.

Шундаям, хотини билан бўлган бир лаҳзалик тўқнашув уни қаттиқ толиқтирганини пайқаб ётди.

Айниқса, кейинги гапи.

Во-ой!

Бошига қон шиддат-ла урилди.

Бир-биридан кўнгилсиз, бир-биридан аянчли, хира, кир фикрлар, хотиралар ўргимчак тўридек уни ўраб олишди.

Қора хаёлар исканжасида кўрпачанинг икки четидан чангаллаб олди.

Булардан қутулишнинг ёлғиз давоси уйку деб билган амаки беихтиёр кўзларини юмди.

Аммо, у на ухлай олди, на бедор бўлиб бедор бўлолди. Қандайдир босинқи туш остида тўлғонаётгандай эди, ўзини ҳадеб ўён-буёнга ташлайверди.

У, бир замбил лойдан қорилган жисмида содир бўлаётган ўзгаришлардан ўзи ҳам ҳайрон эди. Шунча ёшга кириб бирор марта бунақа ҳолатни кечирмаган эди. Касал бўлдиммикан, деб ҳатто кўрқиб ҳам кетди. Боши ёстиққа тегиши билан ухлар, олдига овқат қўйишлари билан ея бошлар, ўзининг қиладиган ишларини билар, вазифаларини бажарар — аммо, бунақасини энди бошидан кечириши эди. Тупроқ дам ола-ола туйқус ҳаракатга киргани сингари ҳозир унинг жисмиям жунбушга келиб қолганди, ишқи бор кесак бўлганди, энди бу лой оддий лойлардан эмаслигини, пахса девордан фарқлинишини кўрсатмоқда эди; бу лой ўзини ўзи одамга айлантирмоқчи бўлаётганди, изтиробдай кўринган тўлғонишлар ҳам амакининг ўзиники бўлмай, ана шу лойники эди. Шу ангиз бу лой ўзининг дастлаб эврилмақда бўлган гўшаларига қараб кетмоққа чоғланди. Амаки лолақизгалдоқлар териб, эчки-улоқларини қувиб юрган сабийлигини кўрди: ҳаво очиқ, чароғон, би-ир хушбўй насимлар эсмиш, гулдан-гулга қўнмиш капалаклар шу қадар кўп, ранг-баранг, бундан сабий норасиданинг юраги ҳовриқиб кетиб, ёнидаги болага ҳадеб нималарнидир кўрсатмоқчи, нималарнидир тушунтирмоқчи бўларди. Бу бола акаси экан, уям ана шу гўшада жайрондай ўйнаб юрарди, шодланарди, чучмомаю лолақизгалдоқлар терарди, капалаклар қувларди. Иккаласиям Тошмуродга шу қадар ўхшаб кетишардики, кўрган одамнинг кўнгли беихтиёр орзиқарди.

Амакининг кўз ўнгида бирданига ҳаммаси чаппасига айланиб кетгандай бўлди.

У кимдандир ҳадеб қочарди. Ажиб гўшалар ҳам кўздан ниҳон бўлганди.

Ортидан бир рўдапо қувиб келарди.

Унинг бошини мўлжаллаб тош отарди.

Тошлар сеҳрлангандай эдилар.

Етиб келганда, амаки, мана энди тамом, бошимни мажаклаб ташлайди, дея ўйлай бошлаганида, қўрқувдан юраги ортга тортганча, оёқларидан мадор кета бошлаганида гоҳ у ёнидан, гоҳ бу ёнидан ўтиб кетаверарди.

Гув-гувлаганича ўтиб кетаверарди.

Гувиллашлари товуш солаётганга ўхшарди.

Товуш солаётганида узун-узун нолалар кўринарди.

Гув-гувлашлар ҳам, товуш ҳам, нолалар ҳам амакига қандайдир жудаям танишдай эдилар.

Рўдапо бир маҳал кичрайиб, қора кўйлак кийиб олган онасига айланиб қолди. У, нега қора кийгансиз, она, деб сўрамоқчи бўлармиш-у, тилига калолат келганча қотган, тили айланмас, гапиролмас эмиш. Онаси Тошмуроднинг кўлидан етаклаб олган, юпқа лаблари бир-бирига тегмай жавранар, қарғанар эди. Рўдапонинг онасига айланиб қолганидан амакининг боши осмонда эди, нега деганда, энди қўрқмай қўйган, уни ваҳимага солган тошлар ҳам, уларнинг гувиллашиям йўқ, ҳаммаси онасининг жаврашлари орасига сингиб кетган эди. Уни фақат бир нарса — онасининг олдида Тошмуроднинг пайдо бўлиб қолганлиги ажаблантирмоқдайди. Бугун қамалганди-ку, жавоб бериб юборишдимикан, деб ўйламоқда эди. Онаси нимадир деди, Тошмурод унинг кўлидан юлқиниб чиқиб, қочди. Ҳай-ҳайлашларга, чақиринларга қарамай қочаверди. Амаки унинг ортидан қувиб етиб олмоқчи бўлармиш-у, оёқларини ҳеч қимирлатолмасмиш...

У, нимадир демоқчи бўлиб чинқирган эди, тўсатдан уйғониб кетди.

Қора терга ботганди.

Бир зум қаерда ётганлигини ҳам билолмай саранг турди.

Сўнг, эслади.

«Босиринқирабман» — дея гўлдираб, ўзини яна таппа ўринга ташлади, гафлат уйқусига кетди. Туш-пуш ҳам кўрмади. Уйғонганида кун ёйилиб кетганди.

У, кўрпача устида ўтириб, жун босган бўйнию энгакларини, тор пешонасини пича қашиди, бурнини кавлади, қулогидан ниманидир олиб ташлади, чирт этказиб ёнига тупурди, шундан сўнг гўёки одам сиёқига киргандай ўрнидан турди.

Ҳаммаёқ жимжит, уй эгаси кўчиб кетгандек ҳувиллаб ётарди. Хотиниям, болалариям кўринишмасди. «Падарлаънатилар шу вақтда қаерга кетишди экан? — ўйлади у бурчакдаги тоскумғонда бетини юваркан. — Ҳали чой ҳам дамламаган кўринади...»



Учоқ бошини, тандирхонани бир-бир қараб чикди, ҳеч қаерда кўринишмасди. Хотинининг ўз-ўзича кетиб қоладиган борар жойи йўқ эди, шунинг учун кўнглига гулгула тушди.

«Балки, тезак тергани далага чиқишгандир» — деган ўйда ҳовлининг адирга туташ бурчига қараб кетди.

Бу жойни Тошмуродга кўрсатиб, у тирикчилик ҳақида ваъз айтганди. Айни дамда, ҳақиқатан ҳам, ўша ваъзида таъкидлаганидек, паҳса деворнинг нариги томонида тоғдан тушиб келган бир тўда лўлилар: усти-бошлари кир-чир, йиртилган, тўзиган, оёқларидаги калишларининг фақат номигина қолган, ёноқлари ич-ичига ботиб кетган хотин-халлажлар, бола-бақралар ғужур-ғужур қилганларича бир-бирларига гал бермай нималарнидир тушунтирмоқчи бўлишарди, нималар дейишаётгани ёлғиз худогаю ўзларигагина аён эди.

Жонга тегди-ку, дея ўйлади у, неча марталаб уларнинг аҳволидан воқиф бўла туриб бир културм сувниям раво кўрмаган бу одамнинг жонига нима текканини ўзи ҳам билмасди — қайтанга, уларга қараб у тасалли оларди, дунёда мана бунақа бадбахтлар ҳам бор, мен жаннатда яшайман, деб хаёл қиларди, ўзини-ўзи тинчитарди; яна тиланчилик қилиб келишган, ўйида давом этди амаки, минг ялиниб-ёлворишмасин, барибир ҳеч нарса бермаслигимни билишади, бермайман ҳам. Хотинларию болаларини кўчага ҳайдаб юборишиб, эркаклари уйда оёқни узатганча ялпайиб ётишади. Соқолларини ўстириб, кўкраккача тушириб олишганига ўлайми?

Амаки шу хаёли билан ўша томонга қараётганди, чувриндилар орасидан кимнингдир кўзи унга тушиб қолди шекилли, кўпдан буён интиқ кутаётган одамани кўргандай чинқириб юборди:

— Ана-а, вай!

Бу чинқирик командадай янгради.

Чугур-чугур қилиб турганлар бирдан оғизларига талқон солволгандай жимиб қолишди.

Марҳамат қилишимни кутишяпти, ўзича тиржайди амаки қандайдир гурурни ҳис этиб, мўмин-қобилгина булволиб, кўнглимни олишмоқчи, мени эритишмоқчи, аммо, билишмайдики, мен эримайман, чунки мендаям эрийдиган ҳеч вақо йўқ, савлатимга қараб бунда бор, ошиб-тошиб ётипти, деб ўйлашади; майли, шундай ўйлашса ўйлашаверсин, буюм обрў-эйтибор...

Амакининг хаёли чалғиб кетди. Фикрини давом эттиролмади. Нафсиламбрини айтганда, шунгача олиб келиб қўйгани учун ҳам унга миннатдорчилик билдирсак бўлади. Қолганини қачонлардир давом эттирар; балки давом эттирмас; балки, бориниям ёдидан чиқариб юборар — кимга фойда, кимга зиён, у ёғи сизга ҳавола.

Амаки ўша томонга энди қадам ташлаганди, улар бирдан чуввос солишди ва қўйинларидан тош олиб амакининг устига дўлдай ёғдира бошлашди.

Бундай бўлишини хобихотирига келтирмаган амаки саросималаниб, нима қиларини билмай қолди. Сунгра гайриихтиёрий равишда қўллари билан бошини пана қилганча ортига қараб қочди. Уйгача етиб олишга кўзи етмади. Яқинроқда жойлашган ўтинхонанинг эшигини шитоб очиб, ўзини ичкарига урди.

Пахса девор ортидагилар ундан мардлик талаб қилишарди, ўтинхонадан чиқишини сўрашарди, уни сўкишарди, жинойтчи деб аташарди, қавму қариндошини танимаган бераҳм, деб маломатлар ёғдиришарди.

Амаки чидаб туролмади, ўтинхона эшигидан бошини чиқариб:

— Йўқол ҳамманг, гадойлар! — деб бақирди.

Сўзини тугатмаган ҳам эдики, бир неча тош ғувиллаб учиб келди. У яна дарров яшириниб олди.

Амаки таппи-тезаклар устида уларнинг бақирешларини эшитиб ўтирди. Шу нарса аён бўлдики, улар ўз жиянини қаматган бундай одамдан нафратланишармиш, тоғлар этагида бундай одамнинг яшашига чидаб туришолмасмиш.

Амакининг хаёлига негадир оқсоқол-кўксоқоллар келишди.

Буларни ўшалар гиж-гижлаган, йўлга солишган, деган фикр миясидан ярқ этиб ўтди.

Қўни-қўшниларидан ҳам гумонсиради: йўқса, бу хабарни тоғлар ортида яшовчи ялангоёқларга ким етказарди?

Умуман, нега унга ҳаммаси бунчалик ёпишиб олишди? Тушунолмасди.

Ўз ҳовлисида эмин-эркин айланолмаса.

Ўтинхонага яшириниб, таппи-тезак ҳидлаб ўтирса-я... — алам қилмайдимми, ахир?

Адирда зулукдай қора от минган бир суворий пайдо бўлди.

Бир-бирига мингашиб кетган қирлар орасида гоҳ кўздан йўқолиб, гоҳ пайдо бўлиб, шитоб-ла шу томонга кела бошлади.

Ҳамон бақириб-чақирившаётган, ҳовлига тош отишаётган тоғликлар олдига етиб келиб, отнинг жиловини тортди. Уларга нималардир деди. Тушунтиролмади шекилли, қўлларини силкиб-силкиб гапирди, таъсир ўтказсин, деди-ёв!

Улар этакларидаги тошларини ерга тўкишди.

Этакларини силкишди.

Чурвақалар амаки ўтирган ўтинхонага қараб муштчаларини дулайтириб қўйишди.

Шундан сўнг улар тоғ томонга кетаверишди.

Бора-бора кўздан буткул ғойиб бўлишди.

Бошқа қайтиб кўринишмади.

Тиланчиликка ҳам келишмади.

Амаки, баъзи-баъзида уларнинг ҳамон тоғу тошлар орасида санғиб, турли гиёҳларни, ўт-ўланларни териб еб юришганини эшитиб қолар, лекин улар ҳақида гапиришга, тирикчилик борасида сўз кетганда улардан мисол келтиришга ҳайиқарди, ҳовлисида пахса девордан нарига ўтиш унинг учун жаҳаннамга қадам қўйиш билан баробардек туюларди. ..

Амаки ўтинхонадан чиқиб улгурмай, суворий жўнаб қолишга улгурди.

Ким эди у?

Қайдан келди?

Қайга кетди?

Амаки кейинчалик ҳам билишга ҳарчанд уринмасин, билолмай доғда қолаверди.

У ўтинхонадан энди чиқиб эди, дарвозадан кириб келишайтган хотинию болаларига кўзи тушди. Хотинининг ранги синиқиб, кўзлари киртайиб кетган, болалар ҳам отасидан қандайдир тортиниб турганга ўхшашарди.

— Қаёққа гум бўлдиларинг? — бақириб берди амаки уларнинг бу ҳолатларига заррача эътибор бермай.

Аёл индамади.

— Мен сендан сўраяпман! — амаки овозини баландлатди.

— Овсинимдан кўнгил сўрагани борувдим, — деди аёл сокин ва хотиржам товушда.

Бу жавобдан амаки ток ургандек сесканиб тушди:

— Нима-а?

— Овсинимдан кўнгил сўрагани борувдик...

— Нега у ёққа қадам босасизлар? — амаки бу саволниям дўқ-пўписа билан берган бўлса-да, ичида нимадир сидирилиб тушайтганини ҳис этди.

— Нега қадам босмас эканмиз? — аёлнинг овозида яширинган кинояни эр пайқамай қолди. — Ахир, у ер сизнинг ўз уйингиз...

Амаки нима деярини билмади.

Шу кундан бошлаб, у ҳеч-ҳеч узига ўхшамай, худди бир нарсани йўқотиб қўйгандай, фаромуш ҳолда юрадиган бўлди. Дамдўз бўлиб олди, бир сўз билан айтганда. Теваракатрофида кечаётган воқеа-ҳодисаларга, гап-сўзларга ҳам безарво, лоқайд эди. Ҳатто, бир ҳафтадан сўнг оғилдаги яккаю ягона, Тошмурод ўғирламоқчи бўлган жониворни арқон-парқони, қозиқ-позиғи билан ўғирлаб кетишганига ҳам унчалик ачинмади. Кўпинча пахса девор ёнига келиб ўтирар, кўр тўкиб турган тоғлардан кўз узмас, хотин-халаж, бола-бақраларнинг чуввос солганча етиб келишиб, узини тошбўрон қилишларини кутаётгандай бўларди.

Аслида ҳам шундай эди.

(Давоми бор)



Сирожиддин Саййид

# Ҷенда кўндир Эчр ниҳат

Ватан қўшиғи

*Шоҳжаҳон ва Зиргомшоҳга*

*Мен Ватанни севаман,  
Танда жонимдир Ватан.  
Юлдузлари кўзимдир,  
Осмонимдир Ватан.*

*Киприкларим варақлар,  
Ой саҳфалар чарақлар,  
Тошлари ҳам ярақлар,  
Нур баёнимдир Ватан.*

*Мендан ёш, лекин қутлуғ,  
Етти пуштимдан улуг,  
Бағри ҳикматга тулуғ,  
Дур маконимдир Ватан.*

*Тоғи — Бухорий бобом,  
Боғи — баҳорий бобом,  
Темур — суворий бобом,  
Шоҳжаҳонимдир Ватан.*

*Нақшин ниғор бешигим,  
Қуёш очган эшигим,  
Отам айтган қўшигим,  
Жонажонимдир Ватан.*

*Менда кўпдир ҳур ниёт,  
Энг азизи — Хуррият,  
Шарафини — абадият,  
Шараф-шонимдир Ватан.*

*Доим ёруғдир йўлим,  
Бу шеърни айтди кўнглим,  
Ватан — шукрона синглим,  
Онажонимдир Ватан.*

\* \* \*

*Сочларингни майдалай,  
Бу дунё бир маталдай:  
Туш десанг аёни йўқ,  
Ҳуш десанг поёни йўқ.*

*Сочларингни майдалай,  
Бу дунё бир масалдай:  
Бир боқсанг бандалиқдир,  
Бир боқсанг андалибдир.*

*Сочларингни майдалай,  
Бу дунё бир майсадай:  
Биз кўзлари намлармиз,  
Майсада шабнамлармиз.*

*Сочларингни майдалай,  
Бу дунё бир ғазалдай:  
Бир байтида мен хорман,  
Бир байтида сен зорсан.*

*Бу дунё бир маталдай,  
Мажнунлари қайдалар?  
Сочларингни майдалаб,  
Майли, мен ҳам қайдалай.*

\* \* \*

*«Устимиздан ўтган ойлар»,<sup>1</sup>  
Ярим эди, тўлин эди.  
Кўнглим эди, кўнглинг эди  
«Устимиздан ўтган ойлар».*

*Сувлар у пайт биллур эди,  
Кетмасак ҳам булур эди,  
Бир нарсани билур эди,  
«Устимиздан ўтган ойлар».*

*Кийик кўзинг — сузукларинг,  
Сирғаларинг, узукларинг.  
Сенинг билакузукларинг —  
«Устимиздан ўтган ойлар».*

<sup>1</sup> «Алпомиш» достонидан.

Кейин олам ранга тўлди,  
Қанча қизлар янга бўлди,  
Туйларингда танга бўлди,  
«Устимиздан ўтган ойлар».

## Яхшиликлар шахри

Абдуолим акага

Бу дунёда қутлуг маъво  
Ота-она бағридир,  
Қуриб адо бўлмас дарё  
Меҳру соғинч наҳридир,  
Ёр кунглидай очиқ ҳаво,  
Вақти саҳар вақтидир,  
Ушбу шеърдан бул муддао:  
Бир манзилнинг маҳдидир,  
Кимлар учун куй ва наво,  
Бахшиликлар шахридир,  
Яхшиликлар шахридир бу,  
Яхшиликлар шахридир.

Тақдир этиб, кўчасига  
Қадам қўйсанг ногаҳон,  
Мусичалар кукулашиб  
Кийгизар дарров чопон,  
Бир лаҳзада живир-живир,  
Атрофингни ўрайди,  
Қалдирғочлар навбат кутиб,  
Сендан дастхат сўрайди,  
Бунга келган шоирми ё,  
Носирми ё бахтлидир,  
Яхшиликлар шахридир бу,  
Яхшиликлар шахридир.

Асл фарзанд оқил бўлар,  
Эгри йўлдан кетмайди,  
Тўғри йўлдан кетган фарзанд  
Билинг, элдан кетмайди,  
Ким айтади бу куч-қувват  
Бир кун белдан кетмайди,  
Бир яхшилик, бир ёмонлик  
Асло дилдан кетмайди,  
Боболардан қолган боғу  
Бўстонларнинг нақшидир,  
Яхшиликлар шахридир бу,  
Яхшиликлар шахридир.

Бозорига кирсанг кўзинг  
Қамаштиргай расталар,  
Расталардан қиқирлайди  
Сенга хандон писталар,  
Айниқса, шод бахтиёрдир  
Сумак сотган усталар,

Бир мўсафид сумак олар  
Бир эмас, саккизталар,  
Ёшми, қари, мардми, жувон,  
Бир ниятнинг аҳлидир,  
Яхшиликлар шаҳридир бу,  
Яхшиликлар шаҳридир.

Тириклик бу — ярми алвон,  
Ярми нофармон кўшиқ,  
Ҳар бир насл ўз навосин  
Бунга кетгайдир кўшиб,  
Неваралар қуллуқ бўлсин,  
Янгажон, очинг эшик,  
Райис бува бозорлардан  
Кўтариб келгай бешик,  
Ўгил ё қиз, бу ҳаётнинг,  
Қанду асал, шаҳидидир,  
Яхшиликлар шаҳридир бу,  
Яхшиликлар шаҳридир.

Гап ҳам кўпдир, уйласанг гар  
Бошинг қўйиб болишга,  
Ён қўшиллар букун, не тонг,  
Айланмишлар хорижга,  
Сарфласанг гар қалбни фақат  
Дарду алам, нолишга,  
Кимсалар бор ўчдир гина,  
Кудуратлар солишга,  
Унутмагил, давр букун  
Раҳму шафқат давридир,  
Яхшиликлар шаҳридир бу,  
Яхшиликлар шаҳридир.

Инсон умри бу оламда  
Бир имтиҳон, бир синов,  
Қўрғонларинг кечалари  
Тушимга кирар, Денов,  
Маили, кимдир ер ҳайдасин,  
Уй қуриб ўтсин биров,  
Қолсин, дейман ҳар одамдан  
Бир машъала, бир олов,  
Орзуларнинг булогидир,  
Уммонидир, наҳридир,  
Яхшиликлар шаҳридир бу,  
Яхшиликлар шаҳридир.

Ердан фақат дон унсину  
Меҳр ёгсин осмонлар,  
Деразалар алла айтсин,  
Нур таратсин айвонлар,  
Бу масканда иқбол топар  
Яхши аҳду паймонлар,  
Чунки бунда яхшилик бор,  
Яшар яхши инсонлар,  
Улуғ юртнинг бир тимсоли,

Камолидир, фахридир,  
Яхшиликлар шахридир бу,  
Яхшиликлар шахридир.

Ёқубжон Аҳмаджонов

# Еуратқағи қарахт япроғи

Басё хотирасига

1

Ой тиниқ,  
Сой тиниқ,  
Титраб-титраб чумилар юлдуз.

2

Сен тоғларни ёмон кўрма:  
Сендан улканлиги учун,  
Юксаклиги учун журъатингдан.

3

Утган кунлар хотираси дилни ёқар,  
Энди қачон ариқларда тўлиб оқар  
Ялпиз бўйи келган сувлар?

4

Бу ерларга қадам қўйганим замон  
Япроққа айланар вужудим —  
Илк бор сени шунда учратган эдим.

5

Қаерларда юрар бепарво ари,  
Тонггача мижжа қоқмайди сирень  
Тунги капалаклар дастидан?!

6

Учиб кетган болалигимни  
Тушларимда томингда кўрдим,  
Оқ тегирмон, оппоқ тегирмон!



7

*Ҳассани неча марта йўқотиш мумкин,  
Дарёдан қуруқ қайтиш мумкин неча бор,  
Наҳот, бир умр?!*

8

*Қисиб келар бетон деворлар,  
Ҳайрон боқар ажраб ҳушидан  
Уриқзорлар, шафтолизорлар!..*

9

*Хонадаги умидсизликни  
Қувиб солди аёл кулгиси.  
Сон-саноқсиз яшил япроқлар.*

10

*Юз бор қичқирса ҳам ёпун хўрози,  
Кўзин очмайдиган анави одам —  
Уйғонар хотинин шивирлашидан.*

11

*Лойқа, кўлмак сувда асабий сузар  
(Овозсиз фарёди оламни бузар,  
Аждоди дарёда яшаган балиқ.*

12

*Онамни излаб юрар,  
Отамни излаб юрар  
Менинг етим тушим.*

13

*Дала-даштда совқотган шамол  
Эшикларни қоқар тун буйи,  
Бечоранинг рангида ранг йўқ.*

14

*О, тошларим менинг, тузларим менинг,  
Ёғийлардан баттар ўзларим менинг,  
Ким айтади бизни битта дарахт деб?!*

15

*Сенга ҳам етармикан тоза ҳаво,  
Насиб қилармикин зилол сув,  
Навбат сунгидаги охирги одам?!*

16

*Эшигимни очиб киришга кирдинг,*

*Нега гапирмасдан увлайсан, шамол,  
Ким сугуриб олган тилингни?*

17

*Япроқлар совуқдан қорайиб борар,  
Нашвати кўзимга етимдек қарар,  
Кун бўйи йиғлайди кўнглу бўш осмон.*

18

*Сенинг бисотингда на хотин, на дўст,  
Омон қайтишингни кутади ёлғиз  
Супурилмаган уй.*

19

*Шовқин-сурон солиб зоғлар келади,  
Сўнги япроқларни шамол юлади,  
Майсадек титрайди ялангоч дарахт.*

20

*«Мен сизни ҳеч қачон севган эмасман» —  
Алдамоқчи булар ўзини  
Яна бир Ҳамлет.*

21

*Дарахтдаги рангпар қуш  
Мудрайди ёлғиз, хомуш.  
Қиш.*

22

*Кукка етган бўйим чўқди,  
Дарахтларим, уйим чўқди,  
Ота-онам кетган йил.*

23

*Япроқларим юлди шамоллар,  
Совуқ кунлар узундан-узун.  
Қоқ далада ёлғизман ўзим.*

24

*Саҳарларда йиғлагинг келса,  
Бош қўйиб юрт тупроқларига,  
Тугилибди элда бир шоир.*

25

*На шивирлайсан,  
На саргаясан,  
Суратдаги дарахт япроғи.*

## Мусофир

*Сиз аввал бўлдингиз, мен охир бўлдим,  
Маломат қилдингиз, мен собир бўлдим.  
Сиз риё шаҳрида соҳиби даврон,  
Мен фано ичинда мусофир бўлдим.*

## Таассуф

*Дунёи дун ичра ажабтовур ҳол,  
Ағдарилиб ётар ҳикмату мақол.  
Туғрилар оздилар, ўғрилар ўзди,  
Камтарга камол йўқ, манманга завол.*

## Афанди

*Сен бир умр балиқни саҳролардан изладинг,  
Йўқотган ул теваңғни дарёлардан изладинг.  
Дил уйинг бўм-бўш охир Искандар қўли каби,  
Оқибатни вужуди риёлардан изладинг.*

## Содиқ дўст

*Биламан, дунёга бўлмайман устун,  
Бешик ортда қолди, олдинда тобут.  
Мен кетсам дунёда қолади Дустим —  
Сардобадаги бураматут.*



Таъиқли шоир — Ёқубжон Аҳмад-  
жонов Наманганда туғилган. Уша ерда  
яшайди. «Оқ турналар», «Соҳилдаги оқ  
тошлар», «Учинчи имкон», «Сардоба  
шотутлари» сингари китобларнинг  
муаллифи. Шоирнинг битикларида  
ранглар, оҳанглар, хотира шакллари  
жилоланади. Бу сифатлар ҳаёлингизни  
кенгайтириб, олис-олисларга олиб кета-  
ди. Сизни узига яқин олади. Ёқубжон  
Аҳмаджонов бу йил элликка тулди.  
Шоирни қутлаймиз. Журналхонларга  
эса янги шеърларидан намуналар ҳаво-  
ла этипмиз.

Таҳририят



Гулнора Раҳмон



Қисса<sup>1</sup>

Журналнинг бош муҳаррири Ҳамида опа Мадинани кўриб қувониб кетди. Опа-сингилдек кучоқлашиб кўришдилар.

— Ҳамида опа, яхшимисиз, уйлар тинчми? Журналнинг ишлари яхшими?

— Раҳмат. Имкон даражасида ишлаб турибмиз. Ўғлон қалай? Паҳлавон бўлиб ўсяптими?

— Ҳа, катта йигит бўлиб қолди. Энди, ойижон, сиз ишга чиқсангиз ҳам майли деяпти.

Ҳамида Умматовна завқ билан кулди.

— Ие-ие, шунақами? Жуда ақлли бола экан-ку, а? Борганда бизнинг номимиздан раҳмат деб кўясиз. Ойижони бугундан ишга киришаверсинлар! Бўлмаса, Мадинажон, гап бундай. Ҳозир Мақсуда опа макет қилиб ўтирибдилар. Кириб ёрдам беринг. Бугун босмахонага топшириб юборайлик.

Журналнинг макети устида ишлаб ўтирган Мақсуда опа ташвишга тушди.

<sup>1</sup> Давоми. Бошланиши утган сонда.

— Эсизгина, энди журналнинг йўналишини тушуна бошлаган эдим. Сиз уйингизда ўтириб турсангиз бўлмас-микан? — деди.

Мадина бош муҳаррир ёнига қайтиб кирди.

— Мақсуда опа бироз ташвишга тушгандай бўляптилар, пенсияга чиққанларидан кейин ишга қайтарман, ҳозирча бошқа жойда ишлаб тура қолай.

— Шундоққина ёнимизда янги газета очилапти. Мақсуда опани уша ерга ўтказиб қўяман. сиз ишлайверинг.

Барибир Мадинанинг кўнгли бўлмади.

— Мен ўтиб тура қолай. Янги жойда опа қийналиб қолмасинлар.

Ҳамида опа ўрнидан туриб, Мадина келтирган оқ атир гулларнинг ёнига борди-да, узоқ ҳидлади. Сўнг:

— Биласанми, матбуот кўнгилянлик қиладиган жой эмас, журналнинг ҳар бир сони ун етти яшар қиздай гўзал бўлиши керак. Опа бир нарсани, тезроқ пенсияга кетишни ўйлайдилар, — деди.

Мадина ўйлаб кўрай деди-ю, барибир Мақсуда опанинг дилини оғритгиси келмади.

\* \* \*

Янги газетанинг бош муҳаррири телефонда овози борича қичқириб сўзлашар, қабулхонада ўтирган Мадинага ҳамма гапи аниқ эшитилиб турарди.

— Йўқ, йўқ, учта болали аёлни ишга ололмайман. Буни газета деб қўйибди. Бизга журналист эмас, солдат керак!

Яна телефон жиринглади. Бу сафар муҳаррирнинг нима деяётгани эшитилмади. Унинг овози жуда мулоим тортиб кетган эди. Трубкани қўйгач, эшик очилди-да, айнан Мадинани кутиб тургандек ичкарига ишора қилди.

— Кириг.

— Ассалому алайкум.

— Ваалайкум. Рассомисиз?

— Ҳа.

— Жуда соз.

— Болалардан нечта?

Мадинанинг гаши келди. Ҳозир бир баҳона топиб ишга олмайди, деб ўйлади. Сўнг:

— Худога шукр, ўғиллар ҳам, қизлар ҳам бор, — деди.

— А-ҳа. Демак, хотин-қизлар журналида ишлагансиз. Хўш, техник муҳаррирликдан хабарингиз бор. Гап бундай, ҳозирча безак масаласи билан ҳам, техник муҳаррирлик билан ҳам ўзингиз шуғулланиб турасиз. Кейинроқ бўлимгингни тўлдириб бераман. Ёрдамчи рассом штатимиз ҳам бор. Сиз бош рассом бўласиз.

Мадина Ҳамида опа кўнғироқ қилиб кўйганини тушунди.

— Эртага ишга тушинг. Бир ҳафта ичида газетанинг номи, асосий рукнларнинг безаклари тайёр бўлсин.

Мадина бошидан биров бир челак муздек сув кўйгандек, сесканиб тушди.

— Бир ҳафтада-я? — деди ҳайрон бўлиб. Сўнг, улгуролмайман, деб тўғриси айтиб кўяқолди.

— Улгуринг. Ўзингиз улгурмасангиз, бошқаларни ишга солинг. Турмуш ўртоғингиз ёрдам берсинлар!

Бош муҳаррир ўзи ишга олаётган ходимни яхши билиб олаётган эди. Мадинанинг хаёлига «ялт» этиб Ҳаким келди. Ҳа, уни бу қийин аҳволдан фақат Ҳакимгина қутқариши мумкин. Равшан эса, қанчалик безак-ёзуви чиройли бўлмасин, кўнгли чопмаган ишни қилмайди. Ҳаким ака бошқа гап. У чўп чизса ҳам жон киргазиб юборади.

Мадина Санъат саройининг ертўласидаги ёруғ устахонага кириб келганида, икки-уч рассом гимирсиб, қандайдир каттакон матони ромга тортаётган эдилар. Бир четдаги кичкина столча устида бўш ароқ шишаси ва йирик-йирик кесилган пиёз бўлаклари турибди. Деворларга эски афишалар суяб кўйилган. Эшикнинг ғийқиллаб очилганига ҳалиги кишилар эътибор қилмадилар. Мадина салом берганидан кейингина улар шу томонга ўгирилишди.

— Кимни қидириб юрибсиз, мадам?! — деди жиккаки-на киши.

Мадина Оганесовичнинг гуруҳида ўзларидан икки йил олдин ўқиган болани таниди. Бироқ Яша уни эслай олмади.

— Мен Рустамовни қидириб келган эдим.

— Сиз кими бўласиз?

— Газетадан келдим, бизга ёрдамлари керак.

— У йўқ.

— Қаерда, таътилдами?

Яша узун ҳуштак чалди.

— У йўқ! Ва бўлмайди ҳам!

Мадина унинг овозидан Ҳакимга бўлган қандайдир яширин нафратни ва айнан газетадан қидириб келган одам уни тополмаганидан бир қадар мамнунлигини пайқади. Шунинг баробарида қандайдир ноаниқ ваҳмдан юраги сиқилди. Тиззасидан қувват қочиб шундоқ ёнида турган эскигина креслога чўқди.

— Унга нима бўлди? — деди зўрға.

— Э, сиз кўрқманг, ишдан бўшаб кетди, холос, — деди шериги.

— Ҳа, ростдан кўрқиб кетдим, — тан олди Мадина ҳалиги кишига миннатдор боқиб.

— Биз у билан дўст эдик. Менда телефони бор, — у шундай деди-да, ёнидан кичкина дафтарчасини чиқариб, машхур лойиҳалаш институтининг телефон рақамларини айтди.

\* \* \*

Мадина собиқ курсдошини дафъатан таний олмади. Илгариги буйчан, елкадор йигит ўрнида анча эт куйган, гардиши катта кўзойнак таққан, сочлари мош-гуруч, кўлида доимги эскизлар папкаси эмас, аллақандай сирли кулфли дипломат кўтарган киши турарди.

— Вой, Ҳаким ака, сизни ким экан, дебман. Ўзгариб кетибсиз.

Шу вақт бош муҳаррир дабдурустан кириб келиб қолди.

— Қани, тайёр бўлган безакларингиз бўлса, кўрайлик.

— Ҳозирча йўқ, Шариф Шаропович, лекин бир ҳафта ичида тахт бўлади. Мана, зўр рассом Ҳаким Рустамовни чақирганмиз, — деди у.

Муҳаррирнинг чехраси очилди. Ҳакимнинг олдига рукн ва сарлавҳалар рўйхатини кўйиб, тахминан қандай рамзлардан фойдаланиш кераклигини тушунтиришга киришди. Ҳаким рўйхатни индамай, дипломат ичига соларкан, собиқ курсдошига:

— Ўзингиз уйга утиб, эскизларни оларсиз. Менинг вақтим зикроқ. Мана, адрес, — деб қоғозга нималарнидир ёзиб узатди. Мадина қоғозга қараб ҳайрон бўлди: Қорасув-3...

Уйи марказий универмагнинг ёнида эди шекилли?..

\* \* \*

Мадина ишга чиқиб кетгач, дилини хира қилиб ётган Гўзал воқеасини ҳам унутди. Аниқроғи, бу ҳақда уйлашга вақти йўқ эди. Мана, бугун ҳам эрта турди. Зарур юмушларни саранжомлаб, ишга отлана бошлади:

— Мадина, йўл-йўл кўйлагим қани? — ичкаридан эрининг овози эшитилди.

— Ҳозир топиб бераман. Дазмоллаб кўйибман.

У ётоқхонага кирганда эри шивирлади.

— Дина, анави мовий узун кўйлагингни кияқол, бугун ишга пиёда кетамиз.

— Яхши.

Улар уйдан бирга чиқишди. Хивбон оралаб кетиладиган йўлда эса Равшан хотинини култиқлаб олди. Улар бахтиёр эдилар. Йўл ажраладиган жойда бўлса, узоқ туриб қолдилар.

— Сени кўйиб юборгим келмаяпти, Мадина...

— Менам, Равшан...

Мадина ўзининг ҳам, эрининг ҳам муҳаббатига, эртанги куннинг беғуборлигига ишончи ортди. Кўнглида бир ёғду билан ўз ишхонаси томон илдамлади.

Хонасига кирганда бош муҳаррир сўраётганини, тушдан кейингача топшириқларини битириб қўйиши лозимлигини айтишди. Мадинанинг юраги шув этди. Буюртмаларни Ҳакимдан ҳали олиб келолмаганини уйлади ва ҳозирок бориб келишга отланди.

У айтилган уйни топиб борганида эшикни ёши Ҳакимдан хийла улугроқ аёл очди.

— Менга расом Ҳаким Рустамов керак эдилар:

Аёл эшикни очиқ қолдириб, индамай ичкарига кириб кетди. Кўп ўтмай эшикда бир қўлида арра, бир қўлида қандайдир тахта Ҳакимнинг ўзи пайдо бўлди. Саломлашгач:

— Ремонт қилаётувдик, — деди узр сўраганнамо. Сўнг Мадинани ичкарига таклиф қилди.

Уйнинг меҳмонхонаси Мадина билган уйлардан анча кенг, тарҳи ҳам бошқачароқ эди. Шунга яраша токчаларига биллур идишлар терилган замонавий деворий шкаф, қимматбаҳо қандил, юмшоқ курсилар...

— Ҳаким ака, лойиҳачиларнинг ойлиги зўр шекилли, уйни жуда яхши тузабсиз.

— Йўқ, ойлиги зўр эмас. Мен келганимда бу нарсаларнинг ҳаммаси бор эди.

Мадина тилини тишлади. Уй бекаси Мадинани олдин кўрмаган бўлса ҳам, ҳарҳолда эшитган шекилли, кириб хушмуомалалик билан:

— Чой ичасизларми, қаҳвами?! — деб сўради.

— Қаҳва, — деб эди Ҳаким, аёл индамай чиқиб кетди.

— Ижодий иш ҳам қиляпсизми, Ҳаким ака? — деди бироз жимликдан сўнг Мадина.

— Деярли йиғиштирганман. Ҳозир мрамартошга портрет ўйиб туширяпман, — деди у аллақандай тундлик ила.

Мадина ҳадеганда тушуна қолмай йигитга ҳайрон тикилди. Ҳаким аниқлик киритди.

— Қабртош йўняпман. Пулли иш экан. Шунақа, — деб елка қисди.

— Ҳа, яхши, яхши, — деди Мадина нима дейишини ҳам билмай.

Бундан руҳланган йигит:

— Юринг, кўрсатаман, — деди кутилмаганда.

Гангиб қолган Мадина индамай эргашди. Каттагина балконнинг деворига эллик-олтмишга яқин ҳар хил катталикдаги йўнилган мрамар тошлар суяб қўйилган эди. Йигит бориб четда алоҳида турган тошнинг юз томонини угириб, деворга суяди.



— Ие, бечора, улюбдими, — деб юборди Мадина Горбачевнинг худди ўзига ухшаган уйма суратига қараб.

— Йўқ, — деди йигит, ўз ишига завқланиб қараб тураркан. — Одамлар ўзлари яхши билган қиёфалар қойилмақом ишланганини кўрсалар, рассомга тез ишонадилар. Чунки мрамартош қиммат нарса, уни бузиб қўймайдиган устага бериш керак-да.

— Ҳа-а, — деди Мадина энди ақли етиб.

Иккинчи сурат Ашот Оганесовичники эди.

— Ие, бечора... — У яна ҳалиги ҳолатга тушди.

— Йўқ, — деди Ҳаким жиддий. — Биз ҳозир қўшни турамиз. Ўлганидан кейин болалари ўзига қабртоши қўйишига ишонмайди. Шунинг учун олдиндан ишлатиб қўяпти.

Мадина мархумларнинг тошга уйилган совуқ чеҳраларига бир-бир кўз югуртирар экан, эсиз, шундай истеъдод, қандай ёруғ ва нозик ранглар топар эди-я, деб ўйлади. Сўнг:

— Ҳаким ака, безакларга келиб эдим. Зарур экан, — деди.

— Яхши, — йигит унинг ҳолатини сезиб, ичкарига йўналди ва курси устига чиқиб, шкаф тепасидан бир даста ўралган қоғозларни олди. Сўнг кичикроқ шиордай келади-ган газета сарлавҳасини гилам устига ёзиб, ўралиб кетмаслиги учун четларини китоб билан бостириб қўйди. Ёзувлар, шубҳасиз, бекаму кўст эди. Бироқ...

— Ахир, Ҳаким ака, буларингиз жуда катта-ку! Газетада булар учун жимжилоғдай жой ажратилади. Мен буларни қандай жойлаштираман? Муҳаррирга нима дейман? — Унинг кўзлари ёшланиб келди. — Нега бундай қилдингиз?

Ҳаким шошиб қолди:

— Мадина, Сиз сиқилманг, уларни бир кечада фототасвирга тушириб, кичиклаштириб бераман.

— Мен фақат бир нарсага тушунмаяпман, нега биратула майдароқ қилиб ишлай қолмадингиз?! Ахир, газетада туланадиган ҳақ бу меҳнатингизнинг ярмига ҳам арзимайди-ку!

Ҳаким қўлидаги қоғозни эҳтиётлаб ўраб, бир четга қўйди, сўнг келиб унинг қаршисига чўкди.

— Мен лойиҳа институтида нусха кўчирувчиман. Чизиқлар аниқ кўриниши учун қоғоз остига кучли лампа ўрнатамиз. Ўша нур таъсир қилганми, ҳеч кичикроқ чиза олмаяпман.

— Унда... — Мадина унга ачиниб кетди, — унда нега рози бўлдингиз? Чизмайман, десангиз буларди-ку.

Ҳаким жилмайди.

— Ҳозир фақат сизгина мени йўқлаб турасиз. Сизни кўрсам, ёшлиқда бирга ўсган дўстларимни кўргандай бў-

ламан. Шунинг учун... Эсингиздами, бир борганимда дадангиз келиб қолган эдилар. Яхши юрибдиларми?

— Йўқ, вафот этдилар.

— Худо раҳмат қилсин, яхши одам эдилар.

— Бўпти, мен борай, Ҳақим ака, — деб турмоқчи бўлди Мадина.

— Бироз шошманг, йиллар давомида ҳеч кимга кўрсатмаган рангасвирларим ётибди, бир кўринг...

— Анави тошларни кўрсатгунча, шундай демайсизми!

— Менимча, улар менинг сўнгги ижодим бўлса керак.

Мадина унинг кейинги гапига эътибор бермади.

Ҳақим эшикдан ташқаридаги кенг ва ёруғ йўлакка лифт ёнидаги хонадан ишларини ташиб чиқара бошлади. Бу рассомнинг ишлари сўзсиз, теран асарлар эди. Мадина фаҳмладики, бу мусаввир ҳаёти давомида ҳеч қачон рангасвирни тарк этмаган. Рассомнинг суратларида талабалик йилларидаги сингари шиддат билан тортилган аниқ чизиқлар йўқ. Энди услуб ўзгарган, мусаффо, пушти-мовий ранглар, қилқаламнинг изи сезилмайди. Нигоҳ буюмдан буюмга сокин сирғалиб ўтади. Энг муҳими, асарларда ҳолат бор. Улардан тоғ ҳавосидек мусаффо салқин уфуриб турибди. Рассом ёшлигида тез-тез эслайдиган, уйлайдиган, чизадиган чинор ва бир даричали уй уфққа силжиган, туман аро жонлана бошлаган. Фақат битта полотнода ўша тасвир бегимроқ. Рассом бир қўлида кичик ўгли Рашидни, иккинчи қўлида бу ердаги ўгли Ҳамидни кўтарганча, томошабинга қараб юриб келяпти. Кичик ўглининг елкаси оша ўша уй ва ўша дарахт кўриниб турибди. Сўнг, қандайдир Пикассонинг мовий асарлар давринимий, Анри Дереннимий, Матисс асарларинимий эслатиб юборадиган нафас, муҳаббат мавзуидаги асарлар...

Мадинанинг қовоқлари оғирлашиб, кўзларига бостириб кела бошлади. Олдин анави ёши каттароқ аёл, сўнг қабртошлар, кейин қувурдай буралиб ётган безаклар... Ва ниҳоят, зулмат аро бир тутам нурдек бу рангасвирлар. Суратлар ҳали кўп эди.

— Ҳақим ака, мен матбуотда ишлайвери билиб қолдим. Босиб чиқарилаётган ишнинг муаллифини унча суриштиришмайди. Асар маъқул бўлса, бас. Сизнинг олдингизга слайда<sup>1</sup>га туширадиган мухбир билан келаман. Ишларингизни санъат журналида босиб чиқарсак. Жамоатчиликда яхши фикр уйғонса ажабмас, рассомлар уюшмасига аъзо ҳам бўлиб кетарсиз, балки. Сиз ижод қилишингиз керак.

<sup>1</sup> слайда — рангин сурат плёнкаси.

— Мадина, айтдим-ку, ҳозир кўзларим яхши кўрмайди, деб.

— Даволатамиз. Духтирлар матбуотни жуда ҳурмат қилишади. Газета ўртага тушса, иш кўнгилгидек бўлади.

Унинг комил ишонч билан сўзлаши Ҳакимга умид бағишлади. Кўз ўнгига сочларини шамол тортқилаб, тоғли манзара чизаётган пайти келди.

— Ростдан-а, — деди ҳайратомуз.

Йигит асарлари собиқ курсдошига маъқул келганидан мамнун ҳолда уларни қайтариб жойига жойлай бошлади. Мадина бека билан хайрлашиш мақсадида энди уйга кирган эди, ташқи эшик очиқ бўлса ҳам, негадир кўнғироқ устма-уст босилиб, шўхчан жаранглади. Уй бекаси ошхонадан учиб чиқди. Аскар кийимидаги барваста йигит эшикни ланг очиб кирди, сўнг ўзини аёлнинг бағрига отди. Уларга индамай қараб турган Ҳаким изоҳ берди:

— Бу йигит унинг... катта ўгли...

Мадина хайрлашиб чиқди.

\* \* \*

Ширин момо ўттиз йилдан ошибдики, тушида фақат бир нарсани кўради, армони — боласини кўради. Эмиш-ки, ўғил бир оқ чойшаб тушалган каравотда ётган эмиш. Эна, мен сизни кўргани келдим. Ўзингиз бир айланиб бормайсиз ҳам, дермиш у. Болам, бобонг сени берган етимхонанинг қаердалигини билмасам. Сени у ёққа бергач, бечора кўпга бормади. Сўгин, шаҳарда нечта етимхона бўлса, ҳаммасига бордим, лекин тополмадим, на қилай, дермиш.

Эна, мен ҳали ҳам ўша ерданман, деб у чўнтагидан дафтарча чиқариб, адресини ёзиб берганмиш. Момо кўлига қоғозни олган пайти уйғониб кетди. Сўнг бу ниманинг аломати эканини ўйлаб ўйига етолмади. Таъбирлай деса, жўяли таъбирлай ҳам олмади. Оқ қоғози нима бўлдикан? Оқ тушак-чи? Оқ — ёруғлик, дейишарди, бирор дараги чиқармикан?

Шириннинг эри дунёдан ўтгач, колхозга ишга келган агроном йигит унга оғиз солди. Болам бор, буйдоққа тегмайман, деди у. Бир куни ярим тунда эшикнинг оҳиста тақиллашидан кўрқиб кетди. Ваҳима аралаш.

— Ким, у? — деди.

— Мен, Бектошман. Яхшиликча рози бўласан, ё пайт пойлаб ўғирлаб кетаман! Оч.

— Йўқ, қандай келган бўлсангиз, шундай кетинг.

Томдан овоз чиқармай сирғалиб тушган йигитнинг кетиши осон бўлмади. Баланд паҳсага тирмаша бошлаган эди, деворнинг бир бўлак гуваласи «гуп» этиб ерга туш-

ди. Ит жони-жаҳди ила ҳуриди. Ҳамма уйғониб кетди. Қайнотаси:

— Уйга ўғри тушди, молимни ечиб, дарвозагача борган экан, бўрибосар талади, — деб одамларни ишонтирмақчи бўлди. Аммо Шириннинг ўзи кейинчалик Маҳкамтош деган яқин дугонасига қаердан ҳам бир учини чиқарган экан, кўп ўтмай агроном йигит сувга чуқиб ўлган миروبнинг бевасига ошиқ экан, деб бутун қишлоққа ёйилди. Ширин унга турмушга чиқмай иложи қолмади.

Бектош асли Жомбойнинг Қоратош қишлоғидан эди. У аравага чиқиб ўтирган Ширинга тайинлади: «ўтмишингдан оғиз очмайсан. Оғайниларимга тайинладим. Кейинроқ болангни олиб келиб бераман. Укам деб айтасан». Бектош ўз уруғ-аймоқларига ишлаган еримдан қиз олиб қочдим, деди. Тўйда, битта-яримта қариндош-уруғи келсин деганларга етим ўсган, деб гапни қисқа қилди. Эр гапида турди. Ўғай ўғлини олиб келди. Бироқ бола ўз онасини опа дея олмади. Эри яна қариндош-уруғларга изоҳ берди: «Энаси ўлганда, чақалоқ бўлган, опаси катта қилган. Опасини эна деб урганган». Аммо ўзи болага сира қовоқ очмади. Бола эна, бувамга борайлик, деб кўп хараша қиларди. Ўғай ота бир куни бувангга олиб борайми, деди. Боланинг кўзлари ёниб кетди. Ҳа, деди. «Яхши, мен сени бувангга олиб бораман, келгинг келса, бувангга айтасан, олиб келади, бўптими?»

У ўғай ўғилни отга мингаштириб йўлга тушди. Уйига етишгач, болани отдан дарвоза олдида туширди-да, қайтиб кетди. Ҳовлига ёлғиз кирган неварасини кўрган чол югуриб ташқарига чиқди. Ўғай ота чақирса, овоз етмайдиган масофада кетиб борарди. Чол неварасини бағрига босди: яхшиямки, ўзим уйда эканимда ташлаб кетди, бўлмаса, нима қилардим. Ҳовлида ҳовуз бор, худонинг ўзи асрасин. Шундан кейин чол ёлғиз ўғлининг зурриёдини етимхонага топшириш йўлларини излай бошлади.

Бектошнинг укаси уйланаётганда, тўйда келиндан, қиздан, аёлдан гап очилди. Суҳбат кўз очиб кўрган бошқа, кейин олган бошқача бўлиши ҳақида бораркан, Ахтам дўхтир Бектошга қараб:

— Уйингда юрган боланг қайнинг эмас, деб эшитдим, шу ростми, — деди. Бектош гўшт тўғраб турган пичоғини дўхтирнинг бўғзига яқин келтирди, сўнг барчага эълон қилди:

— Кимда-ким менинг хотинимга тўхмат қилиб, шаънини булғашга ҳаракат қилса, сўяман!

Шу-шу одамларнинг оғзига кулф тушди. Ширин аввал уч қиз, сўнг етти ўғил кўрди. Бироқ биринчи боласини унутолмади. Тўртинчи ўғил — Юнусни уйлантиришгандан

кейин, эри касал бўлиб ётиб қолди. Шу ётганча уч ой ётди. Бироз дарди енгиллашиб, овқатни ҳам иштаҳа билан ея бошлаган кунлар эди. Отанинг касал эканлигини эшитиб, олис-яқиндан етиб келган фарзандлар хотиржам тортиб, ўз уйларига жўнаб кетдилар. Ажабтовур сузлаб, оз-моз урнидан ҳам тураётган бемор бирдан оғирлашди. Ҳатто сув ҳам ютолмай қолди. Шунда хотинини ёнига ўтиришга ишора қилди:

— Ширин, яхши-ёмон гапирган бўлсам ўт.<sup>1</sup> Нима гуноҳ қилган бўлсам, сени қизғониб қилдим. Улиб кетган эрингдан ҳам, болангдан ҳам қизғондим. Айбимдан утасанми-ўтмайсанми, ўзинг биласан. Қарз гапимни айтиб кетай. — Шу ерга келганда томоғига фарғара тикилди. Кўзлари катталлашиб, буйни чўзилиб кетди. Аёлнинг юраги шувв этди. Гап боласи ҳақида эканини қандайдир ички, оналик туйғуси билан англади. Шоша-пиша эрининг бошини кўтарди. Айтинг, айтинг... Ҳақим тирикми? — Эр бошини кўтаришга ҳаракат қилди, аммо кўтаролмади. Кўзи билан «ҳа» ишорасини қилди. Сўнг Тош... Тош... деганча жони узилди.

Шундан буён Ширин момонинг тинчи йўқолган. Раҳматли эри ҳадеганда Тошкентга боравермасди. Қачон кўрди экан? Кўча-кўйдамаи, поезддамаи, ё бировни ўхшатдимикан? Нега шунча вақт ичида сақлаб юриб, кетар чоғи айтди?

Момонинг бирдан хўрлиги келди: гўрингда тикка тургур, қизганмай қизиб ўлгур, анигини айтмай кетди-я...

\* \* \*

— Ҳақим гапида турди. У туни билан ишлаб чиққан суратларни йиғиб, қуритиб олар экан, хотини гап қотди:

— Нима, газетада яхши ҳақ берарканми?

— Тахминан юз сўмча.

Аёлнинг энсаси қотди:

— Юз сўм учун неча кундан бери уйқу билмай ишлайсан. Ундан кўра мрамарга сурат уй.

— Биринчидан, мени сенсирама, иккинчидан нима қилишни ўзим биламан.

— Сенласам яхши эмасми?

— Мен эрингман, барибир сизлашинг керак.

— Яхши, умуман, у аёл ким ўзи? Оиласи борми?

Ҳақим гапнинг нишабини фаҳмлади.

— Бор. У менга сингилдек бўлиб қолган.

Ҳақим газета биносига кириб, телефон рақамларини тараётганда ёнига бир киши келиб илтимос қилди:

— Биродар, мен ҳам шу ерга келаётган эдим, рухсатномани икки кишига сўранг. Фамилиям Раҳмонов.

<sup>1</sup> Ўт — кечир маъносига.

— Мадина, яхшимисиз, бу мен Ҳакимман. Фақат илтимос, иккита рухсатнома буюринг, мен билан бир муаллифларингиз турибди.

— Хўп, ҳозир...

Баланд буйли, қотмадан келган бу кишининг кўзлари чақнаб турарди. Унинг хирқираганроқ овозда сўзлаши, оппоқ, теп-текис тишларини ярақлатиб жилмайиши Ҳакимга ёқди. Кўнглидан, яхши натура<sup>1</sup> экан, деган фикр кечди. Уни хаёлан дарахт остига ўтиргизиб суратини чизди. Сўнг эсига ўша умрбод қидириб, эндиликда умидини узаёзган уйи ва чинор келди. Қизиқ, деб уйлади, мен ҳатто инсон қиёфасини дарахтларсиз тасаввур қилолмайман.

— Сиз ҳам Мадина Раҳмонованинг олдигами?

— Ҳа-ҳа, Мадинанинг олдига, — деди хаёлини йигиб.

Улар биргаликда кириб боришди. Мадина Ҳакимнинг шеригини кўриб:

— Э-э, ким экан, деб ўтирибман, келинг, Олим ака. Қандай шамол учирди? — деди хурсанд ҳолда. — Бу киши вилоят маданият ишлари мутасаддиси, биз томонлардан, танишинг, Ҳаким ака. Бу киши эса, Ҳаким ака, ажойиб рассомимиз.

— Э, шунақами, эҳтимол бизга ёрдам берарлар, Мадинахон синглим, биз ҳозир Афғонистондан қайтмаган йигитларнинг номларини ўзлари ўқиган мактабларга беряпмиз. Энди мана, Ҳакимжонми, ўзингизми, кувми, ишқилиб биргалашиб рангли портретларини ишлаб берасизлар. Лекин ҳайкалларини нима қиламиз? Бир яхши ҳайкалтарош ҳам топиб берасиз.

Мадина Ҳакимга саволомуз қаради. Ҳаким кўрсатгич бармоғи билан бурнига сурилиб тушган кўзойнагини тўғрилаб қўйди, суратлари бўлса, бемалол ишлаш мумкин...

— Урушдан қайтмаганлар кўпми, Олим ака, — деди Мадина ҳайратланиб.

— Э, Мадинахон, нимасини айтасиз, кўп. Бизнинг қишлоқдан ҳам Файзулло деган йигит қайтмади. Қарангки, ўлим ҳам йигитнинг гулини узаркан. Шу бола ўзи бошқача эди. Бир қўшиқлар айтардики, қўяверасиз. Унинг футбол ўйнаганини кўрсангиз, югурмасди, учарди. Командир бола тобутни ўзи кузатиб келди. Узини Мунира опанинг оёғи остига ташлаб, апа, шу яшиқда мен ётишим керак эди, мен қолиб, у кетди, дейди, йиглайди. Мана кўринглар, ушанақа болаларнинг суратлари.

Йигитлар узаро гаплашиб олгунларича Мадина безакларни синчиклаб кўздан кечирди, сўнг бош муҳаррирга

---

<sup>1</sup> Натура — тасвир объекти, қаҳрамон.

кўнғироқ қилиб, безаклар тайёр, кўрсатишга олиб кирсам майлими, деб сўради. Биринчи сон босмага топширилишини сабрсизлик билан кутаётган бош муҳаррир зум ўтмай ўзи бўлим остонасида пайдо бўлди. Унга газета номининг ёзилиши жуда маъқул тушди. Сўнг тезгина бошқа тасвирларни ҳам кўздан кечирди-да, бугуноқ босмахонага топширинг, деб чиқиб кетди. Бош муҳаррир Ҳаким чизган суратларнинг бирортасига ҳам эътироз билдирмагани меҳмоннинг қарорини қатъийлаштирди.

— Ҳакимжон, дўстим, сизни бир-икки кун кутай. Иш қуролларингизни олиб, ишхонангизга маълум қилинг-да, жунайверайлик.

— Мен-ку, боравераман-а, аввал иш ҳақи масаласини келишиб олайлик, — деди Ҳаким жиддий.

Мадинанинг хаёлига яна ҳалиги, ўзгариб кетибди, деган фикр келди.

— Нақд тўлаймиз. Лекин бизда бадиий асарларнинг давлат нархи кўрсатилган ҳужжатлар йўқ. Нуфузли идоралар тасдиқлаган шунақа ҳужжатни топсангиз бўлди.

Мадина кутилмаганда Ҳакимнинг омади чошиб қолганидан ичида мамнун бўлди. Ҳар иккала меҳмонни лифтгача кузатиб чиқди. Сўнг ўзи серҳашам бинонинг кенг ва баҳаво айвонига чиқиб, Қизил майдонда шовуллаб отилиб ётган фаввораларга тикилди. Куп ўтмай, бинонинг ташқи эшигидан Олим ака билан Ҳаким чиқиб, оҳиста юриб кетдилар. Бирдан Мадинанинг юраги зарб билан уриб, томоғи томон бир кўтарилди-ю, жойига тушди. Эсида, бир марта Равшаннинг ойиси андини келин қилмайман, деганини эшитганда, сўнг Гўзал воқеасидан кейин юраги шундай урганди. Энди, мана, яна. Эй худо, буниси нимаси экан?

\* \* \*

Ҳаким Самарқанддан буюртма олган куниданоқ ғалати ҳолга тушди. Узини сочига оқ оралаган одам эмас, балки ўн саккиз ёшли йигитдай ҳис қила бошлади. Гўё қандайдир бир муҳим воқеа юз бериши керакдай, ҳаёти бошқатдан бошланадигандай туюлаверарди. Ҳаяжонга тушиб, гўё ўзига ҳамма қараётгандай бўлаверарди. Худоё тавба, — деди ўз-ўзига. Нима бало, ҳали қўлимга тушмаган пул мени шунча маст қиляпти? Ёки тирикчилик, рўзгор ташвишида яқин орада ҳеч қайёққа чиқмаганим учун шу ҳолга тушяпманми? Портретни яхши ишлаганим билан, рангларни ҳис қилишим-чи? Унчалик эмас-ку. Бироқ сурат ухшаса, қишлоқ одамлари у ёқда турсин, унча-мунча санъатшунос рангдаги камчиликни фаҳмламайди. Ҳайкални осон ишлайман, бармоқларим кўздан яхши.

Аммо шунда ҳам тезроқ ишлашга ҳаракат қиламан. Демак, мен иход қилиш учун эмас, пул учун кетяпман. Шунга шунча ҳаяжонми? Ёки мени йўл-йўлакай томоша қилиб кетишим мумкин бўлган табиат манзаралари ҳаяжонга соляптими? Ё беш-олти соатлик йўлга оппоқ «Волга»да, катта амалдордек ястаниб ўтириб кетишим ҳовлиқтиряптими?

У йўл сумкасига кийимларини жойлар экан, жимгина қараб турган хотини гап қотди:

— Умуман, у аёл катта яхшилик қилибди. Прейскурант<sup>1</sup> буйича бешта ҳайкал ишласанг, ўттиз минг бўларкан. Бу пулга уч хонали квартирани мебеллари билан сотиб олиш мумкин. Тезроқ ишлаб кел. Коляни уйлантириб, уй олиб берамиз.

Ҳаким ҳанг-манг бўлиб қолди. У тахминан ўн-ўн беш минг ҳақида ўйлаган бўлса ҳам, ҳали прејскурантга қарамаган эди. У аввал мен ўзим билан болаларимга уй оламан, Колянг бир гап бўлар, дегиси келди-ю, ҳали қирда юрган кўён\_гўштини талашмай, деган хаёлга бориб индамади. Оёғининг тагида «папочка»лаб ўралашиб юрган Ҳамидни бағрига босди.

— Ундай дема, бир кун келиб сени узоққа, қишлоққа олиб бораман. У ерда бундай десанг, уят бўлади. Рашид акангни кўрмайсанми, у доим дадажон, дейди. Мен билан ўзбекча гаплашади. Сен ҳам мен билан ўзбекча гаплаш, хўп?

— Хўп, дадажон. Уша қишлоқ қаерда?

— Кошки билсам! Билсам олиб бормасмидим. Сен катта бўлсанг, бирга излаймиз.

— Унда тезроқ қидира қолайлик.

— Бўпти, мен кўпроқ пул ишлаб келай, кейин жўнаймиз.

Хотини болани кўтарганча уни лифтгача кузатиб чиқди. У катта пул ишлагани кетаётган эрининг юзидан чўлпиллатиб ўпиб хайрлашди. Вилоятдан келган меҳмон уни келишилган бекатда бетоқат кутар, машинанинг очиқ эшигидан узун оёқларини чиқариб ўтирганча, кетма-кет сигарет чекарди. У йўл сумка кўтариб, оҳорли костюм кийиб олган Ҳакимни узоқдан таниди.

— Э, бормисиз, дўстим, жуда интиқ қилдингиз-ку, — деди. Сўнг машинанинг эшигини очиб, уни ичкарига таклиф қилди. Йигит меҳмоннинг шошилаётганини кўриб турса-да:

— Олим ака, марказий универмагга ҳайданг, илтимос, — деди.

<sup>1</sup> Прейскурант — бадий асарлар нархи кўрсатилган ҳужжат.



— Хўп-хўп, олдин биз меҳмон эдик, энди сиз меҳмон, барча истагингиз бош устига, — мулозимат қилди у.

Машина шундоқ чинор остига бориб тўхтади. Ҳақим югуриб кириб эди, эшикни Светлана очди.

— Кир, нимага остонада турибсан?

— Йўқ, раҳмат, киролмайман, вақтим зиқ...

Собиқ рафиқаси ўглини чақирди:

— Рашид, бу ёққа қара, даданг келди.

Бола хонасидан ўқдай учиб чиқиб, отасининг бўйнига осилди.

— Ада, адажон.

Ҳақимнинг жон-жаҳони ёришиб кетди.

— Мен командировкага кетаётиб эдим, сизларни кўргим келди, — деди.

Сизларни деганига хотини ғалати аҳволга тушди. Кўнглида Ҳақимга нисбатан меҳрми, муҳаббатми, туйди. Катта-катта мовий кўзларига ёш қуйилиб келди. Ташқарида машина чўзиб «би-и-п»ларди. Йигит боласини яна қайтиб қучоқлади. Негадир кўзига ёш келди.

— У кетиб қолди, Ҳақим, мени кечиролсанг, кечир, — деди маҳзун оҳангда хотини.

Ҳақим зиналардан тушиб бораркан, қарияпман шекилли, салга кўзимга ёш келади, деб ўйлади. Сўнг, асабларим бўшашиб кетган шекилли, қайтиб дўхтирга кўринмасам бўлмаскан, деган хаёлга борди. У чиқиб машинага яқинлашганда айвонидан ўглининг кўнгироқдек овози янгради:

— Адажон, хайр!

Ҳақим машина эшиги тутқичини ушлаганча қараб туриб, қўл силкиди.

— Рассомлар бой бўлишади, деганлари тўғри экан. Иккита ўй, иккита хотин, болалардан нечта? — деди Олим ака машинани жойидан жилдирар экан.

— Иккита, икковиям ўғил, — деди оғзини тўлдириб Ҳақим.

— Бу дейман, икковиям ўзингизникими, ё буниси билан ажрашганмисиз?

Ҳақимнинг хаёлига Светлананинг бояги гапи келди-ю, лекин ҳеч қачон ортга қайтмаслигини билса ҳам:

— Икковиям ўзимнинг хотиним, — деди. Сўнг кўшиб қўйди. — Каттамни ўтган йили суннат қилдирдим. Кичигини яқинда. Ҳали бир ой бўлгани йўқ. У ёқдан келгач, туй қилиб бериш ниятим бор.

Ҳақим машинанинг орқа ўриндиғида хотиржам ўтираркан, хаёли биринчи хотинига кетди: ҳарҳолда яхши кўрарди. Сўнг кўз ўнгига энди лойиҳалаш институтига ишга борган кунлари келди. У кайфи чоғ бўлиб, бир тўрхалта олма, бир неча тахтача шоколад кўтариб ишдан қайтса,

хотинининг аввалги эри меҳмонхонадаги оромкурсида сигарет чекиб, ястаниб ўтирибди. Ҳақимни кўрди-да, сигаретни бурситганча бош қимирлатиб қўя қолди. У ўзини бу қадар эркин тутишидан сездики, бу уйда нимадир ўзгарган. Ҳақим индамай бориб, деразани очди. Уйга тоза ҳаво уфуриб кирди. Сўнг, собиқ эрнинг қаршисида индамай ўтирган аёлга разм солди. Унинг кўзлари йиғидан қизариб кетган эди.

— Ҳақим, — деди хотини, — ўтир, гаплашиб олайлик.— Унинг овози бироз титраб чиқди.

— Гапиравер, мен шу ерда туриб ҳам эшитаверман, — деди тўрсайиб.

— Биз, — дедию Светлана, ҳиқиллаб йиглаб юборди.

— Чўзмай гапиравер, — чидамади Ҳақим.

— Биз Саша билан ярашишга...

— Қарорларинг қатъийми ё? — деди газаби қайнаб.

— У билан сенинг ишинг бўлмасин, — деди Саша сигаретни кулдонга эзғилаб.

— Яхши. Лекин билиб қўй. Бизда ажрашган эр қайтмайди.

— Сизларда буйдоқ йигит боласи бор аёлга уйланмас эди шекилли? — захарханда қилди Саша.

— Ҳа, шундай. Мен шу одатни бузиб, мана, нимага эришдим?! Бўпти, мен кетдим. Бирор бошпана топай, сўнг Рашидни олиб кетаман.

— Ҳақим, фақат ҳозир эмас, сал суяги қотсин, — деб илтижо қилди аёл.

— Яхши, фақат боғчада ўзбек тарбиячидан олмасликка сўз бер.

— Ҳа, биз сени пропискадан ҳам ўчирмаймиз, ахир ишлашинг керак-ку, — гап қўшди Саша.

Ҳақим чўнтақларини пайпаслади. Шу топда паспорти ҳам топила қолди. У ҳужжатни Сашанинг олдига олди.

— Тезроқ ўчириб қўй! — дедию чиқди-кетди.

У бу даргоҳдан тезроқ даб бўлишга интиларкан, бирор вилоятга кетаман, ўзбек қизга уйланаман, қуриб кетмагандур, деб ўйлади-ю, бироқ кўп ўтмай пешонасига ёзилган иккинчи ёлғиз аёлга учради.

\* \* \*

Қиш. Ҳаммаёқни оппоқ қор босган. Ҳамкасб аёлнинг тугилган кунига жамоа бўлиб боришди. Тун яримлаганда базми жамшид тугаб, ёппасига уринларидан кўзголишди. Лекин негадир айнан унинг бир пой этиги йўқолиб қолган эди. Уша куни у Маринанинг уйида ётиб қолди. Эрталаб аёл унга орамиздаги бўлган воқеани унут, мени чанқоқ қондирадиган булоқ деб ҳам ўйлама, деди. У уйда ўтириб

турди. Марина чиқиб, янги пойафзал олиб келди. Кейин маълум бўлишча, меҳмонлардан кимдир кўча эшикни қия очиб қолдирган шекилли, Ҳақимнинг бир пой этигини кўшнинг ити кўтариб кетган экан.

Марина унинг кўнглини ҳечам жизиллатмади. Лекин бир куни эртароқ келиб, эшикни ланг очиб қўйганча ишга тутинганда аёлларнинг овози эшитилди. Сўнг биттаси эшикка бош суқиб, бирров кўз ташлади-да, ҳали ҳеч ким келмапти, — деди шеригига.

— Жуда яхши, — деди иккинчи аёл. — Ўзи шу тобда ҳеч кимни кўргим келмай турибди.

Ҳақим Маринанинг овозини дарров таниди. У ҳам кўзи учиб турмаганини дилида эътироф этиб, жимгина ўтира-верди.

— Кўнглим айнаб кетяпти, Галя, сумкамда олма бор, ювиб кел, илтимос, — деди у.

— Эҳ Маринка, энди нима қилмоқчисан?

— Олдириб ташлайман.

— Ҳақимга айтиб кўрмайсанми? Балки боласийи кўзи қиймай сенга уйланар.

Ҳақимни совуқ тер босди. Беихтиёр гапга қулоқ тутди.

— Э, нима деяпсан! Уша кундан бери қайрилиб ҳам қарагани йўқ. Мен ундан анча каттаман. Кейин, меники эмас, деса, биласан, ҳақоратни кўтаролмайман.

Ҳақим беихтиёр кўзойнагини қўлига олди, яна қайтариб тақди. Назарида, ойнаси хира тортиб қолгандай туюлди. Чўнтагини пайпаслаб, рўмолча топди. Бехос тирсаги билан стол четида турган қора сиёҳдонни туртиб юборди. Шиша полга тарақлаб тушиб, думалаб кетди. Кўшни хонадаги ҳар иккала аёл ҳам олдинма-кетин югуриб киришди. Учаласи ҳам бир-бирларини сўзсиз тушунишди. Эшикдан биринчи бўлиб баланд пошналарини тақиллатганча Марина чиқиб кетди. Шундан кўп ўтмай улар бирга яшай бошладилар.

\* \* \*

Мадина узун ёқалари сербезак мовий кўйлақда, сочлари ёстиқ билан битта бўлиб, эрининг ёнида ётар экан, хаёли кундузги воқеаларга учди.

— Кеча Ҳақим акага зўр буюртма топиб бердим, — деди эрига.

— Ким экан у бойвачча буюртмачи? — деди эри шунчаки.

— Биз томондан.

— Менга қара, шу Ҳақимни кўпам ўзингга яқин олаверма. Биринчидан, ҳар хил гап-сўзларга тобим йўқ. Иккинчидан, у яхши одамларнинг боласимас. Эси бор одам боласини детдомга ташлаб кетадими? Детдомда ўсган-

ларда меҳр бўладими? Ҳаким ҳам ушаларнинг биттасида, қаёқдаги хотинларга уйланиб юрибди.

Мадина эрининг бу гапига индамай қўя қолди-ю, гап охирида:

— Дадаси, қачон уйга бориб келамиз, энамни жуда соғиндим, — деб кўшиб кўйди. Бу гапдан эрининг чиройи ҳам очила қолди.

— Ишингдан рухсат беришармикан?

— Ишимдан кўнглим тинч. Асосий безакларни топширдим, — деди у.

— Яхши, эртага эсимга сол, — деди эри.

\* \* \*

Совға-саломлар машинанинг юкхонасига жойлаб бўлинган эса-да, Равшанинг иши ҳадеганда битақолмади. Баланд пошнали янги оқ туфлиси товонини қанчалик сиқмасин, Мадина то эри келиб рулга ўтирмагунча, машинага чиққиси келмай бетоқат юринарди. Шу топда дарвозадан мотосиклини патиллатиб, катта қайноғасининг ўгли кириб келди. Мадина хавотир аралаш унга тикилди. Ишқилиб, бирор юмуш билан келмаган бўлин-да.

Қайноғаси тўнғич неварасининг пешонасидан ўпиб кўришди. Равшан хиянининг саломига алик оларкан, суради:

— Намунча, ҳовлиқиб юрибсан?

— Равшан ака, адамла юбордила. Машинангизни бир кунга бериб тураркансиз. Бухорога бориб келар эканлар.

— Кеннойинг билан Самарқандга кетаётган эдик-ку, — деди эри.

— Адамга телефон қилинг, балким, кеннойимни ўшнақаси ташлаб утиб кетарлар.

— Йўқ-йўқ, адаси бормасалар, биз ҳам бормаимиз, — деди Мадина кўнгли ғашланиб.

Эри унинг ёнига қараб юрди.

— Нега ундай дейсан, уч-тўрт кундан кейин ўзим бориб, олиб келарман.

— Аниқ кунини айтинг, адаси, мени биласиз-ку, — деди Мадина ноилож.

— Шанба кунни бораман, — деди у қатъий.

Мадина эридан айрилиб, биринчи марта узоққа кетиши эди. Машина жойидан жилганда, шу заҳотиёқ қайноғасининг ўлига тўхтанг, дегиси, туша солиб ўзини эрининг бағрига отгиси келди-ю, уялди.

\* \* \*

Туман маданият бўлими мудури кўрсатган суратлар ичида кўзлари катта-катта, ўзи қирра бурун, тўсдек қора

жингалак сочлари пилоткасининг тагидан тошиб чиқиб турган йигит Ҳакимга айниқса, маъқул тушди.

— Биринчи бўлиб, шу боланинг ҳайкалини ишлайман. Буни битиргунча қолганларининг хомакиларини тайёрлаб қўяман, — деди.

Аммо Олим ака эътироз билдирди:

— Йигитларнинг кўпчилиги район марказидан. Аввал ўшаларни ишласангиз булармиди. Кейин биз сизни тоққа жайрон овига олиб чиқмоқчи эдик. — Сўнг уни дераза ёнига чорлади.— Мана, ёруғда ҳам кўринг, эҳтимол ишни мана булардан бошларсиз.

Ҳаким суратларга синчковлик билан боқаркан, жилмайди:

— Тўғри, бир-биридан истараси иссиқ экан, лекин ҳар-қолда боягисидан бошлай қолай. Бизнинг ишда кўнгил чопса, яхши-да.

— Ихтиёрингиз, — деди маданият мутасаддиси ва бўлимдагиларга мурожаат қилди: — Суратдаги йигитнинг ота-онаси қаерда туришади?

— Шайдуллоними, «Москва» колхозида. Жунадикми?

Машинага ўтиришгач, Олим ака узича мушоҳадага берилди:

— Шайдулло. Шайхуллонинг бузилган шаклимикан ё Шаҳидулломикан? Унда Оллоҳ йўлида шаҳид дегани бўлади. Умуман, болага исм қўяётганда ўйлаб қўйиш керак экан. Балки шу боланинг шаҳид кетишига исми ҳам сабабчидир...

Ҳаким табиатан камгап эди, индамади. Яхши рассом бўлса ҳам ичимдагини топ экан, дебми, Олим аканинг энсаси қотди.

Ҳакимнинг хаёли эса яратажак асари билан банд эди. «Аскар йигитни гўё жанг тугагач, енгил нафас олиб, гўё ҳамма нарсани унутиб, мовий осмонга термулиб тургандай ҳолатда ишласам-чи. Агар таг супа ўрнига ҳар хил катталиқдаги бир-иккита харсангтош қўйилса, Афғонистон табиатининг ўзига хос томони ярқ очилади-қўяди».

Машина каттагина темир дарвоза олдида тўхтаганда май қуёши анчагина қиздира бошлаган, нуронийгина бир чол офтобда уй деворига суяниб ўтирар эди. Уй олдида машина тўхтаганини сезган, қадам товушларини ҳам пайқаган эди. Биринчи бўлиб, Олим ака салом берди. Чол улар томонга бурилиб, алик олди. Сўнг «келинглар, келинглар» деб, ҳассасага таянганча ўрнидан турмоққа тутинди. Олим ака чолнинг қўлтигидан олиб, авайлаб турғазиб қўйди. Ҳаким чолнинг кўзлари бутунлай кўрмаслигини дарҳол фаҳмлади. Чол уларни дуо қилганча супа ўртасидаги сўри томон йўл олди. Бирор қадам янглишмай бо-

риб, темир зиналардан кутарилди. Сўнг меҳмонларни ҳам чорлади. Фотиҳага қўл очдилар.

— Отахон, биз Афғонистондан қайтмаган неварангизнинг ҳайкалини ясамоқчимиз. Мана, бу меҳмон ҳайкалтарош. Атайлаб Тошкентдан олиб келдик.

— Ҳа, Шайдулло менинг биринчи чеварам эди. Ёш кетди болагина. Айниқса, энаси қаттиқ куйди. — Сўнг Ҳакимга юзланди:

— Улим, сиз қаердансиз?

— Тошкентдан келдим, отахон.

— Йўқ, асли туғилган ерингизни нима дейдилар?

У билмайман, дегиси келмай:

— Асли Тошкент атрофиданмиз, — деди.

Чол «ҳм-м» деди-ю, бошқа индамай жим қолди. Анчадан сўнг вилоят вакилларига сўз қотди:

— Мана, сизлар давлатти одами экансизлар. Қишлоққа неча йиллик мева дарахтлари, чинорларни кесиб ўрнига пахта экишмоқчи. Шуни тўхтатсанглар бўлмайдими? Катта дарахтнинг илдизи чуқур бўлади, болам. Шу илдизлар намни сақлайди. Дарахт кўпорилгандан кейин нима бўлади.

— Э, отахон, районнинг катталари нима қила олади. Юқорининг буйруғи шундай.

Чол гапи бефойда эканлигини сезгач, мавзуни ўзгартирди.

— Сал олдин келганларингда бирортасини югуртирар эдим. Келин мактабда, ўғил — кампири билан қирда. Акбарим далада.

— Отахон, сиз меҳмон билан ҳангомалашиб утиринг. Биз бориб, раисни топиб, марказдан рассом келганини етказайлик. Майлими?

Улар кетишди. Чол Ҳакимни суриштиришга тушди:

— Уғлим, ёшингиз нечада?

— Ўттиз олтидан ошдим, отахон.

— Акбаримдан ёшроқ экансиз.

— Отахон чарчамаган бўлсангиз, далага, Акбарингизнинг ёнига чиқамизми?

— Майли, юрсак-юрдик.

Чол ҳассасини ерга ура-ура олдинда бораркан, Ҳаким кўзи ожиз чол билан ўзининг ўртасида қандайдир қавмдошлик туя бошлаганига ҳайрон қолди.

Улар ҳовли адоғидан бошланган тутзор оралаб ўтишаркан, у чолни шох-шаббалардан ҳимоялаш учун ҳам олдинга ўтди. Унинг ниятини пайқаган чол кулимсиради:

— Мендан хавотир бўлманг, уғлим, кўзимга чўп кириб кетмайди. Кириб кетса ҳам зиён етказмайди.

Тутзор тугагач, сўқмоқдан пастга йўл олдилар. Ҳаким

ажабланди. Бу текис даладан тутзор юқориқоқда эди. Қандай суғоришаркан?

— Ўнг томонингизга қаранг, нимани кўряпсиз?

Йигит англай олмади. Чол тушунтирди:

— Шу ерда кичик бир қабристон бор эди. Шуни суриб ташлаб пахта экишувди. Пахтаси қандай кўкарган экан, деяпман!

Дарҳақиқат, ўнг томонда каттагина кенглик кўзга ташланди. Лекин унда пахта тугул бирор майса кўринмасди.

— Ҳеч нарса экилмаган шекилли, отахон.

— Э, болам, шу ерни сурдирган биргаднинг, сурган тракторчининг бошига тушган кунни худо ҳеч кимга кўрсатмасин. Ана, пахта ҳам кўкармабди. Бугун ҳам бир каттакон чинорни кўпоришмоқчи. Биргад ҳам, бульдозерчи ҳам бу ишга қўл урмабди. Бошқа жойдан одам келармиш. Акбар ҳам ўшаққа кетган. Кўлингниям урма, дедим. Сенга Шайдуллодан айрилганинг етади, яна худонинг қаҳри келмасин, деб тайинладим.

— Ҳозир ўшаққа кетяпмизми, бува?

— Болам, ҳали отахон деяркан эдингиз? Энди бува деяпсизми? Сиз томонларда ҳам бува дейдиларми?

— Билмадим, тилимга келиб қолди, холос.

— Ҳа... Энди шу чап тарафда бир кичикроқ канал бор. Шундан ўтсак, бир тепалик келади, ўшанинг нариёғида ишлашяпти.

Чол пахта даласи оралаб ўтган сўқмоқдан ўнгга бурилди. Кенглиги беш-олти метр келадиган анҳорнинг кўпригидан занжирли трактор ўтган шекилли, тиргак ёғочлар синиб кетган эди. Қолаверса, кўприкнинг ўртаси ўйилиб ётар, пастга осилган ёғочлари сувга тегай-тегай деб турарди. Ҳақим чамалаб кўрди, ўзи бир илож қилиб ўтса бўлар, бироқ чолнинг ўтолмаслиги аниқ эди.

— Нимага тўхтаб қолдингиз, меҳмон!

— Кўприк бузилиб ётибди, бува!

— Э, аттанг, яқин келиб қолувдик!

Йигитнинг кўксига қандайдир тўлқин урилгандай бўлди.

— Э, бува, шу бир анҳордан ўтолмасак, эркак бўлиб нима қилдик! — Сўнг, ўзининг гапи ёқиб, ха-холаб кулди. — Сизни кўтариб бўлса ҳам ўтаман. — У шундай дея тезгина уст-бошини ечиб, майса устига ташлади-да, сувга сакраб тушди. — Келинг, бува!

Сўнг қарияни «Ё Али» деганича чаптастлик билан опичлаб олиб, сув ичида оҳиста юриб кетди.

— Болам, отинг нима? — улар анҳор ўртасига боришганда чолнинг овози титраб чиқди.

— Ҳақим, Ҳақимжон!

— Ия, Ҳакимжон ўғлим, қайтиб келдингми? Ҳали ҳам кулишингдан буванг Рустам миробга ўхшатувдим сени!..

Йигитнинг аъзойи бадани бирдан бўшашди. Нимадир демоқчи эди, томоғига бир нарса тиқилди. У бир амаллаб қирғоққа етди-ю, ёш болани кўтаргандай чолни қирғоққа қўйди. Сўнг ўзи ўша ёққа чиқиб, оёққа туриб улгурган чолни қаттиқ кучоқлаб олди:

— Мени танидингизми, бува? — Унинг кўзларидан дувиллаб ёш оқди.

— Мен туғма кўрман. Шовотдан ҳам, Дайрободдан ҳам бобонг шундай даст кўтариб, опичлаб олиб ўтарди. Кўтарганда: «Ё Али» дерди. Отанг ўсиб-улғайиб мироб бўлганида ҳам худди шундай кўтарарди. Ҳали кулишингдан билувдим Ҳакимлигингни. Нега шунча йил ўтиб бир келмадинг? Тошкенликман, деб юрибсан-а! Ўзи буванг сени детдомга олиб кетаётганда ялиниб, қишлоқдан чиққунча эргашиб борганман, давлатга топширгунча, менга бер, деб. Менга бир кўрсан-да, сен нима қилиб берардинг, давлат ўқитади, одам қилади, деб бермаган. Бупти, бу гапларни қўяйлик, чоп, чалдеворингни кўриб қол. Бузиб ташлашса, армонда қоласан! Мени қўй, шу тепани устидан ўт. Айланиб бораман десанг, кеч қоласан. Орқангдан етиб оламан.

Ҳаким тиззалари букилиб кетай-букилиб кетай деб чоппиб бораркан, оёғига ўтларми, бўлиқ ғўзаларми ўралашиб йиқилгудек бўлар, гўё қадамлари олдинга эмас, ортга кетаётгандай йўли унмасди. Тепаликка етволгач, янтоқларга осилиб, баъзан эмаклагудек бўлиб, кўтарилар экан, кафтлари тиканга тўлганини ҳам сезмасди. Тепага чиқиб олгач, тикка югура кетди. Оёғи остидаги дўнглари гоҳ айланиб ўтар, гоҳ сакраб югураркан, ногаҳон қандайдир чуқурчага тушиб кетди. Ва сакраб ўтаётган тепачалар шунда нима эканлигини бирдан англаб қолди ва кўрқиб кетди. Эй худо, ўзинг кечир, деб беихтиёр пичирлади. У ўрнидан турганда бир пой туфлиси уша чуқурда қолган эди. Шундоқ югурмоқчи бўлиб икки қадам ташлади ва яна қайтди. Узоқ пайпаслаб, чуқурдан туфлисини зўрға топиб олди ва қаердандир лабига илашган шўрҳок тупроқни йўл-йўлакай туфлаб ташлашга уринганча тракторнинг тариллаётган овози тобора аниқроқ келаётган томонга қараб чопди.

Катак кўйлак ва умрбод дазмол кўрмаган шим кийиб, бошига оқ рўмолча тангиган яғриндор киши кўлларини белига тираганча турар, шапкали малла тракторчи эса вақти зиқлигини ўқтирмақчидек дамба-дам бармоғини билагадаги соатга нуқиб кўрсатарди. Агроном ҳам, бошқалар ҳам деярли гапга аралашмас, аммо уйчанинг суриб ташланишидан ачинган кўйи туришар эди. Фақат Баракаполвон жигиллашини кўймапти. У неча йиллар



дан бери шу омонат уйчада картошка, карам сингари қишлик нарсалар гамлаб асраб юрар ва шу боис, томини суваб, қорини кураб, уйчага қараб келарди. Ҳатто шунга қарамай, бу уйчадан нарсаларини олиб чиқиб кетмаган эди.

— Бўшатасанми, йўқми ёки тракторни солиб юбораврайми? — деди ахийри тоқати тоқ бўлган тракторчи. Унинг оғзидан ароқ ҳиди гупиллаб келиб турарди. Баракаполвон четга қараб, бурнини жийирди.

— Биров ёрдамлашмаса, мен қандай бўшатаман, эсинг жойидами!

Полвон шимининг тубсиз чўнтақларини узоқ пайпаслаб, ипга боғланган бир шода калитни чиқарди. Гоҳ у калитни, гоҳ бу калитни эшикдаги қулфга сола бошлаб эди, бирортаси тушавермади. Ниҳоят, полвоннинг ўзи ҳам кутмаган ҳолда битта калит тўғри келиб қолди. Қулф шиқ этиб очилди ва Полвон қулфни зарда билан улоқтирди. Сўнг каттароқ бир қопни ичкаридан судраб чиқди. Тракторчига бармоғи билан ҳовлиси томонни кўрсатиб:

— Ҳов анови ергача олиб борасан, кўтар, — деб буюрди.

Тракторчи истар-истамас қопни салмоқлаб, оғзидан тутди. Полвон қопни кўтариб, унинг елкасига силтаб ташлаган эди, шапкали юзтубан тушиб, қопнинг тагида қолди. Томошатаалаб халқ гурр этиб кулди. Шу пайт қаердандир усти тупроққа беланган киши одамларнинг орасини ёриб ўтди-да, кўзи биринчи бўлиб ўша йиқилиб ётган одамга тушди. У ўрнидан туришга шунча ҳаракат қилса-да, қопнинг тагидан чиқолмасди. Бояги одам келиб ёрдамлашиб юборди-да, ўзи уйча девори олдига бориб турди.

— Ҳўш, ким бузмоқчи бу уйни? — деди у. — Қани, бирортанг қўл теккизиб кўр-чи.

Шапкали яна бир ҳимоячи пайдо бўлганини кўриб қўл силтади:

— Билганларингни қилинглар! Мен дарахтни йиқитиб бўлиб кетаман, — деди-да, бир сакраб бульдозерига чиқди. Унинг олдидаги сургичи ердан кўтарилиб, ер ковлагич баҳайбат човути дарахт томонга чўзила бошлади. Шунда бояги одам чинор томон югурди.

Тепасига келиб қолган темирчангакни тутиб қолмоқчидай, иккала қўлини баланд кўтариб бир нарсалар деб бақирди. Барака-полвон эса, жонҳолатда унинг елкасидан силтаб тортди. Аммо йигит қайсар экан, яна қайтиб трактор чўмичи тагига бориб олди. Тракторчи бу олифтага омбор уйча кераклигини фаҳмлаган бўлса ҳам, унга дарахт зарур, деб ўйламаган эди.

— Қоч, бир нарса бўлсанг жавоб бермайман, — деб бақирди.

Полвон йигитни яна силтаб тортмоққа уринди. Аммо гувиллаб тушаётган темир чангак нотаниш кишининг қаерига бориб тушганини кўрмай қолди. Кимдир отган муштдай тош тракторнинг олд деразасига тегиб, чил-чил қилди. Томошага йиғилган қишлоқ аҳли бирпасда тракторни ўраб олди.

— Тўхта ҳамманг! Ҳаммаларингни қаматворади бу! — деб бақирди Полвон.

— Ҳой, одамлар! Жой эгасизмас. Рустам миробнинг невараси келган, чақиринглар уни! — деди бобо куйиниб.

Бу орада Акбар агроном ва Барака полвон ҳалиги одамни четроққа кўтариб олиб улгурган эдилар. Бобонинг гапини эшитиб, ўша томонга уғирилдилар.

— Ахир, жойнинг ҳақиқий эгаси келган, қани ўша йигит? — дерди энди чол қалтираб.

Полвон чолнинг қўлидан тутиб, ҳалига одам ётган томонга етаклади. Йигит юзларига теккан титроқ бармоқлар тафтиданми кўзини очди. Боши узра адл турган яшил чинорни кўрди. Қимирламоқчи эди, қимирлай олмади. Сўнг нигоҳи басир чолга тушиб:

— Бува, сизмисиз? — деди секин.

— Болам, сенмидинг? Эсонмисан ўзинг? Нима бўлди?

Ҳаким шу тобда ўзини ожиз-нотавондек, ёш боладек ҳис қилди. Кўзларига дувв ёш келди ва икки чеккасидан оқиб қулоқларига тушди.

— Нима гап? — раиснинг важоҳатли овозини бобо дарҳол таниди.

— Фахриддин болам, сизга мозорчани сурдирганингиздагиси етмовдими? Мана, Рустам миробнинг шаҳарда ўқиб, катта одам бўлиб келган невараси жонсарак ётибди. Қамаворишса, нима қиласиз?

— Шу пайт туман ва вилоят вакиллари тушган буғалтир машинаси чинор тагига келиб тўхтади.

— Раис бува, марказдан меҳмон келибди, — деди ҳеч гапдан хабари йўқ ҳисобчи. Сўнг Олим ака билан туман вакили раисга қўл узатиб саломлашишди. Шунда уларни овозидан таниган Басир бобо:

— Меҳмон, шеригингизни тез дўхтирга оборинг, Бўла қолинг, — деб ўтинди.

Олим ака шундагина одамлар ўраб турган Ҳакимни кўриб, унинг устига югуриб борди.

— Сизга нима бўлди? Ким бундай?..

Ҳаким туришга ҳаракат қилди. Аммо қаддини кўтаролмай унга илтижоли тикилди.

— Айтинг, бу уйча билан чинорга тегишмасин. Мен шу ерда туғилганман. Юртимни топдим, — дея олди зўрға.

— Хўп-хўп, сиз хавотир булманг, ҳеч ким тегмайди, — сўнг Акбарга мурожаат қилди: — Қани, келинг, секин кўтардик.

Басир бобо ҳамон йигитнинг юзларини силар экан:

— Бардам бўл, болам, мен энангга одам юбораман, — дер эди.

Шунда Ҳақимнинг ярим юмуқ кўзлари бирдан ярқ этиб очилди. Ва кўз ўнгига иккала кўлидан ушлаб, чирпирак қилиб айлантираётган, ҳаракатига монанд бошига чамбарак қилинган сочлари тўлғаниб, буралиб тушаётган аёл келди.

Шу куйи яна ҳушидан кетди.

\* \* \*

Ҳеч кимга жумбогин ечдирмас фалак.

К. Д.

Уйини, энасини, укаларини қаттиқ соғинган Мадина эрининг бирга келолмаганини бироз унутган, анча чиройи очиқ эди. Уйдаги икки келин сиз меҳмонсиз, деб ҳали қайинопаларининг кўлини совуқ сувга урдиришмаган, ҳозир ҳам ўзлари ошхонада манти тугмоқда эдилар. Мадина эса, уйда неча йилдан буён очилмаган этюднигини олиб, худди кечагина ювиб, тозалаб қўйилгандай турган қилқаламларини очиб, қизи ҳам, ўғли ҳам туғилмасдан бурун тортилган матоларда сурат чизиш учун тайёрлана бошлади. Сўнг энасига шол рўмол ўратиб, кўлига беқасам тўн тутқазар экан:

— Сиз чопоннинг қатларига игна ураётгандай бўлиб утирасиз, — деди. — Яна бир портретингизни чизай.

Бироқ суратни бошлаб улгурмади. Каттакон кўм-кўк дарвоза ортига қандайдир машина келиб тўхтади. Сўнг уст-ма-уст бибилади. Келинлардан бири югуриб ошхонадан чиқди, опасига қараб, укангиз, деди-да, бориб дарвозани очди. Бироқ қандай тез борган бўлса шунча тез қайтди.

— Вой, опа, бегона одамлар-ку, ўзингиз гаплашасизми? У иши орқага сурилганидан норизоланиб, дарвозадан чиқиб борди.

— Ассалому алайкум, опа!

— Ваалайкум, келинг!

— Ширин момо шу ерда турадиларми?

Секин-секин шу томонга келаётган момонинг ўз исмини эшитиб, юраги шувв этди. Қадамини тезлатди.

— Келинг, болам.

— Момо, сўраганнинг айби йўқ, аслингиз Тиллатепаданми?

— Ҳа, болам!

— Э, хайрият. Сизгача учта Ширин момони топдик. Лекин биз тиллатепалик Ширин момони излаб юрибмиз. Момо, қишлоғингиздаги Бобониёз бобо эсингиздами, ҳа-лиги... кўзлари...

— Ҳа-ҳа, келинг улим, уйга киришлар.

— Йўқ, раҳмат, момо, насиб қилса, ҳали кўп келамиз. Мени бувам юбордилар. Сизни олиб кетгани келдим. Ша-ҳардан улингиз келган...

Момонинг ранги қордай оқарди. Тиззалари қалтираб, турган ерига чўка қолди. Оҳиста их, деди. Қизи кўрқиб кетди.

— Эна! — деди югуриб бориб кучоқлар экан. — Эна! — Дарвоза олдида анқайиб турган келинларга бирдан қич-қирди. — Сув олиб келинлар, ахир.

Икки келин бирваракайига ичкари югуришди. Мадина қўллари титраб энасига сув ичираб экан, ҳали қичқирган-нидан ўзи ҳижолат бўлиб, секингина:

— Келинжон, менга ҳам бир пиёлагина сув келти-ринг, — деди.

— Улим, майли, мени ҳозироқ олиб боринг, — деди Ширин момо бир оз ўзига келгач.

— Эна, қаерга олиб боришади? Бу киши ким? Ким келди деяптилар?!

Кампир жавоб бермади. Ўрнидан туриб, индамай ма-шина томон юрди. Мадина келинларга қараб:

— Келинжон, илтимос сизлардан, болаларга эҳтиёт бўлиб туришлар, мен энамни обориб келай, — деди ичи сидирилиб.

— Майли, опа, хавотир бўлманг, едириб-ичириб, кўз-қулоқ бўлиб турамиз. Хотиржам бўлинг, — деди кичик келин.

Машина жойидан кўзғолди.

— Болам сизларникидами, ўзи эсон-омонми?

— Йўқ, балнисада бироз мазаси йўқ.

Энанинг эсига лоп этиб кўрган туши тушди. Оқ чой-шаб тушалган каравотда ётган эди у.

— Нима бўлди? Касал бўлиб қолдими, қачон келиб эди?

— Бугун эрталаб. Мен ишда эдим.

— Сал иссиғи бор экан, дўхтирлар бир-икки кун ётсин, дейишибди.

Мадинанинг кўнглига бирдан шум хаёл келди. «Наҳот-ки, энаси отасига тегмасдан бурун биров билан... Йўғ-э, тавба қилдим, худо асрасин»... «Ундай бўлса, нега ҳеч ким билмайди, нега ҳаммадан яширган?..»

Ҳақим касалхонанинг реанимация бўлимида ҳамон

хушсиз ётар, беморнинг Тошкентдан келган меҳмон эканлигию унинг ортида вилоят маданият бўлимининг мудирини ташвиш чекиб тургани шифокорларни анча сергак торттирган, унинг ҳаётини сақлаб қолиш учун барча чораларни кўришга уринишар эди.

Басир бобо йўлакдаги юмшоқ курсида кичкинагина бўлиб, энкайиб ўтирибди. Қаршисида колхоз раиси тик турганча унинг ҳикоясини тингларди:

— Қарасам, кулгуси раҳматли мироб жўрамникидай гулдурайди. Қаерликсиз, десам тошканданман, дейди. Индамадим. Кейин айтдимки, юринг, бир далаларни айлантириб келай, деб. Шундай тутпоядан ўтгандан кейин шовотга етсак, кўприк бузуқ экан, сизни сувдан кўтариб ўтаман, дейди. Ё Али деб опичиб олиб эдики, танидим. Уша!

Йўлакда шовур-шувур ва қадам товушлари эшитилди. Аёлларни бошлаб келаятган Акбар агроном ўша ёқдан шангиллади:

— Бува, холамни олиб келяпман.

Аёллар бирин-кетин салом беришди.

— Ойширин, эсон-омонмисан, болаларинг тинчми? — деди Басир бобо.

— Худого шукр, тоға, юришибди эл қатори.

— Бахтинг бор экан, болам, каттанг шаҳардан келди.

— Қаерда, тоға?

— Ичкарида, дўхтирлар укол беришяётганмиш, кейинроқ кўрасан...

Момо қизига ялинди:

— Мадинажон, бор дўхтирлар билан гаплаш, газетада ишлайман, де, энамни киргизинглар, де...

Басир бобо ҳикоясини бошдан бошлади.

— Қишлоқда эски чалдеворларни йиқиб, ўрнига пахта экишармиш, деб гап чиққандан бери Рустамнинг невараси келмади-я, деб ўйлаб юрардим. Кеча эрталаб Акбар айтиб қолди. Бува, анови Барака полвон асраб келаятган чайлани ҳам, чинорни ҳам суриб ташлашармиш, деб. Шундан денг яратган эгамнинг ўзи шу болани қайта-қайта кўнглимга сола берди. Исми ҳам лоп этиб эсимга тушди. Йўқса, исми эсимда бормиди, дейсан. Кейин булар Акбарнинг худо раҳматли Шайдулласини ҳайкалини ясаймиз, деб кеп қолишди. Дарвозадан кириши билан сездим улингни.

Бу вақт Мадина бош шифокорнинг хонасида Олим акани кўриб ҳайрон қолди. Юраги шиг' этиб, бир нарса сўрашга-да мажоли қолмади.

У эса:

— Синглим, Ҳакимжонни, — деб ямланарди, — сал эҳ-

тиёт қилолмайд қолдик. Аммо дўхтирлар роса ҳаракат қилишяпти.

— Ҳақим акага? — Мадинанинг боши айланиб кетаёзди, — у кишига нима бўлди?

— Деярли ҳеч гап. Тузук-тузук. Сиз хавотирланманг.

— Ҳазинга нима қилиб юрибсиз бу ёқларда?

— Мен ҳалиги, энамни олиб... бир қариндошимиз шу балнисада экан.

Эшик гийқиллаб очилиб, Акбар кирди:

— Холамнинг мазаси қочяпти.

Мадина эшикдан отилиб чиқиб кетди. Бош шифокор билан вилоят маданият бўлимининг бошлиғи биргаликда йўлакка чиқдилар.

Ширин момони қизи. елкасидан қучиб суяб ўтирар, ҳамшира қандайдир ҳиди анқиб турган дорини сув ила ичираар эди. Бобо вилоят маданият бўлими мудирини салмоқли қадам ташлашидан аллақачон таниб қолган эди, ҳозир ҳам тўғри унга мурожаат этди:

— Олимбой, ўғлим, бу холангиз Ҳақимбойнинг энаси!

Ё Оллоҳ! Мадина дафаътан англадики, дунёнинг неки азоб-изтироби бўлса, барчасини тотган, чеккан Ҳақим ака — унинг ақаси, туғишган ақаси бўлиб чиқаётган эди. Бир зумда кўз ўнгига бизнинг уруғда никоҳи иккита бўлганлар йўқ, деб турган қайнонаси, болалар уйига ташлаб кетган ўша Ҳақимга яқин юрма деган эри келиб, билим юртини тугатаётганларида олма, анор, узум ва алланималар кўтариб борганида Ҳақимга ёвқараш қилиб ўтирган отасини эслади ва даҳшат аралаш қалқиб кетиб, бўшашиб тушди... Наҳотки...

Вилоят маданият бўлимининг бошлиғи Мадинани ўзларидан чиққан олий маълумотли рассом сифатида бир неча йилдан буён танир эди. Бироқ тақдири азалнинг Мадинага ҳам, ўзига ҳам ҳозиргина маълум қилган ёзуғи уни ҳайратга солди.

— Ё қудратингдан, — деди ичида.

Бош шифокор чиқиб, Ширин момога ўғлини кўришга рухсат берди. Момо қизи тирсагига суянганча улар кўрса тишган эшикка қараб юрди. Ҳамширалар даволовчи шифокорнинг имоси билан хонадан оҳиста чиқиб кетишди. Шифокор беморнинг тепасига келиб, секингина уни чақирди:

— Ҳақимжон!

Йигит кўзини очди. Шифтга қараганча туриб қолди. Афтидан нима гаплигини англай олмасди:

— Сизни кўргани онангиз келдилар.

Йигит бошини улар томон хиёл бурди. Бироз қараб тургач, аввал момонинг орқасидаги катта-катта кўзлари жиққа ёшга тўлган Мадинани таниди.

— Ҳақимжон, сизни кўргани, — такрорлади дўхтир.

Шундагина у момога нигоҳ ташлади. Унинг қарашидан бирор ифодани англаб бўлмасди.

— Ҳақимжон, болам... мен келдим... мен энанг...

Унинг лаблари қимирлади.

— Эна, — деди эшитилар-эшитилмас, — сочларингиз у-з-у-ун эди-а?

Ширин момонинг кўзларидан дувв ёш келди.

— Ҳалиям узун, айланай, узун, фақат жуда оқариб кетди.

Ҳақим бошини буриб, Мадинага қарашга уринди. Сингил акасининг устига энгашди.

— Қимирламанг, Ҳақим ака... Сўнг ҳеч қачон қўл бериб ҳам сўрашмаган акасининг сочларини силади: — Ака, қимирламанг.

— Сизни ҳам чақириб олишдими?

— Ҳақимжон, сени бобонг тўй қилганда чақалоқ кўтариб борган эдим. Бу ўша уканг<sup>1</sup>... — деди онаси.

Ҳақимнинг кўз ўнгига Бешоғочдаги чинор, бадий санъат мактаби, бирга ўқиган болалар, Равшан, Мадина, яна аллақандай йўллар, уйлар келди. Ва шунинг баробарида Мадинанинг ўзиға сингил эканлигини англаб-англамай уйқуга кетди.

Даволовчи шифокор:

— Ҳалигина қилинган осма укол таркибида уйқу дори бор эди, чўчиманглар, — деди.

Мадинанинг кўрган-билган, фаҳмлаган нарсаси шу бўлдики, демак, энаси олдин ҳам турмушга чиққан, фарзанди бўлган. Ўгли детдомга қандайдир йўсинда тушиб қолган ва фалакнинг гардиши билан сингилси ила тасвирий санъат мактабида бир бўлимда ўқиган. Унинг боши гувиллаб, қовоқлари оғирлашиб борар, содир бўлаётган воқеаларнинг эса, гоҳ унга алоқаси йўқдай, гоҳ фақатгина унга тегишли фожиадай туюлар эди.

— Эна, — деди секингина, — мен кетаман...

— Меҳмон бўлиб кетмайсизми, — деди Акбар рулга утирар экан.

— Йўқ, раҳмат... Энди... бошқа сафар...

Машина дарвоза олдида тўхтаганда қуёш ботган, уфқ шафақда қизариб ётар, қоронғу тушишидан белги ҳам кўринмас эди. Чиқиб, дарвозани очган кичик келин:

— Келинг, опа, яхши келдингизми, холам қанилар? — деди.

— Энам қолдилар, — дея олди у.

— Қачон келадилар?

<sup>1</sup> Шева — сингилни ҳам ука, дейиш.

— Эртага, — гапни қисқа қилди Мадина.

— Опа, ким экан Тошкентдан келган? — деб қизиқсинди келин.

— Келинжон, чарчадим, энам келса, ўзларидан сўрасиз.

Мадина келинларини ҳеч қачон тергамас, уришмас, бироқ парвона ҳам бўлавермас эди. Айтгиси келмаган гапни айтмасди, у ўзича гапирмадими, демак энди садо чиқмаслигини келин ҳам тушунарди.

— Опа, поччам телефон қилдилар.

Мадинанинг кўзлари ярақлаб кетди:

— Қачон келарканлар?

— Ҳали акалари машинани қайтармабдилар. Душанба куни келарканлар.

— У куни мен ишга чиқишим керак-ку. Юнусжон келса, айтарсиз, менга эртага поездга билет олсин. Кечқурун кузатиб кўяди.

У кенг меҳмонхонадаги юмшоқ ўрин-кўрпаларда ётаркан, ҳамон боши лўқиллаб оғрир, ҳеч ухлай олмас эди. Бирдан эсига болалигидан биладиган, Куръон сақланадиган бўз жилдда уйку дори ҳам бўлиши тушди. Раҳматли отаси ҳар замонда ичарди. Туриб, жилдни олди. Ҳамёнчасига қўлини суқиб, пайпаслаб қандайдир ҳақдори топди. Болалари безовта бўлишидан хавотирланиб чироқни ёқмади. Ташқаридан туриб турган ёғдуга солиб кўриш учун дераза ёнига келди. Бир дақиқа ўтиб танидию қувониб кетди: ўша доридан!

Бироқ ҳақдори ҳам ёрдам бермади (эскириб кетган шекилли), ярим тунда уйғониб кетди. Дафъатан қаерда ётганини фаҳмлай олмади. Бироз шифтга қадалиб ётди. Сўнг эшикка қаради. Сўнг ўзининг кимлиги эсига тушди. Бошини кўтариб, Гулрангнинг сочини силади. Шухрат аллақачон тагини ҳўл қилмайдиган бўлиб қолганига қарамасдан кўрпачани пайпаслади. Яна ким билади, совуқсираса, келинлар гап қилиб юришмасин. Сўнг ёдига лоп этиб, кечаги воқеалар тушди. Бирдан кўнглини норозилик чулғади. Нега? Нега айнан менинг энамнинг никоҳи икки-та бўлган? Нега ижарага хона олиб яшашга пули бўлмай, қийналиб, гоҳ уникида, гоҳ буникида (кўпроқ Равшанларникида) яшаган Ҳаким айнан менинг акам бўлсин! Равшан уни неча бор то ижарага хона топгунча ўзлариникига олиб кетган билан ҳеч қачон чин дилдан ёқтирмаган, фақат шунчаки, шафқат қилиб... Энди эримга нима дейман? Шундай, шундай, уша Ҳаким менинг акам экан, дейманми? Айтсам, бизнинг уругда никоҳи бузилганлар йўқ, деб керилиб юрган қайнонам нима дейди? Айтмовдимми, шу андини қўй, деб. Мана, топган олтинингнинг миси чиқди-



ку, деса-чи? Ёки, шунақа онамнинг... (ҳатто биринчи эри деб ҳаёлан айтгиси келмади) дунёдан ўтиб, отамга теккан экан. Кейин, кейин бутун тарих... узундан-узоқ... Яратганинг раво кўрган тақдирини оқлаш ва оқлаётиб, ўзингни бир қадар айбдор сезиш, сўзлаётиб қизариш, бўзариш... гўё сен жиноят қилатуриб қўлга тушдинг-у, энди тан оляпсан. Умуман, бу шундай бўлган, кейин бундай бўлган, ундан кейин... деб сўзланадиган воқеами? Йўқ, биламанки, мен буни ҳеч кимга ҳикоя қилиб бермайман... Бизнинг, менинг, энамнинг, Ҳакимнинг (акамнинг, деб тўғрилади ҳаёлан), Равшаннинг (у учун эри эр ёки хўжайин эмас, исми фақат бош ҳарфлар билан ўйланадиган бутун бир яхлит ва ёруғ дунё эди) ихтиёримиздан ташқарида энг олий зот томонидан битилган битик ҳақида мен нечун майдалаштириб сўзлашим керак?! У битик оқми, қорами ёлғиз ўзига маълум бўлса-ю, мен унинг ҳакамлик мулоҳазасини бўйнимга олсам, қаҳри келмайдими? Дейлик, мен ҳар бир тақдири азал муаллифи Оллоҳнинг ўзи десаму, бир сўз айтмасам, унда Ҳаким акам нима деб ўйлайди? Айтмайдими, Мадина мени шунча йилдан буён иззат-ҳурмат қиларди-ю, синглим эканлигини билгач, мендан ор қилди, деб?! Унда ёруғ жаҳонга келганидан, эсини таниб, бир умр ёнида баланд чинори бор уйини қидирганидан, қидириб топганидан пушаймон бўлмайдими? Қайнонам эшитса ҳам индамайди. Фақат бизнинг уруғда рақ, тери, қон касалликлари йўқ. Бизнинг уруғда ҳеч кимнинг никоҳи икки бўлмаган, деб сўзлайдиган одам кези келиб қолганда, тилининг учидан турган сўзни қайтиб ютади. Эҳтимолки, икки ширин-шакар неварасини дунёга келтирган келинини ичи куйиб лаънатлайди...

Мадина тонгги салқиндан эти жунжикиб устига кўрпани тортди. Ҳаёлини бир зум Гулрангнинг ангинаси олиб қочди. Эй худо, ишқилиб, ўзинг асра, Сўнг, шундоқ дераза остидаги ўрик дарахтида чумчуқ чирқиллади. Унга бир-иккита қушлар шерик бўлди. Сўнг қушлар сайроғи оламни тутиб кетди. Аёл қўл соатининг нуқтасини босди. Митти чироқча электрон соатининг жажжи экранчасини ёритди: Тошкент вақти билан беш. Демак, Самарқанд вақти билан олти. Эй қудратингдан, қушлар тонгги сайроғини Тошкентда соат олтида бошлайди. Бу қушлар эса ўз ерининг тонгги соат олтисида сайрар экан. Вақтнинг фарқини парранда ҳам билар экан-да. У ўрnidан турди. Кийиниб, ташқарига чиқди. Тинимсиз сайраётган қушларни кургиси келди. Уйнинг орқа томонига ўтди. Ариқ бўйига ўтирар экан, диққатини кетма-кет тушган, баланд-баланд қилиб қурилган уйлар тортди. Олдин уларнинг уйи қишлоқнинг энг чеккаси эди. Уйнинг бу томони кенг дала бўлиб, бо-

риб тоғлар этагига тақаларди. Энди кенглик йўқ. Тўрт тарафга уйлар тушган. Тоғлар ҳам кўринмайди. Худди қимматбаҳо нарсасини йўқотган одамдек, дилини гашлик чулғади. Энди тоғлар кўринмайди. Бу уйда яшаётганлар ҳам ҳеч қачон тоғлар кўринмай қолганидан ўкинмайдилар. Гўё олисдаги кўм-кўк тоғлар қўшнининг тилло тўла сандиғи-ю, у сандиқ буларники бўлмагандан кейин йўқолса, йўқолаверсин...

Мадинанинг кун бўйи кайфияти яхши бўлмади. Кўнглида тоғларни тусиб қўйган уйларни, кимлардир эккан ва аллақачон бўй чўзиб қолган теракларни ёмон кўраверди. Кетиш керак, хулоса қилди ўзича. Бу ерда юрагимга яқин нима бор? Энамнинг тилаб олган тўнғичиман деб юрсам, ана, акам ҳам бор экан.

\* \* \*

Поезд ўрнидан жилганда соат тунги ўн икки эди... Мадина ён томондаги ўринда ухлаб қолган Гулрангнинг елкаларини яхшилаб ураб ёпди-да, купени ичкаридан қулфлаб, ўглининг ёнига чўзилди. У туш кўрди. Тушида қандайдир баланд чинорнинг шохида ўзидан ёғду тартиб, бир тизим марварид осилиб турганмиш.. У қўлини чўзса, марваридга етибди. Бироқ марварид шу қадар узун ипга тизилганмишки, бир ёғи ўзининг қўлида бўлса, иккинчи томони шохлар аро чувалашиб кетганмиш. У тизимни оҳиста торта-торта шохлардан чиқара бошлабди. Бир пайт ёнида қаердандир Гўзал пайдо бўлибди. У бир тортиб узайлик, ҳаммаси тўкилиб тушади, кейин бўлиб олиб, бошқа ипга ўтказиб тақаверамиз, дермиш. Йўқ, дебди Мадина, ипини узмай олиш керак. Сўнг у мунчоқ тизимини авайлаб торта-торта, бир мачитнинг эшиги олдига бориб қолибди. Марварид тизими илиниб турган энг сўнги шох мачит ичкарисига эгилиб турганмиш. Дарвоза олдига эгни ҳам соқолидек оппоқ чол турганмиш. Мадина салом бериб чолнинг ёнидан ўтибди-да, ичкари кириб тизимни сўнги шохдан чиқариб олибди. Қайтиб чиқса, Гўзал уни пойлаб турганмиш. Менга ҳам бир сиқимгина бер, сенда кўп-ку, дермиш. Мадина марвариднинг ўзи ҳам, ипи ҳам муқаддас, бермайман, дер эмиш. Сўнг ҳалиги тизимни бағрига босиб, қўллари билан ҳарчанд беркитмасин, мунчоқлардан таралаётган нур матодан ҳам, қўлларидан ҳам ўтиб, порлайверармиш.

Мадина вагон хўжасининг Сирдарё, Сирдарёда тушадиганлар, ўтиб кетманглар, деган қиққиригидан уйғониб кетди. Сирдарёга келган бўлсак, у ёғи бир соатлик йўл қопти, деб ўйлади Мадина. Энди ухламаса ҳам бўлади.

Туриб, юз-қўлини ювиб келди. Сўнг, туши эсига тушди. Кўз олдига тушида кўрган нур таратар марварид яққол келди. Худонинг менга атаган яхши кунлари кўп бўлса керак, деб ўйлади. Марвариддан Гузалга бермаганини эслаб, суюнди. Демак, у ҳеч қачон ўзининг бахтига чанг солишга ботинолмайди.

Такси дарвоза олдида тўхтаганда соат эрталабки тўқ-қизга яқинлашган эди. Уй ёнида машина тўхтаганини сезган Замирахон ташқарига шошилди. Қайнона-келин қучоқлашиб кўришдилар. Буви энгашиб иккала неварасини бирийўла бағрига босар экан, кўзларига ёш олди:

— Вой, асалгиналарим, сизлар булмасангизлар уй ют-вораман, дейди-я!

Мадина то уйдан кимдир келиб, булар эшитгунгача индамай туришга қарор қилди.

— Келинпошша, тез-тез чойингизни ичинг-да, хўжайинингизнинг ёнларига боринг. Тушгача бир суратнинг давомини ишлаб, кейин машинани олиб, Самарқандга жўнайман, деб кетувди. Эркак киши, вақти тигиз келиб қолса, тўғри жўнаб кетмасин.

Мадина ичикиб, эрини соғиниб турган эди, қайнонасининг гапидан сўнг ҳўплаётган чойи ҳам ўтмай қолди. Назарида, эгнидан поезд вагонининг ёқимсизроқ ҳиди анқиб тургандай туюлди.

— Ойижон, мен тезгина бошимни ювиб чиқаман, — деди-да, сочиқни олиб душхонага югурди. Уни соғиниб турган бўлса, албатта кучоқлаб кўтариб олади, деган хаёл энтиктириб юборди. Хушбўй шампун билан сочларини яхшилаб ювиб, омонат турмаклади, сўнг баданига ҳиди ёқимли совун суришга тутинди. Сочини иссиқ шамол пуркагич билан шошилинич қуритаркан, хаёлан эгнига либос танлади: оқ туфли ва оқ ҳарир кўйлак кияман. Анави сал шамолга чиройли ҳилпирайдиган оқ шарфимни бўйнимга ташлаб оламан.

\* \* \*

Гузал халқ рассоми Собировнинг икки ўғил ва хотини автомобиль ҳалокатида дунёдан ўтишганини эшитди-ю, тинчини йўқотди. Демак, энди профессорнинг тўғридан-тўғри меросхўри йўқ. Шаҳарнинг кўзга кўринган машҳур рассомлару шоирлари, ёзувчилару бастакорлари яшайдиган кўкаламзор даҳасидаги икки қаватли уйи-чи? Унга айниқса, ижодхонага чиқиладиган бир ўқ атрофида айлантрилиб кўтарилган нақшинкор, латиф зинапоя жуда ёқарди. Гузалнинг суратини Собиров икки марта чизган. Уша зинапоядан Собиров совға қилган, япониялик чеварлар тиккан узун ва нафис шоҳи халатда битта-битта

босиб тушар, ё чиқар экан, ўзини ўн тўққизинчи асрда яшаётган княгинадайми, маликадайми ҳис қилар эди. Бугун борса, Собиров унга бугун уйланади. Бироқ Равшанчи? Собиров бир-икки кун ичида бирор ерга қочиб кетмас. Аввал Равшанни қўлга олишга бир уриниб куриш керак.

Гўзал шу хаёллар билан битта-битта босиб метро зиналаридан юқорига кўтарилар экан, кўзи кўчанинг шундоқ нариги бетида бошдан-оёқ оқ ҳарир либос кийган Маддининг таксидан тушаётганини кўрди. Бир нималар деб ичида сўкинди ва ўзича режа туза бошлади. Ҳозироқ ижодхонасига бориб бўйнига осилволсам-чи, сочини силаб турганимда кириб борсами, тамом. Гўзал қадамини тезлатди. Бино эшигидан кирибоқ, лифт тугмачасини босди. Кимдир ҳозиргина тушган шекилли, лифт эшиги очила қолди. Унинчи қаватнинг тугмачасини босаркан, шошапиша сумкасини кавлади. Қўлига катта дастали тароғи илинди. Йўлакка етгач, тароғни лифтнинг эшиги ўртасига суқиб қўйди. Эшик чала беркилиб, қизил чироқ ёнганча қолаверди.

Йўлакнинг катта, оғир, кодлар ёрдамида очиладиган темир эшиги ланг очиқ эди. Гўзал яна битта-битта қадам ташлаб, ичкарига йўл олди.

Майнинг охирлари бўлиб, ҳали ҳаво у қадар қиздирмаётган булса-да, юқори қаватларда иссиқ эди. Равшан битта шимда, кенг ягринлари енгил тердан ярақлаб, каттагина мато қаршисида ишлаб турарди. Эшикдан Гўзалнинг кириб келганини кўрдию:

— Э, келинг, — деганча ўзининг ярим яланғоч ҳолатидан хижолат чекиб, кийими томон йўналди.

— Равшан ака, — деди Гўзал тантиқланиб. — Кийманг шу кўйлагизни. Сиз худди юнон маъбудларига ўхшайсиз... Худди Апполлонга!.. Шошманг, армоним шу кўксингизга бир мартагина бош қўйиш. Сўнг ҳайдаб чиқарсангиз ҳам майли...

Равшаннинг кулгиси қистади, лекин юзига чиқармади.

— Кўйсангиз-чи, Гўзалхон, яхши эмас, — деди у.

— Ишонмайсизми? Шунақа-да. Қизларнинг душмани гўзаллиги, шоирнинг душмани истеъдоди экан-да? Мен неча йиллардан буён фақат сизни ўйлайман...

— Йўғ-э, — деди истеъзо аралаш йигит.

— Рост! — Гўзалнинг узун ва оппоқ қўллари йигитнинг бўйнига чирмашди. Унинг гунчадек ақиқ лаблари чўзилиб йигит ияги ёнига келиб қолди. Бироқ йигит икки қўлини хотиржам кўтариб, икки оқ илонни бўйнидан соқит қилиш учун тутди. Аммо Гўзал у ўпишга ҳаракат қилмаётганидан

эсанкираб қолмади. Йигитнинг ягринига лаб босиб, кўксига бошини қўйди. Ва шу он...

Ўзининг ҳалоллигига қаттиқ ишонган, ҳеч қачон эркаклик туйғуларига туйқусдан берилиб кетмайдиган ва бу гўзал чирмовикдан хотиржамгина халос бўла олишидан шубҳаланмаган йигит, дафъатан узини йўқотди. Уша чирмовикдан таралган бўйдан боши айланиб, кузлари тиниб кетди.

\* \* \*

Мадина таксидан тушиб, бинога яқинлашар экан, кўзи ҳар хил ширинликлар билан савдо қилувчи дўконча ёнида пул санаб турган курсдоши Тўлқинга тушди. У сездирмай ўтиб кетгиси келса ҳам, дўкончага яқинлашди. Бир сўрашиб қўйишни фарз билди.

— Ие, Мадина, яхшимисиз? Сизни Равшан Самарқандда девоганди-ю? Қалай, яхши бориб келдингизми, қариндош-уруғлар тинчмикан? Зап вақтида келдийиз, Равшан ҳозир Самарқандга жўнайман, девоганди.

— Ишқилиб кетиб қолмадиларми?

— Йўқ, ҳозир тепада. Сизни кўриб ҳанг-манг бўлиб қолади, бора қолинг!

Мадина лифт эшиги олдида бир оз кутди. Ҳадеганда қизил чироқ ўчавермагач, зинапояга қадам қўйди. Негадир ҳаяжонланарди. У оёқ учида енгилгина кўтариларкан, ёдига дугонаси Хулкарнинг гапи тушди: «Сизлар худди сахнада балет-рақсга тушаётганларга ўхшайсизлар. Сен эрингнинг атрофида нозланиб айланасан, у сени қўлида кўтариб юради».

Мадина умумий йўлак эшигидан кириши билан француз атрининг нафис ҳиди димоғига урилди. Бир зум тўхтаб, ҳавони яна ҳидлади. Ким келган бўлиши мумкин? Сўнг оҳиста эри ижодхонаси томон қадам ташлади. Ҳаводаги ифор кўнглига ғулув ташлади, ушбу сониядаги, соғиниб турган бўлса, кўтариб олади, деган энтикиш бир қадар чекинди. Эшикни қия очди ва... остонада қотиб қолди.

Аёл кўйлагининг ёқаси чўзма ўтказиб йиғилган шекилли, у белигача ечилган, пастини йўғон қора камар тутиб турарди. Аёл яланғоч кўксини эри ягринига босиб турар, кўллари унинг бўйнига чирмашиб кетган эди. Эри кузларини юмиб, бошини хиёл орқага ташлади. Мадина пайқадикки, ҳеч қачон ишратпараст бўлмаган, бегона аёлга қўл теккизмаган эри ушбу дақиқада хиёнатга тайёр. Энди унинг ҳам тоғ ҳавосидек мусаффо ижодига ғубор тегади, булоқ сувидек пок рангларига кир аралашади, энди у муқаддас оқ мато қаршисида ўзи айтганидек, бир

қадар тоза бўлиб турулмади. Ҳозир бутун бир соф эътиқодидан айрилай, деб турибди. Агар айрилса, ўзини йўқотиб, барча оддий сурат чизувчиларнинг бирига айланади.

Мадина бирдан исмини айтиб чақиргиси, эрини бегона аёлдан тортиб олиш билан бирга, уни ашаддий хавфдан огоҳ этгиси келди. Бу илон қачон Равшаннинг бир қадар юксак «мен»ини қақиб ўлдирдики, чалган куйига у рақс тушадиган майда одамлар қаторига қўшилиб қолди? Жон тикиб севгани — севикли эри ҳозир бошқа аёлни ундан ортиқ кўриб турибди. Эҳтимолки, у аллақачон хотиндан кечгандир... Яна икки жон, икки тан бир-бирига талпиниб турганда устидан чиқиб қолиш... Уят!.. Дунё шафқ бўлди.

Мадина бурилиб кетди. Остона ҳатлаб ўтаётиб, катта темир эшикни ёпмоқ истагида беихтиёр хиёл итарди. У тушаётган зиналар чирпирак бўлиб айланар, айланаверар, ҳеч тугай демасди. Орадан изсиз, сўзсиз, хотирасиз минг йил ўтгандай туюлди. Метронинг ер ости зиналарига қадам қўйди-ю, бутун бир йўқлик олами ичра қўл чўзиб ўтирган гадони кўрди. Ва ботиний бир туйғу билан чап қўлида нимадир борлигини англади. Нима узатганини ўзи ҳам пайқамай кўзлари оловдек ёниб турган гадога ўша нарсани узатди.

\* \* \*

Эшикнинг сезилар-сезилмас гийқиллагани Равшанни бирдан сергаклантирди. Гайриоддий туйғу кўзини қоплаган туман зумда ғойиб бўлди. Бутун вужуди оташга айланиб бораётган аёлни хотиржам нари итарди. Ютқазиб ўрганмаган Ғўзал авровчи овозда шивирлади:

— Нима бўлди, азизим?

— Эшик...

— Ҳа.

У ўзи билан ўзи бўлиб, йўлда тузиб келган режасини унутаёзган эди. Демак, ё кириб келяпти, ё кўриб қайтиб кетган. Агар, кўриб қайтиб кетган бўлса, ғалаба мен томонда...

Равшан югуриб йулакка чиқди. Миясига, хотиним, деган сўз чақмоқдек урилди. Катта эшикка чопди. Зинада ҳам ҳеч ким кўринмади. Пастга югурмоқчи бўлди, эсига кўйлак киймагани тушди. Жонҳолатда ортига қайтди. Кийим илгич томон ўтар экан, олдини тўсиб, яна қучоқлашга интилган аёлни бир ҳаракат билан ўзидан нари итарди. Кўйлагини кия-сола кўчага отилар экан, хаёлидан ўтказди: сийнабанд ҳам тақмас экан, ифлос...

У лифтга яқинлашди, келавермагач, эшикни алам би-

лан бир-икки муштлади. Сўнг оҳ тортиб юборди. Шу аснода оралиқдан чиқиб турган ниманингдир дастасига кўзи тушди. Энгашиб, эшикни икки томонга суриб, ҳалиги нарсани суғириб олди. Тароқ экан. Ҳайрон бўлди. Сўнг бир четга иргитиб, тугмачани босди. Кабина ғувиллаб жойидан жилар экан, икки-уч зинани бир қилиб босиб югурсам, аллақачон пастда бўлардим, деган фикрни ўкинч билан ҳаёлидан кечирди. Кейин лоп этиб эсига отиб юборган тароғи тушди. Лаънати, Мадина келаётганини куриб, эшик орасига тароқ кўйган! Лифтдан отилиб чиқаётиб, сувхалта кўтарган қандайдир кампирни уриб юборди. Унинг қўлидаги халта ерга тушиб, қип-изил помидорлар ҳар томонга думалади. Равшан қайрилиб қарайдиган ҳолатда эмасди. Орқасидан кампирнинг қарғиши эшитилди:

— Сан мени уриб ўтдинг, сани Худо урсин!

Равшан таққа тўхтади. Қайтиб, ёлворди:

— Қарғишингизни қайтариб олинг, бувижон, илтимос!

Кампир индамай лифтга кирди.

У метро зиналаридан сакраб-сакраб тушар экан, бирдан кимнингдир ўткир нигоҳини ҳис қилди. Бурилиб қараб, кўзлари ёниб турган гадони кўрди. Э, товба, тиланчи халқи кўзини ердан узмасди, бунинг қараши жонингни оламан, дейди, нима бало, бирор мамлакат жосусимикан?!

У чўнтагини пайпаслаб, ўн беш тийинлик танга топди ва ҳақини олмаса ўтказмайдиган эшикча газнасига солди. Метро ичида у ёқдан-бу ёққа зир югурди. Сўнг жўнаётган вагонга чиқиб олди. Назарида, ер ости поезди бениҳоя имиллаётгандек эди. Равшан яна зиналардан юқорилар экан, илк бора ичида машинасини бундан буён ҳеч кимга бермасликка қасам ичди. Ўғли ҳовлига ёлғиз кирганини кўрган Замирахон хавотир ичида гап қотди:

— Хотининг қани?

Равшаннинг овози чиқмади. Югуриб келиб бирдан тўхтагани учун нафаси ичига тушиб, боши айланиб, кўзи тиниб кетди. Азбаройи қорачалигидан ранги оқаргани биллинмади, лабининг атрофи тўқ кўкимтир тусга кирди. Замирахон ташқарида турган ўғли ўзига сув сепди.

— Нима бўлди, болам, гапир!

— Ойи, келинингиз келмадимми?

— Келувди, болаларинг уйда, ухлашяпти, ўзи сани олдинга кетувди.

Равшан чўққайиб ўтирган ерида бошини тиззасига қўйди. Унинг елкалари титради.

Замирахон ичидан келаётган титроқни босиб сўзлади:

— Жоним болам, тушунтириб айт, келин қани?

— Ойи, уйим қуйди, ойи... Биров (у умрида тилига

олмаган сўзни айтди) илашиб юрувди. Уша Мадина келаётганини кўрган экан, олдинроқ кириб, осилиб олди. — У йиглаб юбормаслик учун нафасини ютди, сўнг бор иродасини тўглаб, якунлади: — Кўриб қолди шекилли? Эшик гийқиллаганда, ҳали Самарқандда, деб ўйлаган бўлсам ҳам, Мадина эканлигини кўнглим сезди...

— Ҳа, нима бўлса бўпти, ҳали-замон келиб қолади. Мен гаплашаман, ўзинг тушунтирасан, қолаверса иккита боланг бор, бир ёққа кетармиди! — Замирахон шундай деди-ю, бирдан хаёлига хунук манзара келди. Беихтиёр ўйлагани қиёфасида зоҳир бўлиб, ўглига ўқрайди.

Ўғил онаси авзойи бузилганини фаҳмлади:

— Вой, ойи, қўйсангиз-чи, нима девотсиз? — деди ҳовлиқиб.

— Вой, болам, бир нарса дедимми? — аёл фарзандининг бошини бағрига босганча, йиглаб юборди, сўнг қарғанди: — Илоҳи, макру ҳийласи бошини есин!..

Равшан изтироб ва кўзларида ёш билан ўзига қараб турган қизи-ўғлини элас-элас пайқади. Болаларини бир зум бўлса-да унутганига гашланиб, ҳар иккаласини бир-варакай кутариб ўпди.

— Ада, ойим энди кемийдиларми? — деди қизи ғамгин.

— Вой оғзингдан шамол учирсин, нега келмаскан, келади, — деди Замирахон.

Боламнинг кўнглига солдими, бола Худо билан гаплашади, деган гап йигит хаёлидан кечди: илоҳо, ўзинг асра, деб пичирлади. Аммо Хотинининг ҳадеганда келавермаганидан баттар хавотирга тушиб яна жонини кўярга жой тополмай қолди.

— Ойи, okamлага телефон қилинг, машинани бериб юборсинлар, бир-икки ўртоқлариникига бораман, тополмасам, Самарқандга жўнавораман. Аразлаб кетиб қолган бўлмасин тагин.

— Менга қара, самолётга етадиган пули йўқ, поездда юришни ёқтирмайди, автобус кечқурун юради. Хотинингдан олдин етиб борсанг яна дилгир бўласан. Яхшиси, ўртоқлариникидан қидир, аввало, топилиб қолар. Жа, бўлмаса, аэропорт ва вокзаллардан суриштир. Биласан, газетанинг гувоҳномасини кўрсатиб, билет олади. Бирортаси ё эслаб қолади, ё йўқдан топиб беришса, фалон газетачига сотилди, деб ёзиб қўйишади.

Йигитга онасининг маслаҳати жўяли туюлди. Аммо машинани ҳайдаб кетган жияни қайтиб олиб келганида кун ботаёзган эди. У йигит машинадан тушиши билан рулга ўтирди-ю, жўнаб кетди. Ҳайрон қолган неvara:



— Буви, Равшан акамлага нима бўлди? — деб суради.

— Э, болам, кўявер, ишқилиб тинчлик...

Бироқ Мадина бирорта дугонасиникидан топилмади. Равшан кечқурун қайнисининг уйига қўнғироқ қилди. Гўшакни Юнуснинг ўзи олди.

— Юнусжон, яхшимисан?..

— Э, ассаломалайкум, почча. Қуда холам, қуда бобо, хиянлар эсон-омон юришибдими? Опам яхши етиб бордиларми? Узим купели вагонга ўтқазиб, жўнатиб келувдим. Йўлда қийналишмабдими?

Йигит тушундики, хотини Самарқандга кетмаган. Демак, шаҳардан қидириш керак. Сўнг қайниси билан иложи борича хотиржам хайрлашишга ҳаракат қилди. Орадан икки кун ўтди ҳамки, ҳеч қаердан Мадинанинг дараги чиқмади. Равшан милиция қидирув бўлимига мурожаат қилмай иложи қолмади. Қизи Гулранг катталардай хомуш тортиб қолди. Кечалари кўзини юмиб ётса ҳам, деярли ухламас эди. Ўгли эса дадаси билан ётганига қарамасдан кечаси ойилаб, гингшиб чиқади. Адойи тамом бўлган йигит шифтга қараганча бедор ётар экан, эсига лоп этиб, ўша кун метрода кўрган, кўзлари ёниб турган тиланчи келди.

У тонг отар-отмас машинасига ўтириб, чиқиб кетди. Қўш табақали баланд эшик ёнида тош қотгандай ўтириб, катталар келишини кутди. Уни Корэн Назарьян деган бўлим бошлиғи қабул қилди.

— Сиз ўша метрода ўтирган тиланчининг хотинингиз ғойиб бўлишида қўли бор, деб ҳисоблайсиз, шундайми?

Йигит тасдиқлаб бош силкиди.

— Тасвирлаб бера оласизми?

— Ҳа, мана сурати бор. — Равшан ён чўнтагидан Мадинанинг каттагина фотосуратини чиқарди.

— Йўқ, тиланчини деяпман.

У, кўллари титраб турган бўлса-да, тиланчини айнан кўрганидай чизди.

— Рассом экансиз-да.

Равшан бош ирғади.

— Мен ҳам битта рассомни биламан, Ҳаким Бўриевич деган.

— Ҳа, ҳа, бирга ўқиганмиз, ажойиб рассом...

Корэн Назарьян йигит чизиб берган расмни компьютердаги юзлаб қиёфаларга солиштириб бош чайқади.

Жигарранг мрамор қопланган баланд бинодан йигит дили хира бўлиб чиқди.

Хавфсизлик қўмитаси полковниги Корэн Назарьян

компьютер муҳандисига йўқолган аёл суратини топширар экан, тайнлади:

— Сеть орқали барча компьютерларга тарқатинг. Сўнг нусха кўпайтириб, изқуварларга беринг. Топилиши билан менинг олдимга келтиринг. Бир суҳбатини олайлик! — У айёрона жилмайди. Компьютер муҳандиси ўзини сезмаганга солди.

\* \* \*

Ҳаким кўзини очганда томирлари бўртиб-кўкариб турган кичкинагина қўлини мушт қилганча иягига тираб, ўзига қараб ўтирган аёлни кўрди. Бироз тикилиб тургач, англади: энаси.

— Ҳа, айланай, уйғондингми? Мен, мана, олдингданман. Тезроқ тузалиб кетсанг, уйга обкетамиз. Сени укаларинг бор.

— Эна, нимага ҳеч Тошкентга бормагансиз? Мен танимасам ҳам, сиз танирмидингиз?

— Укаларинг отаси мени у ёқ-бу ёққа олиб юрмас эди.

— Мадинанинг дадасими? Бир марта курганман. Ўқишни битираётганимизда узум, олма, яна нималардир олиб келган эди. У киши мени билмас эдимми?

Ширин момо бирдан эри Ҳакимни қачон кўрганини фаҳмлади. Фаҳмлади-ю, ичи куйди. Бундан ўн-ўн икки йиллар бурун! Одамнинг дийдаси шунча қаттиқ бўладими? Аллақачонлар жигарбандини кўрган бўларкан. Агар ўзи келиб қолмаганда, тириклигини ҳам билмай, армон билан ўтиб кетарканми?

— Ҳа, айланай, у киши сени кўрганларида жуда кичкина бола эдинг. Бечора, танимаганда, таниса, айтар эди, танимаган...

Жимлик чўқди. Сўнг момо гапни бошқа ёққа бурди.

— Болам, уйли-жойли бўлиб кетгандирсан? Дўхтирларнинг жон куйдиришларига қараганда, катта одам бўлиб кетган кўринасан. Болаларинг борми?

Ҳаким хотинининг уйида туришини айтгиси келмади... «Бор, иккита ўғлим бор, эна», деди. «Эна, уйимиз ҳалиям турган экан, мен бориб кўрдим. Чинор ҳам турибди. Бу ердан чиқсам, бир-икки кун ўша уйчада ётаман. Кейин уй қураман. Колхозга рассом бўлиб ишга кираман. Кейин ижодхона ҳам қураман».

— Хотин, бола-чақангни обкеласанми?

Ҳакимнинг хаёлига ўғли Рашидни елкасига кўтариб олиб келаётган картинаси келди. Ўша суратнинг орқа манзараси чинор ҳам уйчадан иборат эди. Агар ўғилларини олиб келса, улар Барака полвону Акбар аканинг болалари билан бемалол ўзбекча чуғуллашади. Тўғри, улар

пойтахт шевасида вотти-вотти қилиб гапиришади, лекин барибир, одамлар Ҳаким детдомда ўсиб, ўз элига бегона бўлиб кетмаганини кўришади-ку!

Ҳаким шуларни ўйлар экан, онасига:

— Ҳа, обкеламан, албатта обкеламан, — деди.

Ширин момога алоҳида каравот киргизиб, ўрин тўшаб беришди. Кечга яқин Акбар бобоси ва Барака полвон Ҳакимни кўргани келди. Салом-алик қилиб, бемор атрофида ўтиришгач, ҳол-аҳвол сўраш бошланди.

— Ҳакимбой, жўра, қўлингиздан тортиб, костумингизни ярмини юлиб олдима, қилт этмайсииз-а! Ажабтовур полвон экансииз.

— Ҳа энди, Барака ака, ўзингиз ҳам шердай олишдингиз-ку!

— Узи мени эслайсиизми, Ҳакимбой?!

— Бўлмасам-чи, Барака ака, бир оёғингизнинг бармоқлари олтига эди-а?

Барака полвон қаҳ-қаҳ отиб кулди:

— Вой хумпар-эй, эсида бор экан-а? Ҳамма нарса — уйинг-жойинг, чинор, ҳатто Барака акангни олтига панжаси эсингда бор экан, нега бир келай демаринг, ука?!

— Ака, қаерда чинорга кўзим тушса, шу қишлоқда Барака деган биз тенги йигит йўқми, деб сўрардим. Детдом Тошкентга кўчганда, кўп болаларнинг адреси йўқолган экан. Шулар орасида меники ҳам...

Ҳамшира кириб:

— Беморни толиқтириб қўйманглар, ҳали қувватга кирганлари йўқ, — деди.

Акбар кетаётиб қайта-қайта тайинлади:

— Хола, Ҳакимжон тузалгач, тўғри бизникига боради. Инилари олиб кетиб қолишмасин.

Ярим кечага бориб бемор алаҳлай бошлади. Даволовчи шифокор билан бош шифокор бир зумда етиб келишди. Қандайдир суюқ дорини томиридан томчи-томчи юбориб туришди. Тонгга яқин бемор тинчланиб ухлаб қолди. Эрталаб кўзини очди.

— Эна, соат неччи?

— Тўққизлар бўлса керак.

— Нега чироқни ёқмай ўтирибсииз, эна?

— Иби, болам, хона ёп-ёруғ-ку! Соат эрталабки тўққиз!

— Эна, менга атроф қоп-қоронғу туюляпти. Мен кўр бўлиб қолибман!

Момонинг кўз ўнги қоронғулашиб кетди:

— Вой, болам, қуй, ҳазиллашма!

— Йўқ, эна, кўрмаяпман.

Кампир. туртиниб йулакка отилди.

— Духтиржон, ҳой духтир! Чопинг, айланай!

Даволовчи шифокор қўлидаги ичиб турган чойини «дўқ» этиб қўйди-ю, палата томон чопди. Йўл-йўлакай ҳамшираларга буюрди: кислород! Сульфакамфокаин!

Кела солиб беморнинг қўлини қўлига олди:

— Болагинам кўрмаяпти, дўхтиржон, — момо шундай деб йиглаб юборди.

— А?! Йўғ-э, Ҳаким ака! Ҳазиллашманг! Биз суратимизни чизиб бериб кетадилар, деб умид қилиб ўтирибмиз. Эҳ-ҳе, ҳали қанча сурат чизишингиз керак!

— Кейинги пайтларда кўзим анча ёмон кўра бошлаган эди. Энди...

— Нима энди, Ҳаким ака?

— Энди бутунлай кўрмаяпман. Ҳаммаёқ қоп-қоронғу!

Кетма-кет кириб келган бош шифокор ҳамширага буюрди:

— Кўз дўхтирини чақириб келинг. Тез етиб келсин!

Кўз дўхтири йигитнинг кўзларини йириб, қандайдир аппарат билан синчиклаб текширди, сўнг, катаракта, деди. Бош шифокор билан даволовчи шифокор бир-бирига ялт этиб қарашди. Ҳамширалардан бири секингина, вой, бечора, деб юборди. Нима қилиб қўйганини фаҳмлаган ҳамшира бош шифокорнинг қаҳрли қарашидан ранги оқариб кетди. У индамай палатани бир зумда тарк этди. Бир неча дақиқа ичида руй берган воқеа она-болани чуқур қайғуга солди. Бири ўз фожиасининг залвори билан, иккинчиси фарзанд бахтиқаролигининг изтироби аро гўё қотиб қолган эди. Биринчи бўлиб бош шифокор ўзини ўнглади.

— Қаҳрамон Раҳимович, меҳмон Тошкентдан, бизнинг кучимиз етмаса, у ёқда шундай профессорлар борки, нафақат кўрмай қолган кўзни даволашади, яна не-не тугма кўрларга аварияга учраган марҳумларнинг кўзини утқозишади. Катаракта нима бўпти. Тошкентда Фёдоровнинг қўлида ўқиган профессор бор. Шундоқ нурни тўсиб турган пардани олади-ташлайди, тамом!

Бош шифокор даволовчи шифокорни кабинетга чақириб суҳбатлашди: бир гап бўлса, Олим Сатторовичдан балога қоламиз. Яна синглиси ЦЕКАни газетасида ишларкан. Кеча Тошкентга кетибди. Ҳали, аҳволи қандай деб юқориоқдан ҳам телефон қилиб қолишлари мумкин. Кўз дўхтири билан кириб, гўё ўзаро гаплашган бўлиб, қонми, сувми, хуллас, бир бало тўпланган экан, шу сўрилиб кетяпти; яна икки-уч кунда кўра бошлайди, денглар. Бунақа мия чайқалиши билан, яна стресс ҳолатига тушса, қийналиб қоламиз.

Ширин момо полга рўмолини ёйиб, намоз ўқир ва киртайиб қолган кўзларидан ёши тинмай оққанча, ўглига

омонлик тиларди: Карами кенг Эгам, етдим деганда болагинамни йикитма. Илоҳо, отасига насиб қилмаган ерда униб-уссин, палак ёзиб, томир отсин, кўзлари чироқдай очилиб кетсин. Илоҳо, ўзинг қўлла, ўзинг суя, ўзингдан бошқа суягани суянчиқ бўлмас...

Йўлакдаги қадам товушларини эшитиб, момо шошилиб юзига фотиҳа тортди, сўнг полдан рўмолини олиб, каравотга омонатгина ўтирди. Фарзанд индамай волидасининг тиловатини тинглаб ётар, унинг ер, одамлар, чинор, уйча ва ниҳоят онаси, синглиси билан боғлиқ қувончлари шу тобда аччиқ алам билан қоришиб кетганди. Шунинг баробарида бош шифокорнинг Фёдоров шоғирди ҳақидаги гаплари қалбига умид чироғини ҳам ёққан эди. Унинг эсига Мадинанинг, кўзларингизни даволатамиз, газета орқали катта мутахассисларга кўрсатамиз, деганлари тушди. У энди келиб-келиб, қидирган уйини, энасини топганда бир қўлсиз, бир оёқсиз, борингки, бир кўзсиз бўлишга ҳам рози эди, аммо кўрмай қолишга рози эмасди. Унга жилла курси, ўз тупроғини бир марта чизиш учун бир кунга бўлса ҳам кўзлари керак эди. Зеро, ёруғ жаҳонда кимики, қалам тортиб, мусаввир даражасига эришган бўлса, унинг илҳом париси киндик қони тўкилган тупроқ қаршисидаги ҳайрат ва муҳаббат бўлогидан сув ичган. Эй, Буюк Мусаввир, биз ожиз бандалардан фарқли ўлароқ, сен яратсанг, мукаммал яратасан, мени ҳам бутун яратганинг чин бўлса, Тошкентга бориб, кўзимнинг қора пардасини олдирсам, Рашид билан Ҳамидни олиб келаман. Марина ўла қолса, келмайди. Света ҳам Рашид каттароқ бўлганда олиб кетсанг, майли, деган. Бу ёққа келишдан олдин асарларимни Мадинага қолдираман. Узи фамилиямни ёзиб, кўргазмаларга қўяверади. Битта-яримтаси сотилса, пулини ўзингиз олаверинг (яе, синглимни сиз дейманми), ўзинг олавер, дейман. Дарвоқе, пулини менинг имзомсиз тўлашмаса керак, ишонч хати ёзиб қўяман. Суммаси билан санасини ўзи қўяверади. Мадина... синглим экан-а! Яхшиям, ҳалиги, бир хилларга ўхшаб... Лекин жуда ҳурмат қилардим. Худо ўзи дийдорини иссиқ кўрсатган экан-да. Узи ҳам меҳрибонгина эди. Агар борди-ю, кўзим очилмаса-чи? Ҳовлиқиб бориб, жанжалга аралашиб, ўша, ўзим пахса деворларида дорбоз бўлиб юрган ҳовлини тузукроқ кўрмадимам. Аниқроғи, дала ҳовлимизни. Ахир, бобом бошқа ҳовлида турарди. Энамнинг айтишича, мен ўсган уй бобомнинг дала ҳовлиси экан. Катта ҳовлидаги боғ-роққа бобом қараркан. Отам шу ерда менга уй қуриш учун ҳозирлик кўраётган экан. Ҳалиги уйча эса вақтинча бошпана сифатида қурилган, катта уй қуриб битилгач, ошхонами, омборчами, деб ният қи-

лишган экан. Майли, отамнинг ушалмаган армонини ушатиш менга ва ўгилларимга nasib этар. Аммо, бордию кўзим очилмаса-чи? Акбарнинг бобосига ухшаб, ерни ҳас-са билан уриб-уриб юраманми? Худойим, ахир бу ҳаёт эмас-ку! Ахир, умрбод бир кўришга орзуманд маконингни бир бора чизмасдан яшаш дахшат-ку! Йўқ, ундан кўра ўлим минг марта афзал!

Йулақдаги қадам товушлари унинг ҳам хаёлини бўлди.

Кўз дўхтири Қаҳрамон Раҳимович кириб, салом берди. Момо алик олди.

— Ҳақим ака, биз сизни тузалиш жараёнингизни назардан қочирмаслигимиз керак. Кўрмай қолганингиз эса эҳтимол ўткинчи ҳолдир. Сиз даволовчи шифокорнинг буюрганларини сўзсиз бажаришингиз зарур.

У яна беморнинг қовоқларини кенгроқ очиб, текшира бошлади. Сўнг, асбобларини қутичасига хотиржам соларкан, Ҳақимга муурожаат қилди:

— Энди, гап бундай. Қаттиқ ҳаяжонланиш, айниқса ҳозир мумкин эмас. Кўз қосаси тубига йиғилиб қолган қон секин-аста сўрилаяпти. Ўткинчи катаракта. Худо хоҳласа, эрталаб ёруғни сезасиз. Бир-икки кундан кейин яна олдингидек, кўра бошлайсиз.

Тонга яқин Ҳақим туш кўрди. Тушида қандайдир кенг, ёруғ ва гузал бир уймиш. Ҳақим турган хонанинг шифтида тасвирлашга тил оғиз турли-туман анвойи гуллар боши билан пастга қараб ўсиб, гуркираб ётганмиш. Улардан маст қилувчи ажиб бўй таралармиш. Ўзи шифтдаги гуллар жамолидан беқиёс ҳайратда эмиш. Қандай қилиб экишганига, ким экканига ақли бовар қилмасмиш. Уй хоналари кўп, деворлари шаффоф биллурдан эмиш. Ва барча хоналар бир-бирига кўришиб турармиш. Биринда Равшан қаттиқ берилиб, қандайдир узундан-узун достонни ёд ўқиётганмиш. Овози куй каби сеҳрли эмиш. Мадина эса, бошдан-оёқ оқ ҳарир либосда, ўқиладган шеърий оҳангга мос рақс тушармиш. Оёғи ерга тегмай, айланиб-айланиб уйнармиш. Бир пайт Мадина рақс туша-туша Ҳақим турган хонага кириб қолибди. У ҳам ҳалиги жаннатий гулларни кўриб ҳайратланибди. Сўнг Равшан турган хонага қараб кетмоқчи бўлибди. Тўрттала томонга юрса ҳам ҳалиги кириб келган эшигини тополмасмиш...

Ҳақим уйғониб кетди. Уйғонди-ю, кўзлари хона ичидаги ёғдуни элас-элас туюётганини ҳис қилди.

— Ҳа, болам, уйғондингми? Яхши ётиб турдингми?

— Эна, кўзим ёруғни сал-пал сезяпти, дўхтир рост айтган экан.

— Худоё, ўзинга шукр! Минг қатла шукр!

— Эна, қачон эна, десам, дарров ҳа дейсиз, сиз ухла-майсизми?

— Болам, туни билан яратган эгамдан кўзларинг очи-лишини тилаб, илтижо қилиб чиқдим. У менинг оҳимни эшитди. Насиб қилса, кўзларинг чироқдай порлайди ҳа-ли.

Даволовчи шифокор Ҳакимни кўргани келган ҳамқиш-лоқларидан бирортасини ҳам киритмади. Акбар билан хо-тинининг ўтинчлари ҳам беҳуда бўлди. Уларнинг келгани-ни ҳатто Ширин момога ҳам айтишмади. Ҳамшираларга ҳам то бемор кўра бошламагунча, ҳеч кимни киритманг-лар, деб қаттиқ тайинланди.

Йигит бу кеча қалбида нурли бир умид билан уйқуга кетди. Момо туни билан Оллоҳга шукрона айтиб чиқди. Тонг отар чоғда ёстиққа суюниб ўтирган жойида кўзини уйқу элитди. Бир пас ўтмай йигит кўзини очди. Нигоҳи аввал оёқ томондаги ёпиқ турган палата эшигига тушди. Сўнг, каравот суюнчигини, устидаги оқ жилдга солинган яшил адиёлни кўрди. Бироз қараб тургач, эсига кечаги воқеалар тушди. Сўнг ўзининг яна қайта кўра бошлагани-ни англади. Ёнига бурилиб, эна демоқчиди, қараса, энаси ўтирган жойида пишиллаб ухлаяпти. Уйғотгиси келмади. Эсига чинор билан уй тушиб бирдан сурат чизгиси келди. Чиқиб, ҳамширалардан қоғоз-қалам сўрамоқчи бўлиб се-кин ўрнидан турди. Оёғи толиққандай бўлди. Қайтиб ўтир-ди. Яна турди. Йўлакка чиқди. Ҳаммаёқ жимжит. Навбатчи ҳамшира ҳам ўрнида йўқ. Фақат стол устида очилган даф-тар, бир-икки оқ қоғоз оқариб кўринади. У столга яқин-лашди. Нигоҳи аввало кичкина думалоқ кўзгучага, сўнг, рассомларга мўлжалланган қора қаламга тушди. Ҳамши-ра бу қалам билан қош-кўзини бўяса керак. Бугун бу қа-лам умрида биринчи марта ўзининг ҳақиқий вазифасини бажаради.

Рассом оқ қоғозга қўл узатар экан, шундоқ стол тепа-сида осилган деворий газетага кўзи тушди. Каттагина қо-ғоз худди рассомлар фойдаланадиган планшет-тахтача-дай тахтага япалоқ михлар билан қотирилган эди. Унинг битта михчасини тирноғи билан кўчириб, орқасига қара-ди: оппоқ! Агар ҳозир бориб, натурадан чизса-чи? Йўл узоқмикан ё яқин?

Кетсам, ҳеч ким уйғонмасдан кетишим керак. Бўлмаса қўйишмайди. Сўнг соатга қаради. Тонгги беш. Ҳа, агар бирор уловга минишга тўғри келса, соатни йўл ҳақиқа берарман. Энг муҳими, етиб олиш ва сурат чизиш. Кейин бир гап бўлар.

Шу тобда ўтириб сурат чизаётгани кўз ўнгидан ўтди. Ва бирдан уйини бениҳоя соғинганини туйди. Симмилла-

ган, очликка ўхшаган туйғу бутун кўкрак қафасини қоплади. У аввал қаламни, сўнг узалиб миҳга осилган тахтани олди. Йўлакнинг охиригача ҳеч ким учрамади. Тик турганча дастаси узун супурги билан касалхона ҳовлисини супураётган фаррош аёл бир қараб қўйди-ю, лекин ҳеч нарса демади. У кўчага чиққан заҳоти келаётган юк машинасига қўл кўтарди.

Машина тўхтади.

— Ака, Тиллатепага ола кетинг.

Ҳайдовчи йўлнинг нариги бетини кўрсатди.

— У ёқдан туриб, машина тўхтатинг.

Ҳаким йўлнинг нариги бетига ўтувдики, ҳалиги юк машинаси нарироқдан бурилиб, қайтиб келди.

— Чикинг, сиз айтган жой узоқ эмас, қўйиб келаман.

Йигит кабинага чиқди.

— Бу ёқлик эмасга ўхшайсиз?

— Шу ерликман. Адашиб, улоқиб юриб, топиб келганимда касалхонага тушиб қолдим.

— Ҳа, от айланиб қозигини топади, деган гап бор эскидан. Ҳарҳолда она юрт яхши-да, ака. Қаерда тўхтатай?

— Ҳув тепалиқдан берироқда, иложи бўлса, ҳув анави Чинорга яқинроқ тўхтатсангиз.

Машина ортига бурилиб олгач, тўхтади.

— Ука, бу яхшилигингиз учун мендан шу соатни эсдаликка олсангиз, — деди у.

Йигит қўлини кўксига қўйди:

— Раҳмат, ака, бизга бир оғиз раҳматингиз етади.

Ҳаким киндик қони тўкилган тупроқ ҳидини туйди. Уч-тўрт қадам қўйиб, тўхтади. Дарахтнинг қадди-бастини олисдан қараб суйди, яна юрди. Ора-чира лолақизғалдоқлар очилиб турган майсаларни босиб ўтиб, дарахтга яқинлашди. Йўғон-оппоқ томирларидан ҳатлаб ўтиб, дунёдаги энг яқин одамига бағрини очгандай, қулочини ёйиб, чинорни кучоқлади. Қўли дарахтнинг ярмига ҳам етмади. Ўҳ-у! Жуда зурсан-ку! Сўнг бошини кўтариб тепага қаради. Осмон кўринмасди, ҳисоб. Йигит чўнқайди. Чинор илдизини силай-силаё сўзланди.

— Ҳа, менинг томирларим... Мени кўтдингларми? Мен ҳам сизларни унутганим йўқ. Лекин бу ёққа келаётганимда сизларни топаман, деб ҳеч ўйламагандим. Манави томон тоқзор эди. Ҳар баҳорда ичини қизғалдоқ босиб кетарди. Ҳозир тоқзор урнида ўсиб ётган анави сариқ усимлик нима? Ҳув анави ердан пахса девор бошланарди. Отамчи? Отам ҳам эсингиздами! У мени отиб-илиб ўйнатганда бирор шохга тегиб кетадигандай ёки илиниб қоладигандай кўрқар эдим. Кейин отам шохга алвонч солиб берарди, болалар билан роса учардик. Қани, ўша



кунлар яна қайтса-ю, яна ҳаволаниб-ҳаволаниб, алвончда учсам... Чинорим... сени нима дей? Акам дейми, укам дейми? Сал қолди-я, иккаламиз бир кунда ўлиб кетишимизга! Энди узоқ яшаймиз. Мен сенинг суратингни мой буёқларда чизаман. Ҳар битта япрофингни чизаман. Қадди-бастингни чизаман. Томирларингни чизаман. Сен дунёдаги энг гўзал дарахтсан!..

Унинг эсига олий мактабга киролмагани тушиб кетди.

Ҳаким ўрнидан турди. Пастки шохлардан бирини ўзига тортди. Япроқларини ҳидлади. Япроқнинг ҳиди сезилмади. Баргларидаги чангни қўли билан сидирди. Хаёлига детдомдаги бобосининг сўзлари келди: «Дунёдаги барча нарсалар — тоғлар, қирлар, адирлар, дарёлар, дарахтлар, гуллар, майсалар Оллоҳ томонидан яратилган, биз ожиз бандлари улардан ночоргина нусха кўчира оламиз, холос».

Йигит яна дарахтнинг ғадир-будир танасидан ўрмалаб бораётган хон қизига бармогини тутиб туриб, сўзлади:

— Азизим, мен ҳам ҳозир буюк рассомнинг сендек шоҳ асаридан гарибона нусха кўчираман.

Йигит қогозга қалам урди. Кумирдан-да қорароқ Италия қалами енгил-равон юра кетди. Қушларнинг тонгги чуғури тинди. Кетмон кўтарган икки қиз тупроқ йўлдан ўтаётиб, бир зум сўзлашдан тўхтадилар. Бироз ҳайратланиб йигитга қараб турдилар-да, ўтиб кетдилар. Саккиз-тўққиз ёшлардаги бола ҳовлисидан сигир етаклаб чиқиб, шу томонга кела бошлади. Таниди: тунов кунги меҳмон амаки.

Рассомнинг қалами дарахт танасидаги ҳар бир ғадир-будирни; осмон фонида товланаётган ҳар бир баргни чизаркан, ёруғ ва соялар кучга кирганда ҳалиги заррин нурлар порлай бошлади. Рассом сўнгги чизиқни тортди ва назарида, ўзи тасвирлаган чинор шохлари шамолда силкинаётгандай туюлди.

У, бошим қаттиқроқ жароҳатланган шекилли, ақлдан озяпманми, деб уйлади. Кейин қулоғига олислардан бир товуш келди:

— Ҳак-и-и-м, ўгил-ги-нам!..

Наҳотки, қидириб келишди? Ногоҳ юзига сув салқини урилгандай бўлди. Хаёлида бир зум отасининг қиёфаси гавдаланди. Сунг, у гўё қандайдир мовий тулқинларга кўмилиб кетди...

Ниҳоят, кўз ўнгида қандайдир мовий дунё пайдо бўлди. Шу дунё қаъридан бошдан-оёқ оқ ҳарир либосга ўралган Мадина чиқиб келди.

— Вой, Ҳаким ака, мунча яхши чизибсиз! Айтардим-ку, Сиз генийсиз, деб!

— Ҳа, Мадина, бу менинг чинорим. Мен уни топдим.

— Ака, эсингиздами, Бешёғочдаги чинорни чизиб ўтирганингизда учрашиб қолгандик.

— Ҳа, унда мен бунга ўхшаш дарахтни чизгандим, холос. Бугун аслини чиздим.

— Ака, сиз нуқул дарахтларни яхши кўрасиз, ҳеч аёл зотини ҳам севганмисиз?

— Билмадим, нега мен дарахтларни нафақат аёллардан, кўз нуримдан ҳам ортиқроқ кўрарканман. Шифокор ўрнингиздан турманг, зўриқасиз, деб тайинлаган эди. Мен ёруғликни сезишим ила бу ёққа чопдим.

— Қойил қолдим иродангизга!

— Мен Ватан суратини чиздим. Мана шу чинор билан анави кулба менинг Ватанимдир.

— Бир умрлик армонингиз ушалди, ака. Юринг, энди қайтамиз.

— Кетдик.

Сигир ўтлатаётган бола ҳайрон қолди. Рассом амаки ўзига-ўзи сўзланганча, Дайробод томонга кетар: ишлаган расмини ташлаб борарди. Бола расм ёнига келди. Кўзлари ҳайратдан ёнди: вуйй! Кейин югурди.

— Эй, амаки! У ёқда йўл йўқ, йўл йўқ! Амаки, суратингиз қоп кетди-и-и!

Бола шамолдек чопди, лекин рассомга етолмади...

## Сўнг сўз

Метрога кираверишда Мадинанинг жилмайиб тушган каттагина сурати икки ой осиглиқ турди. Сурат тагига шундай ёзилган эди! Бу аёлни сўнгги марта ушбу бекатда кўришган. Уша куни у оқ кўйлак ва оқ туфли кийган. Бўйнидаги ёзги енгил шарфи ва сумкачаси ҳам оқ рангда бўлган. Қўлида электрон соат, никоҳ узуги бор эди. Кўрган ёки хабар берган кишига пойтахтдан квартира ҳадя этилади. Суратнинг бошқа нусхалари айнан шу ёзув билан ер ости поездларида ҳар иккала томонга физ-физ учдилар. Бироқ, ҳатто янглишиб, ўхшаш аёлни учратганлар ҳам бўлмади.

Маринага Ҳаким ғойиб бўлганини, уни охириги марта Барака полвоннинг Ортиқбой исмли ўғли қишлоқда кўрганни айтдилар. Ҳаким отаси мироб бўлиб ишлаган қишлоқ томон кетган. Қишлоқ кексалари уни отасига ўхшаб ўпқон тортиб кетган деб тахмин қилишибди. Бироқ қирғоқдан эрталабдан то кечгача қишлоқ болалари аримайди. Ҳеч ким кўрмаган. Шунга қарамасдан, сувни тўхта-тиб, қидиришди. Аммо сувга чўкиб кетган, дейишга ҳеч қандай асос йўқ эди...

Марина бўлган воқеани айтиш, иложи бўлса, ёрдам сўраш мақсадида Мадинани қидириб, у ишлайдиган газетага келди. Бироқ бу аёлнинг ҳам қидирилаётганини эшитиб, ҳайрон қолди. Кетишини ҳам, кетмасини ҳам билмай йўлакда турган эди, ёқимсиз қиёфали бир киши салом берди. Сўнг, сиз шу редакцияда ишлайсизми, деб сўради.

— Йўқ, — деди Марина — эрим бу газетани безатишда қатнашарди.

— Нега қатнашарди, деяпсиз?

— Энди у йўқ.

— Вафот этдими?

Марина ерга қаради.

— А, тушунарли. Бирор ерга жўнаб кетган.

Аёл яна индамади.

— Кечирасиз, сизга совға қилган асарларидан намуналар борми?

— Кўп, жуда кўп. Нима эди? — деди у.

— Мен меценатман. Эрингизнинг картиналарини кўрсатмайсизми?

Марина рози бўлгач, у ўзини Корнилов деб таништирди ва яп-янги оппоқ машинасининг олдинги эшигини тавозе билан очди. Корнилов омборчадан чиқарган деярли ҳамма суратларни маъқул топди.

— Сиз буларнинг ҳаммасини сотиб олмоқчимисиз?

— Ҳа, агар келишсак...

Марина хаёлида тезгина чўтга ташлади. Ун доллардан олса ҳам йигирматаси икки юз доллар. Лекин, аввало, ҳар бирини юз доллар, дейман.

Корнилов қирққа яқин ҳар хил катта-кичик суратларни ажратди.

— Қанча сўрайсиз?

— Ҳажмидан қатъи назар ҳар бири юз доллардан.

— Келишдик, — у ёнидан детектор чиқариб, қоғоз пулларни унга солиб, битта-битта ўтказа бошлади. Хайрлашаётиб, хиёл энгашиб, Маринанинг кўлини ўпиб кўйди.

Марина бир даста яшил пулга ишонқирамай боқар экан, мен унга ёқиб қолдим, шекилли, деб ўйлади. Бориб креслога чўқди ва учинчи қаватдаги кўшниси чет элга кўчиб кетаётгани учун уйини мебеллари билан тўрт минг долларга сотмоқчи эканлигини эслади...

\* \* \*

Париждаги «Мулен Руж» ресторан қошидаги Тулуз-Лотрек ранг-тасвир асарлар галереяси гавжум. Деворларга ўзбек тупроғидан келган рассомнинг рангтасвир асарлари осилган. Қадди-қомати келишган ўрта яшар

элчи бу қувончли воқеа ҳақида қисқагина нутқ сўзлади. Сунг, рассомнинг ўзи кўрғазмасига келган барча ҳамкасблари ва тасвирий санъат мухлисларига миннатдорчилик билдиргач, томошадан кейинги зиёфатга таклиф этди.

— Рени, — деди бир четда ўтирган йигит дўстига, — бу осийлик бизнинг санъатимиздан яхши хабардор шекилли, унинг манзаралари аср бошидаги рассомларимиз услубини эслатапти.

— Сен, Анри, шоирсан. Барибир тасвирий санъатнинг айрим нозик қирраларини пайқамайсан. Бу одам рассом эмас. Қип-қизил ўғри. Залдаги расмлар битта муаллифники эмас. Бу деворларда камида олтита рассомнинг асарлари бор. Ана у аёл портретини шу муттаҳамнинг ўзи чизган. Бу рассом умуман, рангларни ҳис қилмайди. Яна ўнтача сурат ҳар хил муаллифларга тегишли. Қолган барчаси битта рассомники. Ва уларнинг ҳар бири қалб кўри билан яратилган дурдона асарлар. Эртага ким ошдида кўрасан. Айнан шу асарлар катта нарҳда сотилади.

— Рене, бу жиноят-ку! Агар гапинг рост бўлса, ўша рассом номини тиклаш керак.

— Анри, ўзи соғ, кўзи тирик рассом бирдан шунча асарини бировга бермайди. Эҳтимол, у аллақачон ҳаётдан кўз юмган, асарлари эса ўғирланган. Нима қиласан овора бўлиб?

— Йўқ Рене, сен расмлардаги фарқни асослаб берасан, мен эса муаллифнинг номини тиклайман.

— Анри, азизим, кечирасан-у, мен курашлар учун тугилмаганман. Курашаман десанг, дунёда нима кўп, адолатсизлик кўп. Умринг курашда ўтиб кетиши мумкин.

— Рене, бир кун келиб, сенинг ҳам асарларингни кимдир ўзиники қилиб олса, нима қилардинг?

— Анави номаълум рассом бу ҳақда ўйламаган. Унинг пешона ёзуғи рангтасвир бўлган. Ва у фақат чизган, нафақат чизган, оч ҳолига қарамай бутун бир мактаб яратган!

— Сен қаердан била қолдинг?

— Агар тушлик қилиб, рангтасвир ишласанг, ранглар ҳам кирлашади, ҳам қашшоқлашади.

— Хуллас, бирга курашамиз?

— Йўқ, менинг вазифам ҳар қандай кўрқув ва хавотирни йиғиштириб кўйиб, асар яратиш! Қолгани менинг ишим эмас. Худди ўша рассомга ўхшаб.

— Мен эса курашаман, Рене. Бобокалонлари ўзбекистонлик дўстларим бор. Улар билан бирга, Марказий Осиёга бораман. Рассомнинг номини тиклайман!..



Наби Жалолиддин

# Қисқариб боради офтобди кунлар...

\* \* \*

Куз.  
Узоқ-узоқ тикилаверар,  
Сүзсиз-сүзсиз тикилаверар,  
Қораймоқчи бўлган осмонга.

Куз.  
Чүзиб-чүзиб хўрсинаверар,  
Қанотлари силкинаверар,  
Учмоқлари ўхшар росмонга.

Айтмоқчидай хайру хўшларин,  
Қанотларин силкир осмонга.  
Кузнинг олтин қанот қушлари  
Учадилар замин томонга.

Куз.  
Тўзийверар олтинранг қушлар,  
Олам кўзлардаги сарғимтир тушлар,  
Ухлайверсанг тушлар оқаргунча то!..

\* \* \*

Шивирларди бу япроқ ҳам қачонлар,  
Энди хазон — сарғайибди, қурибди.  
Ўзидайин ғариб дўстин ачомлаб,  
Шамолларга тушин тутиб турибди.

Гувиллайди очкўз шамол тунлари,  
Чирмашади бир-бирига ҳасратлар.  
Узоқлашар ёлғизларнинг унлари,  
Қололмайди сариқ уюм асраблар.

Тонгни тутар.  
Тонг отади бепарво,  
Кампирларнинг хаёлидай чўзилиб.  
Қуёш қани,  
Ана, бўздек арава,  
Дийдирайди қиздиrolмай ўзини.

Келақолса узун-узун супурги,  
Фаррошларни куйиб кутар қийноқлар.  
Чақилади қўйнидаги гугурти,  
Ёна бошлар ва, ниҳоят, япроқлар.

Энди тентир ойдин-ойдин хаёллар,  
Ғариблар ҳам қасосини бошласин.  
Қанисан, тун,  
Кела қолинг, шамоллар,  
Аччиқ куллар кўзингизни ёшласин!..

\* \* \*

Тентийман ёмғирлар остида,  
Кўзёшим ёмғир-ла савашар.  
Яланғоч шохлардан томчилаб  
Томчилар ёшимни санашар.

Богимнинг кукимтир лойлари  
Оёққа ёпишар сақичдек.  
Соғинч билан хаёл иккимиз  
Тўйиб-тўйиб армонлар ичдик.

Сен келсанг-чи — совуқ томчилар  
Бошга кўниб, куй чаларди, куй.  
Шохлар эса кеч куз булса ҳам,  
Барглар ёзиб, таратарди буй.

Ҳувиллаган боғларим аро  
Баҳор каби яшнардиқ икков.  
Айрилиқнинг юзлари қаро,  
Севгимизнинг чехраси олов.

Хаёл қайда, сен қайда қолдинг,  
Нега бағрим оқади сим-сим?  
Нега мени топмасдан олдин  
Умрим ортга сурмадинг, севгим?!

\* \* \*

Қизариб кетибди осмоннинг кўзи,  
Кун буйи йиғлаган ошиқмикин шом?  
Бошимда айланар куз сочи тўзиб,  
Гўё хазон булмоқ япроқ учун шон.

Мен эса жимман,  
Күзда на бир ёш,  
Осмоннинг қабоғин силайвераман.  
У уфқ четига қўйганида бош,  
Туннинг узайишин тилайвераман.

Тун менинг суянчим,  
Менинг юпанчим,  
Оламда қолмайди бирон ўзга ранг.  
Тўкмаган ёшларим аламни янчиб,  
Умримни ҳар тонгга етказар башанг.

Қизариб кўринар осмоннинг кўзи,  
Тун бўйи йиғлаган ошиқми саҳар?  
Куну тун бўзламиш узидан ўзиб,  
Осмоним мен учун ютарми заҳар?!

\* \* \*

Севгилим,  
Деразамнинг қошида бир туп  
Олма ҳар кеч шивирлар тинмай.  
Охир, тун ҳам ярмидан ўтиб,  
Тўлишган ой бошлайди имлай.

Севгилим,  
Ой қунволиб олма шохига,  
Япроқларнинг шивирин бузар.  
Ойна кўзи узра гоҳида  
Ойга уйқаш жамолинг сузар.

Севгилим,  
Энди оҳ ҳам тортмайди олма,  
Ойдан ранжиб, ахир, у нетар?!  
Деразадан унга термула,  
Кўзларимда ой синиб кетар.

Севгилим,  
Майли, чидай ҳижрон доғига,  
Ула қолсин бўғзимда йиғи.  
Ялангоёқ кирма боғимга,  
Тилиб кетар ойнинг синиғи!..

\* \* \*

Куз.  
Олам мунглиғ-мунглиғ сарғарди,  
Сориг-сориг бўлди севгимиз.  
Ҳар бир дов-дарахтда ҳижроннинг дарди,  
Ахир: «Мен сизники...» — девдингиз!

Қисқариб боради офтобли кунлар,  
Тақдирдек ҳумраяр осмоннинг чети.  
Ҳазонлар оҳидан яралган унлар  
Висолга-баҳорга боради етиб.

Ахир, энди куз-ку,  
Куз ҳали омон,  
Чувалашиб ётар олдда қанча қиш.  
Оппоқ қорлар остида ҳамон  
Дағи қайрамоқда неча ҳижрон тиш.

Шамоллар учирав утган йилларни,  
Йилларнинг дастида бузлар севгимиз.  
Энди мен кимники, ким ҳам биларди,  
Ахир: «Мен сизники...» — девдингиз!..

Каромат Дўстматова

# Дуҳаббат шаърни ёндир

\*\*\*

Кузларимга қаролмассан тик,  
Кузларимда кузларинг дарди.  
Дардларимни ололмассан тек,  
Дардларимда дунёнинг гарди.

Хаёлимни боғласанг қошки,  
Балки чиннигуллар усарди.  
Кузларимнинг оқайтган ашки  
Денгиз бўлиб йулинг тўсарди.

Қара, кўнгул тубига чўкмиш  
Ҳайратангез боғлар жамоли.  
Бугунги кун — эртанги ўтмиш,  
Бу қандайин қисмат заволи?!

Нега энди? Қайда бу маъво,  
Йўқолгандай исмсиз гуллар?!  
Қайда экан энг хушбўй ҳаво,  
Ёнбошлайди ҳудудсиз йўллар?!

Кичраймоқда кўзимда дунё,  
Кафтларимга олиб учаман.  
Мунча мени сийлайди рўе,  
Нега сонсиз тоғлар кучаман?!

Ҳар кеч ўзим олиб қочаман,  
Зулмат ястанган қароргоҳдан.  
Ғам шаробин тақрор ичаман,  
Шафқатсиз тун қазиган чоҳдан.

Ортда қолар маъюб дунёлар,  
Пичирлайди тинсиз аллаким.  
Бошпанасиз қолар риёлар,  
Шодлигидан шоҳ бўлмас ҳеч ким?!

\*\*\*

Ўша олис жийдазорларда  
Ухлаб қолган болалик, уйғон!  
Хуб ғаройиб эртақлар айтай,  
Эртақларки, барчаси ёлгон!..

Гулгаётган умримнинг ҳаққи  
Отқулоқлар, сени изладим.  
Тароғимнинг тиши синганда,  
Ёнтоқзорлар ичра бузладим.



Ҳайитларни мазор бошида  
Ис чиқариб кутлар нур қишлоқ.  
Туннинг тунги губорларини  
Булоқларга чаяр хур қишлоқ.

Уша олис жийдазорларда  
Ухлаб қолган илк сузим, уйғон!  
Танҳо эди юрагим, танҳо,  
Ухлаб қолган устозим, уйғон!

Уша олис жийдазорларда...

\* \* \*

Сиз энди ётмассиз  
касалхонада,  
Мен тагин бормасман  
ҳолингиз сўраб.  
Бу дилкаш дунёда, гардкам  
дунёда  
Мени ҳам қийнаманг гулларга  
ураб.

Сиз Хужанд боғларин  
кезмадингизми,  
Ҳазонлар ёнолмай қалашиб  
ётар?!  
Покдбмон дунёда, нодон  
дунёда,  
Гиналар, арз-додлар талашиб  
ётар.

Кеча, номозшомгул айтмади  
қушиқ,  
Кеча, уфқнинг ҳам ёрилди  
боши.  
Кеча, энди ҳолим сўрманглар,  
деди  
Ботиб бораётган Самғор  
куёши.

Синди. Кўзгулари синди  
Сайхуннинг,  
Ой пардоз қутисин йўқотиб  
қўйди.  
Муғултоғ сезмади оғриқ  
устида,  
Иккита юлдузга ўқ отиб қўйди.

\* \* \*

Куз. Дарахтлар танида титроқ,  
Тунд шамолнинг шафқати  
синган.

Куча-куйда сарсон ҳар япроқ,  
Япроқларнинг гурбати тинган.

Чумолининг белидай нозик  
Сўқмоқлардан кимни  
ахтардим?  
Нотаниш дуст, нотаниш алиқ  
Сенга ўтлиғ ашъор биткардим.

Лек сўрама, жоним қутисин  
Сайд айладим қиблагоҳларга.  
Топган — шариф, топмаган —  
мискин,  
Бошим садқа саждагоҳларга.

Аллақайда фурсатнинг тигиз  
Чалаётган найин эшитдим.  
Кун ортидан чоғиб изма-из  
Хобгоҳимда хок бўлиб  
кетдим...

Куз. Дарахтлар танида  
титроқ...

## Жоним отам

Отам Эрмат Дустмат ўгли  
хотирасига

Борлигимдан бўлдимми жудо,  
Энди қайга сизгасан кўнглум?  
Энди қайта очилгаймисан  
Рухимдаги нотавон гулим?!

Жоним отам — жонқоҳим отам,  
Кўнглумдаги боғим эдингиз.  
Суянардим ҳориган пайтлар,  
Тафаққурим тоғи эдингиз.

Жоним отам, бузругим отам,  
Хонадонда изингиз қани?  
Дарвозадан йўқлаб келгувчи  
Қишу, ёзу кузингиз қани?

Жоним отам, малҳамим отам,  
Кузимдаги нурим камайди.  
Энди мени худди сизчалик  
Ким ҳам қизим, дея аяйди?!

Жоним отам, фанимат отам,  
Сиз юрган йул мунғайиб қолди.  
Сизга деган шоҳ байтларим  
ҳам,

*Ранг-руйимдек сарғайиб қолди.*

*Жоним отам, донишманд отам,  
Эл-улусим қадрим, деб йиғлар.  
Бир одамдек яшаган отам,  
Тупрогингиз бағрим, деб йиғлар...*

*Жоним отам, оҳ, жоним отам!..*

\* \* \*

*Кўнгул мулкига кўнглумни бериб энди кўнгулсизман,  
Фароғат боғига нечун топиндим йўлда йўлсизман?!  
Қайғумнинг либосин кийиб, ғойиб бўлди соҳир тунлар,  
Осмоним буржида юлдуз порламас ҳеч, ҳилолсизман.  
Сўзимни кутариб бошга, олиб учди қаён тулпор,  
Отимнинг эгари йўқдир, гирдоб ичра мажолсизман.  
Ажаб, икки кўлим қотди, кўнгулсизлик табонида,  
Зах тупроқ захмидан бошқа маъданим йўқ, халилсизман.  
Каромат, бу ҳаёт саҳни соврилиб кетгайдир бир кун,  
Кўнгул деворимга кулаб, нетай, қолдим хаёлсизман?!*

\* \* \*

*Муҳаббат шаъмини ендир, кўёш ботмасидан олдин,  
Тунда гарду губоринг юв, тонглар отмасидан олдин.  
Гуноҳлар гулханин кўриб, шафақ юзи қизаргандир.  
Диёнат деворин тикла, умр кетмасидан олдин.  
Саҳарда булбул «чах-чах»и, билсанг, агар ҳар турфадир,  
Ғанимат созини тингла, кулоқ битмасидан олдин.  
Қадам босмоққа ҳаттоки, шаҳд қилолмай туриб қолдим,  
Тупроқ тўлғонарди гўё, оёқ етмасидан олдин.  
Сўзимни дарёга ташлаб, узим кулбам сари қайтдим,  
Ул деди: Сўз қадрин билгин, сўзинг йитмасидан олдин.  
Эй Каромат, кибр тошин шаробга айлантисанг гар,  
Уни зуҳд аҳлига тарқат, лайин тотмасидан олдин.*

Жамшид

# Ҳаёт кўнгулсизман

Ўзбекистон

*Бир қадам олисман, аммо,  
сен азиз тупроқ менга,*

*Ҳурматинг жонимга пайванд,  
куч, қанот ҳар чоқ менга.*

Миллатинг ўзбекми, дерлар,  
феълу рафторим кўриб,  
Шу улуг унвон-ла мағрур  
юрмагим созроқ менга.

Қай бир эл тинчликка зору,  
молу давлат хомталаш,  
Суқ ила ўлкамга боқгай  
зидми ё ўртоқ менга.

Беназир сарватга соҳиб,  
ярқироқ пешонаси,  
Аввало, халқимда бўлсин,  
тегади озроқ менга.

Кўпни курган кексаларнинг  
кунгтуда доим дуо,  
Чин саодат элга ёру  
фахр этиб юрмоқ менга.

Эрк учун кечган умрлар  
меваси озод Ватан,  
Оталар лафзида сўйлар  
ҳар гиёҳ, япроқ менга.

Бир қадам олисда Жамшид —  
пок вужудинг парчаси,  
Айласа кошки насиб  
сен-ла абад қолмоқ менга.

## Аё, одам

Аё, одам, биноки, сен,  
синоат ичра жумбоқсен,  
Ўзингдан тарқаган зотни  
тушунмай лолу ғамноксен.

Боқиб ҳайрон утар бир-бир  
не-не олиму фозиллар,  
Гоҳи раҳмоннинг измида,  
гоҳи шайтонга ўртоқсен.

Шууринг нуридан дунё,  
қулингдан яшинади олам,  
Гоҳи афсус, кўзинг кўрдир,  
пичоқ чархларда қайроқсен.

Жами хислат, жами иллат  
тариқ жисмингда жо бўлмиш,

Киборларга кулиб гулдек,  
туғишганларга янтоқсен.

Ўзинг ҳақсен, ўзинг поксен,  
зиллодек беғубор, тоза,  
Унутиб гоҳи аждодинг,  
мунофиқ ҳамда ялтоқсен.

Сени ожизлар олдида  
қилар шерликларинг бордир,  
Надоматким, кўриб зўрни  
чекиндинг, гоҳи қурқоқсен.

Бани одамга фарзандлик  
сенга Жамшид фахр, лекин,  
Олисроқ юр такаббурдан,  
билиб ол, асли туфроқсен.

## Насиба

Азалдан холиқи танҳо  
одамга ризку рўз берган,  
Бирига кимхобу атлас,  
бирига парча бўз берган.

Вале, тошу тарозуси  
ҳамиша нотекис онинг,  
Териб ол, деб насибангни  
кишига икки кўз берган.

Бу улчов олдида не-не  
ақллар лолу ҳайрондир,  
Ушоққа зор этиб бирни,  
бировга мингу юз берган.

Безаб ёки қилиб барбод  
яшар умрини одамзод.  
Бировни кўпчитиб, лекин,  
юрак ўрнида муз берган.

Фано саҳросида дайдиб  
кезар ҳою ҳаваслар мул,  
Синай деб бандаи хомни  
умр ҳам ноғу туз берган.

Аё, Жамшид, боболардан  
бу маъни шарҳини сўргил,  
Ҳаёт кўп мухтасардирким,  
насибанг — қисқа суз берган.

## Дийдор

Риштаи жонинг жамулжам —  
бундан азизроқ он йуқ,  
Уртада бир бурда нонинг —  
бундан ширинроқ нон йуқ.

Еганинг қанду асалдир,  
ичганинг кавсар суви,  
Сухбату мажлис қурарга  
бундайин имкон йуқ.

Ота-она қадрини бил,  
сенга Каъба дейдилар,  
Бу ҳаёт саҳнида аммо  
қолгучи меҳмон йуқ.

Васли дийдори қариндош  
энг ажиб неъмат эрур,  
Огриса тан бирла руҳинг  
бул каби дармон йуқ.

Булмаса сидку аҳиллик  
бир-бирин иғво қилур,  
Руйида кибру ҳавою  
қонида виждон йуқ.

Мен ғанимат, у ғанимат,  
қурқмайин бағрингни оч,  
Нафратинг этдингми мағлуб —  
сен каби ҳоқон йуқ.

Жамшидо, дунёи дунда  
топганинг дийдору дўст,  
Қолгани бари саробдир,  
сенда ҳеч армон йуқ.

Жамшид — Тожикистонда яшаб, ижод қилаётган узбек шоири. Қатор шеърӣ китоблари нашр этилган. Узбек ва тожик шоирларининг шеърларини таржима қилиш билан ҳам шуғулланади. Жамшид айни пайтда, қизгин ижодий кайфиятда. Шоирни эллик ёши билан қутлаб, янги газалларидан намуналар бераётирмиз.

Таҳририят



АСАД ДИЛМУРОД

---

**ФАНО  
ДАШТИДАГИ  
ҚУШ**

Роман





## Фароғат онлари.

### Биринчи китоб

### БИРИНЧИ БОБ

#### 1

Уфқ гардишини тонг шафағи буюган, лекин ҳали тонг нидо-си шаҳар қулоғига етиб улгурмаган, у роҳатнинг иссиқ қучоғи-ни қизганарми, янги тапвишлар уммонига шунгигани шошил-масми, ҳомуза тортганча, қовоқларини уқалай-уқалай, эриниб-гина қузгаларди. Ҳали узаро кесишган ва кундузлари ҳар ёқдан ёпириладиган оқимни сиздиролмай қоладиган кучалар кимса-сиз эди. Нонини ҳалоллаб ёйишга орзуманд айрим фаррошлар-ни айтмаса, бир тирик жон қуринмас, ҳавода муаллақ қотган чинорлару тераклар учида қувлашиб-уйнаётган қарғалар қағил-лаши авжига минганда сокишлик пардаси чок-чокидан сукилар эди.

Эрталаблари шаҳар бу қадар ланж, бу қадар бепарво були-шини, бинобарин, қор-қировда уч ой қишлагандан сунг, ахий-ри уйғонган ва эмаклагина ини оғзига келиб, жимирлаётган ёруғ жаҳонга — ҳам баумид, ҳам ноумид тикилаётган айикни эслатишини Саидбек Умар илк бор куриб турганидан таажжуб-да эди. Ҳар эрта ва ҳар кеч у тим қора бежирим хориж машина-сида кенг ва равон кучадан физиллаб ўтади, лекин ҳеч қачон бунақа чучмал туйғуни кечирмаган. Ҳатто сирдош-қондош оға-инилар каби бир-бирларига елка тираган, Арш жамолига тугил-ган зангор пардага ёриб кирган турли иморатлар мажмуида зухурланган маъюслик ҳам юққандек ҳаёлига. Асли руҳида гоҳо руй берадиган турфа ўзгаришларга у кунам эътибор қилавермас-ди, яъни, узини шунга ургатганди. Кейинги вақтларда эса сал бошқача: неча маротаба синавдан ўтган уша одаги ярамай қо-

лаётир. Ҳамиша огир бир юк вужудини гоҳ пинҳона, гоҳ ошкора эзгани эзган. Ҳозир ҳам озор туйди, маъюслик кетидан дилига аллабир андуҳ оралади, аниқроғи, тонг сокинлиги билан қушилиб кетган сирли безовталиқ Фаришта билан булган илқ учрашувини ёдига солди.

Нимаси биландир кунглини алғов-далғов қилиб юборган уша ҳодисани унутолмаслигига эса бир галати туш сабабчи: эмишки, авжи баҳор, яшиллик босқини, майса ва гул-чечаклар мажлиси, кукда қушлар чаппор уриб хониш қилар, аттанги, бир маҳал тепада булут тудаланиб, беадад сел ёғилар. Не ҳол? — у қуп-қурук, угли Фузайл эса шалаббо, совқотган. Углини камзулига ураб, қуйнига тортмоқчи булади, аммо у унамай, гулдирайди: «Мени ушбу иситади!» Овозини гулдирак босиб кетгани учун Саидбек Умар ҳеч нарсани тушунмайди, фақат унинг қулида чақмоқ шуъласида ялтираётган ва нимаси биландир кишини ошифта этадиган бир тизим бури тишини куради...

Кейин, эрталаб ҳам оддий, ҳам гаройиб туши давоми унгида намоён булди. Буни сира кутмаганди, эндигина уйқудан уйғониб, айвон четида лов-лов ёниб қутарилаётган қуешни, осмон буржиги турли шакллар чизаётган мусаввир шафақни кузатиб турарди. Ҳовли этагидан, узаро кесишаётган тонги нурлар тулкинига кумилганча, юпунгина кийинган Фузайл пилдираб келаверди. Угли вужудида жамланган завқ-шавқ, шодумонлик ва табассум, қароқларидан ёғилаётган нозиккина туйғунлик узи бир алоҳида шарора ҳосил қилгандек эди. Ҳатто углидаги баланд иштиёқ Саидбек Умарнинг ҳам баҳри-дилини очиб юборди, қанотини кенг ёзганча, ажиб меҳр-истак билан уни бағрига босди. Вужуди куч-қувват ва ғайратга тудди, аммо илкис курдики, чароғбони буйнида — тушида аён булган марвариддек оппоқ ва бежирим буритиш шодаси!

Саидбек Умар бир бушашди, бир ҳайратланди, зеро, қаттиқ гангиб қолганидан анчагача тили буралмади, қачонки узини унглаб, эзғиланиб гап сураганда ҳам Фузайлдан тайинли жавоб ололмади. Ҳовли этагида турган экан, дея икки оёғини бир этикка тикволди. Тортишиб утирса ишга кечикадиган, мавридини топиб яна терганни кунглига туғиб қўйди, аммо кундалик галвалардан ортармиди?

Шу туш, шу воқеадан кейин чиндан ороми бузилди.

Шу туш, шу воқеага улангани яна ҳам таажжубли эди...

Уша эрта, Фузайлни тилга киритолмагани боисми, таъбири топилиши маҳол туш таъсириданми, ҳовлидан чиққанда Саидбек Умар қизгин кечинмалар исканжасида бот-бот ҳаприкарди. Қизиқки, у, ярим йулда, тушини ҳам, угли недир ҳавас билан буйнига тақволган матоҳни ҳам эслашдан чучиётганини пайқадди. Яна қизиқки, аллақасрдан тасодифан пайдо булиб қолган уша матоҳ кўксига қадимдан (во ажабо, қадимдан-а!?) қанақадир ямоқ борлигига ишора қилармиди-ей. Ҳайтовур ҳаёлида мана шу таасурот уйғонгани айниқса уни танг қолдирди, бу ажиб туйғу жамийки ҳужайрасида илгаритдан урнашиб олган-

дек чучиб кетди. Ёки, вақти-соати билан дунёнинг эскилиги ва турғунлиги ҳақидаги эзгин-тотли тушунчаларнинг қайсидир шохбчаси шу йўсин кириб келдими тафаккурига?

Шаксиз, Фузайл Саидбек Умар ҳаётини безаган мўъжиза, у Фузайлда келгуси бахти-тахти ва эзгу истаклари камолини куради, шу туфайли эрта-кеч угли дунёсида яшашни орзу қиларди, унинг хоҳиш-иродаси ва уй-хаёли узининг қадр-қиймати ва эврилишлари билан тамоман чатишиб кетажагига заррача гумон қилмасди. Аммо бу эрталаб курган-кечиргани Саидбек Умарни дафъатан ҳеч қачон ечимини топмайдиган жумбоққа рўпара қилгандек бўлди. Авваламбор уни бўритиш шодаси Фузайл кўлига қаёқдан тушиб қолгани қизиқтирарди, ҳатто бу сир қошида Моҳина ҳам лолу ҳайрон туриб қолганини кургандан кейин у буткул саросималанди. Ие, шошмасин-чи, шодани Ёдгор валий совга қилмадимикин?

Саидбек Умар эски қадрдони — маслакдоши, дунё паст-баландини кезиб чиққан Ёдгор валийни эслаши билан беихтиёр ҳаприқиб кетди ва шуури қатларида енгилгина галаён уйғонди. Сахийдил ва камсуқум авлиё отанинг бир қарашдаёқ юракдаги ҳар қандай музни эритворадиган тийрак кўзларини тасаввурида тиклашга урина бошлаган чоғда, ёпирай, супуриб-сидирилган куча қоқ ўртаси — рўпарадан чопа-чопа келаётган кекса аёлни курди. Аёл, оппоқ сочлари тузгиган, ҳеч нарсадан чўчимай, жон ҳолатда олға интиларки, гуё ажали сари ошиқмиш!..

Нафаси қийилган Саидбек Умар ҳайдовчиси Дадашга қичқирдим-йўқми? — эслолмас, қалтирарди нуқул — вужуди тугул руҳи-шууригача мискин-бедаво кесакка айлангандек. Не куйда бўлса ҳам барибир илғади, ожиз жон шафқатсиз янчилди шиддат билан елаётган машина гилдираклари остиди! Эвоҳ, топ-тоза оқ либос тузғиди, тап-тақир кучага қон сачради, мана, оранан неча ой ўтли ҳамки, уша тушни, уша туш адоғи — унгида руй берган лаҳзани, ниҳоят сал кейинроқ кечган гаройиб тўқнашувни унутолмайди, эрта-кеч хаёлида гоҳ шалаббо Фузайл, гоҳ яшпанда ял-ял ёнган шода, гоҳ манзилига ошиққан машинани телбаларча тўхтатмоқчи бўлган жонсарақ аёл жонланади.

Кейин билди: аёл шарпа экан, ўзича уни Фаришта деб атади.

Аёл безовта руҳининг алабир қатида уйғонган хотира қиёфаси эмасмикин?..

Уша тонгдаги илк фарёди ҳали-ҳали куксида акс-садо беради.

Не қилсинки, энди у хиёл жунунващ, аммо хайрихоҳ ва содиқ ҳамроҳига айлангандек... Баъзан уйқусида ҳам безовта қилади, ора-сира жимгина хосхонасига ҳам кириб боради, бурчак ёки дераза раҳига омонат ўтирганча, уни берилиб кўзатади. Аммо кўпинча ғам-андуҳини ҳам унутиб, астойдил ишга шошаётганда олдини тўсади, Дадашдан илтимос қилиб, неча бор йўлини узгартирди, лекин бу «тадбири» бориб турган соддалик ва нодонлик эканини тез орада англади, зеро, Фаришта ташқи



муҳитида эмас, айнан унинг алғов-далғов оламида яшай бошлаган эди.

Фаришта қиёфаси беозор ва ёқимли, ажиб бир ёғдуси узига ром этарди одамни. Ҳар қанча жозиб, мурувватли ва юпанч бахш этувчи бўлса ҳам унга рўпара булишдан Саидбек Умар ҳадиксирарди (куҳна хотиралари жунбишга келарди-да!), узоқдан уни курган захоти борлиги ҳамирдек кўпчир, аллатовур оғриқ хуруж қиларди кўксига. Ҳозир ҳам у жон ҳовучлаб бо-раётгани бежизмас: ҳовурсимон шарпа гуё ҳамицагилек йул пойларди баланд иморатлар панасида. Ҳадемай учиб чиқади, ҳадемай! Хайрият, у қуринмади, оҳиста Саидбек Умар хурсинди ва машина гизиллаганча унга бурилиб, чор-атрофида байроқлар ҳилпираётган баҳаво-кенг майдонга киргандан кейин негадир энгил тортди.

Кўш табақали темир дарвоза кўзга ташланди...

Икки тарафда девори яшил, томи оқ тунука, дераза-туйнути қалин ойнали қўшалоқ уйча кўзиқорин мисоли зингайган бўлиб, ҳар бири кўрув-эшитув усқуналари билан мукаммал жиҳозланган. Ичкари-ташқари зарчақовоқ тусли матодан тикилган ихчам камзул-шим, соқиси қалта кун этик, соявонли қалпоқ кийган назоратчилар қаровида. Тик боқадиган чоғир кўзларда биргина маъно: шубҳа!..

Тим қора, тим янги хориж машинаси ушбу қўналга тугул бутун шаҳарда эгасидан ҳам таниқлироқ, шунга қарамай, тавонидан ут чақнаган икки навбатчи, ола-була таёқларини силкитганча, илдамлаб пешвоз юрди. Бири машина орқа-олдини, хуржун кавлагандай қилиб, жиддий тарзда текшира кетди, бири ҳар замонда илжайиб қўяётган шоферу қовоғи солиқ олимлар етакчисидан курслик билан ҳужжат суради. Хушёрлик ҳунари-ни намойиш қилиш сал кам беш дақиқа вақт бошига етди. Ҳар эрта такрорланадиган бу даҳмазага қўниқиб қолган бўлса ҳам Саидбек Умар тажаниглик билан соатига қаради. Эрталабки йиғинга қанақадир зарур ҳужжатларни ҳозирлаш учун шошилаётган эди, агар яна сал тугилса бунга умуман улгурмайди. Қолаверса, иш вақти саккиздан бошланса-да, нарвоннинг энг юқори поясида турганини эслатиб қўйишни ҳўшлайдиган Пулат Қосимий ҳеч бунга амал қилмайди, яъни, у эрталабки қисқа йиғинни ярим соат илгари бошлаб, пала-партиш якунлайди-қўяди, сунг, газাগига — уятини йиғиштиради ва кечикканларни таънадашномга кўмади.

Мана шуларни ўйлаб, Саидбек Умар ҳужжатини шошиламай қўйин чўнтагига солди, айни пайтда, ёруғ дунёда биз ҳам бормиз, дегандёк ишонч билан дадил ҳаракат қилаётган назоратчиларга ичида таъна ёғдирди.

Асли, оғринишга ҳоҳат борми? — ахир, булар — хизмат бандалари. қолаверса, ҳар ёқдан келишган, етимхона нонини еб, ҳатто курсанглик мактабида узидан сабоқ ҳам тинглашган. Демакки, буларга камзулни ҳам, дўшни ё пойафзални ҳам узи бичган бўлиб чиқмайдими?

Унгу сулга гилдираб сурилган дарвоза ниҳоят гижинглаб турган тулпорни жаннат жамолидан андоза олгани билан бемалол фахрланса буладиган урмонзор-ҳовли сари кузатди.

Шундоқ рупарада, сабза-гул атр-буй таратаётган майдонча уртасида муаззам ҳайкал... Узоқларга тикилган... Фақат тош нигоҳида не маъно? — буни англаш мушкул, лекин тикилиши гуё нимагадир ишонтиради. Нимага? Ҳеч ким анигини айтмайди, айтолмайди. Балки, шу салобатли ҳайкал, пурвиқор кошоналар, бир-бирига чирмашган дарахтлар юки босгани туфайли киши тилига керакли калима келмас?

Яна, ҳар ерда ганчдан ясалган ҳайкалчалар ҳам қунқайган, улар жуда кўп, лекин пештоқларига шиору байроқ илинган, томларига қозонсимон ва турсимон антенналар урнатилган шинам гиштин уйлар тагин ҳам кўпроқ...

Яна, ҳар қадамда тизиллаб отилаётган фавворалар, бир нуқтада бунча узоқ туриб қолганига ҳайрон симеғочлар, нимагадир асқотишига умид боғлаган темир қутичалару бетон устунли шийпон-қушқлар учрайди.

Аммо чор-атрофда намоён жозиба ва уйғунликни япроқлари сокин шитирлаётган азамат чинорлар ва тераклар қуршовидаги қулоч етмайдиган унлаб забардаст устунлар теғрасида қунган, меъморий услубида шарқ ва ғарб диди бирлашган маҳобатли гулобий биносиз тасаввур қилиш қийин эди.

Машина пештоқ рупарасида чийиллаб тўхтади...

Ҳурматли профессор ҳануз сунгсиз хаёлларга тобе эди.

— Дадаш, — деди у кутилмаганда. — Хизрга ишонсанми?

— Бошқалар ишонса иложим қанча? — деди ҳайдовчи жиддий қилиб.

— Учратиб қолсанг нимани сўрардинг?

— Э, қайдам, — чап кузини муғомбирона қисиб, чаккасини қашлади Дадаш. — Топдим, сизни шу даргоҳдан халос қилишни!

— Вой, баччағар-ей!..

Алланечук завқланган Саидбек Умар юмшоққина кулди, машина секин бурилиб, муюлишда паналаши билан маъюсланди. Ҳали шошаётган одам энди оёқларини эринчоқлик билан кутариб босар, ҳувиллаган катта кучада юқтиргани — залварли андуҳ гуё изидан қолмай урмалаб келар ва бундан таъби тирриқ эди.

Намунча имиллай бошлагани, узини йўқотар даражага етгани учун ҳайрон, нима, инон-ихтиёрини буткул арзимас икир-чикирларга бериб қўйдими?

Ногоҳ Дадаш жавобини эслаб, мийигида кулди.

Ҳануз қадами унмасди...

Ҳаёли эса тинмасак: кўп нарсани кўрди-билди ёруғ дунёда, кўп нарсага эришди ҳам, лекин ҳануз ақли етмайдик, тақдир одамни танларми ёки одам тақдирни?! Алҳол, узини валломот ва оқил санайдиган одамзод бутун умри давомида ҳаргиз уртада барғазон янглиғ учиб-қўниб юрмакдан бошқасига ярайдими, йўқми?..

Купинча у уйлари беқунимлигидан хижолат чекади.

Купинча у беқуним уйлари буронида узини йўқотажак...

Ҳозир, Пулат Қосимий хосхонасига қадам қўйганда ҳам қарийб шу аҳволда эди: недир гапшик билан узини, ларди-дунёсидаги нохуш-ноаниқ нуқталарни муҳокама қилар ва негидир нисбийлик билан боқийлик узаро келиша оладими-йўқми, деган мулоҳаза ҳуш-фикрини угирлаганди...

Бир пайт Саидбек Умар, уша нисбийлик ва боқийлик узани мана шу мухташам қароргоҳ бўсағасига келиб туташадигандек, ҳушёр тортиб, нари-берисига аланглади...

Аллақачон қуёш оламни чароғон қилганига қарамай шифтдаги икки улкан биллур қандилдаги сон-саноксиз чироқлар ловлов ёнади, саҳнга тушган патли-гулдор гиламлар беалад ёруғликда бамисоли гулхан... Уртада узунасига қўйилган туқ жигаранг миз ҳам сокин жило беради, унинг атрофида биттагина буш урин қолган, шу урин узига ўзи рақиб ва суҳбатдош, ҳатто тушида ҳам одамзоднинг фанга номатълум табиатидан баҳс юри-тадиган профессорга мунтазир эди. Саидбек Умар кирган заҳотиёқ бир маромда ҳукм сураётган зил жимлик мадда бойлаганини, ҳар сонияда у бемалол ситилиши ва сирли бир унғайсизлик туғдириши мумкинлигини фаҳмлади...

Ажабки, жамоа гулиниг шимиб, ниманидир илҳақ-интизор кутмақда, аниқроғи, йўқлигида уйилиб қолган ҳужжатларга тилла ручка билан қитирлатиб имзо чекаётган, ҳар замонда пишиллаганча пепонаси терини румолчаси билан шошқин артиб қуяётган Пулат Қосимийга тертилган...

Бошқон аҳволи булакча: ашчагина тажанг! — гуё умр бўйи интиқ қилган орзусига етишгани ёлғон, яъни, неча-неча тоғ-уммон она Амриқо сафарига эмас, икки қир нарида жойлашган, таниқли-муқаррам зотлар пазари тегиши тугул, ҳатто ҳали кучасига тош ҳам тукилмаган ва турмуш икир-чикирига ураланиб ётмакни омад билган она қишлоғига бирров бориб келган...

Қалин лаблари қум-қурт оқариб, йўғон бармоқлари билан-бар-билинмас титраётган Пулат Қосимийни зимдан кузатгани сари Саидбек Умар саросима оғушида тулғана бошлади. Бутун гулобий бино, бутун жамоага сўзини утказишга қодир, зарур пайт тили ё қамчисилан заҳар томадиган бойваччафеъл бошқонни бунингдек абгор, бунингдек эзилган қиёфада биринчи бор қуриши эди.

Анда-мана Саидбек Умар дилидаги саросима ўз урнини недир тушунуксиз ҳадикка, сунг, қўрқувга бунатиб берди, аммо у нимадан бунча ҳўчиётганига ҳайрон, ниҳоят, тоқати битиб, бошқон унғ ёғида тишини кавлаб утирган, елкаси туя уркачидек бўртик, кукраги пачоқ, аксинча қорни думлайган кишига умидвор қаради. Тобора таранг тортилаётган жимлик боисини шу билмаса бошқа банд билмайди.

Кейин шушаймон ичига чигил бўлиб тушди...

Соддалик ҳам эви билан-да, бир кунда ниқобини бирмас, ун бора узгартирадиган бу кас қачон сир берибдики, энди берсин?! Кургур тош ёнғоқдан қилча қолишмайди. Шу боис бир лақаби — Курак! Бирдан ҳеч ким унинг ота-онаси қуйган исмини тутмаслигини эслади. Аммо илгари узи расмона оти булганми? Энди эса унга тиркалгани анчагина: Шурбалиқ, Хасак, ҳей, яна алламбалло. Беминнат хизмат аҳли зур-зурини ёпиштириб қуя-берган, аммо қарангки, ахийри бу борада улоқ Саидбек Умарга насиб этган.

Асли у чечанликдан йироқ, лекин бир баҳонада илҳоми қайнаб, кўпчилик ичида: «Бошқаси бекор, бу — Бо-бош!» — дея қироатини уйқаштирган. Топагонлар ихтироси уша лаҳзадаёқ касода учраган, уники эса тупша-тузук томирлаб, шох бериб, тез орада чор-атрофга ёйилган. Ва шу қулинг ургилсин нисба қария қалди-қиёфаси, ранг-руйи, феъл-атворини аҷча тулик, анча нозик ифода этган.

Тугриси, Бо-бош атрофида кечган ёки кечаётган майла-чуй-да гийбатни нописандлик билан кузатарди, айни пайтда, бунга бепарво ҳам эмасди — хулосаларини эса бошқалардан яширарди; ҳозир, Саидбек Умар билан нигоҳи туқнашганда, негадир табиатига хилоф равишда беихтиёр эсанкиради, қандиллардан тукилаётган нурда мой суртилган каби йилтираётган бошидан семиз кафтини секингина олиб, хиёл дурдоқ ва рангсиз лабла-рига босди.

Лекин Саидбек Умарга кундек равшанки, истаса Бо-бош Пулат Қосимийни булбулчадай сайратади, керак булса уни ҳовли-боғ уртасидаги улкан ҳайкал пойида эмаклатишга ҳам кучи етади. Ажабки, у ҳозир бошқалар билан бир қаторда тишини-тишига босиб утирарди, бинобарин, борлигида бир бепарволик зухур эдиким, гуё олам сув қуйгандек тип-тинч, бошқон ишлари ҳам аъло, унга ҳеч нарса булмаган, у тоабад даҳлсиз!..

Ниҳоят, Пулат Қосимий аста умганини кутарди.

— Битдими? — деди Бо-бош ияги терисини гижимлаб. — Жуда соз, сиз энди боринг, қолганини узимиз эплаймиз.

Илиқ бир табассум ҳада қилди бошқон давра аҳлига, узр ҳам суради юмшоққина қилиб, кейин нигоҳи билан ер сузганча эшик сари шошилди, у гуё дароз буйига илаштирган қуйи хосхона иқлимини буғиб турган ғалати хавотирни ҳам ола кетди. Бениҳоя қимматга тушадиган жудолик лаҳзалари бошланган каби, ҳар ердан сунгсиз ачинишу надомат ҳиссини ифодаловчи оғир-енгил ҳурсиниқлар эшитилди.

Фақат ҳануз Бо-бош хотиржам ёки у ич-ичида қайнаб-тошаётган, ана-мана уммон бўлиб ер-кўкни кумадиган қаҳру ғазабини ясама ва омонат хоҳиш-иродасига қурбон қилаётганми? — буниси давра аҳлига қоронғи, тагин устига, Пулат Қосимий шарпа янглиғ йўқолгани заҳоти барча не қиларини билмай каловланиб қолди.

— Ҳе, укалар, жон ширин-да!..

Бо-бош кутилмаганда шундай деб тунгиллади...

— Эслайман, туппа-тузук эслайман, — деди у кейин, томдан тараша тушгандек қилиб. — Ҳар биримиз абгор буқача эдик, каналаган, кир-чир! Жонимизга шу даргоҳ ора кирганидан тона-мизми? Тонсак, кузларимиз оқиб тушсин!

Чамаси давра аҳли кечмишига шунгиди...

Қиёфасига сохта андуҳ сояси тушган Бо-бош ҳасратидан тавқи-лаънат ва миннат ҳиди келди, лекин у чекинмади, зеро, ҳозир у, қизим сенга айтаман, келиним сен эшит, қабилида иш турган — отаётган маломат тошлари Пулат Қосимийга эмас, ҳануз не қиларини билмай жовдираётган давра аҳлига тегаётган эди.

— Ҳуш, тонадиган борми ораларингда?

— Йук, — деди Саидбек Умар ботирлиги тутиб.

— Мақсадимиз гул ундириш тошда, шундайми, Саидбек?!

— Ҳа, энди... кучимиз етганча уринамиз.

Негадир Бо-бош бир муддат қовоғини уйди.

— Айтилдими, уринасиз, — деди у кейин пешонасини гала-ти тириштириб. — Тоғ орқалаш керакми, орқалайсиз, денгизни қошиқлаб ичиш керакми, ичасиз.

— Буйин товлайдиган номард йук!..

— Ҳа, сиз амал-тақалдан йироқсиз, Саидбек, — профессор обрўси бошқаларникига қараганда анча баланд эканлигига урғу бермоқчи булди пекилли Бо-бош. — Сизга купроқ суянамиз, йирик бир марказни ишониб қўйганимиз бекоргамас.

— Қуллук!..

— Аммо сиздай одам етим қулоғи том тагида қолганини билмасми?

Ҳалидан бери Саидбек Умар дилида учкунлаб турган, недир ишқал, недир хусуматдан огоҳ этаётган гашлик бирдан аланга олди, у ўз ихтиёри билан Бо-бош калтагига елкасини тутиб берганига имон утирди.

— Тушунаман.

— Унда... Нега шу кунгача орзуимиз ушалмади? — товуши-ни бир парда кутарди Бо-бош. — Яширмайман, анча оғир аҳводдамиз. Аммо, азизим, руҳ раки нима бупти, шу арзимас нарса ечимини бизга қўйиб беринг, руҳ муҳандислигида инқи-лоб қилмаган номард, деб кўкрагига урган сизмасми? Ҳа, сиз! Чархпалак масаласи-чи!? Ислоҳ аввали ана шу темиртанга боғ-лик, деб жар солдингиз. Энди эса... уни қарийб ўз ҳолига ташлаб қўйгансиз. Кейинги вақтларда сизга нима булди ўзи, Саидбек? Мунақа лоқайдлик қила берсангиз... суянган тоғлари-миз олдида юзимиз шувит булиб қолади-ку!

Саидбек Умар номаълум нуқтага қадаб олди ҳоргин нигоҳи-ни. Очиғи, у бунақа расвой-жаҳон ҳужумни, гайирлик билан йўғрилган таъна-иддаони сира кутмагани, аъзои-баданини қо-ра-қайноқ тер босди, ер ёрилмадики, қаърига кирмади. Бу одам намунча эҳтиёткор, намунча уста сувдан қуруқ чиқишга? Ахир, бир вақтлар, юқоридан қаттиқ тошширишди, шунақа бир маши-на керак, ишонганимиз сиз, дея қулоқ-миясина қоқиб қулига бермаганмиди? Энди лапашангга чиқариб утирибди, тағинки

Чархпалакнинг бутун масъулияти унинг зиммасида эмиш! Доим шунақа, икки оёқ бир этикка тиқилса, у узини четга тортгани тортган!..

Чархпалак лойиҳасини яратишда шогирди Иноғом Насимий иш берди.

Энди негадир уша лойиҳани амалиётга кучиришда Саидбек Умар бир қадар суст — аввалги шапшидан зигирча ҳам қолмаган, ҳозирча бунинг сабаби фақат узигагина маълум: шу кунда руҳ раки муаммоси кўпроқ олиб қуйди эс-ҳушини!

Руҳ раки дегани Чархпалак ҳақида юқорига хабар берилган ва унинг шаклу шамойили устида қизгин изланиш бораётган бир пайтда қўзғалди. Асли бу таклиф ҳам қайсидир корчалон тарафидан берилган эди, сунг, Пулат Қосимий билан Бо-бош номи бору узи йўқ кашфиёт нафасини гулобий бино ҳаётига олиб кирди. Фавқулудда янгилик эртанги кун мазмунига чинакам сайқал беражаги ҳақидаги кўширтирилган мақтовларга Саидбек Умар лаққа учди, хуллас, хомлигига борли, қизиқили балоси ила ура-урага қўшилди, тунори ходимлар-ошиғич тузган хом-хатала битимга имзо чекиб, казо-казо олимлари амалдорлар савлат тукиб ултирган йиғинда ҳалигидай дабдабали ваъла берди. Аттангки, энди бундан тониш иложи йўқ, ҳар бир сузи-фарази неча-неча ҳужжатларда қайд этилган, бинобарин, кейинроқ ҳаётидаги энг катта хатоси ҳам уша ҳовлиқини булганини билди, лекин энди кеч: даҳшатли бир оқим бутун борлигини номаълум оламга суриб борар эди...

— Айтган-қуйган-да, туянинг думи ерга тегаверсин-чи!

Бу луқма улганнинг устига чиқиб тенгандан баттар булди.

Бу луқмани думалатган — Жавлон Қиеқли...

Аввал-охир бу одам одати шунақа: билдириб-билдирмай чимчилан, ҳатто чил ҳам бериш! Ким у, қарими-ёш, амалдорми-югурдак, фарқи йўқ — бир нишини санчиб, захрини сочиб, газагини босволмаса хумори ёзилмайди, тунлари ороми қочиб, тўшагида қуним тополмайди.

Ҳатто у бир ерда ҳазил-чин аралаш, биронта баччағарга шапалоқ тортмаган куним узимни узим муштлайман, биронта эсар-эшвойни илинтирмаган куним уз оёғимга узим кишан ураман, деганини эшитишган, бундай яғровона лафзу лисон қошида ҳиққа тиниб, ёқа ушланган. Ана, ҳозирги пичингини олинг, асакаси кетармиди суқма қошигини суқмай турса?!

Лундаси, Жавлон Қиеқли бошлади, тутаб турган лаънати учоққа ҳовуч-ҳовуч ермойи сепди, унинг алангаси авваламбор Бо-бош вужудига туташди: у гуриллаб ёнди. Эҳ-ҳе, бошқалар унга қўшилиб чуғи-оташ булмасинми? Ҳатто энди Бо-бош таъна-газийқи ҳеч нарсага арзимаё қолди, оқибатки, гуё қай бир узан-туғонда тиқилиб ётган гина-ғазаб тулқини илкис бушалди ва мунгайиб ултиришдан узга чораси қолмаган Саидбек Умар жисмини гирдобига тортди.

Орада қанча вақт кечганини Саидбек Умар эслолмайди, ҳушини бир унглаб қарасаки, бошқалар, ҳатто Жавлон Қиеқли-

дек жиззаки ҳам ҳовридан тушган, аммо сусткашликнинг ҳар қанақа турига руйи-рост уруш эълон қилган Бо-бош ҳануз жаврар, фақат энди у калтагини биокиме ва микробиология об-руйини аёвсиз тукаётган Носир Даминга унглаган эди.

Бениҳоя чуваланди мунозара калаваси, лекин кошки бирон тайинли қарорга келинган бўлса. Бари аралашиб, ҳатто чалкашиб кетишини Жавлон Қиеқли учирқ қилган ва Бо-бош авзойи бузилган пайтдаёқ Саидбек Умар англовди. Файзи қочиб, барчани бездирган бўлмани тарк этганда калласи ари инидек гувилларди.

Бардоши гуё чирт синди, шундай бўлса ҳам яна бир бор эътироф этди гулобий бинога тоабат боғланганини. Пешонаси-га шу уйиб-уйиб ёзилган, фақат яна ҳайронки, қисмат уни танлаганми ёки у қисматни? Едгор валий каромат қилганидек, одамзодни ҳам қуйдириб, ҳам суйдирган ёруғ оламда тақдир эрмаги булиб юргани, азалий қисматга буйсунишга мажбурлиги ростми, епирай?!?

### 3

Қабулхона гавжум, йигин бу ерда давом этарди гуё, Саидбек Умар қулоғи том битган эмасми, ола-говурда ҳеч нарсани англамас, энсаси қотарди. Кейин у котиба Маржонага хушомадомуз лутфу карам қилаётган Жавлон Қиеқлига ер остидан уқрайиб қўйди. Ниҳоят ҳамма ҳар еққа тарқади, фақат у шошилмади, ҳали йигинда Бо-бош тилини қичитган ва нохушлик тошини қузгатворган, айни пайтда эса Маржона кунглини овлаётган нозирга гинахонлик қилишни уйлар, аммо негадир тортиниб турарди. Кейин, унга гапириш девор қулоғига танбур чертиш билан баробар, деган уйга борди. Этак силкиб аста жунади, хосхонасини мулжаллаб одимларқан, бугун вақти ҳамишагидек тигизлигини, бинобарин, Чархпалак аҳволдан хабар олиши, Али Шаҳобий қўл остидаги махсус мактаб талабаларига дарс утиши, тушдан кейин эса махфий тарзда «Сумалак» зардоби таҳлили билан шуғулланиши зарурлигини бир-бир дилидан кечирди...

Астойдил ишга шунгигани боис ана-мана кун яримлаганини сезмай қолди, ниҳоят номигагина тушлик қилволиб, ачитилган тамаки ҳидига ўхшаш ис анқиётган ва тўрига қоғоз чиқиндиси, занглаган темир ашёлар, эски-туски шиша идишлар атай ғарамлаб қўйилган У-5 хонасига кириб борганда Носир заррабин теграсида ҳуноб эди. Иш деса томдан ташлашга ҳам ҳозир шогирд қаттиқ толиққан, ранг-руйи қутсиз, шундай бўлса ҳам у узини дадил тутиб, устозига ихлос билан қаради, унинг авзойидан билдики, эрталабки жиққа-мушт мажлисда руҳ муҳандислиги маркази устидан яна мағзава ағдарилган...

— Яна талашдимиз, ака? — деди у хурсиниб.

— Э, талаш ҳам гапми? — дея тўнғиллади профессор. — Буларга Худонинг узи бас келмаса, бандасиники бекор!

— Биламан, Шурбалиқнинг меъдаси оч, Гурзиси ундан беш-

баттар, — нафратини тугилган мушти орқали ифодалади Носир Дамин. — Чархпалакдай муъжизаям кам буларга!..

Шогирди куюнчаклиги Саидбек Умарни анча-мунча овутди. Беихтиёр куз олдига Бо-бош важоҳати келди.

Асли бугун чап ёни билан турган экан: гоҳо яхши-ёмон, паст-баландни ажрим айламоқ тугул, узига бино қўймак ва тегажаклик қилишни ёқтирадиган Бо-бош таёғи синаёзди бошида, аммо синса ҳам гурга эди, бира-тула қутуларди баридан!

Девор тагида қолгур Жавлон Қиеқли танглайини чақалоқлигида қандайдир ҳам жиззаки, ҳам доғули кампир кутаргани рост, бирдан Бо-бошга яхши курингиси келиб қолдими, сирпанчик бир гапни қиялатворди денг, ҳалимдайгина юмшаб дардини ёраётган Бо-бош аввал жиз-биз булди, кейин тутади ва лоп этиб энди.

Саидбек Умар Бо-бош ичида алам болалаб ётганини биларди, лекин бунчалик эканини сира тасаввур қилмаганди. Иложини тонса у букиришга ҳам тайёр эди, гўё Саидбек Умар ундан минг йилдан бери бир олам нарса қарздору у таранг қилганча шу қарзни қайтаришни сўрарди. Яна, имилляяпсиз, демак, панада пайт пойлаётган қитмирлар тегирмонига сув қуйяпсиз, деганда, жони нақд бугзига тикилди. Тавба, Чархпалак отлиг темиртан нима, ҳали ниқоби йиртилмаган руҳ раки нима — унинг узи сал-пал тушунадими? Газаб ва илгиқом ҳисси илмда қачон, қайси жумбоқни ҳал қилган? Ҳеч нарсани! Бундан беҳабар-да, марказ устига от қўйгани қўйган. Хуш, марказ руҳ-жон муҳандислиги билан шугулланадими ёки косиблигу пахсакаплик биланми?

Одамни айбдор санаб, изза қилиш — осон, аммо уша жон не сабабга кура гуноҳга ботиб, узини ҳам, бошқаларни ҳам азобга гирифтор этаётганини тузук-қуруқ ўйлаб кўрадиган одил ҳакам топилавермаслиги аламли... Рост, уша касофат дастур ижросини билиб-билмай гарланига олувди, аммо орқаси бу қадар шилта экани, ҳар қадамда жонини чиғириққа соладиган ғов учрашини қаёқдан билсинийди?!

Бу кунда Саидбек Умар тунлари ажриққа ағанайди...

Бу кунда, ҳар иккала ихтироси нелиги англашиданда, у узини узи уйиб-ўйиб олгудек ҳолда, э, бу ҳам гапми, узини узи ё бугизласа, ё бугиб ташласа, ахир, не илинж, не муддао, не тамада бунчалар жиловни бушатди экан ушанда?

Афсуски, эндиги дарди-ҳасрати, алам-армони, ҳатто пушаймони бугун вужудини сим-сим уртаётган савол олдига ҳеч нарса эмас, негаки, бирламчи, гишт алақачон қолипдан кучган, иккиламчи, куксилаги кундан-кун яралар ёнида яна бир яра пайдо булган...

Чархпалакдан совигани боисини бировга тушунтиролмайди...

Чархпалак анча муддат бор оғирлигини тасаввури қатламларига ташлаб олди, сунгра у аста-секин бир қадар чекинди, аниқроғи, урнини руҳ раки хусусидаги илмий фаразлар ва хуло-



саларга бушатиб берди. Нимаси биландир бу муаммо Саидбек Умарга қизиқарли, салмоқли, ҳатто истиқболли туюларди, бутун кучини шунга сафарбар қилди. Қайсидир қалтис нуқтада эса бирдан миясини туфон қоплаб, эс-ҳушидан ажрагудек бўлиб, тайсаллаб қолди: бу борадаги тажрибаларини тухтатсинми, давом эттирсинми?

Тасаввурининг бир бурчида — Чархпалак!

Иккинчи бурчида — сирли зардоб!

Узоқ муддат Саидбек Умар узи билан узи олишди.

Яна, Чархпалакни узига угай билди, эс-ҳуши буткул шиша қолбаларга сиғмай, зур куч билан тошга бошлаган, кенг бир узанга тушмак пайида бўлаётган суюқликка оғди...

Ҳар сония Иноғом Насимий оёқлари тагида уралашарди, унинг дарди — Чархпалакни тезроқ шаклга солиш... Лекин Саидбек Умар шухрат нарвонидан кутарилишига ошиқаётган бу шогирдидан илиқ муомаласи ва маслаҳатини қизғана бошлади. Бу ҳол унда Иноғомни ёмон кўргани туфайли эмас, Чархпалакдан чалғиб, руҳ раки оламига шунғиб кетгани боис руй берди. Иноғомдан қанча узоқланган бўлса, Носирга шунча яқинлашди. Анча куюнчак ва зийрак эди Носир... Қийин дақиқаларда уни осонгина қўлаб юборарди. Қисқаси, номаълум оламга иккаласи биргаликда кириб борарди. Фаразлар тузони қоплаган йулда ногоҳ учраган икки йигит Саидбекни анчагина шошириб қўйди. Улар ориқ ва нимжон эди, доврўғи чор тарафга кетган Али Шоҳобий мактабига яроқсиз топилганди. Ана шулар Саидбек Умар дилида ўрнашди-қолди. Қизиқки, Саидбек Умар уларга тикилганда алданечук ҳаприқиб кетар, чуқур ҳаялга толар, ҳар бирининг маъносона порлаётган кузларида оромини угирлаган армони учқунини кўргандек бўларди. Улар азалдан Саидбек Умар қалби, шуури, ҳатто ҳужайраларида яшаб келгандек! Нима бўлганда ҳам эгизакларни эслатадиган бу йигитларга йулиққанидан у хурсанд эди, кейин... бари бирдан алғов-далғов бўлиб кетди. Эмлашдан кейин егани баданига юқмайдиган қилтомоқ биродарлари бирдан ҳайда-шовур иштаҳага киргани, қисқа вақт ичида буқадек семириб, буй-бастини қўйворгани, муштлари нақд гурзига айлангани утакасини ёраёзди.

Бундай ҳолга тушгани сабабини англаш қийин эмас, ахир, эрта Бо-бош ва Пулат Қосимий назоратидаги роботлар бошқарадиган корхона узлуксиз тайёрлай бошлайдиган ёқут рангли суюқлик уммони кўпира-тоша бутун ер юзини комига тортмайдими? Ана шунда унинг аҳволи не кечади?

Бу дардини у фақат Носир Дамин билан бўлишади.

Ёруғ дунёда уни фақат шу йигит тушунади яхшироқ...

Лекин меҳр ва соддаликдан нажот тилаган билан иш битмас...

Негаки аллакимлар булар йулига қаҳру ғазабни кундаланг қуйганлар!

— Майли, аврайверишсин, — ниҳоят жимликни бузди Носир, тиззасига муштлаб. — Бундан ҳеч нарса узгармайди!

— Аммо чол узоқни кузлагани аниқ, — ҳануз бир гаплик кемираётгани Саидбек Умар юрагини. — Фақат... туяси кулга стармикин, кулмакка? Буниси номаълум, лекин бизни эргаштириб юраверади.

— Ана шуниси чатоқ!

— Топган гапи битта: билвосита эмас, бевосита булсин эмиш!

— Ғалати-ку!

— Чархпалак ер юзини эҳтимол ун, эҳтимол йигирма йилда бир айланиб чиқади, манови ҳашоратга эса вақт ҳам, масофа ҳам писанд эмас! Мана шу керак унга, англадингми?!

— Оббо ҷоли тушмагур-ей, чакки эмас иштаҳаси!

— Биласан, Чархпалак тана орқали утказади таъсирини, СН замбуруғи эса туғридан-туғри руҳнинг узини ишғол этади. Фарқи борми?

— Нимасини айтасиз, ер билан осмонча!..

— Шундай экан, айт-чи, тажовузкор замбуруғ Чархпалакка ухшаган ҳар қанақа қудратли темирташни маҳв этмайдими? — оғир сулиш олди Саидбек Умар. — Бунинг олдида одамзод энг тақдирли ва ожиз кулга айланади. Бу эса Бо-бош билан Пулат Қосимийнинг неча йиллик армони!

— Аммо Иноғомники нақд, бизники ҳали насия!

— Э, қайда, — жаҳл аралаш қул силтади профессор, — анови йигитлар дулайиши ваҳима-ку!

— Айтганча, шарҳларни уқидингизми?

— Ҳа, уқидим, лекин жинни буп қолаёздим!

— Бировга айтсак ишонмаса керак.

— Бир бало булдиям менга шекилли?! — мийғида кулди Саидбек Умар. — Нимадир шу томонга тортаверади, агар узимни тухтатсам, нимадир хумор қилади. Сенда ҳам мабодо шунақа булмайдими?

— Ака, гап очилди айтай, — андуҳли қиёфада нари-бери юра бошлади Носир. — Худо ҳақи, бу менинг ичимга кирволган. Йук, анчадан бери миям қатигида яшаётир! Ҳатто бир кеча тушимга баҳайбат чувалчанг булиб кирди. Этимга қушиб, суягимгача кемирмоқчи эмиш!

— Тавба дейиш керак.

— Ака, биласиз, камина ҳам етимлардан... Бир камбағални эслайман, купинча тиланиб кун кўрарди, аммо димоғи баланд эди, кимни учратса дабдурустан, «Ҳой, мулла, эҳтиётингизни қилинг, йўғасам ақлингизга куя тушади!» — дейвуриб безор қиларди. Ҳазилмиди, чинмиди гапи, билмайман, лекин бутун куриб турибманки, дунёда шунақа кушанда бор экан!

— Балки йўғийди, лекин биз бино қилдик! — чексиз бир афсус зуҳур булди Саидбек Умар товушида. — Энди пушаймондан фойда йук, қани бошла мишиқилар ҳузурига?

Анчайин чукиб қолган шогирдига эргашиб, ичкари булмага утаркан, Саидбек Умар яна барини бир бошидан уйлади. Ҳануз икки ут уртасида тулганарди. Балки ҳали ҳам кечмас: номаълум

манзил сари элтаётган синовни тухтатгани маъқулдир? Лекин йўрғада теккан касали қўйсинми? Яна, гойибдан недир куч инон-ихтиёрини олиб, аллақайга эрта-кеч чорлаб турган бўлса!..

## ИККИНЧИ БОБ

### 1

Саидбек Умар хосхонаси деразасидан баҳаво ва сулим ҳовли-боғнинг каттагина қисми куришиб туради, сокин нурланадиган жодуваш манзара булаклари, хусусан анвойи дарахлар қуршовидаги майдон уртасида буй чўзган бесунақай ҳайкал қиёфаси негадир кўнглида аллабир тушунуксиз таассурот уйғотади...

Гулобий бино ён-верида жойлашган катта-кичик уй-шиёнлар бусағасидан жонсараклиги ва фидойилиги билан ишонч қозонган ҳодимлар қадами узилмасди. Булар қайси идора ёки маҳкама ихтиёрида эканини бошқалар қатори Саидбек Умар ҳам тузукли билмасди, у фақат гарбий қўрғон билан шарқий қўрғонга ошна, зеро, фақат шуларгагина тез-тез ишиги тушиб турарди.

Гарбий қўрғонга туташтириб қурилган ва томи оқ тунука билан ёпишган гиштин сарой бу кунда айни каштархона: Чархпалакни лойиҳала белгиланган ўрнида қўндириш учун кимки масъул бўлса ўша ерда. Баъзан Саидбек Умар утин ёрувчидан маслаҳат берувчи кўнайиб кетганига бир қулса, бир жаҳлланади. Айниқса дуч келган туйғуққа тумшугини суқиб, ишбилармон эканини курсатгиси келаверадиган, фаросатдан қисган миждов амалдорлардан зада, негаки, уларнинг олифтагарчилиги бир мирилик ҳаён келтирса, ун мирилик зиён келтиради. Яна, ундоқ қил, бундоқ қил, э, сендақа хомқаллага кунимиз қолди-ми, дея сурлик қилаверишлари ортиқча!

Қисқаси, тоғни қумалоқ, хасни чинор қилиб курсатишдан тоймайдиган ошналар турқи-тароватидан Саидбек Умар безилларди, яна, аламки, улар соясига қурпача тунашга ҳам мажбур эди. Энди бунақаси унинг ёши ва обрусига тўғри келмасди, шуни уйларди-да, у Чархпалак атрофида гирдиқапалак булаётганлардан узини четга тортарди. Иш кўни охирлаб, ҳамма ҳар ёққа тарқалиб кетгандан кейингина ўша ёққа хушламайгина судралиб борарди.

Чархпалак шиддат билан қад ростлаётганига тараф йўқ эди...

Чархпалак СН замбуруғи каби уни ёнига чорларди...

Ажиб бир нидо эшитилармиди-ей ўша тарафдан...

Ажабки, яна бир хиёл эзгин, хиёл уктамонга нидо шундоқ яқинидан янграётди, не сирки, бу нидони ҳатто у уйида, тош қотиб ухлаб ётганда ҳам эшитади, унинг алятовур ром қилувчи, шунингдек, сўнгсиз оғриқ ато қилувчи тебранишини ҳис қилганда беихтиёр оҳ тортарди. Ҳозир ҳам, жимгина келаётди, ўша ғалати даъватни эшитди, сим-сим уртанди, айни пайтда

Чархпалакни ҳам хотирлади, аммо Чархпалак сари боришга хуши товламади, неча ҳафта-ойдан бери қадам ранжида қилмай, соғиниб қолган каби У-5 хонасига ошиғич йуналди. Нафаси тикилгудек ҳолда бора-сола негадир ичкари бўлмага муралади, ажабо, йигитлардан бири қонига буюялганми?

— Нима гап? — деди у ташвишланиб.

— Нйначи зурлик қилди, — дея илжайди Носир.

— Ҳе, тентак!..

— Бир синагим келди.

Бари тушунарли: ёввойилик йуриги билан адо этилган бе-маъни тажриба! Қаншари ёрилиб, хушини йуқотган, аммо ҳар замонда ночорона инграниб қуяётган Чумоли тепасида Саидбек Умар анча хомушланиб турди, у қачондан бери тасаввур қилаётган мудҳиш ҳодиса бутун кулами билан жар ёқасига бориб қолган шу углон қиефасида ифодасини топгандай эди.

Ҳали кириб келганда Саидбек Умар бирон буйруқ билан синов даврини утаётган жонларни ўзи жиддий кузатмоқчи эди, майиб булишига сал қолган Чумоли аҳволидан хабар топгач, қовоқ солиб, тезгина фикридан қайтди. Аста қийишқ курсига чўкли, лекин узоқ утирмай, илкис қузгалди, эътиборини узун миз ости-устиде қалашик шиша идишлар тортди. Бурчақдаги заррабин ёнида куйманаётган Носир эса бирдан қийқириб юборди.

— Худо ҳақи, — деди у ирғишлаб, — бу лаънати икки жинсли: урғочи, эркак!

— Жа опирдинг-ку, — дея тунгиллади Саидбек Умар.

— Ана, қаранг, бири думли, бири думсиз, — деди Носир баттар ҳовлиқиб, — менимча, думсизи эркаги! Тез купайиши шундан экан-да!

Мана буниси ростакамига ошиб тушди, ранги-қути учган Саидбек Умар руҳ иқлими билан рупарама-рупара келган ихтироси қошида буткул ожизлигини яна бир карра ҳис қилди. Анчагача чучиди заррабин ёнига боргани, ниҳоят аста ярқироқ ойначага куз ташларкан, шогирди ҳақлигига ишонди: бир неча томчи зардоб думли-думсиз милён кушандага паноҳ! Ер юзиде ҳеч бир жонивор бу қадар катта тезликде купаймаса керак. Энди у заррабин олдидан жилиши қийин кечди, ахийри буйни қотиб, соатига қарали: тунги ун бир! Кифоя, борай-да, ҳордиқ ёзай, деб турган одам роса тонгача тимискиланиб қолди. Рост, бу нима, жодуми? Эҳтимол шунақа, лекин у бунга тан беришни истамасди, истамасди-ю, тун буйи У-5 хонасида уралашарди. Бугун у эртароқ кетишга қасдланди. Ахир, уйдан илон чиққани йуқ, бахтиқи, ҳар кеч Моҳина билан Фузайл турт куз билан кутади. Яна, одам қарийверса оила-рўзғор қадри кўпроқ билинаркан. Шу иш бўлса — қочмас, қолаверса, дунё камини ким битирибдики, у битирсин?!

Чарчаб, жонидан туйганда, Бо-бош еки Пулат Қосимий кузига бақа каби аяғчи қуриниб кетганда, сабр иши узилган Саидбек Умар кўпинча шундай мулоҳазага бериларди, бемин-

нат юпанч манбаи булган осуда ҳовлиси сари қочиб, хилват буржида паналаб олиш ташвишига тушар эди.

Аҳди-қарорини бузишдан тоймайдиган барча эркак қатори у ҳам уй-рузғоридан ишонтирувчи, кунглини устирувчи, ҳатто баланд парвозларда асқотадиган далда излайди. Агтанг, унақаси ҳамиша тап-тайёр эканми? — нетонг, умиди купинча чиппакка чиқади, яъни, иштаҳа қузғовчи иссиқ-мазали овқат тортилган дастурхон устида ногоҳ қандайдир илмоқли, совуқ гап айланишар, бирдан ҳафсаласи пир бўлиб, Моҳинадан ётсираб қолар, чарчоғини тарқатиш урнига, уни қайтадан елкасига ортиб, гулобий бино сари ими-жим жуфтагини ростлар эди.

Шу куни Саидбек Умар барига атай қул силтади, уйлаб курса, Моҳина ва Фузайл билан бир дастурхон атрофида одамдай гурунғ қуриб, таом смагани, чойхўрлик қилмаганига ҳафтадан ошибди. Умид ато қилувчи тотли соғинч юрагини уртарди. Аммо бусағада Моҳина эмас, оксочлари Олия кутиб олгани иззат-нафсига тегди. Таъби тирриқ булганини сезган хизматкор аёл Моҳина бетоблигини хижолат аралаш орага қистирди. Пешинга яқин Ёлгор валий келган экан, Моҳина билан суҳбатлашиб, баҳонада уни кутган, келавермагач, хуфтон пайти аста жилган...

Саидбек Умар бир неча марта ётоққа муралади.

Аммо негадир Моҳина оромини бузгани ботинмади.

Узун тунда мижжа қоқмади...

Эрталаб Саидбек Умар Фузайл билан ҳазил-хузил қилиб овунди, фақат угли билан машғулдек куринса-да, зимдан Моҳина муътабар меҳмондан гап очишини кутди. Тошга айланган каби Моҳина қилт этмади. Гапи келди, машинага чиқаётиб, безиллаганча, хотини устидан мағзава ағдарди. Нечун у бунчалар тил-жағига қулф солгани боисини уйлай бошлаганда Дадаш бир савол бердики, ачишиб турган ярасига игна санчилгандай булди.

— Ака, Гурзи кабинетида болта осиб қуйгани ростми?

Ғазаби қузибми, каловланибми, бирдан Саидбек Умар хиел йўғон-чузиқ буйнини энли-тик елкалари орасига тортди, ажабки, афт-боши кўпчиб, куқариб, ғалати тарзда бузариб қолди; у буғзини ачиштираётган нарсани чуғ-оташ қилиб сочмоқчи булар, узини тузукли унглолмаётгани боис эплотмасди.

— Томинг уйилипти, — деди у ниҳоят астагина.

— Илож қанча, ака?!

— Бегалва ҳайдасанг-чи аравангни, баттол!

— Узр, мениям йургагимда чолган ажина!

Энди Саидбек Умар анча юмшади, одатда, кимлигидан қатъи назар, паст тушган одамга у узини яқин тугарди. Ҳозир, Дадаш бедаво кувисидан ачиган айронини тукмай туролмаслигини билса-да, барибир унга қайишди. Ким билсин, Дадашнинг ҳам узи каби кунгли яримталиги, яъни, ота-онаси меҳрига зор ўсгани, айниқса, елғизлик йигит кишига қанот булолмаслигини эсладими?!

Гулобий бинода нимасинидир йуқотганлар тупланган...

Гулобий бинода кимидандир ажралганлар жамул-жам...

Ажабки, Саидбек Умар эртасига рупара булишдан қанча чучиса, кечаги кун билан юзлашишдан шунча қурқарди. Аллақачон хира-қалин пардалар ортида сийқаланиб йуқолган, мудҳиш қотиллик ва айрилиқ доғи-аламини эслатадиган эзгин манзаралар дардини янгилаганда кенгу ёруғ олам кўзига тору зимзиё кўринарди. Асли бари унутишга маҳқум, шундай эса-да, бари шундоқ куз унгида кўндаланг!

Кеча хонадонига таширф буюрган Едгор валий кўҳна хотиротлари занжирининг қайсидир ҳалқаси эканини Саидбек Умарнинг узидан булак киши билмасди. Кеча, ажаб эмаски, у ҳар нарсалдан шубҳа қиладиган тегманозик Моҳинага ер юзида аллақачон ному нишони қолмаган Қуйруқсой ҳақида гамгин ҳикоятлар сўйлаган бўлса!..

Аммо Дадаш Саидбек Умарни тушунишга анчайин гўрлик қилади, фақат ҳалигидақа олди-қочдига тун бичишда у бесуяк, аммо қургур не сабабдан Пулат Қосимий шунчаки эъзозлаб келган (шунчакимикин?) матоҳни ҳазил-чин аралаш суриштириб қолдйкин?

Машинадан секин тушиб, зина буйлаб учинчи қаватга кутарилган Саидбек Умар гоҳида катгаю кичик эмаклаб кириб-эмаклаб чиқадиган ҳашаматли қароргоҳнинг бехисоб қимматбаҳо ашёлари орасида кўримсизи саналган муъжаз-бежирим бисот хусусида шу дамгача бирон-бир мулоҳаза юритмаганига астойдил ажабланди...

Адашмаса, қачондир Носир Дамин унга ишора берувли.

Аҳамият бермаган экан, калласи гиж бўлганми?!

Дафъатан Саидбек Умар тинмасак Носир СН замбуруғи билан беомон жангни давом эттириш учун У-5 хонасида қолганини хотирлади, хосхонасига ҳам кирмасдан, беихтиёр уша тарафга шошилди.

Эшик ичкарисидан тибаланган экан, ноилож ортига қайтди...

## 2

Уша лаҳза Носир Дамин У-5 хонаси бурчагида, эски-туски қалашик буюмлар ичида тиззаларини қучиб, бир ёнга андак қийшайганча, чузиб-чузиб хуррак тортар, ғира-шира тушида гала-гала баҳайбат-жушли кўртлар эти-устихонини бир бошидан шилиб-кемирар эди...

Уша лаҳза Иноғом бедорликка мубтало: у улкан сарой уртасида қаққайганча, ажиб ихтиросидан нишона берган, ҳозирча ҳар ерда сочилиб ётган, аммо эрта-индин таянч ўқи атрофида йиғиладиган мосламаларга маҳлиё эди...

Уша лаҳза Саидбек Умар руҳан бир-бирига ҳам яқин, ҳам узоқ шоғирдлари дарди-ҳолидан беҳабар қолди, бироқ недир нозик сезимлар билан бутун вужуди ва тақдирини ёнма-ён қад ростлаётган ажиб қўш девор оралиғида ҳис қилди...

Буниси шаксиз аниқ, нима, буладими бор-йўғини иккига?  
Эҳ, узидан — жонидан шунча йироқлашгани етмасми?

Бу кунда у қайси мазгилда?

Асли узим ҳам бир мазгилман, деди ичида Саидбек Умар, сунг, гашлик аралаш хўрсинди, бемаъни чорловни ҳам эшитди, эътибор бермай, хонаси буйлаб кезинди, қай маҳалдир тўхтаб, қуёш нурида симобий ярақлаётган улкан ҳайкални оғриниш билан кузатди.

Дарахтлар урамидаги сокин бушлиқда у эриб-илвиллаб тургандек эди, шакли эса гоҳ кичрайиб, гоҳ барваста тортиб бораётгандек туюларди. Яна унга ажабланиб текилиб қолди ва ёқа ушлади. Туйқус мясыда чақнаган фикрга ишонгиси келмади. Тавба, бу кимга ухшайди? Бо-бошгами? Ундай деса, боши — Бо-бошники, буйнидан қуйиси — Пулат Қосимийники! Ишонииш қийин, булар тириклик пайтларидаёқ узларига ёлгорлик урнатишибди-да! Аммо бунақа йўл тутишгани галати: нечун бири калласини иккинчисининг танасига уламишлар?

Саидбек Умар беҳабар: боғда унинг сиймосини ҳам тошга нақшлаб қўйишмаганмикин? Ажабо, шунга журъат этишган бўлса, унинг омадсиз бошини кимнинг бахтиёр гавдасига пайванд қилишдийкин?

Беихтиёр кулгиси кистади ва ҳовли-боғнинг қайсидир бурчларида, Жавлон Қиёқлидан тортиб Носиру Иноғомгача, барча тош сувратда қад ростлагани ва дунёга тош нигоҳлар билан бепарво-бемаъно боқишаётганини чамалаб, тепа сочи тикка бўлиб кетди...

Сунгра хаёли Дадаш суриштирган матоҳга оғди.

Қизик, қайсидир куни Жавлон Қиёқли уша нарса дидли ва фаҳм-фаросатли бошлиқ қароргоҳи чиройини гулдек очиб юборганини мактаб, ҳаммани оғзига қаратмаганмиди?!

Не важдан у бунча эшилувди? — сира эслолмади.

Чалкаш хаёллардан Саидбек Умар толиқди, бинобарин, анов ёғоч сопли матоҳ баъзи нарсалар олдида арзимас эканига, фақат унгамас, четдан ҳеч ким назари тушмайдиган ҳовли-боғдаги улкан ҳайкалу ҳайкалчаларга, ягона мақсадни кўзлаган бўлса ҳам ҳеч қачон бир-бири билан учрашмайдиган қаватларга нечундир бегоналигини фаҳмлаб турарди.

Ёрдамчиси Нодим курсантлик мактаби мудирини Али Шаҳобий ташриф буурганини маълум қилганда у шу хил мулоҳазалар гирдобига гарқ ултирар, чироқ ёқса кўнгли ёришмасди.

Баттар тиришди елкаси, негаки, гулобий бинони зор қақша-тадиган можарога кўпинча Али Шаҳобий қўл остидаги атай узини гулликка урадиган олифга-сатанг гумашталар сабабчи эди. Кўндан бери тегишли низомни янгилаш ниятида юрарди. Лекин унақа талтайган билан иш битар эканми? Шунга ҳам Саидбек Умар балоғардон: олим аҳлини сафарбар этиши керак эмиш! Ҳаммаси равшан: ҳозир у оти бору узи йўқ ҳужжатни талаб қилгани келган. Аммо у шундай гап қилдики, томдан тараша тушгандай бўяди.

— Гамингизни снг, Гурзи гум булганмиш!

Ночор аҳволда қолган мезбон бармоғини лабига босди...

— Халиги қоғозми? — деди кейин қалдироқ товушда. — Бир ой муҳлат беринг. Ҳа, бир ой!

Али Шаҳобий тек қотди, сунг, бурила-сола жунади.

Ҳали Саидбек Умар нафасини ростлаб улгурмай яна эшик шарақлаб очилди ва босар-гусарини билмай, ҳаллосланганча Жавлон Қиеқли бостириб кирди. Тавба, нима бало, булар уяси бузилдими?

— Э, дунёйи қутир, бир тулкимижозга қолувди-я кунимиз, — терини арға-арта жаврай кетди нозир, одатдаги шошқалоқлиги билан. — Пешонамизга офтоб тегади шекилли?

— Кимни айтасиз? — дея талмовсиради Саидбек Умар.

— Деворга танбур чергяшманми, биродар? — ҳаҳлини бо-солмай удагайлади Жавлон Қиеқли. — Аммо сиз бечорага кийин, ҳатто кимнинг ногорасига уйнашниям билмайсиз!

Саидбек Умар тажанг: «Наҳотки рост яримталигим?»

Аммо бу този сувни лойқалатиш учун келган куринади...

— Ишон, аммо шубҳалан! — хона соҳибига синовчан назар ташлади Жавлон Қиеқли. — Мана шу бемаъни ақидани бир вақтлар калламизга миҳ билан қоқиб киргизган сиз эмас-ми?

Энди сал очилган Саидбек Умар тасдиқ ишорасини берди.

— Балки узингиз... тонгандирсиз?

— Йўқ, — деди профессор узиб, — ҳамма қул уша туйгута!

— Унда нега мунча ёпишасиз Гурзининг этагига?

— Фақат мен эмас.

— Лекин у ҳаммани чалгитиб келган.

— Ул десин-чи, иложим қанча?!

— Э, йўқ, — деди нозир ачиниш билан, манқи бир оз пасайиб, — у ул деб утирмайди, сизга ухшаган нотавонларни шуҳратнинг баланд дорига тортиб қўя қолади. Дор тагида қалтираётган пайтда биласиз Гурзи кимлигини! Хайр, мен кетдим, аммо кузингизни каттароқ очинг. Эрта у балки жойига қайтар, наҳотки яна ушанга сигинасиз?

Энди Саидбек Умар тамом ишонди: у сувни лойқалатиш учун келган!

Ҳаёли алғов-далғов булиб кетганидан Жавлон Қиеқли яна қанча вайсагани ва қачон куёни урганини эслолмасди. Нуқул кузига шакл-шамойили йўқ тузоқ куринади. Яна, қармоқми, турми? Буларни ҳалеганда куз илғамаса ҳам илиниш шунчалар осонки! Булар кетида нималар борлигини ҳам у яхши билади. Лекин у, тузоқми, бошқасими, ярим-ярим тушса керак. Ҳатто яхшилик ёки ёмонлик ҳам унга бирон-бир ками билан буюради. Дилида ҳам кемтик бор, аммо буни рад этишга ожиз, зеро, инкори ямоқ булмас, мабодо булган тақдирда ҳам хунук ва бедаво чоки қолар.

Девор соати қўққисдан занг чалди. Нима, вақт одил ҳаками адашдими? Еки хиёнат хоҳишига буйсундими? Лекин у тахмин



қилганидек, ҳакам янглишгани ҳам, хиёнат билан тил бириктиргани ҳам йўқ: чиндан соат кечки роса ун! Тавба, ҳалигина тонг отмадими? Вақт олдида юзи шувитдек эди, ҳатто бебурдлигини ҳам тан олди, истар-истамас қузғаларкан, чироқлар ёғдуси тилимлаган тун чодир ичра мудраётган ҳовли-боғдан аллабир саслар таралди: Сон-саноксиз зоғ гувлаганча ҳавога кутарилгандек туюлди. Негадир Саидбек Умар кўз унги живирлашиб кетди, ташқари сутдек ойдинлигига қарамай улкан ҳайкал куринмасди. Юраги шув этди: у шоҳсупа этагида, анвойи гуллар узра чил-парчин ётарди. Хумга менгзаса буладиган боши нарида, айқниқилан бир неча баравар катта гавдаси — берида! Нима бало тегишдийкан унга?

Бас, мен йўқман, дея ичида аста хитоб қилди.

Дилига сунгсиз гапшиқ қуйилди. Оқшом ҳам энди оғир-оғир антикарди, ниҳоят фалакдан сирли муждалар шуъласи сочилди ва ҳалидан бери Саидбек Умар тасаввурини забт этган ҳамда дераза раҳида осилиб қолган мададга муҳтож тилакларнинг жонсиз жасадларини ёритгандай булди.

У ажабсиниб турган пайтда лия этиб бир шарпа кирди.

Қарасаки, рупарасида — Фаришта!

Ниҳоят ишонч ва қизиқиш ҳисси устун келди ва Фаришта ҳарир либосини ушлаб куришга ишқибозлик қилди.

Ниятига етолмади, у, тиг-тиниқ шуъла, ажиб бир майишлик ила вужуди оша руҳига чирмашди, бу сир шуқуҳини бир англади, бир англамади, хиёл саросар турганда ногоҳ гойибдан бир шивир чалинди қулорига: тан сиртида адашибсан, нафсинг шухратга мубтало, ичинга сафар қилгани журъат топилки, йўқотганинг — иккинчи булагинг уша хилқатда!..

Қачондир йўқотган нарсасини алоҳида ҳозирлик кўрмай, интиқом ҳиссини дилига жойламай излаш беҳудалигини, аниқроғи, замона зайли билан бой берилган имкон қайта нажот булиши қуи маҳол эканини уйларкан, негадир юраги симиллаб, илкис узини У-5 хонасида кўрди...

Олис масофани босиб келгандек у ҳансирарди.

Ажабо, бу қандай олам?

Бу оламнинг узаро туташ улчамларида шиддатли тулқин купирарди, шунинг билан бирга, қайсидир буржларида олақуроқ қизиқлар ва турли беҳушов белгиларни қовуштиришга ожиз буюқлар хирагина живирларди.

Мана булар ким, Чумоли билан Ниначими?

Ивирсиқ манзара рутубати қурғошиндай оғир эди, шу рутубат бор залвари билан қандайдир алвон шиор учларини чайнаганча бир-бири пинжида тарашадай қотиб қолган ошналар ранг-руйида аксланган эди.

Ва улар устига биллурий томчилар томчиларди...

Саидбек Умар саросар... ниҳоят, у диққат қилди.

Сокин бунлиқда Фаришта муаллақ қанот қоқарди.

Нур-кириги — нам!

Дарҳол англади: ҳалиги томчилар унинг тилагида яширин-

ган оламнинг охир-оқибат надомат уммонига бориб қушиладиган беадад ғам-андуҳлари сели!..

3

Ёруғ дунёдан ранг-равиши ва андозасини сир тутишга мажбур бўлаётган У-5 хонасига қачон ва ким билан ташриф буюрганини Саидбек Умар гира-шира эсларди, холос.

Фақат гафлат эмас, аросат уйқусида ётган Чумоли билан Ниначи теграсида Фаришта қуриқчилик қилгани, тақдир қарғишига учраган бандалар шуурига илашган дардни у қорачиқлари жоласи билан ювиб юбориш учун куюнганига сира ишонгиси келмасди.

Негадир у бу ҳолни руега менгзайди.

Ҳали йиглаган Фаришта эмас, эҳтимолки — узи, ҳа, у Фаришта қиёфасига кириб, ичидагини лахта-лахта қилиб тўкди. Бир мавриди келди-да. Ҳарчанд уринса ҳам ўзини тиелмади, очиги, зарраларга булина-булина бир сочилишни тусади. Яхшики ҳоли-забунини ҳеч ким кўрмади, ҳеч ким кузатмади. Бахтига уша палла Носир ҳам қай гушададир ўз тирикчилиги билан банд эли.

Холис ниятини изҳор айлаган Фаришта қани?

Янглишмаса у аллақачон мангу макони — Аршу аъло сари парвоз айлади. Лекин ҳануз у жилгани куч-имкон тополмас, гуё у девор ёнида бир девор! Қайси нарсада илинж кўраётгани ҳам аниқ эмас, тасавурида ер юзидаги қимирлаган жамийки тирик жон Чумоли билан Ниначини чирмаган дарди қаттол қаърига думалаб бораётир.

«Узим-чи?» Бу уйдан баттар ҳолсизланди, негаки, аввало узи жабр кўришини инкор этолмасди. Бирдан ҳали киприклари намланганини эслаб қолди, ёноқлари буйлаб тошган дарё ахийри Чумоли билан Ниначини ҳас каби оқизиб кетганини ажабсиниб хотирлади. Лекин нетонгки улар рўпарасида, сулаклари комида, қайғу ва шодлик фарқига бормай, нотавонлик тўшагида пишиллаб ухларди.

Чамаси булар лоқайдликни эзгу машғулот санашарди...

Қани ҳозир Носир Дамин ёнида бўлса?

Ҳартугул у майда-чуйда чигалларни осонроқ ечади.

Купинча у тун буйи қолиб кетади бу ерда, Чумоли ва Ниначи бош мияси ва асаб тизимида урнашган ҳашоратлар билан алоқа урнатишда ҳайратга молик русумлар уйлаб топган. Сал илгарироқ узи тузган ва Саидбек Умар нуфузли илмий кенгаш номидан яшириқча тасдиқлаган дастурга бўйсунма қолмайди ҳадеганда. Шаксиз, бу қилиғи — узбошимчалик, лекин бир жойда депсингандан кўра тошбақадай бўлса ҳам қимирлаган маъқул эмасми?

Тун ҳам яримлади, лекин у ҳануз У-5 хонасида тутқун эди.

Гофил жонларга термилади, улар урнига узини қўйиб қуради.

Кулгиси қистайди, алами ҳам келади: бедорлик маъқулми ёки маъна бундай уйқуларастлик?

Аммо ипюнчи комилки, бу сонияда ҳамма роҳат оғушида, ҳатто қуш-уйқуман, деб ора-сира мақтаниб қуядиган Бо-бош ҳам аллақачон (бу киши шу ёшга кириб уй-жой қилиб улгурмаган) хосхонаси бурчидаги юмпоққина диванда бемалол чузилганча хуррак тортаётгандир. Йуқ, у ҳозир ёлгондакам мудраб, ҳаёл дарёсида суза-суза, эртанинг аллаким бошида қалтақдай синадиган балиқсирт режасини тузаётган бўлса керак.

Худо ҳақи, Бо-бош деганимиз гулобий бинода қандай лавозимда турганини ит ҳам, бит ҳам билмайди. Лекин у мартабани нима қилади, бошига урадимми?

Шунақа, Бо-бош ҳеч ким эмас, лекин ваҳимаси — тузуккина!

Хосхонаси ҳам Пулат Қосимийшиқидан қолинмайди...

Ҳарҳолда у ойда-йилда жаҳл отини бир-икки эгарлаб қолишини яширмайди, аслида эса у деярли ҳар дақиқада гижинглаб турган уша асов бедов белида заранг утирган бўлади.

Айтишларича, осудалик Бо-бошга ҳаром экан, ишла, йигиниғинда қони қайнагани-ку қайнаган, ҳатто ётса тушақла ҳам алабиров билан жиққа-мушт олишаркан, аниқроғи, у аввал қурша остидаги холис майдонда ҳаёлан жанговар мапқ утказаркан, кейин чинакам талафотлар талаб қиладиган майдонда муросасиз жангга киришаркан. Маъна шу хислатидан ибрат олса арзимадимми?

Кичик гийбатки, асли Пулат Қосимийши ҳам шу тинчитган.

Тағ-томири билан йиқитган-да, ёққан! Кул қилган, кул!

Қай ерда у ҳозир дил-занг уриб ётадир?!

Бори шу: ҳеч қаерда ёзилмаган, қайд қилилмаган, лекин зимдан мунтазам амал қиладиган бир қоида яшайди гулобий бино қони ва ҳужайрасида!

Мазали-матрасиз юмушлар ижрочиси кунинча Бо-бош бўлади.

— Э, аттанг, буғишганингга арзимади булар, — дея астойдил зорланиб ҳам қуяди. — Бировини чинор десанг, ё танаси, ё томири йуқ! Бировини дарё десанг, ё тулқини, ё қиргоғи йуқ!

Бо-бош назарида, ҳамма — ёрти, узи — бутун!

Баъзан эса узи ёртилик билан бутунлик уртасида каламуш каби пилдираб қолажагини, хоҳиш-иродаси ва куч-ғайрати у томонга ҳам, бу томонга ҳам ҳовуч-ҳовуч сочилишини уйламади...

Саидбек Умар Бо-бош билан алоҳида ҳисоблашинга мажбур эди.

Ҳамиша Бо-бошни кузатарди, Бо-бош бошқалар ёки узи ҳақида айтган ҳар бир мулоҳазани ишидан-игнасиғача таҳлил қиларди, маъна шунинг учун у тусатдан ҳовли-боғда ҳам, гулобий бинода ҳам кўринмай қолганда таажжубга тушди.

Негадир бу гал гийбат ажаб тарзда сукут сақларди.

Орадан бир кун, икки кун утди ҳамки, лавозим эмас, ваколат отини миниб келган, ҳар бир ҳаракати, ҳар бир сўзи билан жамоани долу ҳайрон қолдирган Бо-бош дараги бўлмади. Бу ҳолдан кимдир хафа, кимдир хурсанд!

Кутилмаган муъжиза руй берган куни Саидбек Умар хосхонасида узича Чархпалак билан СН замбуруғи уртасидаги тафовут ва уйғунликни солиштириб утирар эди...

Эпирай, буниси не дабдаба?

Сув сепилган ва ойнадай ялтираётган теп-текис хиебон буйлаб тойчоқдек безатигли ян-янги снгил машина гизиллаб келди. муаззам пештоқ рупарасида чийиллаб тухтагач, бир томонидан Бо-бош, иккинчи томонидан Пулат Қосимий тушди...

Солдадил Нодим деразадан ташқарига имлади.

— Менсизам эплашар, — деди Саидбек Умар куруққина қилиб.

Нима учун бунчалар энсаси қотаётганига узи ҳам ҳайрон эди.

Пештоқ олди, айлана майдонча, улкан ҳайкал ён-вери тирбандлигини у шунчаки тахмин қилувди. Аслида чиндан ҳам одам етарли эди: чор тарафдан оқиб келган оломон (тавба, қачон улгуришдикин?) иззат-икром билан қадам ранжида қилган азиз зотлар пойларида гул-пойандоз бўлиб тушалишга ҳозир нозир!

Ура садолари янгради.

Баҳор жаласидай егилган тилаклар ер-кўкни кумди.

Қачонки Жавлон Қиеқли дуриллоқ овозига холислик оҳангини бериб ваъз айтганда жилга дарёга, қўлмак қўлга айланди...

Гулобий бинода зерикарли кеча бошлаган ҳаётни аввалги жушқин узанига буриб юборган гаройиб қўтлов маросимидан Саидбек Умар бебаҳра қолгани куп чакки бўлди.

Айниқса чечанлик маҳоратини моҳирона қўллаган Жавлон Қиеқли нутқини эшитмай қолгани алоҳида йўқотиш билан тенг эди. Ахир, тезкор назорат гуруҳи нозир ихло билан, сизлар бўлмасангиз ҳолимиз хароб экан, дея ҳақни ошкор айлаганда улуғвор иморат ва уни чор-атрофдан ураган дувора-сувора шийпон-уйлар, кўрғонлар ва узаро мажлис қурган дов дарахту қурт-қумурсқа қўлоғи роҳат қилгани елгонми?!

Ҳузур-ҳаловатни улар ҳам билишадди, улар фақат талтайиб кетишни билишмайди...

Ҳар нимаики бўлса эҳтимол гулобий бино кутарар, аммо уни оёқлари остига олган тили узун зотлар бунга қодирми?

Буни айтиш қийин, аммо шу нарса аёнки, энди анчадан бери тинчиб қолган ари инига чўп суқилар, яна бари бошқатдан бошланар — балки эрта, балки индин. Бири бирига тиш қайраган қаватларда қисқа вақт ичида қанчадан-қанча ҳасрат уйилиб қолгани аниқ, шулар барини Пулат Қосимий сабр-тоқат билан тинглаши, зеро, лойга ботган аравани жойидан жилдириши керак. Бунинг учун анча кучанишига туғри келар, йўғ-а, кимлар бошига ёнғоқ чақмас.

Ҳозирча эса Пулат Қосимий сукутда, нафасини ростлаш, борди-кедди қўламини чамалаш, ҳар кимга муносиб муомала меъерини қайтадан белгилаш учун шундай қилаётган бўлса ажабмас. Қолаверса, энди у янги раҳбардай гап, шунга яраша йш тутиши лозим.

Аммо бошқон сукути бениҳоя чузилди, орадан икки кун утди ҳамки, Саидбек Умарни йўқламади. Аввал у бепарво булди, кейин негадир кўнглига гулгула тушди. Илгари-ку, ҳой, биродар, бормисан, деб суриштирмагани майли, кутиб олишга чиқмаганини ҳам қўйинг, жилла қўрса хосхонасига мавридини топиб сурашгани кирса асакаси кетармиди? Нечун шундай бепарволик қилгани сабабини тушунолмади. Елкаси тиришдими? Нимага? Ташвишга қўмилганмиди? Бу ҳам арзирли баҳона эмас, негаки, у нарса доим узи билан бирга. Хулласки, ичини пушаймон кемира бошлади.

Ҳафта охирлади, гулобий бинода еттинчи қават борлигини, уша қаватдаги нақши-нигори кўзни уйнатадиган, пастки деворига ўйинчоқнусха ойболта осилган ҳашаматли хосхонани қарийб унутаёзди, аммо билсаки, узини унутишмаган экан, қабулхона маликаси Маржона кўнгироқ қилгандан кейин бунга амин булди.

Котиба андак аламзада ҳам хафа эканини товушидан сезди, негадир у томоғига йиғи текилиб қолгандек бир ҳолда саломлашди, ҳатто чуқур ҳўрсингани ҳам эшитилди, узоқ сукут сақлагандан кейингина соат олтида бошланадиган йиғинга чорлади.

Қўрмағур бошлиқ ҳамиша кулиб турадиган кўнгилчан қизгинани недир баҳонада қийин-қистовга олганини тасаввур қилиш қийин эмасди, мана шу ҳол Саидбек Умарга куп нарсани аниқлатди, кечки соат олтини юрак ҳовучлаб кутди, аллабир уй билан муборак қароргоҳга сал эртароқ борди.

Барибир кечикибди, қарасаки, номаълум кўрғилик домидан эсон-омон кутулиб қайтган ва аввалги муътабар жойига бемалол ўрнашган бошлиқ қошида бошқалар аллақачон нақд ўқланган милтиқ!

Саидбек Умар бўсағада бир муддат саросимага тушиб қолди. Югура бориб қўришсинми ёки шунчаки бош ирғаб сурашиб қўйса кифоями? Негадир одамзод бор бисотини икир-чикирларга сарфлаш ёки айирбошлаш билан оворалигини уйлаб кетди айни шу қалтис лаҳзада, сўнг, эсини йиғиб, хиел бегонасираб утирғаң бошқонни кучоғига тортиш учун илгари юрди. Аллатовур қанотланган эди, лекин холис нияти ва ҳаракати Пулат Қосимийни қизиқтирмади, у ҳатто қимирлаб қўйиш тутул, қўлини ҳам чузмади.

— Тузқмисиз? — деди истамайгина.

Қаники ер ёрилса, у бир тошдек думаласа! Ҳавода муаллақ қолган қўлини чор-ночор туширди, бўғзида эса — газаб аралаш ҳўрсиник! Кейин сира иккиланмай тан олди шундай муомалага лойиқлигини. Ахир, орада кечган гийбатлар бошлиқ қўлогига етиб бормаганига ким кафил?

Саидбек Умар синиқ кулди ва утириш учун бурилди.

Қора терга ботиб, ниҳоят чуқли. Бениҳоя таранг тортилган бир лаҳза утиб кетганидан енгил тортгандай булди анчагина. Ҳатто бир-бир шерикларига қарагани ҳам журъат қилди. Ҳамма узига тикилиб турганини сезди.

Фақат... Жавлон Қиеқли урнида йуқ, жойида Жобир Кирпи савлат туккан, энли ва узун чизиқли дафтар варағига қитирла-тиб хат битар, тез-тез тўхтаб, гоҳо Бо-бошга нигоҳ отарди, гоҳо Пулат Қосимийга...

## УЧИНЧИ БОБ

### 1

Не синоат, Саидбек Умар шунгачаки чалғистирми ё туш кураётир?

Тамом гангиган ҳолда у қовоқларини уқалади, манзара зигрича узгармади: тулкимижозлиги билан танилган Жобир Кирпи Бо-бош ёнидаги курсида иззат-икром билан қўнволган бўлиб, оқимтир лабини маъноли қимтиганча, ҳафсала билан нималарнидир ишро этарди.

Сал кейин яна ҳам қизиқроғи кечди.

Бо-бош виқор билан суз олди, у негадир илкис бошини кутарди ва курдики, ҳалиги жойда кеча тухумни ёриб чиққан Жобир Кирпи эмас, минг қарғага бир кесак кифоялигини яши билган Жавлон Қиеқлининг узи қаққаймиш!

Ажабо, бу қанақаси? Энди у баттар каловланди, анчагача узига келолмади, фаҳмича; ғалати бир парда тутилганди рупарасида — тилсимли парда, уша барини бузаётганди, ниҳоят бе-маъни жоду арқоғи ситилди ва гойибдан узалган мусаввир қалами ила Жавлон Қиеқли аста-секин Жобир Кирпига айлана борди...

Шундагина Саидбек Умар нарвоннинг энг баланд поялари-дан бирига кутарилган укаҳон омади юришмаган биродарига қай жиҳати биландир ухшаб кетишини англади.

Унисими ёки булисми? — шахсан Саидбек Умарга фарқи йўғийди, лекин у Бо-бош билан Пулат Қосимий ичига кириб чиқмаган-да, қарангки, улар кутилмаганда қари қашқирни ер қилиб, ҳали муйи тузукли қотмаган бир тирмизакни сийлашини. Гаҳ дейилса, бу шундоққина кафтга қўнса керак-да!

Лекин қўрғур Жавлон Қиеқли роса шишиниб кетувди. На итни танирди, на битни. Хаёл қилсаки, ҳар қанақа қалин тош-бетон деворни ҳам пенонаси билан ура-сола утса-кетса! Шунчаси етмагандай, янаям баланд охурга умтилиб қолганига қуясанми? Анойи экан-да Пулат Қосимий, эҳ-ҳе, бурганинг думини курган-ку! Аммо у ҳовлиқмасдан сабр қилса, ғуралдан ҳолва битмасмиди? Атиги бир йил-ярим йил муҳлати қолган Пулат Қосимий охир-оқибат нима қиларди? — ими-жими бушатиб берарди-да хом сут эмган бандалар кузини уйнатади-

ган уша ҳавоси баланд оромкурсисини. Ёки кетига боғлаб, судраб кетармиди ҳовли-ҳарамига?

Ҳануз Бо-бош тулиб-тошиб ваъз айтарди...

Тавба, қанақа тоифа устида мунча кенг тухталмиш, у шунча ҳам таърифга лойиқ эканми? Эслади, қачондир Бо-бош фавкуллода қобил ва салоҳиятли болалардан алоҳида гуруҳ тузганди, тез-тез шунинг сафини янгилаш учун қайғурарди...

— Хуш, — дея у ниҳоят Жобир Кирпига тикилди, — иш анча чаток, лаънати Жавлон жа қиялатиб юборган. Шунинг унглаш сизга кўпроқ боғлиқ. Муовинингиз Нишон билан кенгашинг. Унда тажриба етарли. Мана ёрлиқ, мана руйхат. Ваколатингиз чекланмаган.

Қоғозларни Жобир Кирпи алоҳида эҳтиром кургазиб оларкан, шавқ билан илжайиб, ён-верига сирли аланглаб қўйди. Ажабо, илжайганда кулгичлари ёришдими ёки сояга буркандими?

Тезкор назорат гуруҳининг янги нозири табиатан ҳам Жавлон Қиёқлига ухшаб кетишини тасаввур қилган Саидбек Умар аллатовур бузарганча ёқа ушлади.

Қай маҳалдир суз навбати Пулат Қосимийга тегди.

Аввал у туғруқ уйини қаттол чанғалида эзғилади: бош ҳаким Гулбиддин чап ва унғ қўлоғи билан эшитсинки, чақалоқларни ҳаётнинг узи қадар муътабар УМ тириклик зардоби билан эмлаш аҳволи ночор! Бунингдек лоқайдликдан мақсад нима? Чалғитишми? Чучварани бунақа хом санаётганлар йўлни бушатиб қўйишсин!

Ниҳоят бошқон кутилмаганда мавзуни узгартирди, кимдир панадан, руҳ иқлимида қароқчилик руй бераётир, дея таёқ еган кучук каби гингшиганини орага қистирди.

Уша кимса ортиқча утлаган: жамоа гилдиракни хоҳлаган томонига айлантираётир, арава унақада уру қирдан қандай ошин, деган, бу ҳам етмагандек, туғруқ уйи билан етимхонани камситган, ҳали гудаклар таваллуд топмай манглайига сағирлик тамғаси босилармиш, яна, бунақа даргоҳлар теварагида қовоғи солиқ гумашта-зобитлар уралашиб юриши ақлга сифмасмиин!

Ғаламислар изғиётир теваракда, лекин аҳвол шу даражага етса-да, Жавлон Қиёқлига ухшаганлар бурчдан буйин товлаб, хафагазақлик билан гараз кучасига кириб кетишган. Лаънат булсин унақаларга! Аммо яхшилик ва янгиликсиз яшолмайдиган Жобир Кирпи тез орада эзгулик шаънини лойга белаётган гумроҳлар жиловини тортиб қўяжак. Айни пайтда, у чекланмаган ваколат воситасида олий тоифа таркибини тиклар, фақат жамоанинг ҳар бир инсофли аъзоси унга ҳолисона кумак бериши ҳам фарз, ҳам қарз!

Ғазабини тийиб, ҳаяжонга берилмай, мулжалга аниқ-тиниқ урган бошқонни кўпчилик ихлос-эҳтиром билан маъқуллади. Айниқса Нишон Ғазара фаолроқ жавлон урди, бунинг сабаби тушунарли, агар у бошқонни астойдил қўлламаса, ҳар жиҳатдан унга яқин экани, ҳатто маслақдошлигини билдириб қўймаса,

эрта шүрига шүрва тукилади. Аниқроғи, кечагина тухумдан чиққан жангари ва чайир жужанинг ажабтовур залварли қанотлари остида майиб булади. Бир амаллаб узи лойқалатган сувда яна бир амаллаб чавақ-чувалчанг тутар, аммо, эс-хушингни йиғиштирмасанг узингни тириклай ейман, деб баҳайбат думини ликиллатиб, оғзини ланг очиб турадиган лаққа-наҳангларга қандог тегинади?!

Мажлис охири гийбатдан бешбаттар зерикарли ва маза-матрасиз тортишувга уланди. Ҳатто Жобир Кирпи билан Нишон Ғазара руҳ муҳандислиги қайсидир маънода узини оқламаётгани, бироқ Саидбек Умар кўпроқ сийқа фаразлар билан чекланиб, аллақачон эскирган шуҳрати паноҳида соялаб олганини узоқ чайнашди. Тавба, булар мақсади нима, Бо-бош билан Пулат Қосимийга яхши куринишми?

Мажлис тугаганда юрагига қил сиғмасди.

Йулакда Носир Дамин билан Иноғом Насимий қултигидан тутди...

Шулар-да ишонган муридлари!..

— Мен узимни узим танимаяшман, — деди Саидбек Умар илжайишига уриниб. — Жудаям аянчли! Эрта тозалангим кеп қолса, нима қиламан?

— Япроқдан нажот тилайсиз, — дея ҳазилашди Носир.

— Кейин-чи?

— Кейинми? — деди у уйга толиб. — Дарахт буласиз-қуясиз.

— Буниси қийин эмасдир, — ғалати кайфиятдан чекинишни истамай қолди профессор. — Лекин урмон булиш учун шу кифоя эмас-да!

— Курқманг, — дея суҳбатга аралашди Иноғом, — керак булса мана узимиз бор ёнингизда!..

Энди у сал юланди.

Аммо кунглидан ғашлик тугал аримади...

Чукаётган одам хаста ёпишади, шукр, у ҳали ғарқ булаётганича йуқ, аммо зарил келса, қанотида улғайган ҳар иккала шогирди эрта кунига ярарми? Тошган дарёсига кўприк, ивиган иморатига том булиш булар қулидан келарми?

Ҳе, буларни анов сурбетлар ғажиб ташлар!..

Энг қулай пайтни топган каби Иноғом Насимий Чархпалак буй ростлаб қолганидан қувона-қувона сўз очди, ҳаяжонланганидан у қайноқ терга ботди, қай маҳалдир сукутга толиб, сўнг, қайсидир ношуд ва гапуқмас усталардан нолий бошлади. Ҳартугули у ғурлигига бордими, йуқ ердаги дардини ҳам дастурхон қилиб ёзди, у купиргани сари Саидбек Умарнинг энсаси қотар, миясини тамом бошқа ташвиш — бундай бир кунда руҳ муҳандислиги узини оқлагани маъқулми ёки номаъқул, деган ғалати мулоҳаза эгаллаганди. Қачонки маҳмадона шогирд елкаси тиришгудек ҳолда ғарбий қўрғон сари жунагандан кейин кимдандир сигарет тилади, жимгина чекди, лекин илкис уқчиди, шунақа йўталдики, улкаси бўзига тиқилиб, кўзлари ёшланди.

— Носир, — деди у худшламайгина, учинчи қаватга йул



олишганда, — АС-7 цехида аҳвол чагоқ экан. Бир бало булганмиш, шунинг касрига УМ зардоби етишмаётганмиш!

— Куп гам еманг, — деди Носир бафуржа, — унгланар.

— Айт, нима қилай?

— Сиз на содда одамсиз, на муғомбир, — илкис утирилиб қаради унга тезлаб бораётган шогирд. — Ишон, дейишса, бас, ипонаверасиз. Гарчанд ҳар нарса тагида гумон етишини узингиз тарғиб қилган булсангиз ҳам!

— Гумонсирашни тиқинштирма орага!

— Лаънати роботлар тишини синдирган Жавлон Қиеқли гумашталари-ку! Сездемадингизми, устоз?

— Салгина... Лекин энди йуқ Қиеқли!

— Улар шунақа: бири қуйворганда бири ушлайди.

— Ҳа, маъқул, — деди жиддий тарзда Саидбек Умар, — лекин, ука, узинг ҳам эҳтиёт бул, айниқса тилингга! Баъзан ориқча саннаб куясан!

— Булар... Хуп, хуп! — беихтиёр шивирлашга утди Носир. — Худо шоҳил, ака, булар бири кеча, бири кундуз! Булар ойни ҳам, қуёшни ҳам талашади. Фақат ермас, уша сайёралар ҳам ота-оналари маҳрига тушган!..

Қурғур шогирди яна ҳаддидан ошди: жағидан тойди.

Аммо бу гаплар унинг ҳам дилига абадиян урнашган эмасми?

— Лекин... уят не қилсин, — деди у дудуқланиб.

— Тавба, анаву чол ҳақками ё жиблажибон? — икки тарафи ойнаванд йулакка буриларкан, овозини яна пасайтирди Носир. — На думи бор, на тумшуги! Аммо келиштириб сайрайди. Тили учила бир жаҳон заҳар! Бу камдай, дунени тепкиласа, букса, титкиласа, охири хасу хашакка кушиб ёқворса!..

— Бас, тийил, — деди Саидбек Умар жеркиб. — Илож қанча, зурники тегирмонтош юргизган!

— Э, устоз, милтиқ беришсами қулимга!..

Мудом тийилиш — гуноҳи азим, ўрнида баридан баланд туриш керак менимча, деган маъно зуҳурланди Носир талаффузида. Буни ҳис этган Саидбек Умар шогирди туган жойини кесмаса қуймайдиган йигитлар тоифасидан эканини, лекин бу даврда елкасини қисиб юришга мажбурлигини уйлаб, астойдил ачинди. Бу қисматнинг уйини, бунга ҳамма чидайди, бинобарин, кимки бошқага осон тутса янглишади, агар Пулат Қосимий билан Бо-бош яхлит доира ичида ранг-маза олган бир олмаинг икки палласи булса, бу уларнинг омади юришгани эмас.

Саидбек Умар дафъатан эшикка қаради.

Ажабо, тунов куни у очик эмасмиди?

— Марҳамат! — деди Носир хурмат билан.

— Афсус оламигами? — деди профессор кулимсираб.

— Афсус олами? Э, йуқ, юмшатыясиз, — деди қатъий тарзда Носир. — Ҳар қанақа оламини тиз чуқтириб, ҳар қанақа кунгилни вайрон айлагувчи кушанда ҳузурига!..

— Үзимиз пиширган ош-да.  
— Оловини Бо-бош билан бошқон ёққан.  
— Коса тагидаги нимқосага шама қиялпсанми?  
— Иккаламиз эплолмас эдик.  
— Эҳтимол.  
— Эрта одамзод қули ушалар ёқасида!  
— Аммо қозон қуяси бизгаям юққан.  
— Тугри, биз ўзимизни тамом оқлашимиз қийин, — деди бушашиб Носир Дамин. — Лекин гиж-гижлаб туришганиям ёлгон эмас.

Саидбек Умар қўқсидаги яра туз сепилгандай ачишди...  
Беихтиёр афти буришди, аста йуталиб, кейинги булмага утди.

Мана улар: ачқимтир буюқ ҳидини анқитаётган полда минг йил аввал ташлаб қўйилган ёғочлар каби гужанак ёғишарди...

— Руҳ тола нур, — деди Носир нигоҳини яшириб, — СН замбуруғи тўфон!

— Карантин билан чеклаб буладими уни?

— Қайдам... Аллақачон одам руҳига кучган.

— Лаънат булсин уша лаъзага!

— Бо-бош жигаридаги газакка шуни малҳам қилмоқчи, шундайми? Буни у қачонлар орзу қилган! — чўгдек қизариб кетди Носирнинг энли-қотма бети. — Аммо биз гуралар буни қаёқдан ҳам билардик? Биз шунчаки тирикчилик гамида эдик. Қолаверса, жонни асрашу жиндай шуҳрат илинжида!..

— Куп аджидинг, аммо оппоқ эмассан, — деди Саидбек Умар нимагадир гижиниб. — Ҳимм, жудаям уйқуга уч-ку буларинг.

— Э, ака, булар фақат уйқусида беозор, — деди тиржайиб Носир, устози танбсхига аҳамият бермай. — Бедорликда бир-бири билан ит-мушук! Шунинг учун купинча бир оғиз гап билан ухлатиб қўяман. Қилт этишмайди юз кун утса ҳам!

— Қойил сенга, шуларнинг турқиға чидаб юрибсан.

— Иложим қанча, сизнинг сўзингизни икки қилолмайман.

Тахминан ун беш дақиқалардан кейин чоғроққина шинам хонага киришди. Хона сокин, турли ашё-жиҳозларга бой, девори сиртига юпқагина кўкиш парда тугилгандек туюлади. Қўшалоқ шиша қандилдан таралаётган ёруғлик гуё шифт билан гилам тушалган пол уртасида қўшалоқ симобсимон устун пайдо қилганди. Қуйироқда радиола, телевизор-магнитофон, турда эса бир неча милён босқичли икки хорижий компьютер урнатилган. Сирли мутаносибликка тоқат қилолмаган каби ингичка-йўғон ва ола-бужир қопламали симлар ургимчак тури каби пала-партиш қатишиб кетган.

— Кеча, мана энглар, банан, — деб олдиларига терак пуслўғини улоқтирдим, — шундоқ дея Носир юмшоқ курсига қўниб, компьютер биқинида турган микрофонга қўл чўзди. — Биласизми, нима булди? Ҳаял ичида чайнаб-чайнамай ютиб қўйишди. Тошни ҳам гаживоради лаънатилар. Сув сиртида ҳақалаб юриш, тик дарахт ёки деворга ўрмалаб чиқиш арзимаган эрмак!

Бу ахборотни билгани учунми, бошқа сабабданми, Саидбек Умар узини елкаси тиришгандай қилиб курсатди. Ноқулай аҳволга тушган Носир бирлан жим булди, сунг, шошилмасдан ором вақти тугаганини эълон қилди. Дастур буйича чумилиш соатлари бошланган, ҳовуз суви эса нул даражани курсатиб турарди. Қатъий буйруқ радиокарнай орқали бир неча бор янгради.

Атиги бир сония кечди, Носир кулимсираганча телевизорни қуйди: фақат калга иштонда қолган йигитлар гавдаланди экранда. Ҳар иккаласи ҳам ажиб кунгилоҷар машғулот сари бораётгандек хотиржам ва ҳатто мамнун эди. Ниҳоят, бирови тахтасимон сариқ-тунука тусини осонгина чап томонга суриб, илгари босди, иккинчиси шошилмай унинг изидан юрди. Шифти баланд маҳобатли зал уртасида зилол сувли ҳовуз сокин живирларди, улар узларини бор буйлари билан ташлаганда тулқин бетон қирғоққа шалошлаб урилди.

Нечтадир бош-кепи йўқ мавзегга булинган ушбу гаройиб мажмуа бир вақтлар эс-ҳушини угирлагани, ҳатто мана шу ҳовузда сузишни ургангани, кейинча, яшил майса қоллаган қайсидир майдонида туп сургани, бир уйинда йиқилиб, болдирини синдирганини эслади. Саидбек Умар ва хомуш тортиб қолди. Кейинги вақтларда мажмуа айрим қисмлари, хусусан ҳовузи унутилиб, уз ҳолига ташлаб қуйилган, унга биров қайрилиб қарамас, сабабики, қай бурждадир бениҳоя қулай ва жозибали рақобатчиси бино қилинган эди.

Эски хотиралари таъсирида Саидбек Умар аста қўзғалди, барисини шундоқ яқиндан, табиий ҳолича куришга иштиёкманд булди, ногоҳ, бетон қирғоқ билан оҳиста упишаётган тулқин қиёфасида ешлигининг қайсидир масъуд онлари аксланганини туйиб, яна энтикли. Баданлари қизариб кетган Чумоли билан Ниначи енма-ён қулоҷ отишарди. Узлари чуқур ҳовузда, нигоҳлари эса саъз бир қувончга гарқ!..

Эртаси, қисқа мажлисдан сунг, Саидбек Умар яна келди. Сангор мавждар тагила қолган ешлиги эмас, муздек сувни писанд қилмаган йигитлар шижоати бузганди тинчлигини. Негадир у бу муъжиза елгон булиб чиқишини истарди. Балки куриб тургани чиндан ҳам рӯедир? Аммо ҳақиқат узидан тонишни истамасди. Бари қоришиб кетди дили қатиллаги изтиробларга. Муқуллари тап-таранг йигитлар эса, олим дарди-дунёсидан беҳабар, нари-бериға равон молтишарди. Вақтини аямади, бир ҳафта қатнади, уларни кузатгани сари қаеридалир урнашган яра баттар газакларди.

Чумоли билан Ниначи муздай сувда қотиб қолмаганига ҳайрон, аксинча, улар урнига Саидбек Умар узи тарашага айланиб, зимзиё тубсизлик қаърига чуқиб бораётгандек эди, у бу ҳолатни мунтазам ҳис этарди, аммо уचाкишган каби қайсарчайир йигитлар қошида пайдо булаверарди. Радиокарнай орқали Носир бошқа буйруқ бермагунча улар ҳовузни тарк этишмади...

Шулардан бири — узи!

Шулардан бири Фузайл ёки Моҳина!..

Бу уй — қанчалар адамли, қаеригадир сим-сим санчилар, санчилгани сайин у ужарлик билан қайта-қайта шу ҳақда фикр юритар, гуе танидаги жамийки ҳужайраси аллақачон уша машъум ҳашаротга тобе, ҳатто руҳи ҳам! Алҳол, узики шундай ҳолга мубғало бўлибдими, эрта хотини ё боласи ҳам шунга маҳкум-да! Тугри, дафтарларни яширди, Чумоли билан Ниначини ҳовузга бошқа туширмаслик юзасидан Носир Даминга қатъий курсатма берди, бу ишидан сал хотиржам тортди, лекин кошки шу билан бари барҳам еса! Анов митти ҳашарот тешик-тирқишдан оламга олайиб қараетир, бунингдек разилона машғулотдан уни қим тия олади? Қолаверса, У-5 хонаси турли жадваллардан учирилган, компьютерлар хотирасидан олиб ташланган эса-да, ундан Бо-бош ёки Пулат Қосимий, хусусан Жобир Кирпи исковучлари хабар топмагани ва зимдан кузатишни бошлаб юбормаганига ким кафил?!

Хуфия гумашталар билан у сира чиқишолмасди.

Суллоҳлар йўқни борлек қилиб етказишади.

Бир вақтлар айниқса Жавлон Қиеқли Саидбек Умар изида пойлоқчи қўявериб, хуноб қилганди. Бечора қилдан қийиқ ахтаравериб чарчаб кетди, аммо ниятига етолмади, ахийри, хумордан чиқиш учунми, бир гал жиззакилик билан бетига чанг солди: «Куп гердайма, сен бор-йўғи бир жилгасан!» Ана ҳолос, ахир, у узини узанига сиғмаган наҳри муаззам санамасмиди? Бу пичингни қайси маънода тушунсин? Шунчаки пуписами ёки камситиш? Ярамаё нозир олдида, ҳатто кўпчилик ичида шундай тош отди, орқаворотдан у ҳам, бошқалар ҳам роса масхаралашса керак.

Жавлон Қиеқли сурлигидан роса куйди, лекин аста-секин буни унутди, энди яхшироқ уйлаб курса, унақа даҳмаза, таъна-тазийқнинг милёни ҳам Моҳинанинг бир қиё боқиши, Фузайлнинг бир жилмайиши олдида сариқ чақа экан...

Тугри, Саидбек Умар рўзғор одами эмас, шунинг учун ҳам купинча Моҳинага ҳамлард булолмай қийналади. Аслида у иродасидаги кемтикни Моҳинага муносабати орқали кўпроқ кўрарди. Ана шуни нима билан тўлдирсин?

Истаса меҳрини оғу қилиб ичкизадиган хотин зоти ва рўзгорни унутадиган эркак жони бирмас, қирқта бўлиши керак. Ҳаргиз узини уққа-чуққа ураверишдан задасираб қолган Саидбек Умар баъзан олимликдан косиблик афзаллигини мажбуран эътироф этар ва уша келда оиласига астойдил қайишгиси келарди. Оила ташвишини бўлишиш — аввало хотин раъйига қараш, қолаверса, ҳаллослаб бозорга чопиш, тикувчига буюртма бериш, тилла дуконига танда қўйиш, қозон қурумига ботиш, гийбатдан бушамаслик, туй-ҳашамга эргашиб бориш! Тавонни едириб юборадиган шунақа икир-чикир ҳамиша етиб-ортишини

билгани учун у яхшики оқсоч ёллаган, шундай булса ҳам доим уйида аҳвол эскича: бир галва қисир, иккинчиси бугоз, учинчиси болалаб улгурган.

Моҳинани унинг вақт билан ҳисоблашмаслиги бездирганди, бугун ҳам у соат кечки ун бирни қоралаганда шалвираб кириб келди. Қарангки, айб узидалиги, вақт алламаҳал булгани ёдида йуқ, азизлари пенвоз чиқиб кутволмаганига астойдил оғринди, чарчоғи эса тушунуксиз бир укинчга айланди.

Саидбек Умар аввал кириш йулаги, кейин даҳлиз чирогини ёқди ва яна борлигини ҳалиги укинч қамради. Бахмал жилди диванда Фузайл пишиллаб ухларди, майин қовушган узун-узун киприклари ёноқларига соя солган Моҳина эса пойгакдаги креслолардан бирида омонатгина мудрарди.

Беихтиёр Саидбек Умар хотини яқинда сунги русумда ялтироқ матодан тиктирган қуйлагини кийиб, бир неча хил нафис тилла буюмини тақиб олганини пайқади. Ажабсинди, сунг, ихтиёрсиз тарзда узунасига қуйилган мизга назар ташлади: оҳори тукилмаган шоҳи дастурхон мойли сомса, нозик парракланган яхна гушт, қази-пишлоқ, новвотранг лиқлиқа, шўр бодринг-помидор каби иштаға қўзғар газаклару тип-тирик анвойи мевачевага туп-тула, ҳатто қуйироқда шампан-сув ва шарбат шишалари тартиби билан терилган, фақат бирон-бир нарсага қўл теккизилмаган, она-бола эса шундай ажиб ноз-неъматларни пинд қилмаган каби уйқу айшига чумган.

Пойгакдан сал берироқда, тукин-файзли дастурхонни кафтида ардоқлаб турган миз қуйироғида, Саидбек Умар лол-ҳайрон қотди, бу жозиб дабдаба тагига етолмади. Ширин тушлар кураётган она-болани уйғотгани кузи қиймади анчагача. Ниҳоят, беихтиёр босворди кунжақда турган радио тутмасини. Кимдир, файласуф булса керак, жушиб гапирарди: инсон голиб, табиат мағлуб! Бу ўзим бино қилган хужалиқдан, дея гудранди, лекин эслолмади кимлигини. Керакли тулқинни топди: хона буйлаб хиёл енгил, хиёл шикаста куй жон адо қила кетди.

— Ҳей, отряд, қўзғол! — дея зураки хунчақчақлик билан хитоб қилди Саидбек Умар.

Ҳалиги оҳанглар устиворлиги қолди, лекин бепарво «отряд» қилт этмади: гуё у сунгсиз қир-тош оша оғир, сурункали юришлар қилиб, эндигина ҳордиқ учун қўнган, ором оғушини тарк этишни истамас, зеро, кутиш азобигина одамни шу қадар толиқтириши ва гофилликка гирифтор этишини Саидбек Умар билиб-сезиб турар, аини пайтда буни тан олгиси келмас — уچارлиги туган, яна устига, мановинақа ҳашам нима учун зарур булиб қолдийкин, деган уй қўшилиб, баттар зер-забун қилаётган эли аҳволини. Пишиллаб нафас олаётган Фузайлнинг фавқулодда келишган ва усмирлик таровати барқ урган чехрасига тикилиб ҳавасланди, кейин унинг пенонасидан не бир соғинч билан ўпди. Сим-сим жушди оталик меҳри. Ана бахтиёрлик. Бу ўтлонни унга Моҳина ато қилган. Моҳина — ҳам омадли, ҳам соҳибжамол

аёл, ҳозир айниқса гулдай очилган: зулфи-райҳони қирмизи ёноқларига қараб талпинган, киприклари найза қаби уқталганча хусни-мулки муҳофазасига отланган, камон қаби тортилган қошлари эса ҳаргиз ситам ўтказишга қодир эканликларини аҳилиноқ тарзда ифода қилимишлар.

— Моҳина, жоним! — дея шивирлади Саидбек Умар.

Ноз уйқу таъмидан қувнаган киприклар гамза аралаш ширин-шакар пирриради, тириклик напидасини намоён қилган бу манзарадан Саидбек Умар ажиб жунунга кумилди ва хотини қулоқларида заррин-гулобий нур сочаётган ёқут қузли сирғани курди.

Саидбек Умар аста оҳ чекди ёки нола қилдими? Аммо чарх ура кетди қурғур хаёли. Роппа-роса йигирма беш йил олдида нимага ҳам арзирди ҳар қанақа шон-шавкати ёки гумроҳлиги? Бас, чайналишга ҳожат йуқ, ахир худди мана шу кунда никоҳдан утишмаганмиди?! Оҳ, оҳ, қайсидир ресторан боғида кечган ҳашамдор тўйлари-чи? Миясига занг шунчалар урибдимики, эслолмабди ҳаётидаги қувончли санани?!

Моҳина эса буш келмаган (фаҳмига балли!), оиласи русумига содиқ қолган, яъни, эзгу дафтарга мангу муҳрланган воқеани хотирлаган, кун бўйи Олия билан қозон бошида куймаланган, кейин ёдгорлик сирғани ихлос билан тақиб, ясан-тусан қилган, қисқаси, кичик оиланинг катта байрамини шишонлаш учун баҳоли-қудрат ҳозирланган, аммо у, атоқли олим ва худписанд эр, ула-тирила иш-амалга ёнишиб, ақли-ҳушидан адашган, яна арзимаган алламбало темир махлуқ, алламбало нафаси совуқ куртчалар дардида овораи сарсон!..

- Бир кулиб, бир куйганча Саидбек Умар шундоққина патгиламда, уйқусини қизғанаётган қаби асабийроқ қиёфа олган Моҳина рушарасида чордона курди. Қалам билан чизилгандек лабларда истеҳзо аралаш чордон нозик табассум жилва қилди қай маҳалдир. Кулгисида ҳам недир норозилик! «Тақдир азалий эканлиги ростми?» Хотини бетига термиларкан, бу фикрдан баттар гашланди. Ахир, қизиқ-да, нечун у келиб-келиб шу аёлга уйланган? Хуш, бу шунчаки тасодифми ёки абадий мавжуд қонуният ҳукмими? Балки шу санамдир унинг бир қаноти? Балки у шу туфайли узини бутун санашга ҳақлидир?

Яна хаёли оғди. Тақдир уни сийлаганми ёки қаргаган? Ахийри Қуйруқсой харобаларини тарк этгани ва шаҳарга келиб қолгани омад бўлиб қуриқмалимми ушанда? Маҳобатли гулобий бино меҳрини тукиб, иссиқ қучоғини очгани, бу кунда Али Шаҳобий ихлос қуйиб бошқараётган мактаб талабасига айлангани... Азобланиш илмига дуч келгани-чи?! Одамзод истаса қийноқни таслим қилишга қодирлигини, ҳар қанақа укубатни тан ва руҳни тоблаш воситасига айлангир олишгани эътироф этмай иложи бормиди? Сен йирик олим буласан, биз эса сенга суянамиз, дейишди аллакимлар. Ишонди, ҳа, баданида беқийс имкон борлигига осонгина ишонди, орзулар уммонида қулоч отиб суза кетди, аммо бир кун билсаки, бор-йўғи тан билан руҳ

уртасида саросар экан. Балки бундан уни Ёдгор валий огоҳ этгандир? Ҳарқолда нималаргадир ақли ета бошлади, баъзида иккиланиш кучасига ҳам бурилди, дилида недир шикасталик ин қўйган бир дамда мана шу ҳурилиқони йулиқтирди. Яна қайда денг: истироҳат боғида! Дам олиш кунни эди, адашмаса. Яққа ўзи этак томондан оқиб утадиган анҳор буйида ҳаёл суриб юрарди нари-берига. Қунғироқдай товуш сузувчилар клубини суриштириб қолса! Илкис утирилди, шундоқ қаради-ю, тамом, чок кетди савил жигарига! Чунтагида ҳемири йўклиги, боши говлагани, шунда гулобий бинони суяб турган амалдорлардан бири қўллаворгани, сен етимсан, болам, сендақалар пешонасини силаш бурчимиз, деб юрагини сув қилгани... Кейин эзгу ҳавас билан тулгин висол онлари насиб этгани... Ва кўз очиб-юмгунча тез кечган уч-турт йил ҳар иккаласи куксида пайдо қилган армон!

— Моҳина, уйғона қол, — ҳазил-чин қилиб товушини кўтарди Саидбек Умар. — Шунчаси етар-да! Ишон, очликдан тутаёз-дим, ҳозир пойингда жон таслим қиламан!..

Дафъатан янграган утинч ниҳоят парчалади жодутар киприклар занжирини, энди улар ўз паноҳларидаги маъсум ва чарс қароқлар сир-асрорини фош айламакка қасдланмишлар. Чиндан-да, бирдан ҳурлик ихтиёр қилган қароқлар недир қаҳрни олов қилиб сочдилар, олов урамига тушган гуноҳкор жон гўе жизганак — беҳол уртанмакда...

— Бир қошиқ қонимдан кечгин энди, азизим, — деди ниҳоят Саидбек Умар жилмайишга тиришиб. — Мундай эслатиб қуймабсан, ипсиз боғланганимни биласан-ку!

— Э, қуйинг, иш сиздан туйган, аммо сиз ишдан туймайсиз!..

Тугри, шароит тақозоси билан Моҳина озми-кўпми узига бино қўйган, аммо ортиқча аччиқ-тизиқ ёзгиришдан ҳамиша иложи борича узини тийган, ҳозир эса андишани йиғиштириб, шитоб ташлана қолди ҳужумга. Гўе неча йил давомида тупланган зардобини бира-тула тукишга қасд қилган. Майли, сайраб қолсин, енгил тортади, деган уйда Саидбек Умар сукут сақлади, бироқ Моҳина бошқа оғиз очмади, сиргани юлқилаб, гиламга улоқтирди-да, кузлари гилт-гилт ёш, гусирлатганча ётоқ томонга утиб кетди...

## ТУРТИНЧИ БОБ

### 1

Тубсиз унқон қаърига қулагандек ноунгай ҳолга тушган Саидбек Умар даҳлиздан балиқ каби билтанглаб отила чиққан Моҳина ортидан беҳол-бемаъно тикилиб қолди...

Қачондир завжасидан жабр кўрган кунгилчан бир киши: «Хотин қаҳри — қилич!» — деган экан, шу гапни эслаб, Саидбек Умар мийғида қўлди, сўнг, тимискиланиб, миз остига

шафқатсизларча улоқтирилган, вақтида эса ошифта дилларини иситган муҳаббатлари рамзи бўлиб порлаган сиргани излаб топди. Сирга — қимматбаҳо, шунингдек, ҳар нақши-нигорига моҳирона сайқал берилган, у энг эъзозли кунларига гувоҳ ўтганидан ташқари, ажабмаски, йиллар оша вужудларида томир отган армон захри-зарбини ҳам ҳис этиб турган бўлса!..

Сиргани Саидбек Умар авайлаб галадонга солди. Ичини гуё уткир тирноқлари билан мушук таталарди. Мултироқ, маънос кузлари билан миз устини безаган ва иштаҳасини қитиқлаётган сархил таомларга суқланиб тикилди, лекин улардан танаввул қилишга журъати етмасмиди эки ҳафсаласи йуқмиди... нималигини ўзи ҳам тушунмайди.

Етоққа утиб, Моҳина кунглини овлашга уринди, ҳатто эшилгудек бўлиб яна узр суради, аммо у қайрилиб ҳам қарамади бетига, баттар тошиб кетган Саидбек Умар жимгина ташқарига юрди.

Ўҳота девори бўйлаб хушқомат арча-сарв оралатиб экилган, шунингдек, нақд ўрмонга айланаёзган мевали дарахтлар латофати ҳам узгача, қуш ошёнали ва айвон-болохонали гиштин уй олиндидаги фаввора майингина куй чалаётгандай эрта-кеч тинимсиз шовуллаб туради.

Фаввора ой ёруғида сокин жило берар ва кишини ром этарди, тулиқиб турган Саидбек Умар хиёл зангори, хиёл сиёҳи ялтираётган сонсиз томчиларга бетини тугди.

Эсида, беш-олти яшарлигида Фузайл, қип-яланғоч бўлиб олганча, гирди ярим газ кутарилган айлана ҳовузчада ҳузур қилиб чумилар, жажжи кафтлари билан илиқ сувни шалоп-шалоп урар, юмалоқ бошини уён-буёнга ташлаб, шух-шодон кулар эди. Қуёш нури дуркун гавдасига санчилиб жимирлар, гуё тепасидан эзгүлик ва омаднинг зар-кумуш тангалари тўхтовсиз сочиларди.

Оталигу оналик саодатидан масрур эр-хотин ҳаёлан беғубор ва неқбин дақиқалар гапгини сураётган ўғилларининг эртанги ён-ёруғ кунига сабрсизлик билан қанот қоқишарди...

Мана энди Фузайлнинг бўйи чузилиб қолди.

Энди Фузайл дилида улкан умид ва қувонч бўлиб томир отди.

Бул маъбудсиз у ҳаётини тасаввур қилолмасди.

Ногоҳ у угли гоҳ яшириб, гоҳ бўйнида осиб юрадиган бури-тиш шодасини эслади...

Недир сезимлар билан сезади: у қадимдан бир нишона!

Аммо, таажжубки, у меҳрибони қулига қасқдан тушиб қолди?

Мана шу саволга ҳалигача жавоб тополмади.

Тахминича, Ёдгор валий бир келганида совға қилган.

Эҳтимол, ҳовлисининг бирон бурчагига Фаришта ташлаб кетган...

Ҳа, Фаришта нақадар куюнчак, ҳамиша бирон-бир нарса ташвишини чеккани чеккан. Ахир, ўз кузи билан курди Чумоли билан Ниначи тепасида юм-юм йиғлаганини!



Дунё шунақа қурилган: тириклар ёнида уликлар ҳам ҳамиша нотинч — бедор, яъни, ер усти хотиржам эмасми, сезгир ва диёнатли марҳумлар чидомай қабрларида тикка турарлар!

Бу ҳақда Саидбек Умар куп бош қотирган, ҳозир ҳам жимжит ҳовли йулаги буйлаб кезина-кезина узоқ уйлади, ҳаргиз руҳи-шуури қатларида кечмиши ва бугуни муттасил туқнашиб туришини англади, тонг отиб, Далаш унглаган машина кабинасига узини олганда ҳам турфа мулоҳазалар исканжасида эди...

— Яхши ухлаб турдингизми, ака? — дея Дадаш одатдаги саволини берди. — Янғажоним пиширган мазали овқатлардан туйиб-туйиб егандирсиз?

— Одамга ҳовли-ҳарам нима учун керак? — деди Саидбек Умар хотиржам булишга тиришиб. — Ухлаш, қорин туйдириш, роҳат учун-да!

— Лекин Гүрзини қайтарибсиз, шунисига қойил қолмадим, — деди дабдурустдан Дадаш. — Анаву хода ютганни... Нимайди, Қаймоқлими? Ҳеч тилим келишмайди.

— Кифоя!..

— Тириклай ютвормас, ака.

— Керак булса, ютади. Ҳали совунига кир ювиб курмагансан.

— Кирпи дегани... қайси туқайдан қочган?

Энсаси қотди, кузларини чирт юмиб, оғир ястанди.

Очиқ ойнадан бетига салқин шабада урилди, субҳидам тантана қиларди, осмону фалакка туташ ноёнсиз уфқ пешонасига лаб босган оқ юзли малак шафақ сочларини мудроқ шаҳар узра майин-майин тарарди. Пардали деразалар ва улугвор деворлар уйғониш палласига хос нашъадан ҳамишагидек бебаҳра туюлади. Баланд иморатлар билан буйлашмоқчи булган-у, лекин эп-долмаган дарахтлар силсиласи гуё субҳи содиқ эркалашини эмас, аллақайдан ёғилиши эҳтимоли бор жала-дул бухронини кутади. Уна нарса нималигини жилла қурса чамалаб куролади-ган тирик жон борми шаҳарда?

Саидбек Умар оғир хурсиниб қўйди...

У нимагадир илҳақ эди.

Кутганидек, оқ юзли малак шафақ сочлари учини симобий буюқларга ботирган чоғда басма-басига кукка урлаган қушалоқ иморат биқинида сирли хилқат лов этиб кунди.

Диққат қилса, у Ҳазора момога ҳам, онаси Болбибига ҳам ухшаркан! Йуқ, деди у ичида, аллатовур маъёс тортиб, бу шундай бир оламки, борлигига қаро тупроқ остида ётган барча мазлумалар хоки-туробидан чимдим-чимдим қўшилган, у ер юзасида овораи сарсон юрган тирик жонларга ушалар арзидодини етказиш пайида!

Тан олсин, Фаришта купроқ Ҳазора момога ухшарди.

Нитоҳидаги ҳайрат ва зукколик уша кампирники эди.

Мана шу жиҳати билан чиндан ҳам жамийки марҳума оналарнинг холис ва куюнчак элчиси эди.

Фақат у бу навбат узини бир маромда секин слаётган маши-

на сари отмади, қуш иморат оралигидаги бушлиқда қанотларини силкий-силкий гириллаб айланди, сунг, юксала-юксала тобора тиниқлашаётган осмон қаърига сингиди...

Ҳа, бу уша мушфиқ жон — етимлигини билдирмаган, манглайидаги шуришни баҳоли-қудрат аритган, туғишганидай азизардоқли билиб, тошган-туганини озига солган ва эғнига яратган эшли-сепли Ҳазора момо! Даредил аёл эди раҳматли!

Гоҳ эрта, гоҳ кеч, минг марталаб, яланг оёғидан заҳри қаттол зирагчани, нина ёки сарсузан билан, авайлабгина, қовлай-қовлай чиқариб олган ҳам ана шу беозор ва камсуқум аёл эди. Думбира булиб шишган тавонларидаги ериқларга, қаҳратон совуғида газаклаган баданидаги яра-чақага тикила-тикила бечора қанчалар укинарди, ҳай, дариг, ота-онанг тирик булганда сендай гавҳарини шундай хору зор қилиб қўярмиди, дея юм-юм йиғларди. Келавур бизникига, ҳамбуйинсанг Бузтой билан уйнайсан, гужа пишириб бераман! Шунақа хуштаъм эдики гужаси, Бузтой билан талаша-тортиша шунақа хуриллатиб ичардики!

Қорни очиб бир келса, Ёдгор валий айвондаги буйрада хомуш тиззалаган — алами ичида, Ҳазора момо қадди дол, йиғлайвериб қовоқлари гулдек шишган, эвоҳки, урталарида Бузтой бежон! Шурлик жүраси буйнидан қилич еган: ер, кўрпатушак қон, уст-боши қон! Ҳар замонда кампир зор қақшайди: «Уйинг устун тилладанмиди, Бузтой? Баланг тахтинг бормиди, Бузтой? Отанг оқсуякмиди, Бузтой? Онанг ойбибичмиди, Бузтой? Қонингни дарё қилмишлар, Бузтой! Қонингга туйдиларми, Бузтой?» Нимадир қаттол нарса, тавонидан тепасигача минг тили илон-олов булиб урмалаган ва узини тиккасига жүраси устига ташлаганди ушанда! Ҳали совиб улгурмаган жасад узра букирган, мениям ола кет, Бузтой, дея аччиқ кузешини сел қилган.

Шу кунни у суви бўлса ариғи, ариғи бўлса суви йўқ дунёдан тамом безди, бинобарин, Ёдгор валий билан Ҳазора момо кўрган жабр қароқлари тубига беадад мунг булиб чуқди. Кимсасиз кўчаларда жувонмарг жүраси номини тақрор қила-қила тентиради. Меҳрибон волидаси билан оқкўнгиладарини ҳам Бузтойдек шамшир дамига тортишмадими? Тортишди, сенлар билан бир қозонда қирқ йил қайнасақ-да, қонимиз қонимизга қушилмас, деган айбни юклаб гарданларига. Бу айб нималигини у мурғак тасаввурига сиғдирилмасди, лекин кейинча тушунтиришди: «Унут! Бизгаки ёвми, сенга ҳам ёвдир!» Йўқ, унутишни истамасди, лекин кейинча шунга мажбур булганини узи ҳам сезмади: пешонаси гурра Болалиғи тугдек тукилган Қуйруқсойдан адашган қўйи поёни-йўли йўқ нотаниш урмон буйлаб саросар югура кетди, бундаги ҳар бута оёғига илашарди, кўкрагига санчиларди, ахийри у чарчади, бошқа қирғоққа чор-ночор сакраб утаркан, бир нидо бердики, у харабога айланган қишлоғи, бурда-бурда қилинган танаси қудуққа ташланган ота-онаси, қиёматли дўсти ёдига айтилган мангу видо каби янгради...

Хаёл дарёсидан Саидбек Умарни илқис Дадаш тортиб олди.  
— Ака!..

Шундагина у гумгурс дарвозани кўрди, шубҳаланиш ва тафтиш қилиш жон-дили булган қуриқчилар талабини сўзсиз бажариш, ҳатто улар билан муомалани жойига қўйишга мажбурлигини уйлаб, энсаси қотди. Эски, узук-юлуқ хотиралар таъсирида эмасми, бу гал қовоғини очмади, саломлашишни ҳам истамади, машина бир силтаниб жилиши билан уриндиққа бошқатдан ястанди.

Субҳидам малаги саховатидан яна ҳам рағбатланган каби эпчил тулпор манзил сари ошиқади, гўё Саидбек Умарни кундалик ташвишлар уммониға эмас, олис кечмиш харобалари ичра ҳануз ночорона мултираб ултирган Болалиғи ҳузурига стаклаб боради. Бу ҳолдан Саидбек Умар бир шод, бир ношод! Аммо нима булганда ҳам таскин ва нажот ҳисси билан омухта гурурга кумилади. Ана қадрдон бекатлари: бир буйра буйи-энидан ортмайдиган ҳовли, баҳорда уч-турт дона қизғалдоқ ҳалә эталдиган тулроқ-том, тезак ҳилиға тула сайисхона (сап-сарик қулунини исқаб-ялаб эркалаётган ва чултоқ думи билан ёпишқоқ итпащпаларни зур бериб ҳайлаётган ориққина бия), арава гилдираклари қат-қат из солган тошлоқ куча, ён-ғирди қичитқон бузлоқ («Буйингдан, Бузтой, бузлоққа боргил!»), ҳосили сапчилиғидаёқ тала-тала булиб кеталдиган полиз, тим қоронғи камар ва, ниҳоят, қишлоқ ғарбидағи қияликла тушган шинамгина уй... Бу уй айвонида у неча бор тунаган, Бузтой-пинжига тикилиб, бошини кўрнадан паллапондай чиқазиб, гоҳ Ёдгор валий, гоҳ Ҳазора момо эртақларини тинглаган.

Тугриси, момо бийронроқ эди, момо ботирлар ва девлар, шоҳлар ва жодугарлар таърифини келиштирганда ипақлай эшилиб кетарди. Шунда у дунёнинг одамзод қадами етмаган энг чекка ва хилват жойларига бориб қолгандек энтикарди. Гоҳо у астойдил берилиб кетганидан қадим қавмлари изидан тушгани ва бутун вужуди билан ушалар турмуш тарзига кириб кетганини сезмай қоларди. Эртақ тинглаётирми ёки ҳақиқат? — баъзан ажрим қилолмасди, айниқса куз унгида Кук Бури салтанати намоён булганда кузлари чақмоқдек чақнарди. Ҳазора момо четиб-чертиб айтаётган ҳар сузга у ишонарди, отабоболари Кук Бури наслдан тураганиға ҳам ишонарди. Шундай оққунгил аёл лисонида уйдирмаси булиши сираям мумкин эмасди.

Чол билан камшир чиндан ҳам чўпчак-афсона хазинаси эди, нафсиламбри, улар тақдирининг узи ҳам одамни асир айлагувчи мўъжизалар билан лиммо-лим эди. Хон-бек замонида ҳали ёшгина булган эр-хотин Аму ортидан келиб, Қуйруқсойда муқим урнашиб қолган экан. Тирикчилик важиданми ёки чиндан ҳам қобилияти булганми, Ёдгор валий табиблик ва дуохонлик қила бошлайди. Баъзан у, бобирийман, деганини эшитишган, лекин бир марта у Хуросондағи чангалзорда улим нималигини билмайдиган бир қавм борлигини, узи ва аёли фаришта табиат-

ли кукбурилар авлодидан булган уша қавмга мансублигини айтган эдики, Саидбек Умар ҳали-ҳали кечагидек эслайди.

Сокин бир оқшом чоғи Ёдгор валий, пишқириб оқаетган Амудан кечиб-сузиб ўтгунларига қадар, тоғ-тош туқайларда, ёввойифеъл ва жоҳил кимсалар орасида хор-зорликда кун кечиринганини куйманиб суйлади. Аросат бандаларига нафратини ёғдирди, оғир тин оларкан, Бузтой енида жовдираб утирган Саидбекка аллатовур истеҳзоли тикилиб қолди. Узоқ сукут сақлагандан кейин дона-дона қилиб деди: «Епирай, ўғлим, фаҳмимча, пешонанга кўп аломат ёзуқлар битилган. Бевафо чарх сени эрта аросатга гирифтор этиб, уқубат кучаларида зору нолон қақшатмаса!» Шурлик Саидбек, ҳали гўр-гўл бола, ҳар чигилида минг жумбоқ жо булган бу гапни эшитиб, ёғоч сувратига кирди, қалин парда ортидан эшитилгандек туюлган сирлишикаста овоз қулоғига бир умрлик урнашди, орадан бир неча йил утиб, куксида томир отган зил армон билан ота қошига юкуниб борганда ҳам у уша ажиб кароматни эслади, бирдан юраги ўйноқлаб, пешонасини реза-реза тер қошлади.

Шу кунда адашмаса Ёдгор валий юз билан юзлашди.

Қайси йили ёзда, афсуски, Ҳазора момо бандаликни бажо келтириб, ёруғ дунени тарк этди...

Турли баҳоналар билан Саидбек Умар жанозага боролмади.

Кейинроқ, буйнимда қарз қолмасин, ҳечдан кура кеч, деган уйда, ёлғизлик дардини чекаётган Ёдгор валий кўнглини сураш учун Қуруқсойга қадам ранжида қилди.

Вайроналар узра қад ростлаган чуққи биқинидаги камар бўсағасида, этаги бутазорга уланган тош-тупроқ сунада чордона қуриб, юзига фотиҳа тортгач: «Ота, онамиз қайда ётиптилар, ижозатингиз билан бир зиёрат қилай?!» — деди упкаси тулиб, шунда Ёдгор валий бафуржа соқолини тутамлаб: «Ўғлим, фаришталар қабри ердас, кукда!» — деган каби юқорига ишора қилди...

Кейинроқ, сал ақлини танигач, Саидбек Умар авлиё ота кароматини узича таъбир-талқин қилди.

Яъники, қадим замонда Оллоҳ таоло одам танини лойдан бино қилиб, унга руҳ-жон киритган, вақти-соати билан вужуддаги уша унсури олий мангу ватанига қайтажак!

Демакки, барча марҳум-марҳумалар қатори, Ҳазора момо жисми тупроқда, лекин кўнгил шуъласи Аршъозидда, бинобарин, иззату ёзозга лойиқ чароғон уйи-паноҳи — фалақда, аммо нимадандир безовта эмасми, ҳаргиз серғалва дунёга тушиб келар, бир муддат Саидбек Умар оламида яшаб, уни бедорликка чорлаб, яна ошенига парвоз айлар!..

Пештоқ рупарасида, улкан ҳайкал қад ростлаган айлана майдон енида тухтаган машинадан шошилмай тушиб; учинчи қаватга кўтарилгунга қадар Саидбек Умар мана шулар барини қайта дилидан кечирди...

Одамзод оламининг поёнсизлигидан у ҳайратда эди.

Ва, ақлини ишлатсаки, не бир галати даъволарга киришган

гулобий бино ва унга суянч-пойдевор булган куч-имкон уша ғаройиб олам қошида нақадар майда, нақадар ожиз... Чамаси, бу синоатни Бо-бош билан Пулат Қосимий ҳаммадан кура чуқурроқ билади, шунинг учун ҳам, асл аҳволни бекитиш мақсадида, холисона ва беозор яшашга интиладиган руҳ иқлимида зимдан қароқчилик қилишни эп қуришади.

Адашмаса, ҳовли-боғнинг қайсидир улчамида кеча-кундуз тухтовсиз ишлаб турган ва роботлар бошқарадиган корхоналар, ғарбий ва шарқий йуналишда бир-бирига ухшатиб қурилган юксак қуббали қургонлар, алоҳида муҳандислик ва меъморлик ҳунари билан яратилган қирқинчи қават манзараси ақл бовар қилмайдиган, беадад сир-синоат билан ийланган мустаҳкам занжир ҳалқаларига ухшарди...

Уша занжир тоабод собит туриши учун узи ва шогирдлари ҳар жиҳатдан зур беришаётганини уйлаганда у доим қайноқ терга тушади...

Наҳотки, оқим буйлаб жимгина сузаверади?

Сузаверса, демакки, эрта бирон уринда зур келса, тагин Бо-бош билан Пулат Қосимийга ен босади. Ҳа, иложи қанча, ен босади, ҳуш, кейин-чи, кейин тож киярмиди?!

Авалло Чархпалак, иккиламчи СН замбуруғи қисфасида темир панжаралар оша шаҳарга на ундан-да йироқларга совуқ назарини тикаётган хатар Бо-бош билан Пулат Қосимийга лаззат ва обру-иззат манбаи саналса истонг?!

Улдирки, улар тамшанаверади ана шу ҳузурни қумсаб!

Қай бир лаҳзада (хосиятлими, хосиятсиз? — билмас) буни англаб улгургани боис Саидбек Умар ичида барқ уриб очилиб турган эзгу умид ва ишонч гули бирдан сулинқиради, недир чанг-ғуборга қоришиқ вақт имиллаб утгани сари у курки-тароватини йуқотиб боради.

Билмаган экан, булар билан бир қозонда қайнамак — кургилик!

Аммо энди ора масофани сақламоғи керак, шахсан узига офати-азим булиб куринаётган ва эрта шаксиз одамзод кунгили кузи урнида зулмат уққонини пайдо қиладиган ва аллақачон узига хос кашфиёт эканини намоён айлаган СН замбуруғини сир тутишга уринаётгани бу боралаги дастлабки қадами булади.

Эътироф этарки, шундоқ ҳам бугзигача лойқага ғарқ!

Зора энди буни охиритгача англаса, энди зора шуҳрат нарвони ваъда қиладиган яна бир маррани кучишдан тийила олса ва шу билан шу кунгача олғирлар ва билимдонлар қурбони булиб келган одамзот олдидаги бири-биридан баттар айбларини ювса!..

## 2

Ким ҳам тан олмайди чархи гардун армонли эканини ва ками билан яралганини?!

Азалу абаднинг бу қаримас ҳикмати Саидбек Умар гарданига илғари ҳеч кимга буюрмаган, узида қадим дунёнинг жамийки

аччиқ-чучуғи ва борди-келдисини жам қилган бедаво юкини ортгандай туюлади.

Шунча юк тағида қандай чидаб келаётганига ҳайрон, ҳозир у оғир малол туйиб, негадир узини умри чўлда кечган, фақат элғизлик ва алам-армон билан овунган соябонсиз чупонга менгзади, лекин у мискин турмушида недир маъно кўрган уша шуриешонача ҳам эмаски, бирон кун — сабр косаси тулганда билганию кўрган-эшитганини ё қудуққа, ё жилга-дарё, ё майса-бутага айтиб, дилини бунатса!

Куп галат экан бу дунё, бандаси қанча замонлардан бери уринса ҳам сир-синоати тағига етолмайди, бинобарин, бир кароматики, ер юзида кимни кимгадир тобе қилиб яратган, лекин у бу билан қошиқмай ҳатто баъзи бировларни узини ўзига тутқун ё муте қилиб қўйган бўлса не ажаб?!

Ногоҳ ҳаёлида Ёлгор валий гавдаланди, бу дунё шунақа экашани қачондир унга шу одам айтган, бандаси ёруғ оламга имтиҳон учун келишини, агар Тангри раво кўрган қийинчиликлардан бўйин товлаб, бирон уринда беқарорлик қилса, яъни тегишли-мақбул баҳосини ололмаса дузахда ёнажагини қулогига қўйган, минг тавбаки, агар энди у ҳалиги йуриқ билан гуноҳларидан қутулса, шу поклангани — Қодир Зот раҳматига эришгани булурми ёки бу қарлик килурми? Шу ҳолдаким, у йулида учрайдиган бошқа тусиқларни ҳам чил-парчин қилиб ташлашга ҳозирдек, токи керакли баҳосини олсин ва дузах азобини тортмасин. Ҳатто бунга эришмак учун, Фаришта даъват қилганидек, у алламбало қурум босган, ҳалигача мубҳам қолган мулки — ичига сафар қилишга ҳам ҳозир, фақат аравани турли томонга тортаётган жамоа билан бунақа мавзуда дардлашиб булмайди. Ушбу муҳташам қароргоҳда у ҳамиша узини ноунгай сезади, кенг ва ёруғ булмага кирганда товуқ катагига киргандай юраги қисилади. Девордаги анаву матоҳ мунча совуқ ялтирамаса! Мана булар турқига ҳам тоқат қилолмай қолди. Аммо Иноғом улар орасида нима қилиб утирибди?

Ёсида, қай куни Жавлон Қиеқли урнида Жобир Кирпини кўрганда шунақа ажабланган, қизигики, ҳозир шогирди кутилмаганда баландга сакраган уша қоплонфеъл зотдан ҳам бир поғона юқорига кўтарилган, ҳамишагидек қовоғи солиқ Бо-бош пинжида узини эмин-эркин тутар эди.

Чамаси у вакил отага Чархпалакни урнатиш борасида руй бераётган машаққатларни бафуржа шарҳлар, юз-қузидаги ифодалардан неларнидир авра-астар қилиб, неларнидир андавалаётгани шундоққина сезилиб турарди.

Аттанг, Иноғом Насимий қаёқдан билсин, Бо-бош ажаб бир жонки, телба-тескари дунёга шундоқ ҳам узига узи масҳара одамзод устидан қаҳ-қаҳа отиб кулиш учун келгандек... Ярамас, шерман, дейди, ҳаволаниб кўкрагига уради, аммо астойдил разм солган киши унинг сиёғи иблисники эканини пайқайди.

Ёлғони йуқ, Бо-бош урғочи иблис қавмидан, буни номи йуқ буй таратишидан ҳам билса булади, бинобарин, ана шуниси

доим бадгумонлик ва гараздан ҳомила кутариб юришига ишора-дир, шуниси ростми, демак, у одам гўштига бошқоронги экани ҳам елғон эмас. Агар майли-нафси хуружини мавриди билан бостириб турмаса, энг қимматли бисоти саналган савлати-салобатини йўқотиши тайиндир.

Эсида, бир вақтлар тепаси эрта тукилган мана шу йигит этини ҳам қулбола сихга тортмоқчи эди, энди эса паноҳига олиб, терчиллаган рапида кафти билан пешонасини силаб турибди.

Қайсидир йили, бир йигинда, йуқ, ёрдамчиси Нодим туғилган кунда, ҳе йуқ-бе йуқ, Иноғом шартга туриб: «Дустлар, иғво — қонсираган болта!» — дея удағайлаб, чуллаган каби, устма-уст қадаҳ кутарди.

Кайф аралаш шунчаки айтилган калом гулобий бино қаватлари буйлаб қирқоёқ каби урмалай кетди, ахийри думалай-сумалай Пулат Қосимий эшигидан кирганда шакли-шамойили йуқ бедаво махлуққа айланган эди.

Ошигич чақирилган хуфя машваратда Иноғом эҳтиёткорликни энг зур дастак деб биладиган Бо-бош томонидан руй-рост уччига чиққан фитначи деб эълон қилинди. Остонаси сут билан чайилгандек покиза даргоҳда бунақа феъли бад, фикри носоз банд уралашиб юргани таққирдан бошқа нарса эмаслиги уқтирилди ва манглайига гарбий қўрғондаги эътиборли ҳужра-лардан бирида тоабад азиз меҳмон бўлиш мақоми зарбланди.

Ҳеч ким тортишмади, қарши овоз ҳам бермади. Қарорга имзо чекиш учун Пулат Қосимий ручкага узалган чоғда Саидбек Умар ийманиброқ қул кутарди. Аввало у марказнинг атанган олимлари маъмуриятга қайишган ҳолда астойдил от суришаётгани, умидли ходимлардан саналган Иноғом қобилиятини чинақамига намойиш этиб, ҳаммадан узиб кетганини сўйлади, сунгра, шу шоғирди томонидан лойиҳаси яратилган темиртан кўп фазилатлари билан бошқаларникидан фарқ қилиши, муҳими, бир вақтнинг узида бир нечта нозик усулни қўллай олиши, яъни, онг ва руҳда тобелик уруғини қаданга бениҳоя мослашганини лунда қилиб айтди.

Шоғирдига раҳми келгани боисми, бора-бора шундай жушиб гапирдики, ахийри, қачонлардир танланган маслакларига мислсиз равнак ва кушойиш ато қиладиган жаҳоншумул ислоҳнинг ёрқин қиёфаси зимзиё кечада ногоҳ чақнаган яшин каби жило берди...

Ана шу баҳонада уша лаҳза жони омон қолган уша йигит мана энди уз ҳақ-ҳуқуқини билиб, Бо-бош кузларига жойлашиб олгудек алфозда, бемалол арзи-ҳол қиларди. Нима, иши юришмай қолдимикан? Балки бугун Чархпалак муҳокамаси булар? Кейинги таҳмини тўғрироқ, фақат узини сал аввалроқ огоҳлантириб қуйишмагани таажжубли. Аммо истаганча ахборот талаб қилишлари аниқ, шу уйда шоша-пиша папқасини титкилади, бахтига қарши, Чархпалакка тегишли қоғозлари хосхонасида қолган экан. Начора, мабодо тиқилинч қилишса, Нодимга сим

қоқади, у эңчил йигит, юзини ерга қаратмай, барини топа-сола чиқариб беради.

Хона жимлиги таранг тортилди.

Ажабиниб утирган Саидбек Умар сирли имо-ишораларни пайқади.

Яна зилдек бир лаҳза кечди, ногоҳ, мажлис аҳлини ҳайратга солиб, Жобир Кирпи ирғиб турди, ён-верига аланглаб олғач, беихтиёр миз устига энгашди, ажабки, қулида докасимон юпқа мато пайдо булиб қолди.

Нечукким энди Саидбек Умар кўз унги живирлашиб кетди.

Миз устидан қанақадир махлуқ бош чаноғи тиржайиб боқётган эди, у сарғиш-қорамтир тусда, ҳар ери чириб-увоқланган, аммо йирик-йирик бақувват тишлари жой-жойида эди...

— Танидингизми, азизлар, бўриники?! — ниҳоят аллабир қониқиш билан сўз қотди Жобир Кирпи. — Қаердан топилганини биласизми? Каминага насиб қилган хосхонадан! Кардон қутида экан, мулойимхунук акамиз бу нарсани нима учун газигига дори қилгани ҳалигача менга қоронғи!..

Ҳамма бараварига оғир-оғир оҳ тортди.

Энди Саидбек Умар ичи нақд музлади...

— Темир сандиқ тагидан бир даста қоғоз ҳам топилди, — вужуди хамирдек купчиётган бошлиққа дадил нигоҳ олди Жобир Кирпи. — Билишимча, булар бари хуфя бир иттифоққа тегишли экан. «Кўк Бўри» деганми-ей! Хуллас, алламбало!

Ростики, осмон узилиб тушишти, дейишса, ишонса булар, аммо эҳтиёткорлик зирҳи билан уралган ушбу даргоҳ пойдеворини қандайдир яширин тузилма сездирмайгина кемириб етгани ақлга сиғмасди.

Мана шу даҳшатли ҳол Пулат Қосимий тепа сочини типтикка қилворди, у, оғзини купиртирганча, ҳаммани бир бошидан итобаг олди, туз еган тузлугига тупурган Жавлон Қиеқли гурига гишт қалали, ниҳоят сал юмшоқлик билан Бо-бошни ҳам таънага кумди. Кафтларини тепасига қўйволган Бо-бош бошқонни жимгина тинглади, сўнгра, ҳовлиқиш оёқ остидаги фалокат ҳомийларини аниқлаб бермаслигини, етти улчаб бир кесган ҳолда чора қўлаш жоизлигини босиқлик билан тушунтирди. Бо-бош барча масъулиятни Жобир Кирпи зиммасига юклади, кечки соат еттигача у тегишли рсжа билан бошлиқ ҳузурда бўлишга мажбур эканини ўқтирди.

Нохуш таассуротга кумилган йигин аҳли гудрана-гудрана ниҳоят тарқади. Ташқарида купчилик эътиборга лойиқ хушёрлик кўргизган Жобир Кирпини ураб олди, у яна анча нарсани қўшиб-чатиб сўйлади. Лекин Саидбек Умар, тунгунуксиз кайфиятга чулганган эмасми, қайтиб уни эшитишни истамади. Нукул ҳалиги атама хаёлини йироқларга олиб қочарди. Беихтиёр кўз унгида Ҳазора момо гавдаланди, ҳатто жилмайиб қўйди, қулоқлари тагида юпун ва ҳимоясиз Болалиги ҳуш кўрдиган гаройиб эртақ бир маромда жаранглаётгандек туюлди.

Ана, юрагига нақшланиб қолган вассажуфтли айвон тагида,



буйрага тушогли ола-була чит курпачада қунишганча, Ҳазора момо гоҳ Бузтой пешонасини, гоҳ уникини силайди. Қора бахмал нимча кийволган кампир, оғзи гапла, хаёли узоқларда, хаёлига эрганганча, сахро оша, тоғу боғ оша, туқай-тиканзор оша сулим-салқин денгиз соҳилига етади, узи билан бирга уша ажиб гунада вужудлари қулоққа айланган икки уғлонни ҳам сайр қилдиради. Сунг, Ҳазора момо бирдан жим қолади, анча-гача оғиз очгани журъат қилмайди, эҳтимолки, узича Кук Бури тож-тахти бошига тушган кулфат магзини чақади.

Қанчалир вақт утгандан кейин Ҳазора момо яна эртақ оламига шунғийди, энди вужудини завқ ва сурур эмас, сунгсиз бир азоб чулғайди, калта киприкларидан узилиб, серажин ёпоқлари буйлаб настга думалаган ҳалқа-ҳалқа ёш бундан дарак беради. Ана, камоннинг қаттол ўқи дов умровга санчилади! Билаги чунг баҳодир почор қолган шохни опичлаганча хатарсиз жойга еткизади, қон сирқиётган ярасига малҳам босади. Кейин... баҳодир Кук Бурини қафасга солади, ҳа, қафасга! Нега? Нима учун шундай қилади?

Жавоб бергани Ҳазора момо ожиз, у фақат борини, билганини суйлайди, Саидбек эса жүраси Бузтой билан фақат тинглайди, бошқасига улар ҳам ярамайди. Юракларида талваза, тиллари кесилган! Мумин-қобил Бузтой кетди чин дунёсига, у — Саидбек Умар эса ҳануз ёлгонлар ичида тенгирамоқда, аммо ажабки, Жобир Кирпи деган маҳмадона, тирноқ остидан кир қидириб, топган матоҳини пеш қилмагунча, Ҳазора момолан мерос қолган рост сўзни бирон марта тузуклироқ эсламабди. Отасининг Кук Бури номи билан боғланган тақдирини ҳам!

Кейин, гулобий бино қошида мақсал-муздаоси ҳали помаълум булган аллабир иттифоқ мавжудлиги ҳақми, ҳақ булса, ажабо, ҳалиги номни унга қайси мард тапладийкин?!

Уша кун соат еттида Жобир Кирпи тунини тамом тескари кийволган Пулат Қосимий ҳузурига «Кук Бури» иттифоқининг авра-астарини ағдариб ташлагувчи режасини кутариб кирдимийўқми — қоронғи, шуниси аёнки, уша кундан гулобий бино ранг-рўйи ҳам, шакл-шамойили ҳам ғалати тарзда узгарди.

Шундоқ ҳам карвон аввалида юрадиган тезкор назорат гуруҳи баҳайбат чаңғалини яна кенгроқ ёзди, Жобир Кирпи эса ҳалиги топилдиғини рупарасига қўйволиб, қулоғида телефон гунаги, пишқирганча, эпчил гумашталарига салмоқли тоншириклар берар, эрта-индин уша ярамас тузилма пайи қирқилажани башорат қиларди.

Қулинча Бо-бош билан Пулат Қосимий нуфузига нуфуз қўшилган Жобир Кирпини якка қабул қилишарди, аммо бугун соат унда қақирилган йиғинда маҳсус рўйхатга кирган амалдорлар тўласинча жамланди. Безори туда инита ут қуйиш учун қасдланган Жобир Кирпи эскириб, нам тортган даста-даста қоғозларни рукач қилди, зимзиё кечмишни бу кунга кучириш учун чиранаётган зуваласи хом касларни мириқиб лаънатлади.

Одатича, Пулат Қосимий Бо-бош билан куз уриштириб

утирди, баъзан унинг қулогига нималарнидир пичирлаб ҳам қуярди, жағи толиққан Жобир Кирпи жойига қуниши билан у жаврай кетди, эрта-индин «Кук Бури» иттифоқи янчилишига имони комил эканини таъкидлади, сунг, томдан тараша тушгандек қилиб, мавзуни Чархпалакка бурди, Чархпалак қиёфасини унглаб олишига хизмат қиладиган самарали битимга имзо чекканлигини эслатди, орага негадир Иноғом жон куйдириб ишлаётганини қистирди. Ана шунда Саидбек Умар беихтиёр хушёр тортди, беихтиёр тунов кунги йигинда Иноғом иштирок этгани ёдига тушди, бунинг сабаби ҳануз унга қоронғи эди.

Ниҳоят гап яна руҳ раки дастурига тақалди.

Ҳамишаги таъна тошлари ёғилди.

Ҳамишагидек Саидбек Умар чилади, очиги, сукут сақлаш билан иззат-нафсини ҳимоялади, аммо бу гумроҳлар тоабад гофил қолишсин майли, ахир, бу кунда узи ҳам, шогирди Носир ҳам руҳ оламида рақ балосини урчитувчи ва шиша идишлар тутқунлигидан қутулган заҳоти неларга қодирлигини намоён қилиб улгурган митти ҳашаротлар ҳақидаги боши-кети йўқ тахмин-тушунчалар гирдобига ғарқ эмасми?!

Йигин гуё ширасини сурволиб, пустини аёвсиз улоқтириб ташлади.

Йулақда Иноғом Насимийга тўқнашди.

— Тан билан жон уртасида одил ҳакам бўлиши керагиди, туғрими, ака? — деди у дабдурустан, бу билан шундоқ ҳам булари бўлиб турган профессор бетига гуё тарсаки куйди. — Мана энди уша ҳакам бор, уни бино қилдик, энди у ҳатто манфаатга ҳам қалқон!

— Манфаатинг нимаси? — деди у тутакиб.

— Аммо сиз шубҳа қилманг, камина бутун курраи арзни назарда тутаяпман, — маъюслик билан илжайди шогирд. — Жафокаш замин бизни кийинтирса, туйғазса! Йўқ, ака, уни шайтонфёъл буқачалар қулига топшириб қуелмаймиз!

Энди Саидбек Умар ичига чигил тушди.

Яхшики, Чархпалак ҳомийси қутилмаганда жунаворди.

Аммо бошқа кимдир кифтидан тутди, аста ўтирилди ва ёнгинасида холисона бир тарзда жилмайиб турган Али Шаҳобийни кўрди, тунов куни ораларида кечган нохуш суҳбатни эслаб, юлқинганча олға босди.

— Тухтанг, огайғи, — деди Али Шаҳобий зорлангандай, — одамдан бунақа қочманг. Куриб турибман, дунё кузингизга тор, мен билан юринг, бир отамлашайлик, ошга дамтовоқ ташланган.

Тушлик тугаётган, қорин улгур таталаётир, лекин турки совуқ Али Шаҳобийдек сипо ёнида томоғидан нон ё таом тугул сув ҳам утиши қийин, ногоҳ, иссиқда каталакдай тор тамадди-хона димиқиб ётгани, кейин, сарқит овқатдан булак ҳеч вақо қолмаганини уйлаб, чор-ночор, сахийлиги тутиб қолган мудир ортидан эргашди.

Қирқинчи қават фақат гулюбий бино эмас, поёнсиз замин

ва бутун борлиқни ураган маъвои уммоннинг ҳам фахри: кундузлар қуёшга, кечалар ою юлдузларга юрагини очади, зеро, махсус лойиҳа бўйича барпо қилинган боғ-гулзори, шинам йулаклари ва хиёбонлари, алоҳида жозиба касб этган кўшклари ва уйлари, шовқинга тула майдонлари ажиб бир салтанатга хос эди.

Қават қоқ уртасида, ям-яшил утлоқ-урмон оралиғида, силқиланган оқ-кўк мармар ётқизилган тепаликда қад ростлаган шиша деворли қаср айниқса бетакрор кўрки-жамоли билан ажралиб туради. Ҳар тарафга довруғи кетган махсус курсантлик мактаби шунда жойлашганди, қачондир Бо-бош саъй-ҳаракати билан тузилган олий тоифа ҳам унинг жиҳозларга бой синфхоналари билан ёнма-ён жойлашган шинам хужраларида истиқомат қилади.

Қанақадир номаълум сабабларга биноан айримлар негадир Али Шаҳобийга ҳасад назари билан қарашади, хусусан лаблунжини йиғиштириб улгурмаган стимулар орасида узини хору зор ҳис этадиган Эсон Оқбута обрў-иззати баланд мудирга, шунингдек, бутун қирқинчи қаватга ботинан нафрат ёғдиради, негаки, у имкони бениҳоя кенг бўлган ҳалиги мактабга тавсия қилган купгина усмирлар шу ерда оппа-осон яроқсиз топиларди. Баъзан тафтиш гуруҳи хулосаси билан ҳам Али Шаҳобий умуман ҳисоблашмас, ов, Эсон, куп қарама тарози палласига, манови арзандаларингни оббор-да, гул устирувчи отанг қулига топшир, дея икки оёгини бир этикка тиқиб оларди. Мабодо можарога Бо-бош билан Пулат Қосимий аралашса-нетса баттар жини қузир, айнан шу борада сиркаси сув кутармаслигини исботлагиси келар, талаша-тортиша ахийри енгиб чиқарди...

— Бу, отам, Чархпалак деганийиз шунча зўрми? — лифтдан тушганларидан сўнг мудир меҳмонини мармар йулак бўйлаб етаклади. — Ҳар кун шунинг устида бир гурбат!..

Қайсидир кун у Бо-бош устолида хом-хатала битилган ва ҳар сатри этни жунжитадиган дастур қораламасини тасодифан ўқиб қолди, ҳозир Чархпалакни менсимайгина тилга олган мудирни шундан огоҳ қилишни чамалади, недир мулоҳазага бориб, бирдан тил тишлади. Ногоҳ ярақлаб қуринган оқ-мовий мармар қопламали жозибадор шийпон бусағасигача сукут сақлаб боришди. Сокин ялтираётган айлана мармар сахндаги миз мева-чева ва кукатдан тортиб турфа хил таомлар билан тўп-тула эди.

— Ие, оқсоқол, — деди ажабсиниб Саидбек Умар, — қандог муносабат билан бундай зиёфат?

— Содда экансиз, муносабат нима қилсин? — деди Али Шаҳобий ҳолисона алфозда. — Шунчаки бир кўнгил ёзгим келди, бу дунёда сиздан маъқулроқ улфат топиш қийин!

— Қирғоқни сув, одамни мақтов бузади, — деди кулимсираб Саидбек Умар, нима учундир тунов кун хосхонасида мудир билан орасида кечган нохуш баҳсни яна хотирлаб.

— Сиз ҳам етим ўсгансиз, мен ҳам... Бир-биримизни тушун-

масак нима қилиб юрибмиз бу дунёда?! Кейин... сиз унақа ёшдан утгансиз, бузилмайсиз, — икки биллур қадахни қирмизи май билан тулдирди мезбон. — Хуш, анови гуралар... Жобир Кирпига ухшаганлар йуриғи булак. Айтганча, Жобирвой намунача ҳовлиқаётир?

— Ақлим етганича йуқ, — деди Саидбек Умар хомушланиб.

— Оллик... Бузоқнинг юургани сомонхонагача!

— Сиз ишонасизми, ушанақа гап-суз борлиғига?

— Э-э, қайда, афсона-ку! — қалин лабини буриб қуйди Али Шаҳобий нафратини яширмай. — Хуш, боринги, Жавлон Қиеқли шунча анойи экан, бошқа исковичлар... кечирасиз... кузи қаёқда экан? Булмаган гап, Жавлон Қиеқли унақа ён берадиган гумроҳ эмасди. Қуйинг, оллик, керак экан ари инига чўп суқаверишсин. Аммо, отам, сиз билан биззи бошқа нимаям эрмагимиз бор? Шунга яратилган эканмиз, шуни деб кетамиз. Қани, оллик!..

Тунунуксиз бир ташналик қамради Саидбек Умар юрагини, ушани босар, енгил торгарман, деган умид билан ял-ял жимирлаётган жодули қадахни бир зарб билан бушатди, сунг, зира-мурч ҳидини анқитаётган яхна гўштдан бир булагини газак қилди. Қулфи-дили очилиб бораётган мурувватли мезбон куш чузмай-зориқтирмай яна лиммо-лим қуйди, у бунни узига хос ҳурмат деб билди ва қаршилиқ кўрсатишдан тортинди. Э, улар дунё-да, кунгил ёзиш учун бир ичса ичибди, нимадан ҳам кўрқади, амалдор ошналари ҳузурда оғзилан ҳили келишиданми? Мабодо кела қолса, осмон узилиб тушмас, гарбий кўргон ихтиёридаги анчадан бери мижозини кутаётган темир долларга оёғидан осиб ҳам қуйишмас!

Баҳаво, шинам шийпончадаги ширин-шакар суҳбат хотирида урнашиб қоладиган булди, мудом йуқлаб турадиган Бо-бош билан Пулат Қосимийдан сазо йуқлиғи айниқса уни хушнуд қилаётган эди. Доим бир чунтагини банд қилиб, бедор булбулчадек тинимсиз сайраб турадиган радиотелефон инсофга эниб, сукут сақларди. Энди у хавотир қилмай қуйди: гоҳ ҳўпласа, гоҳ симириди. Негадир уткир май тузуқли таъсир қилмасди. Асаби «увада» оқсоқол эса аллақачон оёғи тағидаги заминдан руслар мамлакатига кучиб улгурган, Саидбек Умар пинжига суқилганча, ун саккиз яшарлиғида бир моҳирўйни жонидан ортиқ севгани, у бевафолик қилиб, данғиллама ҳовлиси ва қўшалок машинаси булган турага тегиб кетганини уксиниш аралаш сузларди.

— Ажабланманг, оқсоқол, ҳаммамин ҳам шунақа... Қачондир, кимнидир! — бўғзига хурсиниқ тикилган мудир бўйнига аста қўл ташлади Саидбек Умар. — Яна телбаларча! Улуғ севгисига жавобан камситилган ва хўрланган қавмданмиз!

— Мени англамади жодугар, негаки мен етим эдим... Сунпайган бурнимдан бошқа нарсам йуқ эди, — Али Шаҳобий мёҳмонига манзират қилмасдан қадах кўтарди. — Бу алам нима-лигини сизам биласиз. О, қуриб кетсин, асли фақат сиз ё мен эмас, ҳамма сағир, э, укам, бу дунёсининг ўзи ҳам сағир! Дунё-

ки шунақа, сиз — яримта, фақир улог-сулог! Тавба, бутун нарса борми узи, йуқми?

— Қайда... Айвон ҳам қийшиқ!..

Шароб — шароб-да, шунақа айёрки! Аллақачон ишини қилиб улгурибди, у эса, ҳали кайфим ошгани йуқ, деган ожизона уйда, мана, тузуккина алжиради. Ҳамиша йул қарайдиган гарбий қургонда иззатли меҳмон бўлиши учун атиги шу кифоя! Оёқдан тойган ариққа, тилдан тойган гурга йиқилади. Беихтиёр у овоз чиқазиб кулиб юборди, оқсоқолни узидан ажратиб, секин кузгалди. Зумда иштаҳаси суниб, кайфи тарқади. Бу тукин зиёфат ботишида бирон-бир фитна ниҳон эмасми? Ҳа, қари тулки!

Энди у юмшоқ креслода бемалол мудраётган Али Шаҳобийга гижиниб тикилди ва шийпондан тезгина йироқлашди. Бусагадан йигирма қадамча нарида сарв-арча ва палма-самбитгул оралатиб экилган жимжит хиебон чорларди, у атрофини қуршаган жозибадан нигоҳ узолмай, масрурона илгарилай кетди, қанча юрганини эслолмайди, фақат оёқлари толиққанини биледи, шунда ҳам хиебон адоғи куринмасди. Тавба, чеки йуқ водийдами еки шунчаки баланд томлами? Томда бўлса, тирдигардиши қани?

Ана, уфқ қуешни кучоғида яширди, олис тоғлар этагидан сурма тусли парда сидирга ёпирилиб келаверди, у эса ҳануз одимлар, қай манзилгадир ошиқарди. Қайғалиги — номаълум! Лекин интиларди, ниҳоят, бир ерда тиканакли ингичка симдан буздай қилиб туқилган тус-ққа йулиқди. Том гардини! У астагина ҳурсинаркан, икки тарафга тизилиб кетган гадир-будир тош тункалар диққатини тортди. Илгарироқ юрди, бирида думалоқ бети жингиртоб, қалин сочи қулоқ-чаккасини босган, слкаси туя уркачидай тик бир йигит нон кавшаб утирарди. Ора тахминан беш-турт қадам қолганда Саидбек Умар ногоҳ тухтади, анча муддат саросималаниб тургач, бир суз демай, аста-секин тисарила бошлади...

### 3

Тавба, у ким? Сохт-сумбати жудаям танишми? Наҳотки?.. Йуғ-е, мумкин эмас, ахир у Носир назоратида — ул деса улиб, тирил деса тирилишга мажбур-ку! Унақа эмин-эркин юриши ақлга сигмайди. Ёки кузига яна Фариштага ухшаган бошқа бир саёқ шарпа қуриндими? Йуғ-е, унга қараб беухшов тиржайди-ку! Кейин нон узатдими? Мана бунисини тузукли эслолмасди.

Ошиғич тарзда учинчи қаватга тушди, хосхонасига кириб, гавдасини диванга ташларкан, мясида айланишаётган мужмал фикрга зур бериб узини узи ишонтиришга тиришарди. Рост-да, бетон девору қулф-калит темир эшикни ёриб-бузиб чиқиши осонми? Йуқ, у бошқа одам! Курган-билгани — тушида! Одам босриқса бундан баттари ҳам юз беради. Балки кайфи ошиб қолгани туғридир? Лаънати ичкилик ёсумани нималарга дучор

этмайди?! Асли Али Шаҳобий эмас, узининг асаби «увада» бўлиб қолган. Бо-бош рост айтувди: неча йилдан бери таътил нималигини билмайди, нафас ростламай ишлайверса, охир бир кун темир жон ҳам емирилади-да.

Саидбек Умар шифтга термилиб ётди. Қани, асаби тезроқ юмшаса, барини тезроқ унутса. Осудалик тилагани сари ҳалиги рӯё баттар хуруж қиларди шуурида. Ахийри; тамом толиқиб, Носирни чақирришга қарор қилди, телефон рақамини тараёттиб, бирдан шаштидан қайтди. Таъби нозик шогирди қошида шарманда бўлишни истамасди. Ҳозирча сабр қилишга мажбур эди.

Деворсоат кечки еттига занг чалди, кўксида яна ҳам оғирроқ бир тош урнашди, бутун умрини суққабошликда кечирган юпанчсиз ва бошпанасиз кимсадай тасаввур қилди узини... Эшитди Али Шаҳобийдан: асли бу дуненинг узи ҳам етим экан! Демак, ер юзини мур-малаҳдек босган ва нафс балосига йулиққан одамлар ҳоли уз-узидан аён! Лекин буни ким ҳам тап олишни истайди? Ана, узи, мутлоқ шуҳрат пиллапоясига кутарилиш учун ула-тирила куймангани ёлғоми? Ахир, айни шу нарсада ҳашаки нисбийлик жамланганига ҳам ақли етади-ку! Лекин билиб билмасликка олади, шундай қилишга гуё мажбур! Ақли қосир бандалар ичида юргандан кейин бошқа нима ҳам қиларди? У бурчга-ку қул, узига ҳам тобе, яъни, гоҳо узини ҳам ҳукмига юргизолмайди. Ҳатто у шогирди Иноғом йуригини ҳам узига фарз билади, очиги, сезиб-сезмаган ҳолда уша йигит билан ҳисоблашади. Ҳалигина уйига жунашни кунглига туғиб турган одам, ногоҳ Иноғомни эслаб, айниди. Кеча шогирди норози оҳангда шикоят ҳам қилганди. Лойиҳадан ноаниқлик топилган, озми-купми ваҳимага сабаб булган уша нуқсонни зудлик билан тузатиш чорасини қурмоғи керак.

Саидбек Умар навбатчига қунғироқ қилди, Иноғомни огоҳлантириб қуйишни сурагач, бафуржа йулга тушди. Денгизда чайқалиб турган баҳайбат кемани эслатадиган қурғонга ёндош қурилган ва учишга шайланган баҳайбат қарга қиёфали сарой бусағасидан кирганда соат мили туққиздан гувоҳлик берди. Атроф тузиб ётарди. Оёқ қуйгани жой йуқ: темир чивиклар, хоҷача-пластинкалар, елим-буёқ идишлари, шағал-бетон, оҳақанч уюмлари, гишт-мармар булаклари қоришиқ...

Қорамойга беланган Иноғомни зурга таниди.

— Келинг-да, устоз, — деди у чиройи очилиб, — ҳа деган туяга мадор! Яхшики, сиз борсиз, йуғасам... маймунлар йиғларди ҳолимизга! Аммо қийини орқада қолди. Қаранг, пишқирмоқчи-я!

Ҳали темиртан тугал қиёфа олмаган, шундай булса-да, у анчагина ҳайбатли — виқор билан кўкрак керган, гуё тоғ ошиб, боғ ошиб, урмалаб кела-кела мана шу масқанда тўхтаган, энди узини курсатиш иштиёқида! Нечундир унинг савлати Саидбек Умар кунглига енгил бир малол олиб кирди, у хомушланиб, лойиҳадаги қусурни суриштирди. Арзимаган гап экан, тегишли одамлар билан зумда ҳал қилди ва ивирсиқ зина буйлаб ер

остига энди. Тиним билмай қимирлаётган муҳандис-усталар қаторида эгнига жомакор илди. Нозик симларни пайванд қилаётган чилангарлар ёнида бўлди, қум-симон қориштириб, гишт-тош тераётган қурувчиларга ҳорманг-бор бўлинг қилди, берилиб кетганидан тонг отгани, қуёш боtgанини билмади.

Совуқ сувда қотган нон ивитиb еди...

Юмуш шунча купки, бири бирига мутгасил уланарди, силласи қуриб қолаётган Саидбек Умар, қоришма тула зил челақлар тепасида серрайганча, тавба, руҳият ёки ирсият муҳандислиги оламида буладиган ислоҳлар наҳотки мана шундай икир-чикирларга боғлиқ, дея хаёл сурар, ўзи эса айни пайтда фараз кемасида сузишдан бошқасига ярамаслигини эътироф этарди. Тахминлар эртаси — қупинча мавҳум! Нима қилишини билмай у қайсидир тусинга беҳол суянди. Кейин, Иноғом раҳм қилди чоғи, уни кузатиб қўйди ва ўзи яна қайнаб-тошаётган жабҳага қайтди.

Ташқарида осуда ҳаёт ҳукмрон, осмон тоқи қорайиб туради, юлдузлар уйқусираётган каби хирагина нур сочади. Ҳали соат ун булмабди, Дадаш эснай-эснай бу муждани айтганда андак кайфияти кутарилди. Ҳовлида эса эшикка термилавериb кузи тешилаётган Моҳина димоғ-фироғ ила кутарди. Бор имкониятини бир нуқтага жамлаб, хотини ҳужумига зўр бериb ҳозирланди. Хотин қовоғини осилтириб, кузларидан ут сачратиb, бидир-бидир қилаётган чоғда энг самарали тadbир — хотиржамлик, асаб посонгисини меъёрида тутиш! Шу уйда даҳлизга кирди, синиқ қараш ва шикаста овозидан билди Моҳина дарди-ҳолини, аммо сир бой бермай, ювиниб келди, курсига оғир чўкди.

— Суюнчини чўз, хотин, — деди кутилмаганда, — фақир кулингга отпускаи беришмоқчи! Роппа-роса икки ойга! Насиб қилса, сени Қора денгиз буйига обкетаман. Фузайлни ҳам! Бир яйрайлик!

— Барака топинг, — деди Моҳина чимирилиb.

— Чуп синдиравер бошимга, — деди Саидбек Умар дастурхонга ютоқиб тикиларкан. — Ҳим, онаси, шербола қани?

— Дарсхонасида, — эшик томонга ишора қилди Моҳина. — Кечадан бери бир масалани ечолмай овора, ота шоввоздан эса дарак йўқ! Англияда булувдими симпозиум? Уша ерда бир тенгқуридан кўчириб олган экан, хат ёзиб сураганмиш! Ҳали эшлаганим йўқ, деб жавоб қилса уят эмасми?

— Қурқма, эшлайди, — деди Саидбек Умар пинҳона фахрланиб. — Той қоқилмай от булмас! Қани, чақир-чи!

Ҳаял утмай, Фузайл чопқиллаб кирди ва жарангдор товушда салом берди, дадасини буйнидан кучаркан, йирик-йирик кузлари чақнаб, антика-энтика, бутунгача руҳшунослик моддий ва номоддий дунё сир-асорини тула ушлаштириб улгурмагани борасида домласи билан тортишгани ва фикрини исботлашга эришганини чуғирлаб айта кетди.

Негадир шу дамда Саидбек Умар хаёли бир зумга Пулат Қосимий хосхонасида кечган ва Жобир Кирпи ҳовлиқиши би-

лан юракларга ваҳима олиб кирган ғалати йиғинга оғди, бунинг изидан ҳасилида Ёдгор валий билан Ҳазора момо жонланди. Чол билан кампир унинг содда Болалигини олис денгиз буйидаги Кук Бури ҳукмронлик қиладиган мамлакат буйлаб сайр қилди-  
рар! Эсини танир-танимас у уша ғаройиб ҳикоят-чўпчак манзараларига бор дунёси билан қоришиб кетганди. Қизиққи, уша сурурбахш ҳолатлар ҳануз кунгли қатларида яшаётган экан! Беихтиёр у энтикиб кетди, Фузайл буйнида буритиш тасбеҳни кургиси келди.

Ота уй-фикридан беҳабар угил эса ҳануз чулдирарди, у гуё ўзига сиймай борарди, аммо қароқлари оламни сийдиргудек даражада тубсиз ва поёнсиздек туюларди. Фикрлари нақадар эҳтиросли ва теран! Авлиелар қавмидан булган Ёдгор валий сузи рост: бу углон — ўзи, зеро, зимистонга айланаёзган ҳаётини шамчироқ бўлиб ёритгани, дилида томирлаган армонни даф қилгани шундан далолат эмасми?

Ушанда, рости, умиди кирт узилувди, нафақат Моҳинадан, ҳатто узидан ҳам аразловди. Қош-қовоғи тарвақайлаган! Кейин, бир йили баҳорда, ичида уйғонган даъватга буйсуниб, олис Болалиги изидан тушди, аллақачон вақт ут-улани кўмган мискин излар уни дунё ҳам боқий, ҳам омонат эканлигига туюв булган ғорни бошпана қилган кўҳна қадрдонлари билан юзлаш-тирди. Бирданига куклам офтобида бўғриққан бетига унут хотиралар, унут қайғу-ўкинч ва армон ифодаси қалқиди. Умрини интизорликла кечирган Ҳазора момо уни жон-жаҳди билан бағрига босаркан: «Чирогим, баданингдан ҳалиям Бузтойгинам буйи келур!» — дея, ҳунг-ҳунг йиғлади.

Аввалгидек оғир-босиқ булган Ёдгор валий эса супада тиззалаган куйи сукут сақлар, ҳориб-чарчаган, ҳаяжони бўғзига тиқилиб титраётган, ҳатто бир қадар ўзини йўқотган йиғитни зимдан кузатарди.

Юксак тоғ ва поёнсиз осмон тешада салобат тукиб, турли ёввойи дарахтлар муттасил шовуллаб, қушлар хониши бир маромда эшитилиб тургани учунми, уша манзара Саидбек Умарга сирли-серхислат бўлиб туюлган ва бир умрга тасаввурига урнашган. Мана, шу паллада, еп-ёруғ даҳлизда мамнун ултираркан, ҳалиям шундоқ кўз унгида: қоронғи ғор, пастак — тошқалов кулба, буйра-қўрпача тушалган супа, биқирлаб қўмгон қайнаётган ёручок, нарироқда тўнкарувли қозон ва... Қуйруқсой аталмиш бутун бошли қишлоқ чирогини учирмай келаётган бир мумин, бир мумина...

Эсида, Ёдгор валий ниҳоят утирилиб: «Бовурингда занг бор, — деган. — Малол олма-да, индин кел, унғача китоб куриб қўямай». Айтилган вақтда бош эгиб келган, қарасаки, Ёдгор валий, мумдек эриб, тамом сукутта ботган — чўккалаган, ёнида титилган рисола, тилида — эзгин-эзгин дуо, миждаларида — ҳалқа-ҳалқа еп... Ахийри Ёдгор валий чўп мисол ингичка панжаларини ёза туриб буюрган: «Уғлим, яхшилаб боқ!» Панжалар орасидан у олисларга қараган, ҳарир парда ичида аралаш-қура-



лаш манзарадан бадани жимирлаб кетган. Анчадан кейин қария хавотир аралаш сураган: «Бирон нарса кўрдингми?» Саросима оғушида у жавоб берган: «Бешик... Бахмал гавропушли... Гудак беланган!» Шундан кейин мезбон хотиржам тортиб, қулини туширган ва уни муборакбод қилган. «Худога бир айтганинг бор экан, — деган меҳри товланиб. — Фақат унутмагинки, уша чўкиртлак — узинг! Уни танимасанг, бу дунёга бегона бўлиб, ёртиликча қоласан!»

Саидбек Умар саросима ичра қайтаётганда ҳам Ёдгор валий шу каломини таъкидлади. Йул буйи у шу ҳақда уйлади, ниҳоят вақти-соати билан Моҳина юкли бўлиб, эсон-омон кузи ёриди, аммо жумбоқни ечолмади. Мана, ниҳоят энди Фузайл усмирлик остонасига яқинлашиб, фақат хонадони эмас, кўнгил уйини ҳам чарогон айлаган ушбу паллада у ниманидир илғаб, ниманидир англагандай бўлиб турибди...

— Шурвани ича қолинг, дадаси, — Моҳина эри олдига буғланаётган чинни косани қўйиб, зураки жилмайди.

— Ҳозир-да! Оҳ, оҳ, жа зурми дейман? — кафтини кафтига ишқалади Саидбек Умар. — Бай-бай, одамни жони-ку! Бунақасини кимки тотимапти, дунёга келмапти. Тўғрими, а, Фузайл-жон? Хуш, мана бу сомсаям...

Илкис радиотелефон сайраб, у ҳиққа тинди.

Во ажабо, кўнгил ҳордиқ ва оромдан бошқасини тусамайдиган бир фурсатда у қайси корчалон газзигига дори?! Бунақа бемаврид кўнгироқ кўпинча Пулат Қосимий билан Бо-бошга хосдир. Лекин кейинги вақтларда янги нозир ҳам нағма чиқарди: вақт-бевақт суроқлагани суроқлаган. Илгари Жавлон Қиёқли билан Нишон Ғазара шунақа қилавсриб, жонига текканди. Бир марта аччиқ-тизиқ гашиар билан бетларига солди, шундан кейин улар сал тийилишган. Ҳозир у маълум ва машҳур котибанинг ёқимли овозини таниб, бир хил бушашди, лаблари гезарди, қарашидаги саросима Моҳина билан Фузайлга ҳам юкли, хуллас, зум ичида яхши кайфиятдан асар ҳам қолмади.

Ярим кечача қабулхонада қуриқчилик қилаётган Маржона талаффузида ҳовлиқиш аралаш норозилик ҳам борлигини туйди: бир соатча муқаддам Пулат Қосимий шошилиб кириб келганмиш, ҳаммани, жумладан, Саидбек Умарни шошилиш чакираётган эмиш! Жон-пони чиқиб кетган профессор феълиатворига номуносиб бир кўполлик билан буралатиб сўқиқди. Камдан-кам ҳолда у бунақа тескари киярди тунини. Ахир, сап-чиганича бор-да, нима, эрталабга қадар сабр қилса, шу сағир дунёсига ут тушарканми?!

— Онаси, хафа бўлмайсан, насиб қилмади шурванг, қайтганимдан кейин бафуржа утириб ичарман!..

Саидбек Умар биттагина тишланган сомсани аста ликопчага қўйди, оғзидагини чайнай-чайнай, апил-тапил кириш йулаги сари гизиллади, туқ жигарранг шифоньердан кийимларини оларкан, хотиржам бўлишга тиришар, аксига, гоҳ куйлаги тугмасини нотўғри қадаб, гоҳ буйинбоғини келиштириб беғлол-

май хитланар — аллакимлар гурига гишт қаларди. Ниҳоят, у ўқдек отилди ташқарига, остонада мунғайиб турган хотинига ясама табассум билан бош ирғади. Хайр! Бу сузда нимадир эриш, нимадир озорли — омонат... Бу нарсалар кеча ато қилган нотинчлик билан қушилганда-чи?! Навбатчи машинада олиб бораркан, у Пулат Қосимийдек тажрибали одам арқони бу қадар калталигига ачинарди. Қабулхона маликаси одатдагидек жилмайиб қаршилади, у совуққина кулги билан жавоб қилиб, судралганча ичкарига йуналди.

Нафис гул кесилган деворга бежирим қилиб урнатилган заррин ҳошияли улкан соат роппа-роса тунги бирдан хабар бериб, тантанавор мусиқа ижро этди. Оёқ ботадиган юмшоқ пат гилам буйлаб йурғалай келиб, қайсидир уринга таваккал кунган Саидбек Умар беихтиёр қалқиб тушди. Жарангдор оҳанг тиниши билан жимжит хонада энгил нафас олишлари ҳомуза тортишлар ҳукмронлиги бошланди. Саҳ узини унглагандан кейин Саидбек Умар қизиқсиниш билан Бо-бошга нигоҳ юборди. Жонқуяр раҳнамо иқлимида галаёни ёки осудалик — биллолмади. Нигоҳини эндигина Пулат Қосимийга олганда Бо-бош, силлиқ бошини ногоҳ ортга ташлаб, чунон акса урдикки, гуё шифт кулади гумбирлаб. Қўйидагилар бараварига, иззатни бир-бирдан оширишга тиришиб, жони бир чимдим булса ҳам озор еган муътабар зотга сиҳат тилашди. Ҳамиша оғир тош босувчи овози умумнинг бетаъсир ҳам беғоз овозига қушилиб, қуввати ни йўқотишини ор санаган Пулат Қосимий пича сукут сақлади, сунг тилагини алоҳида эҳтиром билан изҳор қилдики, чиндан ҳам бошқаларга эътибор бермаган вакил ота унга қарата лаби чети билан илжайди.

Шу билан гуё еру кукни ураган булут тарқади...

Жавлон Қиёқлидай шеригидан ажралгандан бери анча узини олдирган Нишон Ғазара шунчаки ёнига қийшайган булиб, бошқаларга сездирмай паришонҳол утирган ва, илойим мен аксирмай, деган андишага борган Саидбек Умар қулоғига шивирлади: «Чоли тушгур ҳолвахур!» Ногоҳ кулгиси қистаган Саидбек Умар шарманда булмаслик учун аста кафти билан оғзини юмди. Ҳадемай Бо-бош ёки Пулат Қосимий тарафидан эсадиган изғирин кимнидир иситиб, кимнидир музлатиши аниқ булиб борар эди...

## БЕШИНЧИ БОБ

### 1

Қоқ ярим кечада чақирилган шошилишч мажлис ҳадеганда бошлана қолмади, энди ҳомуза тортишлар ҳам тинди, ҳашаматли булмани тула забт этиб улгурган жимлик ниманидир беун суйларди, алланарсадан безовта нигоҳлар ҳам шу йусин бир-бирларига роз айтарди, шунга яраша кунгиллар ҳам ботинан бийрон эди.

«Қачон эса бошларкин изгирин?» Ҳамма шу уйда, ҳаммани шу фикр қийнади. Аммо ҳануз тағ-заминида номаълум ҳадик ётган тап-таранг жимлик ҳукм сурарди. Урнида бири дарё, бири куприк, яна жойида бири асал, бири оғу буладиган оғалар дунжларига сук солволишган. Бироқ улар сукути омонат эканлиги аён, фақат ошиғич кенгаш мақсади ҳануз сирлигича қолаётгани илк дақиқадаёқ буй берган таҳликани гуё буюз қилворди. Хитлана бошлаган Саидбек Умар «Кук Бури» иттифоқи билан боғлиқ бирон ишқал шундай тезкорликка сабаб булганини тахминлади. Шунча урингани билан Жобир Кирпи ҳалигача жойидан жилгани йўқ, балки ари инини қузғашга қузғаб, энди лапашанглик қилаётганини қирқ қулоқли қозонда қайнатишмоқчидир? Лекин унақага ухшамайди, ана, у димоғи чоғ утирибди. Гулобий бино томирини зимдан кемираётган исқиртларни бугун булмаса эрта топиши ва думларига тегирмонтош бойлатиб судратишига ишончи бетига урган...

Кейин, Саидбек Умар қунишганча, Пулат Қосимий ҳафтаун кун дом-дарақсиз кетгани, йўқ дардини баҳоналаб уйида даволангани, нағижада миш-миш урчигани, ниҳоят у емирдан кейинги қузиқорин каби пайдо булгани, Бо-бош авзойида узғариш руй бергани хусусида ўйлай кетди.

Ҳар ким ҳар хил талқин қилган важта кўра остига сув кетган Пулат Қосимий истеъфони қузлагани аниқ (Жавлон Қиеқли бошлабгина тарқатувди), лекин Бо-бош аралашуви билан қутулиб қолгани ҳам рост, ахир мана шу галва изоҳ талаб қилмайди-ми? Энди топди: мақсадлари — лапанглаб кетган посонгини босибгина қўйиш! Акс ҳолда гийбат тинмас — урмалайверар. Ҳозир униси учоққа утин қалайди, буниси аввалдан тайёрлаб қўйилган эҳтиёт тутантиригига гугурт чақади. Лекин шунча кундан бери, ёпиғли қозон ёпиғлигича қолсин, деб келишарди, энди кутилмаганда... Уз хашакларини очиб ташлаш учун бирдан мунақа ошиғич машваратга бало бормикин?! Яна туннинг қоқ уртасида! Йўқ, бу тахмини ҳам на капгирда турар, на чумичда!

— Тун энг содиқ ҳамроҳ!..

Шикаста ва жонсиз бир шивир эшитилди. Шифтданми, дераза пардаси ортиданми ёки қабулхонадан? Жамоа тушунуксиз тарзда ётсираб турган Пулат Қосимийнинг рангсиз лаблари бир очилиб-ёпилганини илғади, бошқондаги таралдудни Саидбек Умар теранроқ туйди. Билдики, бошқон бемаъни иттифоқни эсламоқчи эмас, уз дардини ҳам эсламайди, нима, унда тун фазилатини таърифлаш учун чорлаган экан-да?!

— Биласиз, донолар муҳим ишларни кечаси битиришган, — Бо-бошга бир қур қараб олгандан кейингина уктамона янгради Пулат Қосимий товуши. — Муъжиза эса ҳар доим содир булмас. Бу айёмда уни кўрасиз.

— Бошлиқ ҳақ, — деди Бо-бош эснаб.

— Қани, орқамдан!..

Оббо, намунча гужала қилишмася?!

Бари аввалгидай қоронғилигича қолди...

Аммо борлиқни бахмал чодирин билан ураган тун ҳозирок муъжиза курсатишига ким кафил?

Балки у одамзод учун ҳамиша камёб саналган ва ҳамиша уни интиқ қилган омад ва иқбол ҳам улашар бу паллада?

Ярим соатдан сунг Пулат Қосимий билан Бо-бош етовида жамоа ҳовли-боғ фарбида жойлашган ва тахминан ун беш-йигирма таноб ерни эгаллаган маҳобатли қургон дарвозасидан кирди.

Бўсағада тизилган саф олдида аскарча шурим кийинган ва чарм камарига тупшонча осган қора мағиз юзли зобит — комендант қулини чаккасига тираган куйи ҳайкалдек қотган...

Қургон қушимча ихотага олинган, ҳовлисига руҳсатсиз пашша ҳам учиб киролмас, сири шундаки, ҳар ким ҳам тасаввур қилолмайдиган интиқом сангларидан тикланган. Салобатда гулбий бинога тенглаша олмас ҳам, баъзи жиҳатидан ундан қолишмас, ичида бегона одам адашиб-нетиб қолса йул топиб чиқиб кетиши маҳол, зеро, бир умр қайсидир номаълум буржида қолажак. Ҳазилкаш ва мугамбир гумашталар таъбирича, тагустда қат-қат урнашган ва баъзан ич-ташига ойлаб нур тушмайдиган ҳужра-туласи вақти-вақти билан болалармин!!

Шошилинич тушланган ва турли гумонлар гирдобида қолган казо-казо зотларни кечаги зарбадан тузукли унгланиб улгурмаган Пулат Қосимий, Бо-бош ҳомийлигида, ҳар қаричи тугунчигилдан иборат бу муҳкам ва гумгурс гушаи каттолга сирли ҳолатда етаклаб келганини қандай тушунмоқ керак?

Пулат Қосимий шундоқ ён тарафда савлат тукиб, қовоқ солиб турган, баланд куббалари учиде қизил чироқлар ёнаётган қургонга қайрилиб ҳам қарамади, йулни тикка ҳовли ичкарисига солди. Қирқинчи қават манзарасини эслатадиган сулим ва сокин дарахтзор-гулзор оралаб кетаверди, бошқалар ҳам бошқонга етишиб юриш учун ҳаллослаб борарди. Ёғи юрагига уриб, пишиллай бошлаган бошқон муддаосини Бо-бошдан булак ҳеч ким билмайди, аммо у қачонки яйдоқ майдонга чиқиб, шимол томонга бурилгач, ногоҳ Саидбек Умар хушёр торғди.

Қургон этагида гишт аралаш темир-бетон бирикмалар билан фарбона услубда тикланган ва узоқдан қараганда учмоққа шай баҳайбат қаргани эслатадиган бениҳоя узун ва энли иморат курина қолди. Шу заҳоти Саидбек Умар кунгли чучмал торғди, ахир, «қарга» қошига бузчининг моксидек қатнаганларидан қандай тонсин?! Таажжубли жойи, атиги бир неча соат бурун ҳам шу ерда бурнидан торғса йиқилгудек ҳолда уралашиб юрвди, раҳм-шафқат қилган Иноғом лутфу карамлар билан уйига кузатиб қуйганди. Энди шунга ишонгиси келмай қолди, чунки ҳозир куриб тургани барини инкор этаётганди.

Бино ён-тевараги, хусусан рупарадаги ҳалигина тузиб ётган майдонча, энди чиннидек топ-тоза, ювиб-артилган мрамар зиналар ярақлар, баланд нештоқда қундирилган сёрбар-узун ялов саросима оғушидаги меҳмонларни хушвақтлик билан ичкарига чорларди.

Кейин, Саидбек Умар яна тонг қотди: сарой ҳашамига фав-

қулодда дабдабали бир ҳашам қушилган! Ҳали, Иноғом Насимий билан хайрлашганда қўз уйнатувчи бунингдек безағу ашдан асар ҳам йўқ эди. Ташқари-ичқари, полу шифтда кишини сеҳрловчи сирли бир сурур ҳукмрон эди. Сидирға оқланиб, пушти-жигарранг чизиқли катакларга булинган деворни забт этган даъваткор шиорлару тепасида муъжазгина нишонлар зарбланган ола-вижир суратлар ҳаёлини олиб қочарди. Суратлардан бирида каллалари шарт кесилган бурилар тасвирланган, улар, жон талвасасида, ер-қукни гулдирашиб наъра тортаётгандек туюларди. Лекин бу манзарани кимдир қурди, кимдир қурмади, аллатовур ғашликка чулганган Саидбек Умар ҳам ундан тезгина нигоҳини узди ва тўрда, алоҳида ихлос билан жиҳозланган суна бурчиди эҳтиром сақлаб турган байроққа, ниҳоят берироққа саф тортган, бир хил русумдаги оқ-қизил нимча кийган, кимнингдир амрига мунтазир чолғучиларга зимдан қараб қўйди.

Ана-мана сарой нақд тиқинга айланди.

Ясан-тусан қилволган зобитлар сипоғина туришарди.

Одобда Али Шаҳобий шогирдлари ҳам улардан қолишгиси келмай сукут сақлашади, лекин стимхона арзандалари шунақа вағир-вуғур қилишаётгандики, қулоқлар батангга келган, табиатан бир оз бун-баёв, анокроғи, болафеъл булган Эсон Оқбута уларни тинчитолмай овора-сарсон эди...

Ниҳоят, Саидбек Умар нигоҳи Чархпалакка тушди.

Дафъатан қараганда у азамат шифт тугул бутун бошли саройни кифтида тутиб турган баҳайбат ҳукизгами, китгами ухшарди, мана шу манзарани киши ҳис этса, у айниқса салобатли қуринар, атрофида гирдиқапалак булиб, тоза латга билан ҳар қисми ва ҳар мурватини қайта-қайта авайлаб артаётган, ҳалқасимон эшигидан муттасил кириб-чиқаётган чилангар-гумашталар ва муҳандис-нурчилар унинг олдида қумурсқа қаби кичкина! Лекин чамаси улар буни фарқланмас, ҳеч қанақа сеҳрни ҳам сезишмас, қатғий берилган буйруқни бажариш учун қурқуна куйманишарди, ҳар замонда эса казо-казо зотлар кириб келганда ҳам қолган-қутган юмушни тугата олишмаганига хижолат булиб, асабий тунгиллай бошлаган, ранги қум оқариб кетган Иноғомга ҳадик ила қараб-қараб қўйишарди...

— Чаққимас, — дея ҳаммадан аввал сўз қотди Жобир Кирпи. — Қўйил сизга, профессор, енг ичида битирасиз!

Аммо Саидбек Умар қарахт: мақтовни ҳамд қилолмади. Баттар қомушланиб, тавба, бу не сиру савдо, дея, ҳақкадек учиб-қунаётган, ҳар сўзи пулат занг қаби вараңлаётган Иноғомга хафагазак бир ҳолда тикилди. Фаройиб ҳодиса бошида, тахминича, бир неча соат илгари ўзини ими-жимгина қузатган шогирди турарди, мана шунини уйлагани сари бутун тунни жунбишга келтирган маросим унга ғарибона ва маза-матрасиз туюла бошлади.

— Азизим Жобир, подадан олдин чанг чиқармайлик, — тезкор назорат гуруҳининг ҳозиржавоб ва ғайратли янги сардо-

рига ошкора пичинг қилди Нишон Газара. — Аввал билайликчи, бу бадқовоқ махлуқ нима каромат кўрсатаркан?!

— Унисини билмадим-у, лекин ҳайбати зур экан, — ҳамишагидек бирёв эшитмайдиган қилиб лўқма ташлади Гулбиддин. — Нима, аждаҳодан нўсха кучиришганми?

— Оширманг, ошина, — етимлигини унутган ва шоду хуррам чуғурлашаётган полапонларига қараб қуйди Эсон Оқбута, — бу жонивор беозор фил-ку!

— Ҳе, кўкнориқовоқ! — дея пўнгиллади кимдир.

— Анови тишлар ҳам филникими?

Нечундир ичи сидирилиб, қирғий чўчитган мўсича каби кўрқа-писа четга сурина бошлаган тугруқхона ҳакими берди бу андак сирпанчиқ саволни. Анчайин саросималанган Эсон Оқбута ёмғирда жавраган каби кўнишди; хартумсимон калта-энли мослама остидаги буртиқ айри тишлар ҳаёлини угирлаган эди.

— Мана буларми? — деди Жобир Кирпи мазах оҳангида. — Тимсоҳники-да! Аммо нафис экан! Дидингиз чаккimas, Саидбек! Шогирдийиз ҳам қандини урсин, оқлапти тузни!..

— Саидбек, — деди Нишон Газара узини анқовликка уриб, — бу нима узи, тегирмонми? Ёғочни ун қиладиган!

— Шунақа, — деди зобитлардан бири, — хамир ҳам қоради.

— Биродарлар, камситманглар, — кўринишдан лойиҳачи-муҳандисга ухшайдиган кексароқ киши суҳбатга аралашди, — униси ҳам, буниси ҳам эмас, бу — тирик жон, одамни одамдай тушунадиган!..

— О, бу ким булди, билагон экан-ку!

— Филойилардан шекилли?!

— Менимча, бу электрбоп тандир!..

— Бир соатда милента нон тайёр денг?

— Мабодо утин ёрмайдими? Мамлакат зор-ку!

Ҳазил-мазахдан Саидбек Умар зада: тил қўрғур сал тойганда бўҳтон илон янглиғ заҳрини сочганини куп қўрган. Шунақа вақтда ишончли қалқон — сукут! Нимасини айтасиз, орада яхшики бурун бор, йўқса, у куз бу кузни уйиб ёмоғи ёки уймоқ қилиб уйнатмоғи аниқ! Айерона илжайиб турган Жобир Кирпи-га тикилиб, Жавлон Қиеқлини эслади, сувни лойқалатиш бобида Жавлон Қиеқлига чекланмаган ваколат берилганди, ажабки, вақти етганда ушандай дасти узун одамни ҳам аяб утиришмади. Қай бир хосиятсиз кунда узи ёққан оловга узини улоқтиришди. Ким билсин, балки унинг бошига етган мана шу Жобир Кирпидир? Қўрғур тозининг узи, бормикин искаламаган тешик-тирқиши? Энди яна ошиғи олчи: тамом бутанага айланган дарёга турнинг энг каттасини ташлаган!..

Тавба, «Кук Бури» иттифоқи эмиш-а! Лаънати Жобир Кирпи уйдирмага устаси фаранг эканини, ҳатто Жавлон Қиеқликдек доғули қўлига сув қўёлмай қолганини, шунингдек, у тунов куни Бо-бош топширган эътиборли ёрлик асосида яна бир ишни жадал бошлаб юборганини уйлай бошлаганда электр арра шигиллашига ухшаш говуш эшитилди...

Купчилик қатори Саидбек Умар ҳам еқа ушлади: ҳайбат тукиб турган машина бир силкинитб, тухум шаклига кирди. Сип-силлик, ялтироқ! Олқиш садолари тиниши билан юзига чинакам ҳужайинлик тусини берган Пулат Қосимий, Бо-бош ишорасига кура, дадил олдинга юрди. Ажабки, бошқон пурим кийинган! Қай жиҳати биландир у мумдан ясалган омонат ҳайкалга ухшарди, лекин гуе бутун вужудидан ҳаяжон тафти таралаётир, ҳатто айтар сузини ҳам йуқотиб қўйган, аллабир тарадудда. Ниҳоят, сохта энтикиш билан муқаддимасини бошлади ва тегишли мақомни тула-тукис узлаштирган Чархпалак исмли жонивор жамоага қумакка келганини узоқ шарҳлади. Ҳозирча у бор имконини намоиш этиб улгургани йуқ, лекин эрта-индин фаҳму фаросатда инсон зотидан қолишмаслигини шаксиз исботлар. Ҳар мурвати — ҳалим, шифо! Аммо ақл ва дил уни тушуниши, йуриқларига қулоқ солиши керак. Ана шундагина руҳ ва тан олий даражали муолажа мевасидан тотинур. Кимки узида норасолик курса, сира иккиланмай, эрта Чархпалак паноҳига ошиқади. Жонивор қадри оммабоплигида! У ҳамманинг умидини бирдек ушатгусидир. «Лекин биз фақат шу билан кифояланиб қолмаймиз, бошқача ечимлар ҳам бор!» — дея нутқиға завқ аралаш қўшимча қилди бошқон ва япасқи пешонасидан қўйилаётган қайноқ терни румолчаси билан артди.

Кейинги хитоби гуе Саидбек Умар қулоқ-чаккасиға тарсаки булиб тегди, зеро, эртанги кунга ҳам ошиқона назар ташлагиси келган бошқон нимага шама қилганини елғиз у тушунди. Йийб кетган бошқон ихтирочилар меҳнати ва хусусан Иноғом Насимий журъатини куқларга кутараётганда Саидбек Умар сарой бусағасида Носир Дамин каловланиб турганини кўрди. Сезде: Носир тунни остий-устин қилворган маросимға ҳам, сарой маҳобати ва безагига ҳам бефарқ, ҳовлиққан юз-кузида бошқа ташвиш ифодаси! Зич сафни оралаб, шу тарафға келаверди шогирди, ниҳоят шундоқ ҳам ичини қиринди сидираётган Саидбек Умарға нажот тилагандай оҳиста суйканди. Салдан кейин маъюс алфозда гудранди. Аввалиға Саидбек Умар ҳеч нарсани тушунмади, нималарнидир мулоҳаза қилгач: «Йуғе» — деди бузарганча, ҳар бир ҳарфни тиши орасидан утказиб. Сунг, хаелида бутун бошли шаҳарчаға ухшайдиган қиркинчи қават манзараси, кўк билан туташ тиканакли симтусиқ, туртбурчак тош тўнкада нон кавишоб утирган сочи усиқ йигит гавдаланди...

— Энди сузни умидли олимимизға берсак, уша яхшироқ билади муъжизаси таржимаи ҳолини, — ҳали бошланган бешқарсак пасайиши билан овозини кутарди Пулат Қосимий. — Қани, укажон, майдалабгина... Ҳа, узингиздан қолар гап йуқ!

Ҳали, сарой бусағасиға қадам қўйгандаёқ, Саидбек Умар Чархпалакни танитиш маросими булишини англаган, фақат бари бунча ошиғич ва нозик тус олганиға ажабсинган, бу хусусда на Иноғом, на бошқа биров огоҳ этмагани оғир ботган эди. Ҳозир суз узиға эмас, эндиғина тетапоя бўлаётган шогирдиға

берилгани иззат нафсини буткул симиллатиб юборди. Кейин эса узини узи койиди: «Инсоф қил, Чархпалак шуники! Сен бор-йўғи ҳайбарақаллачи! Тайёр онга баковуллик ярашмас!» Сал булса ҳам овунди, лекин қай маҳалдир ичида яна алланарса жунбишга келди: томоғига аччиқ бир нарса тикилар, куксида азалдан урнашиб қолган ва узига яхши таниш булган бир овоз Иноғомни чала-ярим айбситарди. Енгинасида эса яна бир шогирди тавонига тикан киргандек тиширичилаб турар, қорачиқларида — дунёга ут қуйгудек бир ваҳима!..

## 2

Ушбу дамда Иноғом Насимий бамисоли қарчиғай: қанотини кенг эса-да, осмону фалакка шахт ила учса, пастда қолган ва оқдан қорани ажратолмайдиган қаланғи-қасаңғиларга ҳазар назари билан қараса!..

— Ораларингда кимнинг тирноғи усган? — дафъатан зобитларга мурожаат қилди у тиши оқини курсатиб; саф қилт этмади, шунда у кимнидир аста қулидан ушлаб тортди ва девор биқинида жойланган ойна тусинли бошқарув пульти тепасида ҳушёр турган, яп-янги соявошли қалшқ кийган оператор-муҳандисга ишора берди.

Сал кам уч йилдан бери Иноғом маслакдонни булиб келаётган буйчаи, пахмоқ сочли, билаклари йўғон, қараши сокин бу йигитни таниш-билиши Палахмон деб чақирарди, ҳақиқий исмини ҳеч ким атамас, бунга чамаси ҳожат ҳам йўқ эди, зеро, унинг ҳам таржимаи ҳоли бир чеккасини «ота-онасиз» деган сузлар безаб турарди. Лекин у пешонасида борини алжақачон унутган — узини гулобий бинонинг бир зарраси санар, муҳими, иш кузини биларди. Ҳозир айниқса Палахмон алланечук яйраб кетди ва чапдан энг чеккадаги қора тугмани шавқ билан босди. Нимадир ғувиллаб, улкан тухум бирдан «пуст» таплади ва аввалида баҳайбат махлуқ қиёфасига кирди.

Жазавалдор мусиқа бир авж олиб тинди, шу заҳоти Палахмон яна қайсидир нуқтага тегинди. Кукрак кериб турган махлуқ астагина пишқирди: шундоқ умровидан узаро ёндош тушган қушалоқ мослама уйноқлаб чикди. Чамаси, Иноғом Насимий шуни кутаётганди, у ҳалиги зобитни етаклай бориб, қўларини навбати билан мослама учиди айри шаклида чақнаётган қизғиш нурга тутди. Ҳамма тин олди: тирноқ чилпийдиган лазер қайчи! Унинг яна қанчадан-қанча ҳунари борлигини Иноғомдан бошқа яна бир киши — Саидбек Умар яхши биларди.

— Қойил! — деди зобит бармоқларига тикилиб.

— Шундай қилиб, азизларим, қаршингизда одамзолга беминнат ва беозор хизмат курсатадиган дунёда ягона машина! — терчилаган кафти билан Иноғом унинг бақувват сағрисига шашшап урди. — Тирноқчача энлайди, жонивор! Вақтида олинмаган тирноқ, биласиз, таъбни кир қилур!

Атиги бир неча дақиқа муқаддам, ичи куйишганча, Саидбек



Умар дудмалроқ гап бошлаган Иноғомни узича патлаб, ношуду нотавонга чиқазиб, устидан мағзава ағдараётган эди, у ваъз йусинини бу тариқа бошқача узанга солворганини куриб енгил тортди, аммо ушбу воқеа охирги дақиқагача узига пинҳон қолганини яна эсларкан, шу заҳоти кунгли хуфтон бўлди.

— Оддий, лекин жунмас, ҳар бир ҳаракати асосли, арқони ҳам узун, керакли жойгача етади, — паришонҳол турган Саидбек Умарга зимдан қараб қўйди Иноғом. — Бугундан бугун ер юзи ардоғида! Биласиз, ер чарчаган, мададга муҳтож! Якка узи фалоқатлар олдини ололмас. Фақат мана шу тезроқ енгил қилади унинг мушкулини!..

— Шундай, шундай! — деди Бо-бош товущисиз қарсақ чалиб.

— Бу бир тирик жон... бир фарзанд... Ҳа, бовур! — бошини ҳам қилиб, нари-бери одимлаб, ҳеч кимга қарамай давом этди Иноғом. — Ҳар битта ҳужайрамга авайлаб жойлаган эдим. Кейин тулғоқ, жон талвасаси... Ҳа, ажабланманг, шундан каммас. Енгил бўлмади, лекин... туғиш... Чекимга тушган экан! О, уша сонияда дилимдан кечганими? Аттангки, бунга тилим ожиз! Буёғи эса... Ана у, куринг, отам замонидан юрагим тагида олиб юрган дардим суврати!

— Во-о! — дея гўлдиради аллаким.

— Тавба, — деди яна кимдир, — бу кўракми, галвирак?

Ҳамма гуё ниманидир шивирларди, фақат Саидбек Умар сукутда, у негадир ерга киргудек ҳолда, ич-ичини бир гашлик кемиради: «Э, буям чапани, йуқ, дувора, томорқаси пана-ёнага тушган, бир улуши офтобрав бўлса, қолгани соярав!..»

— Хуш? — дея узига тегишли посонгига тош босди Бо-бош.

— Ҳайбати зардалими? Майли-да! Аммо ичида бир даре борлиги рост! Айқирган даре! Суви сувмас, бол! Ҳар қанақа ташнага бир пиёласи кифоя! — бир дам тўхтаб, нафасини ростлади Иноғом. — Ортиғи кимга ҳам керак? Исрофгарнинг боғи кўкармас!..

— Барака топкур-ей, — дея кафтини чаккасига босди Пулат Қосимий Бо-бошга юзланаркан. — Тузук-ку бу, а? Баъзиларни сотиб, бунга едириш керак экан!

— Арзийди, — деди илжайиб Бо-бош.

— Бу олимчани ота-онаси борми? — луқма ташлади Эсон Оқбута.

— Нима, эсингиз кирди-чиқдимми? — мудирга зимдан уқрайди Бо-бош. — Адашмасам буям сиз ёзган дастурхондан нон еган!

— Аммо зур экан!

— Шуниям қайсидир кесак ичидан топиб келганмиз вақтида, — дея ошқора фаҳр билан давом этди Бо-бош. — Куриб турибсиз, эплигина! Гаҳ десакми, кафтимизга қунади! Ахир, узингиз ҳам... бу даргоҳга келганда этагингиз кетингизга тугилган эди.

— Эсимда, — деб мингирлади Эсон Оқбута, қочгани жой тополмай.

— Ашинақа... Бир кун туз еган жойингга қирқ кун салом бер!

— Аммо бош қозончи Саидбек... Қулогини у еридан, бу еридан чиқар деб турган! — деди овозини дүриллатиб Жобир Кирпи. — Оғзига талқон солволгунча бу кишим ҳам гапирсин!

— Ҳали шогирди тугатгани йуқ-ку!..

Саволу хитоб дүлдек еғилди, шовқин-сурон тиниши билан саройни яна омонат жимлик қамради. Сирли бир безовталиқ ҳар заррага, пойдевордан шифтга қадар, беомон сингигандек туюларди. Бундан Иноғом гофил: холисона бир тарзда узиникини суйларди. Мана, у яна Пахламонга маъноли куз қисди. Ҳаял ўтмай махлуқ ингичка наъра тортди ва зирҳли улкан жағи қоқ иккига ажралди: бадани ола-була баҳайбат ажлар турарди энди рупарада!

Ора-сира луқма талаб қилган каби вишиллаб қуяётган махлуқ қиёфасини бу қадар тез ва ғалати тарзда узгартиргани томоша аҳлини қарахт қилиб қўйди, ҳатто Саидбек Умар ҳам беихтиёр еқа ушлади. Тунов куни Носир Дамин СН замбуруғи дунёга келгани сабабини таъна-зарда билан шарҳлагани ёдига тушди. Хуш, Чархпалак-чи? Анов кузлари орқали Бо-бош эки Пулат Қосимий (эҳтимол, ўзи ҳам) қуҳна оламга бегонасираб назар солмаяптими? Кошки Иноғом бунга тушунса! Ҳайратга молик бу махлуқ вақт ва масофа орасида яшагувчи, аммо ҳадеганда узини курсатмайдиган жоду маҳсули эканини кошки у тасаввур қилолса?!

Мабодо осмон узила тушиб, шундайгина пойига сочилса ҳам ҳозир Иноғом Насимий бу хусусда уйламас, уйлашни истамас. Ҳозир юрагига завқ ва қувват ато қилаётган нарса — тез орада ҳаётини тубдан узгартириб юборишга хизмат қиладиган обрў-иззат ва шуҳрат нашидаси! Қорачиқлари кенгайиб, ажабтовур ёлқин сочаётгани шундан! Манови паканагина одам бир ҳимо билан узини ҳурмат ва қадр-қийматнинг энг баланд поғонасига кутариб қўйишига имони комил!..

Ҳали махлуқ оғзини қападек очган пайтда Иноғом борлиги сунгсиз бир иштиёққа тулди. Кимдир, Бо-бош шекилли, рағбат бахш этувчи илиқ суз айтди, унга Иноғом миннатдорлик назари билан қаради, ниҳоят у исталганча узаядиган темир зина орқали, арра тишлардан ушлаб, секин юқорига умтилди, тахминан икки газ қеладиган оқ-қора чизиқли найсимон чўп учини ижир-бижир қисмларга тегиза-тегиза шошилмай тушунтира кетди:

— Ичкари муҳити гоят мафтункор! Қасам ичаман: бунақаси ер юзида бошқа йуқ! Маҳқум... Узр, бу суз ноҳуя ва ноурин... Хуш, мижоз қисиниб-қимтиниб қолмаслиги учун кенглик ва юмшоқлик сақланган. Ғарбона қилиб айтганда, тамомила камфорт! Пар тушак, пар ёстиқ. Қайишлар чармдан эмас, узимиз етиштирган аъло навли ипақдан. Зигирча ботмайди, момик дейсиз. Мана бу дурдона сандиқни бир уста тобутга ухшатган эмиш. Фаросатдан қисган экан-да бечорани. Одамнинг суқи киради-я бунга. Қонқоғи ўзи бир дунё. Утга чидамли пулатдан.

Астари — кимхоб. Атр пуркаб қўйса борми, оҳ, оҳ! Ҳавоси димиқса-нетсами, махсус мослама тозалаб беради, қисқаси роҳат!..

Орқароқдан новча бир йигит қўлини ҷузиб қолди.

— Жаннат эшиги десанг-чи, биродар?

Олд қаторда турган кексароқ киши афтини бужмайтирди.

— Халақит берма, э, галварс!

— Ҳурматли мижозимиз бемалол урнашгач, бошини пар ёстикқа қўйиб, оёқларини эмин-эркин узатворади, — ҳалиги писандаларга парво қилмади Иноғом. — Нарегги ширин уйку — бир кунми, ун кунми, хоҳлаганча! Баҳонада... хоҳиш-иродасини шошилмасдан тоблайти. Нимаики хоми булса — барини!

— Иззатги уяси экан-да?! — деди гўлдираб тинчимаган мулоҳазакор новча.

— Учир! — дея унга украйди қария.

— Э, яхши экан, менам пешлай ақлимни!..

— Жуда унғай! — энди Иноғом луқма ташлаётган йигитга норозиланиб қараб қўйди. — Мияси тарҳи оқилганини сезса кифоя... Ана, фил суягидан ясалган тутмача тайёр, шундоқ бармоғи билан нуқиласа... олам гулистон!

— Эринчоқлик қилса-чи? — яна новчанинг тили қичиди. — Ёки... уjarлиги тутса? Ҳар хил одам бор-да!

— Зарари йўқ, жойида қолаверади имтиёзи! — сузи бўлинганига хафа бўлиш урнига бирдан севиниб кетди Иноғом. — Мижоз булгандан кейин нозланади-да. Тантиқвойми, танбалвойми, фарқи йўқ, ёрти булса яна ҳам яхши, у шунақалар билан кўпроқ чиқишади. Шунақалар қиладиган эркалик инкорнинг бир тури, биласизки, айниқса руҳий инкор — яхшилик сари оғиш! Ана шу оғиш темиртан хоҳишига мувофиқ тушса нур устига аъло нурдир. Аниқроғи, икки уртада юзага келган тотувлик бугун ва дахлсиз бўлиши жоиз. Агар мижоз ором оғушида ётиб, маълум вақтда иқлимидаги музни эритиб улгурмаса, аста-секин иккинчи босқичга кучади...

Томоша аҳли, хаёл сураётирми, ҳайратдан қараб, билиш маҳол, лекин нигоҳлари ажаб манзарани куриб тургандек: бир дарёки, суви — сувмас, бол, афти-башараси тўнғиган ва соқоли кўрпалаган не-не кимсалар тамшана-тамшана унинг қирғоғига яқинлашар. Уша неъмат бир томчиси — мангу нажот!..

— Сулакайимни оқиздинг-а, баттол, — дея кафтини кафтига ишқалади Жобир Кирпи, — Менам мижоз булай бунга... Лекин... кучадаги учраган дарахтни бир тепсамми, беминнати дув-дув тўкилади.

— Э, ака, бунинг табиати нозик, ҳар қанақа ювиқсизни йулатмайди ёнига, — деди Иноғом унғайсизланиб.

— Шунақами? — деди тажанглиги тутиб янги нозир. — Унақада чертиб-чертиб танлаймиз-да, кейин келтирамиз. Маъкулми?

— Маъкул... Ҳа, бу анойи эмас. Кунгли тўлгандан кейингина бағрини очади, — лабини буриб қўйди Иноғом. — Аммо

сандиқ аломат... Қопқоғи очилган заҳоти мана бу қуллар ми-  
жозни эҳтиётлаб кутаради ва қурпачаси қушқават супачага ет-  
қизади. Маҳтал қилмай пар ёстиқли темир кунда хизматга кела-  
ди. Бош билан буйин қушалоқ жавоҳир гулдек иззатда! Дилда  
эса мангу роҳат ишқи! Кейин дейлик лаҳзанинг мингдан бир  
улуши!..

— Зур, зур! — деди Бо-бош қорнини силаб.

— Тажрибалар ҳам анча булган шекилли? — дея қизиқси-  
ниб суради Жобир Кирпи.

— Бу ҳақда кейин... Хуш, ниҳоят ҳосила... Шу йусинда  
Чархпалак мангу қийноқни таслим этади, — турган жойидан  
лоп этиб пастга сакради Иноғом, негадир зинадан тушгиси  
келмай.

— Бинойи, — деди Нишон Ғазара, қаддини ғоз тутиб.

— Тасаввур қилинг: лаҳзанинг мингдан бир улуши кифоя  
қилса-я атиги! — Иноғом Насимий овозидаги фахр оҳанги ало-  
ҳида жаранглаб эшитилгандай туюлди. — Фақат миждоз этади бу  
сир тагига. Анаву ойна қувур... тенги йуқ нарса: миждозни аяши-  
ни айтинг. Эҳ-ҳе, шунақа аяйди-ки! Қайси бири маъқул: лазер  
найзами ёки... Унақаси истаганча, бари денг жадвалга солин-  
ган. Танлаш завқидан ортиқ завқ борми дунёда? Менга қолса...  
Ҳа, шамшир унчамас, найзани бегона қилмасдим. Нега дейсиз-  
ми? Тугри мана бу ерга мойдай суртилади, ҳа, санчилмайди,  
суртилади. Кейинми? Кейин... Қайта тугилиш — янгиляниш!

Не ҳол руй бергани қоронги, лекин жамийки борлиқ сеҳр-  
ланмиш бу лаҳза...

Нигоҳлар тош қотган, юраклар гуё тухтаган...

Бо-бош билан Пулат Қосимий, қулларини орқаларига таш-  
лаганча, темиртан атрофини неча бор айланиб чиқди.

Аллатовур тошаётган Жобир Кирпи билан Али Шаҳобий  
жимгина айри тишларга термиледи.

Аста-аста қалтираётган Эсон Оқбута кузлари юмуқ...

Эснаб-эснаб қуяётган Гулбиддин унинг пинжида...

Нима завқли, нима аламли? Буни ажрим қилиш мушкул,  
гуё таранг тортилган тур ураган Саидбек Умар вужудини, у  
шогирди лаб-даҳанидан учаётган майин-майин калом маъно-  
мағзини чақиб-чақолмай лол-тирэн, дунё боқийлиги ва омонат-  
лигини англатувчи недир ҳис алам-ангиз бир дарду ҳасратга  
айланганча қақраб кетган томоғига тиқилиб қолган, шунинг-  
дек, ҳалитдан бери бир ғашлик аралаш шогирди гурлик либоси-  
ни ечиб улгурганини қайта-қайта эътироф этар, мен Чархпалак  
сир-синоатини билмас эканман, мабодо суз беришса расвои  
жаҳон қиларканман, деган уй миясини аёвсиз пармаларди.

Томоша аҳлини буткул асир қилганига инонган каби Чарх-  
палак бир наъра тортиб, бир силкиниб, қападек очилиб турган  
оғзини қайта юмди ва урғочисидан айрилган эркак шердек  
хурпайиб олди. Сокин живирлаётган баданида сонсиз жажжи-  
йирик чироқлар тулқин урди; оч-туқ яшил, кукиш-мовий, пуш-  
ти-сарик нурлар алангаси бутун борлиқни кумгандек эди. Учиға

сари юпқа-ингичка тортган хартум икки ёнида урнашган, гоҳ қизил, гоҳ жигарранг, гоҳ напормон порлаётган юмалоқ-буртиқ қушалоқ чироқ-куз айниқса жодули-таъқибкор эди. Шаксиз, ажиб тулқин-аланга пайдо қилувчи мосламалар темиртан кўрки ва салоҳияти нишонаси саналарди, зеро, буни Иноғом орага қистиришни унутмади, сунгра эътиборни остки қаватга қаратди. Ниҳоят, мижозни бағрига авайлаб босволган саодат сандиги гаройиб жиҳозлар билан безатилган хилватгоҳга шовурсиз тушиб кетиши ва ҳаялламай изига қайтишини алоҳида қониқиш билан таъкидлади. «Ура ҳақида индамаган маъқул, нимагаки якун сандиқнинг узида қарор топура!» — деди Иноғом нутқи охирида ва найсимон таёқни махлуқ биқинидаги илгалардан бирига илдирди...

Чиройи очилган Бо-бош қисқа ва мароқли ваъз қилди.

Кейин, Жобир Кирпи, совуққонлик билан, махлуқ умровига кафтини тираганча, мазкур ихтиро шу кунга лойиқ ҳодиса эканини, бора-бора тозарадиган ва ягона иттифоқ тузадиган руҳ билан тан ундан тоабат миннатдор булажагини изҳор қилди.

Устма-уст янграган қарсақларда юпанча мойил рағбат жам эди.

Чархпалак ҳайбат тукиб, қовоқ солиб турарди, гуё у каловланган қиефалар суврати ва сийратида баралла тантана қиларди, умрови-елкасида тикрайган калта-нозик симлардан элас-элас сас таралар: «Азалман, абадман! Шеригим — ёртилик!»

Сунг, ялписига олқиш бошланди, жазавали куй авжига минганда Иноғомни бардор-бардор қилишди. Лекин Саидбек Умар шогирдини қутлаб утирмади, задагирлик оғушида ташқарига жилди. Қуланка янглиғ липиллаётган паст-баланд дарахтларни оралаганча шитоб билан юра кетди. Изидан эса Носир ҳаллослаб келарди, лекин то хосхонасига кириб, оромкурсисига оғир чуккунга қадар унинг бетига қайрилиб қарамади...

(Давоми бор.)





# Тўд баргига Толиқи изтироб

Нозим Расул

Вақт суратига чизгилар

1

*Хаёлнинг ҳайратгир сиртмоқларида  
чалажон орзуи тебратар шамол.  
Туннинг овозсиз, ҳар нигоҳларидан  
тукилган қаҳрлар топади камол.  
Юракда ҳукми ҳақ — арзанда умид,  
узлигин тольёга суйдиrolмайди  
ва ё бахт қўмсаган чанқоқ тилларнинг  
чанқоғин бир лаҳза тўйдиролмайди.  
...Аламлар ўсади журъат қабридан,  
дунё гўзаллигин оҳорин бузиб.  
Умрим кечаётир хаёл дорининг  
қурбони — марҳум вақт суратин чизиб.*

Фалак чархи этади давом,  
 сассизгина чопади вақт ҳам.  
 Уттиз йиллик узликда фақат  
 насиялар бисёр, нақди кам.  
 Кунгул тўла орзулар, бироқ,  
 бари мажруҳ, барчаси ғариб.  
 Дунё рангин англамай, суқир  
 каби дилим кетарми қариб?!  
 Ёхуд ётмоқ қасдига тушиб,  
 хаёлларга берсамми изн?!  
 Изтироблар довонинг ошиб,  
 оқласамми умрнинг тузин?!  
 Ҳар кечада ёлғиз дамларим  
 шунинг каби кечади оғир.  
 Уйлар билан овора бўлиб  
 қолар яна бир орзум сағир...

Андижон

## Сайёра Шодиева

\* \* \*

Сирдошим тун, сирларимни олиб қолар,  
 дарддошим — тун,  
 дардларимга унсиз қулоқ солиб қолар.  
 Сирдошим деб билганларим, сирларимни ҳар ён сочди,  
 мени ташлаб қандай ўзга суқмоқларни истаб қочди?

Ҳар гал тундан кўрдим вафо,  
 ҳар тун менга муштоқ боқар.  
 Ёруғликдан из қолдириб,  
 оғушимга яна оқар.

\* \* \*

Қалбимдаги согинч тўлқини,  
 кўзларимга чиқди отилиб.  
 Тўсолмади тўлган паймонам,  
 томчи бўлиб кетди титилиб.

Гул баргига томди изтироб,  
 нафис гунча титради беун.  
 Сўлгин қалбим тафтини сездим,  
 йиғлаб чиқди у ҳам ўша тун.

Шаҳристон

## Бог ичра айлади макон

*Бог ичра айлади макон, гўзалликни қилиб даъво,  
На даъво? Даъвои жаннат! На жаннат? Жаннат ул маъво!*

*Қадди сарви тўкиб савлат, турар боғи чаман аро,  
На чаман? Чамани раъно! На раъно? Раънои аъло!*

*Лаъли лаби олай дер жон — ҳали очилмаган гунча,  
На гунча? Гунчаи лола! На лола? Лолаи хумро!*

*Сабо ҳазил қилиб тебратди ҳарён зулфи тобини,  
На зулфи? Зулфи сунбул ул! На сунбул? Сунбули яғмо!*

*Саҳар чоғи кўниб шохга, куйиб сайрар гул ишқида,  
На сайрар? Сайрар ул булбул! На булбул? Булбули гўё!*

*Гўзаллар ичида танҳо, ақл бобида фарзона,  
На танҳо? Танҳои дилбар! На дилбар? Дилбари доно!*

*Сани ёринг севар Исмаат, сен унга ошиқу вола,  
На ошиқ? Ошиқу маъшуқ! На маъшуқ? Маъшуқи барно!*

## Ташнаю зор қилди кўп

*Орази оли анинг, билса, харидор қилди кўп,  
Бўлмас ҳеч тезда фориг дардга гирифтор қилди кўп.*

*Сўзлагач лаъли лабидан сочилур дурру гуҳар,  
Ул бежо хуммор кўзи муштоқи дийдор қилди кўп.*

*Қошлари мисли камондир, киприги гўё ҳаданг,  
Боққанида қийналур жон, дилга озор қилди кўп.*

*Сўзласам сўзимда маъни, кўзларда хобим йўқ маним,  
Айланиб бошим ғамида гоҳ йўғу бор қилди кўп.*

*Шояд ул ташлаб нигоҳ, кўнглумни хушнуд айласа,  
Гўёки кўқдан шамс боқиб, шафқат шиор қилди кўп.*

*Кўп қилиб нозу тағофил дилида ранжу алам,  
Васлига ул Исмаатини ташнаю зор қилди кўп.*



## Аяма илтифотингни

*Аё дилбар, киши зоти пари дер, асли зотингни,  
Парилар сардори сенсан, аяма илтифотингни.*

*Фироқинг догида куйган гарибу нотавондирман,  
Гариб кўнглумни шод эт, кўрсатиб меҳри саботингни.*

*Қаён борсам сенинг ёдинг билан доимо уйгоқман,  
Чиқарман ҳамиша дилдан зикр айлаб тилда отингни.*

*Паришон айлама зулфингни ҳуснингга ниқоб айлаб,  
Куриб юзинг, сўрай бирров лаби қанду навотингни.*

*Бу ораз йўлида бутун ҳаётим баҳшида этгум,  
Тараҳҳум айлаю тутма дариг ҳусни закотингни.*

*Агар кулбамга қўнсанг, сен, бахт қушим — ҳумойимдек,  
Бошимга соя солсанг не бўлур ёзиб қанотингни.*

*Ҳамиша барқарордирсан, ки, бу ишқ йўлида Исмат,  
Бекорга ўтди деб билма, шайдои умри ҳаётингни.*

Қамаши

## Оймома Обидова

\* \* \*

*Нафас олсам ҳуш бир наво  
томоғимга илашади.  
Бошгинамда бу не гавго —  
баркашдай ой керишади.*

*Тузиб кетди сочим бирам,  
тароғимни угирлади.  
Куйлагимни тортар эрмак,  
ғижим жойин туғирлади.*

*Адашиман ойнинг... беун,  
ҳаяжонга солар исмим —  
негадир жим хурсинар тун,  
секингина кўзин қисди.*

\* \* \*

*Кўпчиган тупроққа илк қиров тушди,  
Кулмакчалар юзи қатқалоқ муздир.  
Нам тортган борлиқни кесиб ўтар ел,  
Рух сўник. Қарға-зоғ учиб-қўнган ер.*

*Ҳеч қурса... мана, сен фаришта гўё,  
Туман янглиғ чексиз ҳур рўё.  
Кетдинг... Хуш — ганимат?! Сукунат эзди,  
Бепарво, бенаво хазон боғ кездим.*

\* \* \*

*Оғоч — оғам сира хўмрайгани йўқ,  
Новдалар гирдида ўрқач яширин.  
Осмон пасаймади, кичраймади ер —  
Кутилмаган бахтнинг лаҳзалик сайри.*

*Лаззатланиш гуноҳ, ҳис қилмоқ оғир,  
Тилим гунг, қулоқ кар, ақл-хуш учди.  
...Ҳеч нима бўлмади, гўё ҳеч нима,  
Юрак бир бор фақат талпиниб тушди.*

Тошкент

## Аббос Малик

\* \* \*

*Биз — сени мен  
паралел текисликда  
яшайтирмиз,  
Бир-биримизни  
фақат рўбарўдаги  
ёриқдан кўрайтирмиз.  
...Қўққисдан,  
икки олам  
бир-бирига  
чатишиб кетар.*

\* \* \*

*Юлдузлар рақси  
бунда кўриниб турар,  
Мен сендан баландман,  
эй улкан тоғ.  
Жуссам қанча бўлмасин кичик,  
шундай юксакликка  
кўтарилмоқ учун,*

мен енгдим  
қўрқоқлик кучин.  
Улкан тоғ,  
сен мени меҳрибон  
парда сингари  
қадоқ кафтингда  
тутиб турибсан.

\* \* \*

Мен билан сўзлашар  
оҳиста-оҳиста  
боғларим —  
у тирик.  
Замин ҳароратидан  
қут-баракага  
у лиммо-лим.  
Менга тутган шохларин —  
ўрик, шафтоли... ушла...  
...шаббодалар сўзлайди секин  
она заминга:  
меҳр ҳақда,  
муҳаббат ҳақда.

Денов

## Фаридахон Ҳусаинова

\* \* \*

Ҳаёт синоатли тош кўча, сўқмоқ,  
Муҳаббат — бир синов, ҳислар эланар.  
Муҳаббат, ўт-олов ҳавасларинг ёк,  
Юраклар кулча нон ўтда тобланар,  
Оташлар тилида сўзлаш мен билан!

Ҳаёт тегирмонин тошлари оғир,  
Тоғдек бардош даркор кўтармоқ учун.  
Пасткашликни курсанг юрагинг оғрир,  
Ўзинг ва ўзлигинг кўтармоқ учун  
Чўққилар тилида сўзлаш мен билан!

Тоғлар не, самода хаёл-қушларим,  
Поклик оҳоридан олурлар сабоқ.  
Қалбим нурлантирган ойдин тушларим,  
Эртамни ёритган ёғдули маёқ,  
Хаёллар тилида сўзлаш мен билан!

*Ялпизлар нафаси урган қалбимда,  
Тўрт фасл орзулар гуллайди интиқ.  
Шўх дарё мавжидай юрак зарбимда  
Агар ҳамдам бўлиб сўзлолсанг, рафиқ,  
Кўкламнинг тилида сўзлаш мен билан!*

*Қалбнинг афсонавий сим-сим эшиги,  
Тиниқ туйгуларга очилур, илло.  
Аллалар туш кўрса бахтнинг бешиги,  
Десанг орзулардан бўлмайин жудо,  
Қалдирғоч тилида сўзлаш мен билан!*

*Маккорлар макридан юраклар тўлиб,  
Кўзим дарёсидан тошганда ёмғир.  
Юзимни қуритиб, юпанч сўз бўлиб,  
Мудраган умидни уйғотган шоир,  
Шамоллар тилида сўзлаш мен билан!*

\* \* \*

*Излай-излай топганим — сен, кўнгул қушим,  
Сархуш оқшом энтиктирган ширин тушим,  
Қўлларимда учирганим қизғонч қушим,  
Нега бошинг қуйи эгдинг, сунбулгинам?*

*Ураб олай дедим сени сиймлар билан,  
Йўлларингни тўсдим чунон чимлар билан,  
Бизни ташлаб кетдинг, охир, кимлар билан,  
Нега бошинг қуйи эгдинг, сунбулгинам?*

*Аёзларга қўймадинг-ку қайгуларинг,  
Тақдир дея топширмадинг туйгуларинг,  
Пардек енгил эмас эди орзуларинг,  
Нега бошинг қуйи эгдинг, сунбулгинам?*

*Қайрағочлар қасдлар қилиб йўлинг тўсди,  
Йўлларингдан адашмадинг, кўнглунг ўсди,  
Қай тошбағир бугун сенинг гулинг узди,  
Нега бошинг қуйи эгдинг, сунбулгинам?*

*Қор, шамолда қолдингми сен, нозик гулим,  
Гулбаргларинг тўкилдими ўнгу сўлим,  
Гуноҳсиз руҳ, охир, билсанг топмас ўлим,  
Нега бошинг қуйи эгдинг, сунбулгинам?*

*Кўзон*

# Самад Худойназар

\* \* \*

Куйдириб кетади недир бугзингни,  
Дийдангдан тукилар гамлар беҳисоб.  
Хазон — дард қоплаган эски изингни,  
Унутмогинг азоб, қайтмогинг азоб.

Тобора жонланар улик хотира,  
Туйқусдан тошлар ҳам киради тилга.  
Ўтмиш йўлларидан кетолмай сира,  
Хаёл денгизлари чорлар тубига.

Мовий кенгликларда қурасан қаср,  
Шоҳона яшайсан, яна гуллайсан.  
Жамолингга этиб дунёни асир,  
Тагин дунёлардан нима излайсан?!

Қаршингда сўқмоқлар сукунат ва дам,  
Уйингдан уйингга кетасан ҳориб.  
Борлигингни ёқиб юборар бир гам,  
Дунёда ёлғизсан, сен ҳам бир гариб.

\* \* \*

Хотирам гам чекиб титрадинг дир-дир,  
Эзгилаб бағримни ўртадинг жим-жим.  
Урик гулларидек тукилиб бир-бир,  
Кўксимдан узилиб оқдинг сен сим-сим.

Қисмати тун бўлиб туйилди галат,  
Ойлар дийдамга бир чайилиб олди.  
Сендан нима қолди ширин муҳаббат,  
Еллар пойимга бир сочилиб олди?!

Кун чиққан кучада беркинди изинг,  
Қайдан излаб топай мён энди сени?!  
Шодлигим сен эдинг, борлигим ўзинг,  
Муҳаббатим менинг, осмоним менинг!..

Шаҳрисабз



ОЛМОС

# ЗИЛЗИЛА

## Бадна

1966 йил 26 апрелга ўтар кечаси кичик ўғлим жуда нотинч бўлиб, йиглаб, ҳеч ухламади. У тўрт ойлик эмизикли эди. Дадаси, акасини уйготиб юбормасин, деб бошқа хонага олиб чиқиб, бағримга босиб, у ёқдан-бу ёққа юраман. Иситмаси йўқ, қорни огридимкин, десам ҳеч бадҳазм нарса еганимни эслолмайман.

Тонгга яқин негадир атроф-ҳовлиларда итлар ҳура бошлади.

Шу маҳал атроф бир зумгина ёришиб кетгандек бўлди-ю, биринчи қаватдан (биз иккинчи қаватда яшардик) гумбирлагандек овоз келди. Поездда кетаётгандек бўлиб қолдим. Нима кечаётга-

---

Ота билан фарзанд...

Олмос опа 60 ёшга тўлибдилар. Лекин отаси Гафур Фулом ҳақида кўп нарсалар ёзган адиба ўзига тегишли санада ҳам — ўзи эмас, шу кунлар падари бузруквори таваллудига 95 йил тўлгани тўғрисида кўпроқ ўйлайди. Улкан адибни яна бир қур эслагиси келади.

Давр шиддатли. Аёвсиз. Лекин Гафур ака ижодига ҳам, унинг ҳаёти акс этган ҳикояларга ҳам ҳали қайта-қайта мурожаат қилинажак. Шубҳасиз!

Адабиёт ҳеч қачон ўзи учун хизмат қилган инсонларни унутмайди...

ТАҲРИРИЯТ

нини тушунмасдим. Кўрққанимдан қайта ётоқхонага кириб, ўрнимга ётиб олдим. Дадасини уйғотмоқчи эдим, уйгоқ эканлар.

Залдаги, ошхонадаги идишлар жаранглаб тушиб синар эди.

Аям, дадамга телефон қилиш ниятида гўшакни кўтарсам, телефон ишламайди. Ер шиддат билан у ёқ-бу ёққа бориб келаётгани сезиларди...

Қудрат ака ҳам ўринларидан туриб, апил-тапил иш кийимларини кия бошладилар-да, менга:

— Болаларни иссиқроқ кийинтиринг, керакли нарсаларни олиб, ҳовлига тушамиз, — дедилар.

Қўлимга нима илинса, олдим. Жўрабек йигларди. Дурбекни уйғотиб, кийинтирсам, уйнаб келамиз шекилли, деб хурсанд. Мен Дурбекни етакладим, дадаси Жўрабекни. Кўчага тушягмиз, зиналар худди бир-бирининг устига чиқиб кетаётгандек қимирлар эди. Ҳовли тўла одам, қий-чув...

Қудрат ака болани қўлимга бериб, сумкани ерга қўйдилар-да, қайтиб яна квартирамизга кетдилар. Орқаларидан:

— Қудрат ака, борманг! — дедим.

— Ҳозир, Жўрабекнинг аравачасини олиб чиқай, — деб йўлакка кириб кетдилар.

Ҳовлидамиз-ку, оёқ остимизда ер тўлғониб-бориб келаётгани билиниб турибди. Қудрат ака тезда чиқавермадилар. Аллақанча вақт ўтгандан сўнг аравачани ичи тўла нарсалар билан кўтариб тушдилар.

— Хайрият, мунча қолиб кетдингиз, хавотирда ўлиб бўлдим!

— Ер қимирлаш тўхтагунча болаларга керак бўлар, деб ҳолодильникдаги егуликлардан олиб чиқдим... Мен ишга бориб, сизга машина юбораман. Арпапояга борасизлар, у ер бехавотир.

Қудрат ака болаларини ўпиб-кучоқлаб, мен билан ҳам урушгани, узоқ сафаргами кетаётгандек хайрлашдилар. Мен йиғлаб юборгудек эдим.

Ер ҳануз важоҳат билан қимирлаб турибди. Дурбек, қорни очдими, хархаша қила бошлади. Эски пальтомни кийган эканман, чўнтагида озроқ пул бор экан. Ёнимиздаги бозор (ҳозирги Аския бозори)га борсам, бирор нарса олиб бериб тинчитсам, деб турган эдим, шу вақт Миша амакининг машинаси кўринди. Машина тўхтар-тўхтамас ичидан дадам тушдилар. Узоқ учрашмаган одамлардек кўришдик.

Дадамнинг кўзлари бошқача эди, уларни бу аҳволда аввал ҳеч кўрмаганман. Қарашларида кўрқувми, ҳаяжонми, ваҳимами... Айтолмайман.

Дадам Ҳабиб ака, Йўлдош ака, бошқа кўшнилари билан иссиқ кўришиб, астойдил сурашдилар, уларни уйга таклиф қилдилар.

Уйга етиб келганимизда дарвоза очиқ эди. Ҳамма, салқин бўлишига қарамай, ҳовли ўртасидаги сўрида ўтирибди. Иссиқ қишқи кийимлар кийиб олишган. Аям кўришиб, қўлимдан Жўрабекни, келиноним кийимлар солинган сумкани олдилар.

Ҳамма билан кўпдан бери кўришмагандек саломлашдик.

Дурбек хурсанд, уйнагани келдим, деб у жияним Анварга алланималарни тушунтирарди.

Мирза Абдулқодир билан Хондамир ҳовлидаги сўриларга кўрпачалар солишди.

— Дадамга чой беринглар, кайфиятлари яхши эмас, — десам, аям:

— Жим, даданг кўрқиб кетдилар, ҳеч бало-қазо, уруш-қиргиндан кўрқмаган эдилар, сизларни уйлаб кўрқдилар, — дедилар сепкингина.

Дадам чала-чулпа чой ичган бўлдилар ва:

— Муҳаррамхон, мен бориб Холиданинг бола-чақасидан хабар олай, — дедилар. Аям:

— Ҳа, албатта, болалари билан уйга олиб кела қолинг, — дедилар.

Дадам жўнаганларидан сўнг кўни-кўшнилар хабар олгани киришди. Улар ваҳимали хабарлар айтишарди.

Шу зайдда ҳали қариндошлар, ҳали ёр-биродарлар хабар олиб туришди. Тушликка яқин дадам келдилар. Аям мастава пиширган эдилар, сўрида ичдик. Мен зимдан дадамга қараб ўтирар эдим. Аям сўради:

— Холида уй-ичи билан тинч эканми?

— Худога шукр, фақат уйининг деворлари ёрилган, идишлари синипти, Шокир (кўёв) ишга кетипти.

— Нега болаларни олиб келмадингиз?

— Ховлидаги бир қаватли олди очик айвонда ўтиришипти — бехавотир, ейиш-ичишдан камлик йўқ! Майда-чуйда олиб бориб бердим, ичкарига кирманглар, деб тайинладим. Мирза Абдулла ака, Гулом ака, Саломдан (Қорасаройдаги кўшнилариимиз), Тулаган акадан хабар олдим. Обид (ёшликдаги дўстлари)никига ҳам кирдим, ҳаммалари соғ, уйлари шикастланган, холос.

Дадам сукут сақладилар. Сўнг кутилмаганда:

— Ҳозир Ойбекникидан хабар олиб келаман, — деб қолдилар.

— Мен ҳам борай.

— Болаларинг-чи?

— Жўрабек ухлади. Дурбекка аям қарайдилар...

Дадам рози бўлдилар.

Ойбек домланикига борсак, домла ҳовли ўртасида кресло кўйиб, кучага қараб ўтирган эканлар. Дадам иккалалари кучоқлашиб кўришишди; кўзлари ёшлиг, нималарни уйлашди, билмайман. Улар сўзлашишмаса ҳам бир-бирларини яхши тушунишар эди.

Зарифа опа уйда эканлар. Ҳол-аҳвол сўрашдик. Опа ошхонага кирмоқчи эдилар, дадам:

— Йўқ, овора бўлманг, зилзила тинсин, сўнгра бир отамлашамиз, — дедилар.

Ойбек амакининг юзи ёришиб:

— Гафур, яхши, яхши! — деб юбордилар.

Одамларни тахликага солган кулфат ҳақида анча гурунглашдик. Кейин, қадрдон хонадон билан хайрлашиб, марказ томон келдик. «Молодая гвардия» кино-театри ёнидаги кўчадан Карл Маркс кучасига ўтиб кетмоқчи эдик (ўша ерда болалар касалхонаси бўларди), кўча беркитилгани, касалхона томи босиб қолгани сабабли болалар қайсидир пионер лагерига кўчирилаётганини айтишди. Болалар ичида шикастланганлар ҳам бор экан. Оёқ-кўли, бошлари бинтланган ўғил-қизларни замбилда олиб чиқишарди.

Шу маҳал яна қаттиқ ер қимирлаб, мўрт бўлиб қолган бино кўз ўнгимизда уваланиб кулай бошлади.

Дадамнинг авзойи баттар бузилганди. Уйга келсак, Жўрабек уйқудан туриб инжиқлик қилаётган экан. Мухтор, Юлдуз, Анвар



(Улугбек акамнинг фарзандлари, жиянларим), Тошхон (синглим), Дурбек сўрида ўйнаб ўтиришибди.

Яна шиддат билан ер қимирлади, шунгами Жўрабек инжиқлик қилар, ҳеч овулганга кўнмас эди.

Дадам тинчгина овқатланиб олсинлар, деб ҳовлининг у четида, эски ошхона ёнидаги сандалда ўтирдим. Жўрабекни эмизмоқчи бўлардим, у эммай бўғилиб йиғларди.

Энди билсам, қаттиқроқ силкиниш олдидан инжиқлик қиларкан. Кўзларини у ёқ-бу ёққа тикиб жовдирарди. Мен уни юпатиб:

— Ухла, алла қил, ҳеч нарса бўлгани йўқ, — десам, ухлаб қолар, аммо замин гулдираса, уйғониб яна инжиқлик қиларди.

Уйимизнинг иккинчи қаватида жойлашган дадамнинг ишхоналари (ҳозир музей биноси) девори ярмигача қулаб, олди очиқ айвон томини босиб тушганини кўрдим-да, қўриб кетдим. Уша ер илгари айвон эди, дадам кейин —50-йилларда девор урдириб, ишхона қилувдилар. Эсиз, яқиндагина таъмирдан чиққан эди, дадам яна уринар эканлар-да, деб ўйладим.

Кеч кира бошлади, ҳамон ора-орада ер қимирларди. Аям билан дадам қариндошларни кўриб келишга кетишган. Акам иккита палатка (капа) олиб келдилар.

Укаларим, ҳориб-чарчаган, ҳаммаёқлари чанг — университет топшириги билан харобага айланган ўйларнинг қурилишга яроқли гиштларини йиғишибди. Акам укаларим билан ҳовли ўртасида иккита палатка ўрнатишди. Биттаси — мен, болаларим, Қудрат ака учун, иккинчиси — укаларимга.

Акам-келинойимлар сўрида пашшахона тутиб ухлайдиган бўлишди. Дадамга мўлжаллаб гулзор ўртасида ҳар доим ёзда ётадиган сим каравотларини кўйдик, чиройли урин-кўрпалар тушадик. Каравотлари ёнига кичик стол кўйдик. Ўзларига керак ҳамма нарсалар: папирос, гугурт, кулдон, чойнак-пиёла, рўмолча, кўзойнак, китоблар, янги газеталар, кўл фонари жам бўлди.

Дадам ва аям аммаларимникидан келишди. Ҳаммалари соғсаломат экан, уй-рўзгорлари бирмунча шикастланганини айтмаса, зилзила ҳаммага келган «тўй» дейишипти. Чироқ бўлмагани учун ўртага шам кўйиб, овқат ейилди. Болалар уни неча бор йиқитиб юборишди.

Ер ҳамон қаттиқ-секин қимирлаб турар эди. Юраклар шунга ҳамоҳанг безовта урарди.

Уй ичидаги керакли нарсаларни укаларим чаққон олиб-чиқиб туришарди, агар сал ҳаяллаб қолишса кўрқувдан юраклар ёрилгудек бўларди.

Кечаси, бир ёқда зилзила ваҳимаси, бир ёқда Жўрабек инжиқлиги, бир ёқда совуқ, жой ўзгаргани, ухлай олмадим. Минг азобда тонг оттирдик.

Палаткадан чиқсам, дадам аллақачон уйқудан туриб, дўстларидан хабар олгани кетган эканлар. Бозор қилиб, иссиқ нон, қаймоқ олиб келиб қолдилар. Салдан кейин дядя Миша ҳам келди.

Катта стол сўри ёни (сариқ гилос таги)га кўйилди. Атрофида оила аъзоларимиз сигадиган жой қилинди. Дастурхонга ширгуруч кўйилди. Лекин узоқ ўтирилмади. Акам билан Қудрат ака ишга жўнашди, дадам билан аям қариндошларни кўришга, укаларим — Хондамир билан Мирза Абдулқодир (уйда Мирза дердик) бўзилган ўйлар гиштини йиғишга, келинойим академияга борадиган бўлишди.

Мен Тошхон бошчилигида болаларга қарайдиган бўлдим. Олия опа овқат қилади. Ҳаммининг вазифасини дадам аниқлаб бердилар.

Дадам аям билан тушликка яқин қайтишди. Кариндошлардан хабар олишибди. Аям Алишер Навоий номидаги опера ва балет театри майдони, фаввора атрофида яқин-йироқдаги уйи бузилган кишилар палатка ўрнатиб яшаётганини айтдилар. Дадам одамлар бошига тушган кулфат юракларига оғир юк бўлиб тушаётганини айтиб қайгурдилар. Уша палаткаларда тирикчилик қилаётган хотинлар керосинкада овқат пишираётганини, бир бола ғиштдан «стул» ясаб, табуретка устида дарс қилаётганини кўриб қолган дадамнинг кўзлари ёшланган...

Зилзила кунлари шу зайлда қандайдир кўнгилсиз ўтарди. 9 май куни худди 26 апрелдагидек қаттиқ ер қимирлади. Офат чекинмоқда, деган хаёлда эдик, умидимиз чил-чил бўлди. Қайтадан ваҳимага тушдик. 10 майда дадам пайгамбар ёшига тўлдилар. Юртга ош бермоқчи эдилар, мислсиз ташвиш билан бўлиб, ваъдалари хаёлларига ҳам келмади, аниқроғи, тўй кўнгилларига сигмади. Ҳар эҳтимолга қарши ўзлари яхши кўрадиган дўппидан олиб қўйган эдим, эрталаб кийгизсам, асабийлашиб:

— Шов-шув қилма, ҳозир туғилган кунни нишонлайдиган вақт эмас, — дедилар.

Аямни ҳам шу мазмунда огоҳлантирибдилар. Лекин аям кечга яқин оила аъзоларимиз учун дастурхон тузадилар. Музаффар акам (тоғам Муҳитдин Хайруллаевнинг ўғиллари) келди. Алламаҳалгача гаплашиб ўтирдик. Музаффар ака сал аввалроқ фарзанд кўрган эди. Суҳбат асноси у: «Ўғлимнинг отини Муҳитдин қўймоқчимиз», деб дадамга маслаҳат солгандек бўлди.

— Музаффар, яхшиси Зилзилабек тўхтасин қўйгин, зора савил қолгур тинчиса! — деб дадам ҳаммани кулдирдилар.

Шундан кейин дадамнинг чеҳралари сал очилиб, ёшликлари ҳақида, ўша вақтларда рўй берган ер қимирлашлардан ҳикоялар сўйладилар. Кейинчалик айтиб берган воқеаларини «Ватандошларимга тасалли» мақолаларига киритдилар.

Зилзила бошланганига бир оилар бўлай деб қолган эди, дадамнинг соғлиги тўсатдан ёмонлашди. Жабрдийда кишиларга ёрдам қўлини чўза олмагани у кишини эзар эди.

Дадам шифохонада аям билан бирга ётдилар. Лекин узоқ даволана олмадилар. Халқ бошига шундай оғир кунлар тушганда «касалман» деб ётишга юраклари чидамасди.

Дадам 1966 йили 21 июн куни «Ватандошларимга тасалли» мақоласини ёзиб бўлдилар. Бу мақола «Совет Ўзбекистони» газетасининг 22 июн сонисида эълон қилинди.

Ўша кезларда дадам Шайх амаки, Яшин ака, Миртемир домла, Абдулла ака ва бошқа таниқли ижодкорларгина эмас, номи ҳали ҳеч кимга маълум бўлмаган, ижод остонасига энди қадам қўяётган келажаги бор ёшлардан ҳам хабар олиб турганлар...

Украина ёзувчилари, ёрдам тариқасида бўлса керак, бир гуруҳ ўзбек адибларини Кўктебел ижод уйида дам олишга таклиф қилди.

Шу баҳонада дадам билан аям 1966 йил 22 июн куни Қора денгиз бўйидаги машҳур оромгоҳга дам олгани кетишди.

Лекин дадам 24 июн куни Қозонда бўлиб, Абдулла Тўқайнинг 80 йиллигида қатнашишлари, ҳатто юбилейда маъруза қилишлари лозим эди...

Куктебелга етиб боришгани ҳақида телеграмма олдик. Тезда жавоб хат ёзиб юбордим. Марказий газеталарда Абдулла Туқай юбилеи очилгани ва бир гуруҳ ёзувчилар қаторида дадам ҳам қатнашганлари ҳақидаги хабарни ўқидик. Маълум бўлдики, дадам соғ-саломат эканлар, кўнглимиз тинчиди.

3 июл куни эрталаб Қудрат акам мени туғилган куним билан табрикладилар-да (эсимдан чиқиб кетган экан), кечқурун акам келиноним ва болалари билан келишларини айтдилар.

Соат ўн бирлар бўлиб қолган эди, болаларга овқат едираётсам, кўча эшиги очилиб, кимдир кирди, қўлидаги жомадон кўзимга иссиқ кўринди. Ниҳоят, дадам кириб келдилар.

Мен болаларимни ҳам унутиб, пешвоз югурдим, хурсанд бўлиб кетдим. Дадам мени бағирларига босиб, пешонамдан ўпдилар. Хурсанд овозда:

— Олмос бекач, туғилган кунингизга етиб келдим, — дедилар.

Мен, хурсандлигимдан нима дейишни билмай, эшикка қарайман, аям ва укаларим кўринмагач, маъосланиб суриштирдим.

— Улар ҳали дам олишяпти. Сизларни жуда соғиндим, Мирзадан хавотир бўлиб, келавердим, онанг билан укаларингни бирикки кундан кейин бориб олиб келаман.

Дадам болаларимнинг бирини кўйиб, бирини кучоқлаб ўпадилар. Журабекни «жижинг» деб эркалаб, қитиқлаб кўядилар, у қиқир-қиқир кулади. Дурбек опоқдадасига ёпишиб олиб, нуқул гап сўрайди.

Хувиллаб ётган ҳовлимиз бир пасда тўлди-қолди.

Чой қилсам ичмадилар. Сабзи шарбати бердим. Яна гулзор уртасидаги сим қаровлда чиройли жой қилдим, дам олсинлар, дедим. Уйга чопиб кириб, яхтак-лозимларини олиб чиқдим. Қаравотга ёнбошлаб:

— Журабекни бер-чи, — дедилар.

Журабек олти ойлик ширин бола бўлиб қолган эди. Дадамга ўхшарди. Дадам Журабекни эркалаб, унга шоколад тутдилар.

Шу маҳал у иштончасини ҳўл қилиб юборди, дадам кулдилар:

— Ол-е, эркатойингни, бобосини қўлида ҳам беадаб қилиқ қиладими одам...

У шўхлик қилиб, қўлимда ирғишларди. Дадам хурсанд ҳолда:

— Мош, биласанми, ўғлинг менга ўхшайди, энди мен кетишим керак, — дедилар.

Мен бу гапларига парво қилмай, тоза яхтак, тоғорада илиқ сув олиб келдим. Болаларни Олия опага бериб, дадамни ювинтирдим. Оёқларини чайиб, юмшоқ сочиқ билан артиб кўйдим. Тоза яхтакни кийиб, қайтадан ётаётиб:

— Энди дам оламан, қолган гапларни кейин айтаман, — дедилар.

— Дада, нима овқат қилай?

— Узларингга нима ёқса, ўшани қил.

Олия опа қайнатма шўрва солди. Мен ош тагини қовуриб кўйдим. Ҳаво иссиқ, дарахтлар сояси бўлмаса ҳовлида туриб бўлмайди. Ҳаммаёққа сув сепдим. Сув бирпасда қуриб қолди.

Дадам лоҳас бўлдиларми, ухлай олмадилар.

Болаларим йиглаб, тўполон қилиб, дадамни уйғотиб юборишмасин, деб уларни ҳовлининг нариги чеккасидаги лой супада ухлатган эдим. Аммо дадамни ер силкиниши уйғотиб юборди. Ҳовлини айланиб юрдилар, кўнгиллари айниб, беҳузур бўлаётганини

сездим. Қатиқ келтирдим. Ичмадилар. Оғизларини чайиб, «Казбек» чекдилар.

Мен таскин беришга уриндим:

— Дада, денгиз буйида дам олатурмабсиз-да. Тошкент жуда исиб кетди. Зилзила пасайган бўлса ҳам тўхтамаяпти. Узоқ йулда анча чарчабсиз. Шўрва ичиб, тиниқиб ухлаб олсангиз, ўзингизга келиб қоласиз...

— Қозондалигимда, Тошкентда қаттиқ ер қимирлади, шаҳар вайрон бўлиб кетди, деган ваҳимали гапни эшитиб, сизлардан хавотир бўлиб ҳеч тура олмадим. Телефон қилай десам, алоқа узилган экан, баттар хавотир бўлдим. Одессага бориб аэропортданок телефон қилсам у ерда ҳам алоқа узилган экан. Онангга айтмадим, уз кўзим билан кўрай, деб келдим. Тинч экансизлар, бир-икки кун дам олай, уларни ўзим бориб олиб келаман. Онанг ҳам кетаман деган эди. Энди яна қачон насиб қилади, бир келибсизлар, денгизда чумилиб яхшироқ дам олинглар, дедим-да... ташлаб келдим, — дадам кулиб қўйдилар. — Тошкентга келсам, хайрият зилзила анча шаштидан тушган экан. Таксида шаҳарни айландим. Аэропортни кўриб, кўнглим анча равшан бўлди. Анчагина янги уйлар битай деб қолипти, кўрдингми?

— Каёқда, невараларингиз билан бўлиб...

— Одессадан телеграмма берган эдим.

— Олмадик, келишингизни билсак, кутиб олардик.

Кечга яқин ҳовли яна ҳам исиб кетди. Уйлар ичи ҳовлидан салқинроқ, лекин, у ерга киринг, дейишга кўрқаман, ер қимирлаб турибди.

Мирза келиб қолди. Азиз кишисини кўриб, жуда хурсанд бўлиб кетди. Ачомлашиб, кўтариб олиб, йиқитиб юборай деб кўришди. У чиройли, бақувват, серсбч, дадамнинг ёшлиқдаги расмларига ўхшар эди. Дадам гурур билан унга қараб турардилар. Кеч кирди. Сув сепилганига бироз салқин тушди. Олия опа болаларни кўлга олиб кетди, салқинлаб келишади. Дастурхон тўзаб; ош дамладим.

Ҳаммамиз жам бўлиб, овқатландик. Разм солиб ўтирсам, дадам ҳеч нарса емадилар.

Дастурхонни йиғиб олдим. Дадам ётмай ҳовлини айланиб юрдилар. Сўнг сўрида ўтириб:

— Олмос, қара, ҳаммаёқ жуда чиройлик-а? — дедилар.

Ростдан ҳам шундай эди, чироқ нурида кўм-кўк барглар орасидан қип-қизил олчалар, сап-сарик гилослар осиб қўйилган маржонга ўхшаб кўринарди, атрофдан райҳон иси келарди.

— Кел, шеър ёзамиз, — деб қолдилар кутилмаганда.

— Ҳўп, — дедим.

Машинкани олгани кабинетларига кирган эдим, ер қимирлаб қолди. Машинкани ола-сола қайтаётсам, дадам мен томон яланг-оёқ келяптилар.

— Кўрқмадингми?

— Йўқ, дада, ўрганиб қолдим.

Машинкани столга қўйиб, очдим, қоғоз солдим-да, чеккасига «Ғафур Ғулом» деб ёзиб қўйдим.

Дадам сўрида парқу ёстиққа ёнбошладилар.

— Айтинг, ёзаман.

— Э, машинкангни чиқиллатдинг, шеър айтгим келмай қолди.

— Бўпти, қалам билан ёзаман, айтаверинг.

Юзларида ҳаяжон ифодаси...

— Атрофга қара, шундай жаннатни ташлаб кетиб бўладими?  
Мен ўзимни тушунмаганга олдим (баъзан шунақа ҳазиллашиб кўяр эдилар).

— Қаерга кетамиз, ўтирипмиз-ку?!

Шу маҳал Жўрабек йиглаб қолди.

— Бор, болангга қара, математик (ҳалиги гапни тушунмади, деб ўйладилар), таги ҳўл бўлдими, қорни очдимми?

— Қорни тўқ, Қудрат ака қарайдилар. Шеър ўзмаймизми?

Гашлари келди:

— Эркак кундузи ишлаб келсин, кечаси болага қарасин. Тавба!  
Бор, ўзинг ухлат. Мирзага айт, эрталаб Мустафони айтиб келсин, қариндошлардан хабар олай!

Мен хайрли тун тилаб, бетларидан ўпиб, елкаларини силаб, палаткага кириб кетдим.

Вақтли турдим деб ўйласам, дадам аллақачон уйғониб, кўча машинасида Кўкча бозоридан қаймоқ, янги чиққан чиллаки узум, хандалак, болаларга хўрозқанд, қоврилган жўхори олиб келибдилар.

Дадам мен тайёрлаган шарбатларни ичмай, Тошкент суви сўрадилар. Тугаб қолган эди, тезгина бозор олдидаги гастронимга бориб, олиб келсам, ичкари ётоқларига кириб, ўз каравотларига ётиб олиптилар.

Иш орасида секин оёқ учида уйга кириб, хабар олиб кетаман, пиш-пиш ухлаптилар. Фақат овқат емаганлари мени хавотирга солади-ю, лекин авваллари ҳам шундай буларди-ку деб, ўзимни тинчлантирман. Аямларга хат ёзиб, Олия опадан почтага бериб юбордим.

Кун кеч бўлди. Мирза келди. Дадам овқат емай фақат маъданли сув ичаётганини хавотирланиб айтдим.

— Дўхтир чақиринг, — деди.

Эрталаб дўхтир соат ўн бирга яқин келди. У дадамни синчиклаб текширди, ниҳоят қайтаркан, албатта стационарга ётқизиш керак, асаблари жойида эмас, юраги тахикардия, жигари шишган, жуда ҳолсизланган, устига овқат емабди, деб куюниб гапирди.

Дўхтирни кузатиб, Жўрабекни Олия опага бериб, олдиларига кирдим.

— Дада, жой бўлса бугун ётасизми?

— Бугун эмас, эртага, бир ўзим ётмайман, пиримни чақиртиринглар, бирга ётаман...

Дадам ургутлик таниқли олим Қўтбиддин эшонни пир тутган эдилар. Қўтбиддин эшон Соғбон кўчада яшарди. Мирза бориб, тополмай қайтди. Эшон хотини, бола-чақасини кўргани Ургутга кетган экан.

— Дада, акангиз Рисқи қори амакимларни айтайлик, бирга ётинглар, — деди Мирза. Дадам рози бўлдилар.

Кечга яқин телефон ишлаб қолди, ҳамшира қиз стационарда жой тайёрлашганини айтди. Кечқурун акам келдилар. Дадам стационарга ётаётганини эшитиб:

— Опамларни (аямларни) чақирайликми, келсинларми? — деб сўрасалар, дадам:

— Йўқ, мен стационарда узоқ ётмайман, уч-тўрт кундан кейин сал ўзимга келай, Одессага бориб улар билан дам оламан-да, бирга олиб келаман, — дедилар.

Дадамларнинг хоҳишларини қайтариб бўлмас эди.

Яна ҳовлимиз ҳувиллаб қолди. Қапалар кўзимга шунақа хунук кўриндики, кечга яқин Олия опа бир одамни айтиб келди, бирга кўчириб ташладик. Эски ошхона ёнидаги акам ётиб юрган сўрига пашшахона тутиб қўйдим. Мирзага гилос тагидаги сўрини тайёрлаб қўйдим.

Кечга яқин дадамга шарбатлар, овқат олиб бордим.

8 июл куни эрталаб Мирзани практикага, Қудрат акани ишга жўнатдим. Болалар кийимини дазмол қилаётган эдим, Жўрабек йиглаб қолди, аравачасидан йиқилмасин, деб у билан овора бўлиб турсам, уйнаб юрган Дурбек қизиб турган дазмолга қўлини теккизиб олди. Додлаб йиглади. Куюк қанақа оғришини билмасам кошки, бирга кўшилиб йигладим, жони-жаҳоним куйиб кетгандек бўлди. Олия опага Жўрабекни бериб, Дурбек билан дўхтирга югурдим.

Навбатчи каттароқ ёшдаги хирург экан. Дори суркаб, бойлаб қўйди. Уйга қайтишимиз билан Дурбек дори таъсириданми ёки чарчабми, ухлаб қолди. Мен эса дадам ҳузурига учдим.

Борсам, ойим (Сарви амма) дадам ва Рискни қори амаким билан суҳбатлашиб, чой ичиб утирибдилар.

Дадам беҳолгина ётибдилар. Кўнглим чўкиб дўхтирлари Антонина Александровна Распопова хонасига кирдим, у куйиб ётганимда мени олти ой даволаган қадрдон шифокор. У мени туғишганидек қаршилади, болаларимни, Қудрат акани сўради. Дадамлар аҳволини шарҳлади. Билдимки, аҳволлари яхши эмас, шу сабабли консилиум қақиринмоқчи экан.

Дадам билан хайрлашиб, уйга жўнадим. Олдиларида акам, ойим, амаким қолишди. Тақсида уйга ётиб келганимда кеч кириб қолган эди. Олия опа иккита бола билан қўйнаиб кетипти.

Уларни олиб, ҳовли этагига юрдим. Ҳеч ким йўқ жойда тўйиб йигладим. Дурбек бошимни силарди. Уни ачомлаб, юз-кўзидан упаман, норасида бола эзлиб бораётганимни тушунаётганига ҳайрон буламан. Аямнинг қадри жуда-жуда билинди. Ҳозир дадамнинг олдиларида бўлсалар, у киши тезроқ тузалармиди?

9 июл куни эрталаб ҳаммани иш-ишига жўнатдим-да, Жўрабекни яна Олия опага ташлаб, Дурбекни дўхтирга олиб бордим. Сўнг-ра, дадамни кўргани шошилдим. Соғлиқлари анча яхшилигини кўриб, кайфиятим кўтарилди. Дўхтир олдига кирсам, йўқ экан, кутиб утирмай уйга кетаётган эдим, яна ер қимирлаб қолди. Ташвишларга уралашиб зилзилани ҳам унутибман.

Кечқурунги овқатни Олия опа қилди, мен болаларимни уйнатиб утирдим. Жўрабек мени соғинган эканми ёки кўнглим тинч эмаслигини сезибми, йиглай-йиглай аравачасида ухлаб қолди.

Мен Одессага телефон қилиш учун уриниб кўрдим, бўлмади. Алламаҳалда дарвоза тагида машина тўхтади. Қудрат ака, Мирза кириб келишди.

Саволларимга жавобан Қудрат ака:

— Қандлари яна ошиб кетипти. Ҳамма дори-дармонни қилиш-япти. Каценович, Воҳидов, яна бошқа профессорлар кўришди. Яна консилиум қилишди. Анча яхши бўлгунларича ўша ерда бўлдик, Мирза ётиб қолмоқчи эди, руҳсат беришмади, амаки борлар, — дедилар.

Ичимга ваҳима кирди.

Ҳаммамиз гамгин эдик, ҳар кўнгидек гаплашиб утиришни ҳам истамай жой-жойимизга бориб ётдик. Шанба ҳам ўтди. Эр-

талаб — 10 июл дам олиш куни, мен болаларни Қудрат акага ташлайман-у, эрталабдан дадам ҳузурда бўламан, деб режа қилиб қўйдим.

Юрагим тошиб кетяпти. Тезроқ дадам қошига борсам-да, уни ўз кузим билан курсам. Болаларни бир амаллаб, зўрлаб овқат едирдим. Кийиниб, тайёр бўлдим, лекин Қудрат ака менга рўйхўшлик бермадилар. Мирза икковлари йўлга тушдилар.

Соат ўн иккилар бўлиб қолди. Бирор нарса билан овора бўлиш мақсадида қайнатма шўрва қилдим, «чайнамай танаввул қиладиган овқат шу-да», дейман ўзимга ўзим. Яна, неча хил шарбатлар ҳозирладим, болаларимни чўмилтириб, ухлатдим. Энди ҳеч қаерга сиғмасдим. Олияни оғоҳлантириб, бозор ёнидан таксига тушдими-да, стационарга кетдим. Машина секин юраётганга ухшарди, светофорлар олдида тўхтаганида сабрим тугаб, тезроқ юрақолса-чи, дея ёнғудек бўлардим.

Зиналардан сакраб-сакраб, уч-тўрттасини бир қилиб чиқаяпман. Аллақандай овозлар. Дадам шеър ўқияптилар форс тилида, баттар ҳовлиқиб кетдим, нафасим тикилиб қолди. Палатага кирсам, ҳамма шу ерда. Баҳри аммам, ойим, Мирза, Улуғ акам, Қудрат ака айвонда тик туришипти. Дарвин ака, дўхтирлар дадамнинг тепасида. Дадамнинг кўзлари менга тушиб, «рафиқам қани?» — дедилар. Дўхтирлар:

— Ҳозир келадилар, — дейишди.

Сўнгра яна шеър ўқишга тушдилар. Каравотлари ёнида тиз чўкиб, қўлларини юзимга суртдим, пешоналаридан ўпдим. Билмадилар шекилли, қўлимни астагина қисгандек бўлдилар. Анча беҳол ўтирдим.

Врачлар ва ҳамширалар дори-ускуна кўтариб киришди. Амаким қандайдир дуони димоғларида ўқийётган эдилар, дадамнинг ширали овозлари босиб кетди. Ҳаммамизни коридор, ҳовлига чиқаришди, чиндан ҳам ҳаво етишмаётган эди.

Ҳеч ким билан кўришгим ҳам, гаплашгим ҳам келмайди. Ҳеч ким мени кўрмасайди, менга савол ҳам бермасайди. Коридорнинг бир бурчагига бориб, деворга қараб ўтирдим. Ёмон хаёлга боришдан ўзимни сақлайман, ўзим билган «Худо сақласин, кўз тегмасин, тавба қилдим», деган сўзларни такрорлайман. Тўғрида осилган соатнинг ҳар дақиқаси бир соатдек узун туюлади. Ниҳоят, дўхтирлар чиқишди. Акам, Қудрат ака улар изидан боришди. Мен дадамнинг олдиларига кирдим.

Рисқи қори амаким ҳануз қандайдир дуо ўқияптилар. Мен негадир дадам бу дуоларни эшитишларини хоҳламас эдим. Чунки дадам — Куръонни ёд биладиган шоир, таъсирчан одам, «тузалишимга илинж йўқ экан-да?» — деган хаёлга бориши мумкин.

Дадам бир нарсалар деяптилар, тилимизда эмас...

Дўхтирлар киришди. Яна ҳаммани ташқарига чиқаришди. Яна аллакимлар келишди.

Мени Антонина Александровна хонасига чорлади.

Мен индамай курсига ўтирдим. Қон босимимни ўлчамоқ ниятида қўлимга танометрни боғлаган эдики, эшикдан ҳамшира ҳаяжонда югуриб кирди ва уни чақиршаётганини айтди. Дўхтир танометрни ҳамширага бериб, ўзи тез-тез чиқиб кетди. Коридорда қандайдир ноҳуш жонланиш содир бўлганини сездим, дадамнинг овозлари эшитилмай қолди. Мен қўлимдан танометрни қандай

юлиб ташлаганимни билмайман. Коридорга учиб чиққандек бўлдим. Палатага ҳам қандай кирганимни билмайман. Дадам чиройли бўлиб, кулимсираб ётибдилар: белларигача ялангоч, оёқларига чойшаб ёпилган, баданлари йигитларникидек ялтиллайди. Врачлар мени тезда қайтариб, олиб чиқиб кетишди. Яна ҳамме коридорда. Кимлардир — билмайман, мени ушлаб туришибди.

Бир маҳал Дарвин акам терлаб-пишиб йиглаб чиқди. Аввал силаб-уқалаб, кейин туғри юрагига укол қилишганини кимгадир айтаётганини эшитдим. У врач бўлганига минг пушаймон, қулимдан ҳеч нарса келмас экан, дегандек аҳволда эди.

Мен яна палатага кирдим... Ўзимни йуқотган куйи бошларини ушлайман, қўлларини уқалайман. Дод дейман, дадам кўзларини очмайдилар... Нега, нега, дейман... Кейин нима бўлди, қандай уйга бордим, кимман, нимаман, билмайман.

Ҳаммаси тамом, энди ҳаёт йўқдек менга...

Кейин одамлар алланарсаларни сўраб, маслаҳат беришади, юпатишади...

Дадамни олиб келишди. Залдаги катта столга ётқизишди.

Тумонат одам. Уйга, ҳовлига сиғмайди.

Шароф ака Рашидов ҳукумат аъзолари билан келди. Ёдгор Содиқовна Насриддинова қора кийимда, бошида қора рўмол...

Шароф Рашидов Қудрат акага бундай деганини эшитдим:

— Одессага махсус самолёт учиб кетди, эрталаб Мухаррам опамиз етиб келади.

Ҳей, афсус, қани ўша самолёт икки кунгина аввал борсайди, аям билан дадам бир-бирларининг олдиларида бўлишсайди. Балки аям юрак ҳароратлари билан дадамни сақлаб қолармидилар?

— Дафн комиссияси тузилди, — дея давом этди Шароф Рашидов, — эртадан республикамизда мотам эълон қилинади.

Ҳамма мендан бир нарсаларни сўрайди. Акам, аммаларим, холам, Қудрат акамга юбораман. Улар ўзларини тутиб олишган. Кўзим билан Мирзани қидираман. У дадам бошида овозини чиқармай йиглайвериб, қотиб қолган, қўлларини синдиргудек гижимлайди. Одамлар орасидан зўрга ўтиб, олдига бораман ва елкаларини силайман, кўкрагига бошимни қўяман. Бирга йиглашамиз. Қани дадам турсалар, эшитсалар.

— Мирза, аямга нима деймиз, қандай қилиб айтамыз? — деб яна баттар йиглайман. Мирзани мен эмас, мени Мирза юпатади.

Кечаси билан ҳеч ким миҳжа қоқмади, кечаси билан қандайдир ишлар қилинди. Яқин-йироқ қариндошлар, дўстлар, танишлар кела бошлади. Қўқондан тоғам болалари билан азонги самолётда келди. Туман, вилоятлар, бошқа республикалардан дадамнинг дўстлари, ҳукумат делегациялари таъзия билдиргани ҳозир бўлишди.

Аям учун юборилган махсус самолёт соат ўн бир билан ўн икки ўртасида келиши керак. Кейин митинг бўлади.

Мирза Абдулқодир аямни кутиб олгани аэропортга кетди.

Бир неча фурсат утгач, Ёдгор опа, Хадича Раимовна, бир қанча аёл ҳукумат аъзолари билан аямни олиб келишди.

Мен қандай кўришдим, нима дедим, Тошхон, Хондамирни нималар деб оувтдим, аҳволлари қандай эди, билмайман. Фақат аям фарёдига чидай олмай ҳушдан кетдим, мени укол қилиб ўзимга келтиришди.



Аям дадамнинг бошларини авайлабгина ушлаб:

—Ҳабибим, ноёбим, — дея худди дадам билан гаплашаётгандек фигон чекаётгандилар.

Ҳамма аямнинг сўзларига чидай олмай йигларди.

Шароф Рашидов, Воҳид Зоҳидов, Саид Аҳмад, Яшин ака, Ваҳоб ака, Саид Шермуҳаммедов, Анвар ака, Қўчқоров ва бошқалар дафн маросимида ҳозир бўлишди.

Дадамни очик машинада қизил майдон томон олиб боришди, азиз кишимизнинг ҳали совимаган жасади ёнида аям, мен, укаларим, акам ўтирдик. Мен ва Тошхоннинг сочини ёйиб қўйишди. Митингга жуда кўп одам нутқ сўзлади. Шоирлар марсия шеърлар ўқишди. У қайси зал эди, қаердан кирдик, қаерда турдик, билмайман, ҳозир ҳам айтиб беролмайман.

Фақат қозоқ шоири Собит Муқонов эътирофлари мени қаттиқ ҳаяжон ва ҳайратга солди. Собит Муқонов апрелда Қозогистонда, июнь охири, июль бошида Қозонда дадам билан учрашганини сўйлади.

Унинг нутқидан эсимда қолганини келтираман:

«Қозонда учрашганим Гафур ҳар доимдагидек хушчақчақ, қувноқ, аскиячи, гапдон Гафур эмас эди. Унинг ичини қандайдир дард еб ётгани билинарди. «Бу нимаси?» — деб сўрадим. У зилзила ҳақида қайғуриб гапирди. «Бу ерда зилзила йўқ-ку!» — деб ҳазиллашдим. Шунда у халқи тақдиридан айри яшолмаслигини баралла айтди.

Ҳар бир шоир ўз халқини Гафурдек севсин. Гафур ўз халқини қаттиқ севарди. Халқининг тақдири унинг тақдири—эди. Аттангки, уни Тошкент зилзиласи орамиздан олиб кетди!

Қозон аэропортида Гафур билан хайрлашар эканман:

— Дўстим, энди қачон кўришамиз? — десам, у:

— Дўстим, бу охириги кўришишимиз, энди сен жанозамга борсан, — деб, жавоб қайтарди. Афсуски, у ҳақ бўлиб чиқди...»

Собит Муқонов охириги сўзларини айтганда митингга тўпланганлар афсус-надоматлар билан бир тулганиб, оҳ тортиб юборишди.

Бутун халқ дадам билан хайрлашди. Мотам митинги узоқ чўзилди. Қадрдон дўстлари охириги видоларини юракдан чиқариб айтишди.

Халқ сеvimли шоири замонини сунгги йўлга кузатар экан, ортидан дарё бўлиб — уйларидан қабристонгача оқди, кўчалар, томлар, деворларга чиқиб, бўзлаб-бўзлаб алвидо айтишди.

Бундай эзгин, мунгли хайрлашувни умримда бошқа кўрмадим.

Гафур Гулом ўз халқини севиб, бутун қалб ҳароратини, бор умрини уни улуглашга сарфлади. У ҳамиша халқи билан бирга бўлди, халқи кулса кулди, йиғласа йиғлади.

Халқ ҳам Гафур Гуломга ўз ҳурмати, эҳтироми, муҳаббатини ун ҳисса қилиб қайтарди...

Дадамни ерга қўйиб келганимизда жуда қаттиқ зилзила бўлди.

Тошкентни ваҳимага солган, қанча одамлар ёстигини кўриштиб, кўп хонадонни вайрону бесаранжом қилган ер дадамни бағрига олгандан кейин ҳам тинчимайди.

Халқ учун Гафур Гулом вафоти катта балли зилзила эди.

Шайхзода, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор вафоти ҳам уша машъум қунларни эслатади.



## «ХАМИША ЁР ВАСИМНИ ТИЛАМОНДОР НАВБАТИНИ ЁР ДЕТ...»

Уйгур мумтоз адабиёти тарихида Шарқнинг буюклари орасидан муносиб жой олган шоирлар оз эмас. Булар Ҳирқатий, Салоҳий, Залеллий, Муҳаммад Содик Қошғарий, Абдурахим Низорий, Турди Ғарбий, Мулла Шокир, Билал Нозимий. Бироқ ҳатто шундай шоирларнинг ичида ҳам XVIII асрнинг ажойиб шоири Навбатий номини алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин. Унинг буюк истеъдод эгаси эканини ва уз даврида ниҳоятда машҳурлигини ўша даврнинг обрў-эътиборига сазовор Қашғар мадрасасида унинг асарлари Алишер Навоий асарлари билан бир қаторда узок йиллар давомида ўқитилаётганлиги ҳам тасдиқлайди.

Шоирнинг таржимаи ҳолига оид маълумотлар деярли йўқ. Биз ҳатто унинг тулиқ исмини ҳам билмаймиз. Фақат шоир Хўтан шаҳрида туғилгани маълум. Туғилган йили, тахминан, 1691 йил бўлиши керак. Навбатий тахаллуси билан 100 дан ортиқ ғазал, ўттиздан ортиқ рубойидан иборат бўлган қўлзма шеърлар тўпламини чиқарган. Тўпламга кирган рубойиларининг бирида у шундай ёзади:

Мин юз олтмишида эрдиким пайғамбар ҳижрати,  
Бу китоби Навбатий тасниф болди васаллам.

Ҳижрий 1160 йил, мелодий 1740 йилга тўғри келади. Демак, айтиш мумкин Навбатий тўпламини тамомлаган.

Тўплам 1954 йилда Кучар шаҳрида топилган, унга Навбатий шеърларидан ташқари Хувайдонинг етмишга яқин шеърлари киритилган. Шоир Аршиддин Татлуқ 1957 йилги «Тарим» журналида Навбатийнинг бир қисм шеърларини нашр этган. Шундан буён утган вақт мобайнида шоир шеърлари бир неча маротаба вақтли матбуотда ҳамда махсус илмий нашрларда, шунингдек, мактаб қўлланмаларида чоп этилган. Навбатий шеърларининг нисбатан тулиқ наشري «Булоқ» журнаlining 1982 йил 2-сонида Қурбон Барат ва Маттурсун Баҳовиддин томонидан яна Урумчи шаҳрида амалга оширилди. Унинг асарлари бир неча маротаба Олмаота шаҳрида нашр қилинган. 1963 йилда чиққан уйгур мумтоз адабиёти анталогияси «Эсирлар садоси» ва С. Молаудовнинг 1990 йилда эълон қилинган «XVII эсир уйгур поэзияси (татқиқот ва текстлар)» китобини ҳам қайд этиб ўтиш лозим.

Навбатий ижодий фаолиятининг юксак погонаси XVIII асрнинг биринчи ярмига тўғри келади. У тахминан етмиш ёшда 1760 йилда вафот этган.

Ҳассос лирик шоир, аънанавий шарқ шеърлятининг истеъдодли вакили сифатида танилган Навбатий ўзининг буюк салафлари изидан бориб ажойиб сатрлар битди, уларда инсоннинг эзгу ҳис-туйғуларини куйлади.

Уйғур мумтоз адабиётида у газал жанрининг моҳир устаси саналади.

Дилрабо, сендан бирор лаҳза йироқлик кўп қийин,  
То қиёмат йиғласам, етгайму афғоним сенга?  
Кеча-кундуз ёрнинг куйида ичсам бодани,  
Зоҳидо, манъ этмагилким боғу бўстоним сенга,  
Ёрнинг васли жамолини тилайди Навбатий,  
Раҳм қилгил мен ғарибга, бор имконим сенга.

Айни пайтда, газаллари ва бошқа турли жанрларда битилган шеърларида Навбатий инсон ҳаёти, тақдири ҳамда жамият ҳақидаги мулоҳазалари билан ўртоқлашади.

Навбатий уйғур халқининг асл фарзанди. У халқ орасида машҳур ва севимли бўлиши билан бирга, фикри ва дардининг ифодачиси ҳам эди.

Арзимни айтайки, бироз тутгил гўш,  
Ҳажринг ғамида ёшимни қилди май нўш.  
Раҳм айла етимга, эй шаҳи кишвари ҳусн,  
Муштоқ жамолингга ки бўлдим мадҳуш.

Самимийлик, юксак бадиийлик ва бетакрор образлилик — шоир лирикасига хос асосий жиҳатлардир. Унинг мазмундор шеърлари муסיқийлиги билан ажралиб туради, инсон қалбининг энг нозик ва яширин жойларига бориб етади:

Ёрнинг куйида мен девона бўлдим оқибат,  
Халқ орасидан чиқиб бегона бўлдим оқибат.  
Келмагай оламга сендек юзи ой, эй нозанин,  
Иштиёқинг кайфида мастона бўлдим оқибат.

Навбатий шеърлари ўзбек тилида илк мартаба таржима ва нашр қилинмоқда. Уларни менинг отам филология фанлари доктори профессор Муратбек Карим ўгли Ҳамроев (1936—1983) ўзбек тилидаги «Уйғур шеърляти антология»сини нашрга тайёрлаётганда таржима қилган эди. Афсуски, олим ниятини рўёбга чиқаришга улгурмади. Ишонамизки, яқин йилларда ушбу китобнинг охириги варианти тайёр бўлади ва дунё юзини куради.

Фарҳод ҲАМРОЕВ,  
филология фанлари номзоди, доцент.

## Навбатий

*Оҳ, найлай? Мен етимнинг қадри йўқ ёр олдида,  
Ой юзининг шавқидан бўлдим гирифторм олдида.  
Кеча-кундуз айрилиқда куйдириб ул нозанин,  
Эй муслмонлар, нетайким, икки ағёр олдида.  
Ой юзини, кўргани қўймаски ул ағёрлар,  
Ой булутга бўлди пинҳон, зулфи руҳсор олдида.*

Эътиқодим ёр ҳамиша аввалу ҳам оқибат,  
Хизматида ўлгунча турсамки тайёр олдида.  
Келмагай оламга сендек нозанин маккорасе,  
Мен каби ўтида куйган халқ кўп бор олдида.  
Кўрмасам бир дам уни ҳеч тоқатим йўқдир менинг,  
Навбатий қилсам фидо бошимни мен ёр олдида.

\* \* \*

Бу менинг шум толеймдан ёр боқмайди менга,  
Ой юзини ёшириб дилдор боқмайди менга.  
Кўз учи бирла боқиб бағрим жароҳат айлади,  
Лабларининг малҳамин зинҳор ёқмайди менга,  
Икки ҳинду лашкари хўп ястаниб рухсорини,  
Парда ичра гунчадек нигор боқмайди менга.  
Кеча-кундуз айрилиқдан ўртанар жоним менинг,  
Бўлди бу жисмим заифу зор, боқмайди менга.  
Эй биродарлар, нетайким, меҳри йўқ ой юзли ёр,  
Интизордирманки ул айёр боқмайди менга.  
Мақсади улдир: мени кунда қатлимга етиб,  
Қоши ёси отгали тайёр, боқмайди менга.  
Навбатийким, ёрнинг куйида бўлди бенаво,  
Раҳм айлаб биргина гулнор боқмайди менга.

\* \* \*

Ваҳ, не хушдир ёри бирла турса ошиқ ёндашиб,  
Меҳрибонлик айлабон товуси мастдек уйнашиб.  
Халқа айлаб қўлларим солсам унинг тол буйнига,  
Чирмовуқ гулдек бўлиб толдек буйига чирмашиб.  
Бодаи ишқу муҳаббат нўш айлаб кайфида  
Гунчаи хандон лабини бўса айлаб ёлдашиб.  
Ошиқу маъшўқ бирла васл бўлса бир замон,  
Унсу ўлфат айлабон суҳбат қилурлар мунглашиб.  
Бўлмагай ҳаргиз жудолик дардидан мушкулроқ,  
Бир замон айрилсалар, гамгин бўлурлар йинглашиб.  
Хўш ҳузуредир кишига ишрат айлаб ҳар кеча,  
Икки ошиқ бир бўлиб боғлиқ тугунларни ешиб.  
Жаҳд айлаб гафлатинга тавба қил, эй Навбатий,  
Жирму исёнинг оғирдир, ўтти ҳаддидан ошиб.

\* \* \*

Эй сабо, сендин дуо ул шўх ёримга айт,  
Офтоб юз, оҳу кўз, нозик ниҳолимга айт.  
Биргина ҳолинг нечук деб сўрсайди тошбағир,  
Фурқатингда куйди, деб золим нигоримга айт.  
Парҳез айлаб лабларин шоптолисини ўзмадим,  
Сўзлари қанддан лазиз, ширин забонимга айт.  
Жилва айлаб кунглим олди ой каби номеҳрибон,  
Ҳасратидан қон ютарман буй-баст толимга айт.  
Аввалида кўрмагай эрдим сени, эй юзи ой,  
Раҳм айлаб мен етим ҳолин нигоримга айт.  
Шум рақиблар жабридан кўрмоқ муяссар бўлмади,  
Арзи ҳолим шоҳи соҳибқиронимга айт.  
Ташналабдир ёрнинг куйида доим Навбатий,  
Бодаи лаъли лабини ороми жонимга айт.

\* \* \*

Зийрат айламоқ бўлди менга ул дилрабо ҳожат,  
Кеча-кундуз куйида бўлдим мубтало ҳожат.  
Фироқининг ўтида ўртаниб бу бемадор жоним,

*Мурувват айлабон боқса нигорим бир қиё, ҳожат.  
Унинг ишқу муҳаббати шаробидан тотиш учун  
Кетур жисмим алиф минини, эй соқиё, ҳожат.  
Борайин зор йиглаб, ёронла, остонига,  
Етишсак даргоҳига, бош қуйиб қилсак дуо, ҳожат.  
Насиб этса табаррук чашмаи Кавсар шаробидан,  
Булур кунгул мунаввар сипқарурсам биргина ҳожат.  
Унинг даргоҳидан узма умидинг Навбатий ожиз,  
Муроду мақсадинг даргоҳида бўлгай раво ҳожат.*

\* \* \*

*Ёрнинг куйида мен девона бўлдим оқибат,  
Халқ орасидан чиқиб бегона бўлдим оқибат.  
Келмагай оламга сендек юзи ой, эй нозанин,  
Иштиёқинг кайфида мастона бўлдим оқибат.  
Элга ишрат боғида хуррамлигу дилдошлик,  
Мен ғарибинг ғам била ғамхона бўлдим оқибат.  
Бир замон йўқдур менга орому на сабру қарор,  
Ой юзингни шамъига парвона бўлдим оқибат.  
Икки шахло кўзлари кўнгил қушини овлагай,  
Укки каби маскани вайрона бўлдим оқибат.  
Эй ёронлар, ёрнинг васли мени қилди хумор,  
Муттасил остонига майхона бўлдим оқибат.  
Соқиё, май тут менга жоми муҳаббат тўлдириб,  
Навбатийким ташналаб девона бўлдим оқибат.*

\* \* \*

*Чиқди ногоҳ маҳваше рангини гулзор айлагач,  
Ҳалқа-ҳалқа зулфини бўйнига зуннор айлагач.  
Икки жоду кўзига олма эли банда эрур,  
Исми аъзам сочларин бошида тумор айлагач.  
Мен етимга бир назар ҳам солмади ул ой бадан,  
Халқнинг бад номидан мендан ёмон ор айлагач.  
Писта оғзининг ичида тишлари дурдонадир,  
Сўзлари қанддан лазиз ширин сўз изҳор айлагач.  
Отди киприк уқларин икки қароқчи кўзлари,  
Бўлди бу жисмим заиф ул бағрим афғор айлагач.  
Ногаҳон кўрдим тушимда ой юзингнинг шавқини  
Ул замон ёнимда йўқ уйқумни бедор айлагач.  
Навбатийким ёрнинг куйида бўлди чоқари,  
Молини ҳам бош, жонин садқаи ёр айлагач.*

\* \* \*

*Кўнгиллар хоҳиши раъно жамолинг ногаҳон кўргач,  
Қади шамшоду тубидек ниҳолинг обдон кўргач:  
Фироқингда сабоҳу шом қилиб булбул каби фарёд  
Лаълдек ғунчаи хандон лабингни гулситон кўргач.  
Муродим ул жамолинг хирманига айласанг восил,  
Кўнгул қуши отилур нуқтаи холингни дон кўргач.  
Ки ул меҳроб янглиғ сабзабасти ей қошингга  
Ҳамиша сажда айлаб остонангни омон кўргач.  
Бориб ожиз қулингни фитнаи охир замонидин,  
Гуноҳимни тиларман шум рақиблардан зиён кўргач.  
Умид бирлан келибман, подшоҳим, остонангга,  
Бу ожиз Навбатий эмди сени соҳибқирон кўргач.*

Мурод ҲАМРОЕВ  
таржималари.



Гайбуллоҳ ас-Салом

ҲАЁТТИ

ЭДИ УНИНГ ФАСОНА

(«Мен сув ичган дарёлар» туркумидан)

Тилак, тилагим

Одамлар борки, қандай қилиб сенинг қалбингга, руҳий оламингга, қони жонингга кириб келганини ва бир умрга сен билан бирга қолганини сезмайсан. Ва бир умрга тақдиринг улар билан чамбарчас боғланиб кетади... Бундай соҳибкаромат инсонларсиз сен-сен эмасдай. Ажабмас, улар ҳам сенсиз — улар эмаслар. Бу тоифа одамлар билан бирга кечган онларинг умр бустонида тоабад сулмас ҳам сунмас гултож, машғала бўлиб қолади... Кишилар бир-бирларини ҳидлаб топсалар керак. Курмаганмисиз, икки қадрдон узоқ айрилиқ ва ҳижрондан сунг тусатдан учрашиб қолганларида, бир-бирини туйиб-туйиб ҳидлашаётганини? Дуст ортгирмаган киши узи-узига душман, демишлар буюк Шота Руставели. Дусту йуқ одамни уддиринглар, дейишаркан қадимги римликлар. Аммо мен айтаётган ҳабибларни фақат дуст-дейишнинг узигина кифоя эмасдай. Чунки дустлар ҳам ҳар хил булади. Мол дустинг бошқаю, жон дустинг бошқа. Биродарлик ҳам камлик қилади. Қадрдон, ҳамкору ҳамдаст, ҳамнафас, ҳамнишин, ҳамдард... Бовужуд, бу сифатларнинг ҳар бири ҳамда барчасини жамловчи яна бир антиқа, тамоm янги бир инсоний хислат ва атама кашф этмоқ даркорга ухшайди.

Мен учун ана шундай инсон Тилак Жура эди...

## Фалсафа билан шеърят баҳси

Тилакжон. Етмишинчи йилларнинг урталарида аспирантурага кирди. Бу салоҳиятли йигитнинг сиймосида бир-бирига зид икки оқим дучлашгандай бўлди. Шоирона ҳурфикрлик билан мирзақуруқ олимлик ақидапарастлиги. Қанчалик тиришмайлик, мажнунваш шоирга олимликнинг сипо фикрлаш йуригини юқтира олмадик. У шоир бўлиб қандай тафаккур қилса, дарсларда домла, маърузачи мақомида ҳам шундай «сайраб» юборарди... Их! Неча марталаб миясига қуйганмиз: «Ҳой Тилакий, унутма: олимликнинг маъниси шуки, бир нарсани уйласанг ҳам, бошқа нарсани суйла, барака топкур. Илмий тафаккур қил. Шоирликни унут. Сен Қодирий, Фитрат, Чулпон, Усмон Носирга сажда қиласан. Адабиётнинг фирқавийлиги елгон, дейсан. Социалистик реализм булмагур нарса экани ҳақида оғзингдан гуллабсан. Ҳатто пролетар интернационализмига шубҳа билдириб, миллийликни кукларга кутарибсан. Бил, шаккоклигинг сени бир куни хароб қилади егиб боради... Тилингдан осиб қуймасинлар тагин». Қаёқда! Гап қор қилмайди. Талабалар орасига кирдим — булбулигусе бўлиб кетади... Яшавор! Ким яхши — Тилак Жура яхши. Ешлар қуруқ «рисолабоп» гапларни эшитавериб, энсаси куп қотган. Ҳур фикрга, рост гапга ташна. Улар гуруҳ-гуруҳ бўлиб талаб қилишади: «Фалон-писмадон домлардан роса зерикдик. Профессор булишса узига. Тилак Жура кирсин бизга!» Айтишга осон. Ҳар куни ҳар битта дарсхонага биттадан Тилак Жура еки Нажмиддин Комилни қаёқдан топаман... Ал-қисса, студент аҳлининг бундай меҳрибончилиги, Тилаквойнинг шоирона жумардлиги баримизга қимматга тушди. Нажмиддин домла ҳам талабаларга хуфяки бир чеккадан араб ёзувини ургата бошлаган. Тасаввуддан маърузалар уқиган. Аксига олиб, омадни қарангки, ҳар уччаламиз — мен, мулла Нажмиддин билан шоир Тилак фирқасиз бўлиб чиқдик. Партия фаоллари бизга қизил «тавқи лаънатни» епиштирди: «Таржима кафедрасида сиёсий-тарбиявий ишлар чаток. Бу ерда фирқавий руҳ йуқ».

Эҳ, Тилак Жура, айтмовдимми!..

## Бироз ортга қайтиб...

Ут билан сув уртасида қийналаман. Ҳали Тилакнинг ТошДУ илмий кенгашида юз фоиз овоз билан ёқланган номзодлик тадқиқоти, орадан бир йил утибди ҳамки, анов ёқда тасдиқланмаган. Бир йил-а! Мен узимни гаровга қуйиб, боя айтганимдай, уша собиқ ВАКка қарши расман қаттиқ норозилик билдирганимни ҳеч ким билмайди. Ичим тула дард, аммо соқовман. Аҳвол тобора жиддийлашиб борарди. Кун сайин, соат сайин... Бир куни раҳматлик хонага уқдай отилиб кирди-ю, ишдан кетиш ҳақида учинчи, сунгги аризани олдимга итқитди. Шундай ҳалим, мумин-қобил одам исён кутараётган эди. Аммо кимга ва нимага қарши норозилик бу? Кошки билса: айнан уни ва «у булмаган» унлаб валломат жабрдийдаларни, деб бу ёқда тутаб етибману... Умрингизда шундай усал ҳолатларга тушиб курганмисиз, азиз муштарий? Нима қилиш керак? Ҳар қандай баттол еки телбага бир амаллаб гап уқтирса булар балким.

Айтинг-айтинг, мумин-мусулмон одам тўнини тескари киймасин экан...

— Тилакжон, шоирим, яна озгина сабр керак. Мана, курасиз...

— Мен сабр қилиб булдим, туйдим, ол ишингни! — деди у баттар жазаваси қайнаб. Умрида биринчи маротаба мени сенсирарди. Узи икки букилиб, кули билан кукрагини чангаллаб турарди. — Қишлоққа, муштипар кекса онамнинг ёнига кетаман. У ёлғиз ва бетоб.

— Хуп. Бориб келинг. Аммо ишдан бушамай туриг. Илтимос. Мана, мени айтди дерсиз. Ҳаммаси яхши бўлади.

— «Мен на дейману, қубизим на дейди!» Бутунлай кетаман бу ёқлардан...

— Сабр!.. — дейишимни биламан, у портлаб кетди:

— Ҳе, уша!..

А?! Бундай ҳақоратни умримда биринчи маротаба эшитиб турардим. Яна — кимдан! Бу сузларни эшитгунча қулоқларим том битса булмасмиди?! Ҳозир булганларни ҳам барқ урандай булди. У нима қилиб қуйганини охиригача англаб етмай, хонадан отилиб чиқди... Орқасидан қақшаб-титраб қичқирдим:

— Ушланглар уни! Орқасига қайтаринг.

Қаёқда! Уша заҳоти куздан ғойиб булган эди. Минбаргоҳ жамоаси яқдил булиб қарор чиқазди: бушатилин!

## Маломат

Тилаквой уша куниеқ она юртига — Бухоро вилоятининг Саёт қишлоғига жунаб кетибди...

Сабоқни куттириб булмайди. Домлаларга илк дафъа ялиниб-ёлвора бошладим:

— Ҳой Фалончи, Сиз Тилакнинг дарсини утиб туриг. Мулла Нажмиддин, узлари ҳам... Яна ким бор?..

Шу зайл ярим йилгача амаллаган булдик. Ҳамма обдон чарчади. Асаблар таранглашди.

— Домла, шу одамнинг бахридан утинг. Шундан булак... Панчо (?) қуриб кетганми! — дея ақл ургата бошлади бирови. — Дон Кихот (менга ишора) омон булса, Панчо-манчолар топилаверади. Келинг, узингизни ҳам, бизни ҳам қийнаманг.

— Нега энди... Ҳой барақа топкурлар, тушунсанглар-чи...

— Узингиз тушунинг, — деди бошқа бирови. — У Сиздай одамни сукди-я! Шундайми?

— Хуш?

— Нимаси — «хуш»?! Бу кўрнамакка устоз ва илмий раҳбарсиз. Билса, ота урнидасиз, ахир.

— Тутри... — бироз тинчитдим аҳли жамоани. — Мулоҳазалар жуда жуяли. Ҳукм қатъий ва адолатли. Бир нарса деёлмайман. Бироқ! Ҳозир у қилган ишига пушаймон бўлиб, ич-ичидан эзилиб юрмаганига ким кафолат бера олади? Мана Сиз, хоним-ойим, Оллоҳга шукрлар қилингким, мужовирсиз. Мусофир, муҳтож бўлиб кўрмагансиз. Камбағал, хаста бир инсон учун бу қандай «неъмат» эканини тасаввур қилолмайсиз. Сиз уз ёруг уйингизда, ватанингизда, хеш-ақраболар орасида, уз ҳаловатингизда утирибсиз. А у булса... Ичини ит тимдалаяпти унинг. Агар Сиз ёки истаган биримиз мана шу шоирнинг урнида булсак, ажабмас, аллақачон эсдан оғиб, бошимиз-



дан тупроқ сочиб утирармидик!.. Тумтоқлик, худбинлик, бурнидан нарини курулмаслик ёмон нарса. Сизу бизга ухшаган унта дасторлик муқобил-мударрис ҳам мана шу битта «телба» Тилак Журанинг урнини босолмаймиз. Гапимга ишонмасангиз, юрак ютиб, унинг студентларидан суранг. Киши кечиримлик, бардошлик, кутаримлик булиши керак. Уз одамимиз! Қисқаси гап шу: аввал мен кетаман бу даргоҳдан, сунгра — у... Мен бор эканман — у булади.

Чукур хурсиндим. Кузимда ёш ҳалқоқ булди. Секин ойнагим устидан қарасам, ҳамма хомуш тортиб, кузи милтиллаб турибди. Бу ризолик аломати эди. Сездим: инсоний меҳр-оқибат совуқ мантиқни енгди.

Дарёга талпинган туядай  
Талпиндим сузларинг бағрига.  
Улар куп олисда, қоядай  
Қулларим етмайди барига.

Тутундан толиққан танамда  
Садосиз сузларинг зарлоби.  
Илондай чирмашар буйнимга  
Бесамар кунларнинг гирдоби.

Кимники, ҳей, бу қизил гуллар?

...Ҳамон шоирдан дарак йўқ. Биз томонга узоқ Қоракулдан ҳар хил миш-мишлар кела бошлади. Биров курибди: Тилак кул бошида балиқ овлаб утирган экан. Яна кимдир айтганмиш: аллақандай Санкт-Петербурглик қадимшунос олим Пайкент археологик қазилмасига шоирни қоровуллик вазифасига таклиф қилибди. У уша Пайкент қабристонидан бир неча минг йиллар илгари яшаган ибтидоий жамоа ҳақида тарихий роман ёзarkan. У-ҳу! Бундай фавқулодда антиқа ҳаёлларга берилиш учун шоир Тилак Қоракулий булиш керак.

Ниҳоят, бир куни ундан уз тақдирдан шикоят, руҳий тушқунлик оғушида афсус-надоматлар ила ёзилган мактуб олдим. Хатнинг адоғида уйда бир чакра уни ҳам йўқлигини эслатади. Шу боис, минбаргоҳ бекаси Обида орқали узининг ун беш кунлик маошини биронтадан бериб юборишимизни илтижо қилибди. (Ҳали биз уни хизматидан бушатмай, ушлаб турганимизни билмайди.)

Тезда жавоб хати ёзиб юбордим. Қисқача мазмуни шундай:

«Тилакжон; биламан, бу «ривожланган социализм даврида» Сизга қийин булди. Жуда. Лекин кимга осон? Шўрлик Зухридиннинг ойдай хотини автомобил фалокатидан ҳалок булди. Саъдулла Аҳмадга осонми? Беш минг сўм елкасида қарзи турибди. Уйлайсизки... Пушкинга осон булган? Улими олдидан нақ эллик минг сўлқавой қарзи бор экан. Ҳар хил қаланги-қасангилардан.

Мулла Тилакий Қоракулий. «Саётгон боғдадир, боғда» деб хиргойи қилиб, Саётда куп юраверманг. Айтиб қўяй: қирқ ёш — қалтис ёш. Қалтис! Ҳозиргача ёшлик ҳаваси ва ҳавос билан анча-мунча мароқли, тиниқ нарсалар ёздингиз. Энди туққиз тулғоқ тутмасин, бутам. Қоп-қора кумир оташгоҳда ёниб булгач, қип-қизил чуғ булиб яшнайди. Атрофга иссиқлик ва нур бера бошлайди... Энди бу ёғига

доншманд, суфий булиб қалам тебратамасиз, чирогим. Ҳар бир мавсумнинг уз гашти булади. Дилтанг булаверманг. Қанчалик таъмирламанг, бу норасо дуненинг қаддини ростлаёлмайсиз. Биз мусулмонияга Тангри таоло шукроналик туйғусини ҳам ато этган. Куфр қилмай десангиз, шукр қилинг. Қаранг: атрофингиз тула одам. Тумонат. Бари дустлар, ёр-биродарлар, устозу шогирдлар. Ис, бундан зиёд бахт борми дунёда! «Мавлоно Тилак домлаамиз урнига қайтарилсин!» деб оқ ялов кутариб юришибди шогирдларингиз, дустларингиз Тошкандай шаҳри азимда. Айниқса, Нажмиддин Комил акангиз билан Маърифат Шоиноятова опангиз дод солиб юборишди, бу ҳазрати одамсиз кафедра хувиллаб қолди, дейишиб. Сиз булса ёлғизман, деб йиғлайсиз, бекор гап. Яна нима керак Сизга? Оллоҳ Воҳид. У ёлғиз. Ҳеч кими йўқ. На ота-она, на зурриет, на қавму қариндош... Илло, Воҳидлик — фақат Оллоҳ таоло ва таборакка ярашади. Инсон ҳеч қачон унутилган, ташландик, кераксиз, танҳо деб ҳис эмаслиги лозим узини. Чунки унинг Худоси бор. Тангри узининг ҳеч бир бандасини унутмайди, ташлаб қўймайди. Биз Оллоҳ билан бирга эканмиз, Оллоҳ ҳамма вақт биз билан бирга. Бундай олганда, Сиз билан мен, туғри, ота-онадан ёлғиз утилмиз. Ёлғиз ва ёлғиз эмасмиз. Зеро, иккалаамиз биргаликда икки кишимиз, бас, ёлғиз эмасмиз. Тагин: икковимиз ҳам Оллоҳнинг паноҳидаамиз. Қандай қилиб ёлғиз булайлик!

Сизнинг орамиздан кетиб қолганингизга мен ишонганим йўқ. Куниколмасам керак. Мени кимларга ташлаб кетаяпсиз, иним? Уйлаб курдингизми? Фанлар кандидатисиз-а. Ҳазил гапми! Кам-харж булиб қолибсиз. Ҳечқиси йўқ. Келиб ҳамма маошларингизни олинг. Ҳеч ким Сизни бушатиб юборган эмас. Барча кафедрадошлар, ҳамкасаба дустларга қуллуқ қилинг. Ушалар бор экан, урнингизни билдиришмади. Амаллашди. Бир куни келадик, ҳаммамиз ҳам уша борадиган «катта қишлоғимизга» кетамиз. Аммо ҳозир айни яшайдиган, тулиб-тошиб ижод қиладиган, ёнадиган, қайнайдиган, курашадиган ва яратадиган давримиз. Манзилга энди етдик, деганда ортга бурилиб кетдингиз. Хафа булманг: кўрқоқлик ва номардлик бу. Кунглингизга олманг. Ортга қайтинг. Шундай қайтингки, ҳеч ким билмасин. Ахир, Тилак Журасиз қандай Дорул-гаржима булсин?! Мен нима деган одам буламан, оғайни. Кампирни бир амаллаб кундирамиз.

Энди булди. Сал булмаса йиғлаб юбораман. Узингни маҳкам ушла, шоир иним!»

Узоқ йиллар, кун узоқ йиллар  
Алдаб келдим узимни-узим.  
Меники, деб бу қизил гуллар...  
Меники, деб ҳар айтган сўзим.

Туғри, гуллар меники эрур,  
Меникидир ҳар айтган сўзим.  
Нима қилай ахир, уларни,  
Узимники булмасам узим.

Қиефа ёки заррада — Қуёш

Томчида Қуеш акс этади. Қанчалар оддий, қанчалар ҳайратангиз! Ҳар бир одам баайни узи бир зарра-ю, узи бир Хуршиди олам. Оллоҳ яратган муъжиза. Унинг биру борлигига рад этиб бўлмайдиган далил ва қафолат. Бинобарин, у узидан нур таратмоғи ва узидан нурни акс эттирмоғи лозим.

Агар бирон ғайри миллат кишиси Сиздан: «Ўзбеклар қандай миллат? Тушунтира оласизми?» деб сўраб қолса, узоқ чайналиб «тушунтиргандан» кура (тушунтириб бўлмайдиган нарсани қандай тушунтирасиз!), «Хим, дарвоқе, ўзбекми? Мана — ўзбек» деб кўрсатадиган одамлар бор ҳаётда. Шундай инсонларни кўрганмисиз, ҳушёр уқувчим? Улар турган-битгани, бутун вужуди билан миллат. Юриштиришида, фикрлашида, гапириш оҳангида, қарашда, қулишида, йиглашида, ҳурак сийишида, бировни суйишида, сўкинишида, қарғанишида, қандайдир соф, бетакрор ўзбеконалик бор. Инчунун, бу қанчалик назарногир, майда булса, шунча кичик гап ҳам эмас. Миллатни миллат қиладиган аломатлардан бири узи шу. Ботиний инсоний-руҳий муштарақлик. Ҳаммага ухшаган миллат миллат эмас. Қандайдир маъҳум курама бир қавм.

Узоқ давом этган турғунлик, шахс инқирози, маънавий чириш даврида миллатнинг дўшиси тор келиб қолди. Жуда катта, маҳобатли бойликлардан маҳрум бўлди. Уларни аста-секин тиклаб ҳам булар балким. Бироқ «эскилик сарқити» деб йўқотиб юборилган сонсаноксиз гавҳарга тенг майда нарсалар, аксарият, миллатнинг қиёфасини тайин этадиган унсурлар: шевалар, удувлар, Шарқона муомала, маросим, ахлоқ-одоб, қилиқлар, урф-одат ва таомиллар борки, энди уларни асл ҳолатида тиклаш амри маҳол. Собик мустабид тузум инсон камолоти даъвоси билан чиқди-ю, миллатни ва жами миллий қадриятларни жар ёқасига келтириб қўйди. Уларни тагтомири билан қуриштириб юборишга маҳкум этди. Моҳият эътибори билан, «гўлла-яшна пролетар интернационализи, йўқолсин Шарқона миллийлик!» деган шиорни уртага ташлади. Миллий тафаккур зайли сийқалашди. Маънавият гариблашди. Тил шева даражасида торайди. Шевалар чучмаллашди. Кўнчилиги йўқолиб ҳам кетди. Одамлар, узлари пайқамаган ҳолда, ургатилган ва «қайта тарбияланган» тутиқушларга айлана бошлади...

## Ашур момо

Сиз Тилакжоннинг раҳматлик онасини ҳаётлик чоғида қурмасиз, шоирни шоир қилган нарса нима эканини билмабсиз. Мен Ашур момони неча марта кўрган бўлсам, ўзимни шунчалик бахтли-омадли деб биламан. Бул зоти пок Миллат тимсоли, Оналик рамзи бўлиб гавдаланарди куз унгимда. Унга суқланиб қарарканман, қалбим завқ-шавққа тулар, айни чоғда, ажабки, хомуш тортиб қолардим: шу кетишда юз йилдан кейин Ўзбегимнинг миллий қиёфаси қандай буларкин, а?

...Қўйингки, ҳамма еқда дув-дув гап: «Тилак тушмагур Тошкентдан қочиб кетибди, домласи ахтариб юрганмиш...»; «Саётда яшириниб ётганмиш»; «Тошкентдан тўйдим, қайтиб бормаيمان, дебди» ва ҳоказо. Ёзувчи Неймат Амин аралашди ҳам, бўлмади.

Бухоролик шогирдларимиз Садриддин Салим, Самад Азим, Музаффар Бозор, қорақулик қаламкашлар ҳарчанд далолат қилишмасин, муз эримеди...

Ахийри, қурдимки аҳвол таҳликали, ўзим поездга тушиб Қоракул туманининг Саёт қишлоғига етиб бордим. Тилак анча юмшадди. Қайтиб кетишга ҳам рози бўлди. Аммо бир қурпа касал бўлиб ётган онаси Ашур момо сангу сахт. Сира-сира муросага кунмайди.

— Онажон, мен Тилагийизни Тошкентга олиб кетгани келувдим.

Кампир бу гапга мамнун булар, деб уйласам, авзойи бузилди. Гапимни эшитгиси ҳам келмади.

— А?..

Мен қурқа-пуса муддаони яна такрорладим, овозимни баланд кутариб.

— Тилакни бермагийман. Узима керак. Қариганимда ман-а қарайди, деб тугиб олганман.

Биз кампиришо билан гўё бошқа-бошқа тилда сўзлашаётган эдик. Шунча йил инсон қалбини, таржима илмини урганибман-у, мана шу муштипаргина кампирга қолганда гўлдираб, сира тил тополмайман. У десам бу дейди, бу десам у дейди... Ялиниб ҳам қурдим, ора-чира ҳазиллашган ҳам бўлдим, ўзимча унга хушомадлар ҳам қилдим. Бари бекор. Наф қилмади. Усал бўлдим. Сира бўлмаса, бояғидай, узини гарангсиган, оvsар қилиб курсатади.

— А?..

Тагин (нечанчи маротаба!) тушунтирган бўламан. Шеърят, аруз, бармок, сарбаст, таржима санъати сирларидан, кафедраимиз ютуқларидан, Тилак бизга жуда кераклигидан баҳс юритаман.

— Узимаям керак. Тошкентда нима қилади? Уйи йуқ. Ёниб кеттигий. Қийналди\*бала. Қишлоқ яхши. Ҳовва.

Э, кошкийди нима яхши-ю, нима ёмонлигини билмасам. Фан тараққиети, миллий маданиятимиз тақдирини ҳақида гап бораётганидир, она тушунгиси келмади. Мен нуқул Тилак Журанинг зур шоиру, зукко олимлигидан, уни Радий Фиш деган катта адиб, Абдулло Ориф, Рауф Парфи, Миразиз Абзам, Йулдош Эшбеклар, шаҳри Масковдан Вил Ғани, Георгий Ашкенадзе, Бокуда бутун дунёга таниқли олимлар Рустам Али, Байрам Хорун ўғли Тоҳирбоевлар астойдил ҳурмат қилишини шафе келтирмоқчи бўламан. Ҳатто пошшоликда ҳам уни яхши биладилар, дейман. Мана яқинда Масковдан илмий ёрлиқ келади, сўнгра ундоқ бўлади, бундоқ бўлади, деб лоф ураман. Менинг жаврашларимдан, гўё англашилдики, бизнинг тулпор Тилакбойга яқинда Ўзбекистоннинг энг зур шоири деган фахрий унвон беришади. Ниҳоят, жумҳурият мустақиллиги мадҳиясини ёзишда унинг пешрав шоир бўлганлиги, ажабмас, бу хизмати учун бугун-эрта унга... нима десам экан... ҳаҳ — орден тегиб қолса ҳам ажабмас... Шу ерга келганда, оғзим қизишиб кетиб, кераксиз гапларни айтиб юборганимни англайман-у, тилимни тишлаб қоламан. Не ажабким, «орден» деганимда кампир бир чучиб тушди.

— А?! Йўғ-ей, айтинг, Тилагима нишон бермасин. Ҳе, қуриб кетсин: Узимизди Сулаймон Қурбона аввал уша нишонни берди-ю, кетидан... турмага солдигий!

## Ҳар каллада ҳар хаёл

Яхшиям, мен лофчининг хатойимни кампир узи тузатди. Унинг далдаси билан вазиятдан қутулдим. Шоирга, менинг ердამим билан, ҳеч қандай олийшон ерлиги бермасликка келишиб олдик. Лекин... Баҳсимиз уша-уша, ҳеч бир самара берадиган эмас. Пойтахт фойдасига қанчадан-қанча яхши гапларни айтмайин, парвойи фалак. Гулин, мол-ҳол, аллақачонлар қазо қилиб кетган раис Сулаймон Қурбондан гапни олиб қочади... Қандай қилиб гуза чувиш, чигит айириш, чарх йигириш, арқон эпиш «технологияси», гузапоя, саксовул, суг соғиш, қуви пишиш, чакки олиш, таппидан мароқ билан ҳикоя қилади. Баҳсимизга сира туташ чизик тополмаймиз...

— Таржима ангиномиялари бизда яхши урганилмаган-да...

— Ҳовва. Инагимиз яқинда тугдигий... Таргил...

— Радий Фил домла турк тилида текис сузларкан. Қуръони Каримга ихлоси зур. Миттигина зеби гардон (медалён) ичига Каломуллони солиб, гардониде осиб юраркан. Тилакжоннинг ҳимоясида зур чиқиш қилди узиям...

— Ҳовва. Анови қийшайиб ётган огилхонани бу йил бузмаса бўлмайдигий...

— ...Энди, онажон, шоир ўғлийизни марказ пойтахтга олиб кетмасак сира иложи йўқ. Хуп денг, берасиз. Ҳамма каттаконларимиз дуойи салом айтиб юборишди Сизга.

— А?..

— Уша гап. Мулла Тилакни ўзим билан бирга олиб кетаман, деяман.

— Тилак ўзима керак. Улсам кумади.... — дейди истар-истамас.

Уҳ! Гапга тушов топилгандай булди.

— Э, онажон, узингизни ҳам олиб кетамизда, у ёққа.

Согбон кучасидаги Тилаклар турган заҳканш, қоронги, тутдай тўкилган, илалоқибат ёниб кетган бефайз ҳовлича куз унгида гавдаланади шекилли, ихраниб жавоб қилади:

— Бормагийман Тошканига. Бачагинала шиппаксиз юрадигий. Уйда чакса уни йўқ. Ойлиги кам. Энди бир камим, уликларим уша ёқларда қолиб кетсинми мусофир бўлиб. Узимизда яхши қабристон бор. Қишлоқники, ҳовва.

Далда берган буламан Ашур момога:

— Э, онажон, ҳали узоқ яшайсиз. Қабристонга бало борми?! Тўқсонга кирасиз!

— А? Тўқсона кириб булганман бундоғи йил.

— Ҳим!.. — яна қовун туширганимни сезиб қоламан. — Улигийиз у ёқларда қолмайди. Гарчи уларнинг ўзлик-ўзининг ҳам яхши қабристонлари кўп булса-да... Сизни шу ерга келтириб, қишлоқ мазорига тантана билан кумамиз, дарвоқе.

Кампир яна чучиб тушади. Дили огриди.

— А?! Уламан, деб олиб ётганим йўқ ҳалиям. Дарров кумақолсаларинг, санлара қолса!

Бугиламан. У, шоирнинг Онаси! Қисқаси, баҳс-жанг бизнинг кампиржон фойдасига «нокаут» билан тутади.

Шоирнинг Булди-ой деган бир холаси бор. Ниҳоятда оқила,

тамизли, мунису меҳрибон аёл. У киши менга бахузур Тошкентга қайтишим мумкинлигини маслаҳат бердилар.

— Кампирнинг тилини ўзимиз тушунамиз. Хавотир олманг. Кундирамиз, — дедилар. — Катта бошийизни кичик қилиб келиб-сиз, раҳмат Сизга. Бир ҳафтага қолмай укам ёнингизда бўлади.

Кўнглим ёришди. Шоир ўзининг янги ёзган нарсаларидан ўқиб берди.

Юрагинга санчилса агар,  
Толнинг бевақт синган шоблари,  
Қувонтирса,

қулдирса сени

Бир улканинг бургут, зоғлари,  
Соғинсанг,

соғинмасанг ҳам

Остонанда югурса йўллар,  
Йулақдаги буйчан теракдай  
Кимдир сени кутса, кузатса,  
Ихтиёринг қўлингдан олиб  
Сени утда ёндирса кузлар,  
Гивирласа бугунингда сўзлар —  
Бордир сенда буюк бир Ватан,  
Бу дунёда бахтли одамсан!

## Бунақаси бўлган эмас

Тилак Жура ўзининг тадқиқоти, илмий изланишларини бадиий ижод билан, ижодни таҳсил — домлачилик, мураббийлик билан қўшиб олиб борди. Шеърят баҳсида, сарбаст таржимасида маҳорат, Владимир Маяковский ва Нозим Ҳикмат, Нозим ва Мақсуд Шайхзода, ҳозирги турк шеърятидан таржималар, бадиий таржима ва адабий таъсирчанлик, аруз ва эркин шеър мавзуларида зийрак илмий кузатишлар олиб борди. Жушиб, куйлаб дарс берди. 1986 йилга келиб «Нозим Ҳикмат ва ўзбек шеърятини» мавзуида номзодлик рисоласини гумбирлатиб ёқлади. Инжиқ илмий тадқиқотни ҳам... қуйлаб ёқлади. ТошДУ филология факультетининг кўпни қўрган илмий жамоаси биринчи марта шундай ҳимоянинг шоҳиди бўлди. Ёдимда, катта зал шоиру шуарога тулиб кетганди. Юқорида эслатганимдай, мавлоно Радий Филл ўзлари Масковдан келиб мутассаддийлик (оппонентлик) қилдилар. Ҳимоя бемуболага катта шеърят байрамига, ўзига хос мушоирага айланиб кетди. Уша кезлар шоир халқи чунонам яйрадики, бунақаси бўлган эмас!

Тилакнинг «Нозим Ҳикмат издошлари», «Нозим Ҳикмат ва Ўзбекистон», «Ҳозирги турк шеърятини», маълум ва машҳур «Инсон манзаралари» асарига ёзилган «Аср овози», «Нозим Ҳикмат ва ўзбек шеърятини» деган унлаб мақолалари ҳеч қачон ўз тароватини йўқотмайди. Агар куйлаб дарс бериш, дарс бериб куйлаш деган таъбирлар рост бўлса, бу уша бизнинг Тилак Журага хос эди.

## Гавҳари шамчиروق

Инсонда гавҳари шамчиروق, деган жавҳар бор. Бу хотира. Ана шу хотира кузгусида у узини, одамларни, бутун ёруғ жаҳонни куради. Хаёлотнинг тулпор отида дунё кезади...

Мен бешта Тилак Журани билардим: оламохун, шоир, олим, таржимон, мураббий. Тагин: дуст, улфат, ота, оилапарвар, содиқ шогирд, устод... У олимдан чиққан шоир эмас, шоирдан чиққан олим эди. Узидан етита шеърӣй туплам қолдирди: «Райҳон» (1977), «Олам остонаси» (1980), «Юлдузлар табассуми» (1981), «Чорраҳадаги уй» (1983), «Сандувоч» (1988), «Рухият» (1990), «Саратон» (1991). «Хурсиниб ботади юлдузлар» мажмуаси нашрга тахт ҳолда турибди. Матбуот саҳифаларида кўплаб шеър, дoston ҳамда турк, рус, қорақалпоқ, Лотин Америкаси халқлари адабиётидан қилинган таржималари сочилиб етибди... Китоб ҳолида чоп қилинганлари ҳам анча.

## Вақт оғушида яшайди инсон

Замондан ортда қолганларни урадилар. Замон билан барабар қадам ташлаганлар, аксарият, дориломон яшайди. Замондан узиб кетганларни эса замоннинг узи жазолайди. Тилак Жура доим Вақтдан баланд, Вақтдан олдинда юришга интилди... У мен билган аллақанча ижодкор, сузшунос, файласуф, замона ҳозикларидан устун эди. Кеча ва бугун заминидан туриб эртанинг қади-басти, юксакларни кура олди. Қорин бушлиғидан эмас, юрак минбаридан туриб сузлади («юрак минбаридан туриб сузланган нутқ» шеърӣига ҳавола). Шоир мустабид жоҳилият муҳитида ҳар гал абадийликка даъвогар, гоҳида эса баҳор ҳавосидай тез узгариб турадиган сиёсий жазавалар изнида юрмади. У хаёлпараст, онадан янги тутилгандай маъсум, беғидр, хур инсон бўлиб қолди сунги нафасигача. Шоирнинг бош қахрамонлари мавсумий «генсеклар» эмас, оддий одамлар. Узи чуқур миллий адиб бўлиши баробаринда, умуман Инсонни куйлади. Партия, «улуғ оға» ҳақида биронта нарсаи йўқ. Узокни кузловчи бирон «ёғлиқ мулжал» еҳуд ялтоқлик билан назм битмади. Тўғри, гоҳо узи кашф этган беҳудуд бадийий-самовий кенгликлардан замин қуналгасига тушганида, осий бандаларни курганида ҳафсаласи пир буларди. Зеро, инсон зоти комил ёки фаришга эмас-да. Тилак эса юраги маромини издан чиқазган бадбин ва бадкорлардан эмас, гўе узидан домангир буларди.

Бузгургайдек бузлаб бошимда  
Қора сочин куксимга ёйиб  
Мендан нима истайди бу тун?  
Ахир, шамол мендан не истар  
Йулларимга хазонлар сочиб?  
Йулимиз-ку бошқа бошқадир...  
Шамол каби ҳансираб, титраб,  
Юрак, мендан нима истайсан?!  
Биласан-ку, менга ҳам оғир  
Соқов бўлиб сен билан юрмоқ...

## Оҳанграбо

Тилак Журанинг ёш студент шогирдлари ҳар гал унинг ёқим-той қиёфасида доно таржимашунос олим-у, эҳтиросли шоир, мутаржим билан учрашар эдилар. Дорилфунунга, минбаргоҳ ва дарсхонага кириб келиши билан ҳаммаёқ чароғон ёришиб кетарди. Оддий талабадан тортиб мураббий, мударрисларгача унга мунтазир, интиқ булиб туришарди. Каттаю кичик барчанинг у билан бағри бутун эди. Сабоқлари, суҳбатлари, шеърларию таржималари, маъруза ва машқлари ҳеч қачон расмий қирқ беш дақиқа билан яқун топмас, балки дарсдан кейин ҳам узоқ давом этарди... Тилак тургун муаллим эмас, ҳаракатдаги ижодкор эди. Тасаввур қилин-ки, у ҳар гал сабоқ пайтида қаламкаш ёшларнинг уйғоқ қалбига ва онг-шуурига, яхши маънода!.. «секин портловчи бомба» ташлаб кетарди. Қачон қараманг, уни бир тўда тиниб-тинчимас, сершовқин йигит-қизлар қуршовида қурардингиз. Хоҳ йулакда, кучада, минбаргоҳда бўлсин, ҳатто уз хонадонида ҳам унинг танҳо уй суриб утирганини кўрмаганман. Бисотидаги энг қимматли жавҳар — вақтини ва азиз умрини бус-бутун ёшларга тикди. У билан сўнги учрашувимда ҳам (кошкийди билсайдим бу — сўнги суҳбатим эканини, навбатдаги лийдор қиёматга қолаётганини!) узи бир ҳолатда, елкасидан нафас олиб турибди-ю, ёш истеъдод соҳибларидан ҳайратланиб сузлади. Қалбан уйғоқ, дарёдай тошқин ижодкорларнинг мисли кўрилмаган, ажойиб бир авлоди эшик қоқмоқда, деганди у. Қоғоз тақчиллиги, нашриётларнинг утириб қолганидан куйманаркан, истеъдодли ёшларнинг ижоди сўниб қолишидан хавотир оларди.

Ҳеч ким мени унингчалик тушунган эмас, ҳеч ким унингчалик асраган, ардоқлаган ҳам эмас мени. Тилакжоннинг профессор Нажмиддин Комилга меҳр-садоқати ҳам бундан кам эмасди. Нажмиддин охунд билан менинг оғушимизда эканидан доим кайфи чоғ эди.

Э, бевафо, нотанти дунё... Шоир менинг тургимда китоб ёзини дилига тутиб юрарди. Аҳён-аҳёнда эриб кетиб, оғзидан гуллаб қуярди. Во-дариғ. Билъакс, мен узим ҳали бадани ва тупроғи сову-маган дустим ва шогирдим ҳақида хотира сузлаб, қисса ёзиб тугат-моқдаман. Агтанг. Бир келди-ю, бир кетди. Интиҳосиз, битмас-туга-мас афсонавий бир туш янглиғ, ярқ этган яшиндай яшнаб утди. Ундан уз оиласига, болаларига, дуст-ёронларига, оқибатли ватан-дошлари, қишлоқ аҳлига, халқига нима қолди? Сехрли калом, маси-хий илиқ нафас, булоқ сувидай тиниқ орзулар, шарақлаган кулги, инсон зотиға сунмас муҳаббат, она табиатга ҳайрат ва олам жаҳон эзгу дала чечаклари... Сочидан тирноғигача шоир булган бул валло-мат инсоннинг бутун бисоти мана шулар... Ишонгинг ҳам келмайди кишининг. Узи чексиз севган бу ёруғ жаҳонда Тилак Журанинг энди йўқлигига, токи тирикман, ҳеч қачон кўниколмасам керак. Учинг меҳр тула кузлар билан менга боқишларини, ҳайратини, фа-риштадай мудом кулиб турган сиймосини, сехрли овозини, ёрқин хотирасини бутун қолган умрим давомида узим билан бирга олиб утаман...





Маъруф Йўлдошев

## Табият Тасвири

Бир санъат асарини атрофлича таҳлил қилиш учун унинг ташаккул тарзини билиш, таъкидлаш лозим бўлмаган бир эҳтиёждир. Адабий асарнинг абадий асар даражасига кўтарилиши, шубҳасиз, унинг лисоний таркиби ва ифода балогатига боғлиқ. Буни шахмат ўйинига ўхшатиш мумкин. Шахматда ҳар бир тошнинг қиймати, даражаси ва шахмат тахтаси устидаги ҳаракати аввалдан белгиланган бўлади. Ҳатто ҳаваскор ёки ўта савиядаги ўйинчининг қачон, қандай ҳаракат қилиши олдиндан аниқланган. Тилда ҳам ҳар бир унсурунинг ўз вазифаси, маъно кўлами мавжуд. Улар тилшуносликка оид китобларда, лугатларда ўз аксини топади. Бироқ шахматда ўйинчининг маҳорати туфайли тамоман янги, кутилмаган юришлар бўлганидек, адабиётда ҳам маълум лисоний биликлардан оҳорли мазмунлар, ҳайратангиз тасвирлар яратиш имкони бисёрдир. Ана шундай гузал ҳолатларни бадиий сўзнинг беназир устаси Чулпон ижодида кўплаб кузатиш ва ҳузурланиш мумкин. Айниқса, табиатдан олган тимсоллари ёрдамида инсон руҳининг ўзгаришларини ва туйғуларининг жунбушини гоёя нафис бир тилда намойиш қилади. Табиат ҳисларни уйғотувчи, фикрни равшан, қалбни мунаввар қилувчи соҳира маскан. Адибнинг «Кеча ва кундуз» деб аталган ўлмас романи: «Ҳамал келди амал келди», деган уйғониш дарағи, янгилиниш нафаси билан бошланади. Бу мақол табиатнинггина уйғонишини эмас, балки ижтимоий ҳаётдаги янгилинишни ҳам ўзида мужассам қилган бадиий бақувват унсурдир. Шу билан бирга, халқнинг қонинот қонуниятларини кузатиши ва турмуш тажрибаларига суяниши асосида чиқарган хулосаларини ифодаловчи, табиат ва инсон ўртасидаги руҳий яқинликни мантиқий умумлаштирувчи халқ ҳукми, асрлар оша сайқаланган ҳикмат намунаси дир. Шу маънода мазкур мақоланинг асарга эпиграф (бошсўз) қилиб олинishi бежиз эмас.

«Ҳар йили бир келадиган баҳор севинчи яна кўнгилларни қитиқлай бошлади». Баҳор севинчи гўё кўклам ҳабарчиси қалдирғоч каби суюнчига

шошади, кўнгилларни қитиқлайди. «Яна табиатнинг дилдираган танларига илиқ қон югурди». Табиат жонланди. Қишнинг қаҳридан дилдираган таналарига тириклик югурди. Адиб табиатни кузатибгина қолмай, уни қалбда илтифаттаңдай, гўё у билан юраклари бир оҳангда ураёттаңдай кайфият уйғонади китобхонда. «Толларнинг кўм-кўк сочпопуклари қизларнинг майда урилган кокилларидай селкиллаб тушмоқча бошлади». Сочпопук ва майда урилган кокилл... Ухшовчи ва ўхшатиловчи ҳам жонсиз, аслида. Лекин селкиллаш ҳаракати тирикликка, одамзодга хос ҳолатлардандир. Айниқса, «туша бошлади», «тушмоқда» эмас, айнан «тушмоқча бошлади» дейишнинг ўзида нафислик, эрка бир оҳанг мавжуд. Бу нарса адибнинг нафақат табиатни, балки сўз-борани ҳам кузата олишидан, оддий кўринган ҳодиса ва сўз замиридаги инжаликларни илғаш иқтидоридан дарак беради. «Муз тағида лойқаланиб оққан сувларнинг гамли юзлари қулади, ўзлари ҳоргин-ҳоргин оқсаларда, бўшалган қул сингари эркинлик нашъасини кемира-кемира илгари босадилар». Мазкур жумлада муз ва сув ҳам фалсафий, психологик мижоз сифатида қўлланган. Чунки табиат ҳодисалари Чулпон учун кузатиш ва завқ манбаигина эмас, балки «тафаккур трамплини» (Ҳ. Ўзбай таъбири) ҳам демакдир. Муз ва сув таркибан бир хил модда. Инсонлар ҳам моҳиятан бир хил бўтасалар-да, муҳит ва тарбия таъсирида қарам-қарши кўтбларга бўлиниб кетадилар. Айни ўринда муз — золим, гаддор; сув — мазлум, мағдурнинг «зирхи, ниқоби». Сувдаги оқувчанлик, узанга бўйсинувчанлик, мазлумнинг, қулнинг табиатига; муздаги совуқлик, қаттиқлик эса золимнинг характериға мослиги билан диққатни тортади. Шу билан бирга, кулиш ва ҳориш ҳам инсонга хос ҳолатлардандир. Адиб табиатдаги жисملарни, ҳодисаларни самимият билан кузатади, ҳис қилади ва муносиб тарзда ифодаламоқча интилади.

Ижод жараёни саралаш ва сайлаш асосида шаклланадиган мураккаб фаолиятдир. Ёзувчи том маъноси билан сўз саррофи бўлсагина, бадий баркамол асарлар ярата олади. Адибнинг: «эркинлик нашъасини кемира-кемира илгари босадилар», деган жумласига диққат қилинса, муаллиф қалбдаги огриқни, юрагини кемираётган дардни ва шиддатли исёни англаш мумкин бўлади. Мазкур ифода ёзувчининг воқеаликка нисбатан теран назарини, фалсафий мушоҳадасини ҳам ошкор этади. Демак, табиат адиб томонидан шунчаки тасвирланаётгани йўқ. Аксинча, бадий-ижтимоий ниятини табиат бўёқларида акс эттиряпти. «Кемирмоқ» сўзининг луговий маъноси қаттиқ нарсани тиш билан қириб, ушатиб майдаламоқ (суякни кемирмоқ) бўлиб, кўчма: «таталаб қийнамоқ, азоб бермоқ» (руҳий кечинмалар ҳақида: огриқ юрагини кемирар эди.) каби маъноларда қўлланилади. Бироқ ҳар икки ҳолатда ҳам кемирмоқ феъли конкрет жисм билан муносабатта киришган. «Эркинлик нашъасини кемириб» бирикмасида эса мавҳум отга боғланади. Қуллар егуликсиз қолган одамнинг қотган нон топгандаги суюнчи ва аламини тасаввур қилганмисиз? Қулга эркинлик ҳам нондек зарурийдир. Оч ёки қашшоқ қотган нонни кемирганидек, озодликка чиққан қул ҳам қўлдан зориққани эркинлик нашъасини кемира-кемира, аламини ичига ютиб илгари босади. Бу ўринда «кемирмоқ» сўзи атрофидаги сўзларни ўзига тортиб, улар билан яхлитлашиб кетган ва чинакам рамзий моҳият касб этган.

Чулпон табиат тасвирини чизар экан, жонлантириш санъатига кўп мурожаат қилади. Бурунгилар жонлантиришни «ташхис» дер эдилар. Ташхис — шахсаштириш, қишлантириш, «бир нави одам» дея ҳис қилиш демак. Чулпон табиатта айнан одамга мурожаат қилаёттаңдек муносабатда бўлади. Асарда табиат ҳодисалари ҳам қаҳрамонлар каби тирикликнинг барча сир-синоатидан баҳраманда ҳолда бекаму кўст яшайдилар. Қуйидаги гўзал манзарани кузатсангиз, бунга ишонч ҳосил қиласиз. Тасвирдаги тиниқлик ва эркалик ҳисларингизни жунбушга келтиради, диққатингизни ўзига ром этади. «Бултур экилиб кўп қошларни қорайтирган ўсма илдизидан бош кўтариб чиқди... Мулоим қўлларда ивиб, сувга айлангандан кейин гўзал қошларнинг супасида ёнбошлашни бунча яхши кўрар экан бу кукат!» Ўсма-

га жон ато қилинди, лекин унинг завқини қаранг!.. Ихтиёрсиз равишда ўсманнинг мавқеига рашқингиз келади. Уша рашқ туфайли ўсман «кўкат» деб ҳақир кўрмоққа чоғланасиз. Бу ҳолатни гоят теран ҳис қилган адиб ифодадаги ҳар бир унсурга эстетик бутунликнинг бир парчаси сифатида қарайди. Жумладан, ундов белгиси ҳам ўша бутунликнинг ажралмас узвидир.

Ташхис санъати қадимда кўпроқ дидактик гоёларни ифодалашда қўлланилгани маълум. Романда арзий ва самовий унсурулар қаҳрамонлар аҳволи руҳиясидан келиб чиққан ҳолда жонлантирилади. Яъни, жонлантирилган нарса қаҳрамоннинг ички дунёсига мос ва воқеа юз бераётган муҳитга, вазиятга мувофиқ тарзда ифодаланади. Супурги деталининг жонлантирилишига эътибор қилинг: «Иккаласи қувона-қувона кўришдилар. Супурги етган жойидан нарига ўтмасдан ерга ёнбошлади». Супургининг жонлантирилиши натижасида тасвирада нозиклик намён бўлади. Айниқса, бу зарифликни икки дугонанинг ўша-пайтадаги руҳиятига уйғулаштириш орқали ифодада ҳаётгиллик ва тиниқликка тўла эришилган. Дугоналар «саҳни супуриш урнига ҳовлини бошларига кўтариб, шовқинлар ва қийқириқлар билан дунёни бузиб, бир-бирларини қувлашиб «ўйнашаётган пайта Раззоқ сўфи масжиддан қайтди ва эшикдан кира-қирмас овозининг борица «Бу нима қиёмат!!!» дея бақиради. Шундан сўнг «иккала ёш қиз чақмоқ теккан дарахтдек қотиб қолишди». Қизлар кайфиятидаги изтиробни, тушқунликни ифодалаш жараёнида, адиб бизга супургининг «маймоқ ва туллаган» эканини ҳам айтиб ўтишни лозим тонади. Уйдан «бир зумда бориб келаман» деб чиққан Салти ҳам берган ваъдасини, уйини ва ота-онасини унутиб — қўлида маймоқ ва туллаган супурги билан! — қолиб кетмаганмиди?.. Адабиётнинг вазифаси алмисоқдан бери айни инсон ва инсоний фаолиятлар, инсонни қўрашб турган моддий-маънавий омиллар-булиб келган. Шу туфайли баъдий асардаги ҳар бир унсур инсонни тугал тасвирлашга буйсундирилади. Эътибор берган бусангиз, аввалиги ўринларда тасвирадаги психологик омиллар туфайли супургининг эстетик қиймати ошқор этилмаган эди. Унинг маймоқ ва туллагани таъкидланган, супурги тамоман баъдийликка ҳақдор унсур сифатида кўз унгимизда намён бўлади. Мазкур детал орқали Зебилар хонадонининг фақирлиги, ночорлиги янада бўрттирилади.

Адиб жонлантириш санъатини фақат фикрни ниқоблаш, зирхлаш учунгина қўламайдди. Баъки тасвирга поэтик жило бериш, янада жозиб, дилга яқин ҳолга келтириш мақсадида ҳам гоят самарали, гоят маҳорат билан фойдалана билган. Асар аввалида баҳорий кайфият рамзи шабада жонлантирилиб аёллар билан, уларнинг сочлари, гажаклари ва рўмоқ попуқлари билан ҳазиллашиб ўйнаши, кўклам нашъаси билан шўхлик қилиши ифодаланади. Қиш тасвирида эса, изгириннинг шўхликларини шу тарзда кузатамиз: «Қалдиргочнинг ташландиқ уясидан чигиртканики сингари ингичка ҳуштак овози чиқарди: изгирин беркиниб олиб шўхлик қилаётганга ўхшайди!» Қиш, атрофда қалин қор, изгириннинг шўхликлари... Ва адибнинг уй-ҳаёлини ўтирлаган, диққатини тортган қалдиргочнинг ташландиқ ини... Дарвоқе, изгирин нега айнан қалдиргочнинг ташландиқ уясига беркинади, нега чигиртканинг овози?.. Назаримда, қалдиргоч баҳорнинг муждаси, чигиртка кўкламнинг куйчиси. Адиб қиш-сувратини чизар экан, кўнглидаги интиқликни ошқор этгандай, қалдиргочларнинг инларига қайтишни соғингандай... Бироқ ҳали қиш забтида, «аччиқ изгирин чилдирмасини қўлга олиб гижбангни қизитади...»

Чулпон шу тарзда табиат ва инсон ўртасидаги муштаракликни теран идрок этади ва маҳорат билан акс эттиради. Жонлантирилган табиат ҳодисалари ўқувчини асло бефарқ қолдирмайди. Дилбар табиатла бир бутун эканини чуқур ҳис қилишига кўмаклашади. Ҳатто жонлантирилган ҳодисаларни кузатиб, қачонлардир йўқотиб қўйган нарсангизни топгандек кайфият уйғонади ва руҳингизда илиқлик пайдо бўлади. Қор-ёмғирми, шабада ё изгиринми, барибир, табиатнинг ҳар бир заррасига меҳр-ла боқмоқ саодати дилнингизга жо бўлади.



Юсуф Файзулло

# ЧАНА

Ҳажвия

Камина ҳали ҳаваскор, лекин буш келмоқчи эмасман, келгу-сидаги режаларим катта... Бир одатим — дам олиш кунини жуда ёқтираман. Айниқса, қиш-қировли кунларда пешингача мириқиб ухлашга нима етсин. Бугун ҳам шундай ниятда эдим, рафиқам болаларим ердамида барвақт уйғотиб олди. Бетухтов отилиб турган таъналар нонуштага утирганимда тинди. Рафиқам кутилмаганда юмшаб, сарёғ суртилган нонни олдимга сурди.

— Дадажониси, ваъдангиз эсингиздами?

Бир нарсани хотирламоқчи бўлгандек, қошларимни чимирдим.

— Нима ваъдамиз бор экан?

— Болаларга чана олиб бераман, деган эдингиз. Қаранг, кучада қор тизза буйи!..

Очиги, ансам қотди. Доим чунтагимга даструмолча солиб қуйишни унутадиган одам икки ой олдин ҳазил аралаш берган ваъдамни эсимга солиб утирибди.

— Хоним, фаррошимиз набирасига кеча олиб берибди. Нархини айтувди, эсим оғай деди. Маошимни ярми экан. Агар икки ҳафта қозонни сувга солиб қуйиб, ширин орзулар оғушида яшаймиз десанг!..

Хотиним мугомбирона кулди.

— Сизга гап деса қоп-қоп... Кечагина минг сўм қалам ҳақи оламан, деган эдингиз-ку.

Бу гапи ҳаммасидан ошиб тушди.

— Азизам, қалам ҳақидан путур кетган. Минг сум ёзишган экан, қулимга олти юз тегди. Лекин ақлингга балли, қалам ҳақини эслатиб яхши қилдинг. Қалламда гаройиб бир сюжет пишиб юрганди. Бутун-эрта тегмасанг, битта зур, ҳикоя қулингга булади. Қарабсанки, яна минг сум қалам ҳақи киссамизда турибди-да.

— Олти юз денг.

Хотиним кесатиғига парво қилмадим.

Агар бу сафар ҳам чап берсам, яна болаларим чанасиз қолишини сезган хотинимнинг чапақайига жаҳли чиқди.

— Болаларни қузига қандай қарайсиз. Биринчи қор ёққан куни чана уйда булади, деган эдингиз. Қорни кутавериб эзилиб кетишди-ку.

Бултур қишда кенжатоғим чана учаётган қушни болалар орқасидан жовдираб чоғланлари едимга тушди. Шарт урнимдан туриб, кийиндим.

Ҳозир бориб олиб келаман, болалар бир хурсанд бўлишсин...

Бекам чой ҳўплаганча бепарвогина қулимсираб турганини қуриб, миясига яна бир шумлик оралаганини сездим. Ҳозир қуйинг, мен ҳазилландим, вақти-соати етса олармиз, дейишни кутдим. Йўқ, ундай бўлмади. Шарфимни ураб, телпагимни кийгазаркан, маслаҳат солди:

— Дукондан олманг, Тезиковкага боринг, сувтекин...

Очиғи, хотинимни яхши қуриб кетдим. Узимнинг қалламга шу фикр келмаганига ҳатто хижолат чекдим. Бутун дунё харидорлари ҳавас қилса арзийдиган бу бозордан ҳамма нарсани арзонга топиш мумкин-ку.

Бозорга кирганим заҳоти қаригина кампир олдида турган чанага қузим тушди. Одатим — бир нарсани қидирсам, биринчи учраганини харид қиламан. Бу сафар ҳам шундай қилмоқчи бўлдим.

— Чана неча сум?

— Турт юз сум.

Камширга бир қараб олдим:

— Юз сум бераман.

Энди кампир менга бир қараб олди:

— Икки юз бер-да, олиб кетавер.

Шу ерда одатимга хилоф иш қилдим.

— Бозорни бир айланай, арзонини тополмасам қайтиб келаман.

Кампир савдони пишитмоқчи бўлди:

— Юз эллик бер, болам.

Кампирни эшитмагандек илгарилаб кетдим. Бозорнинг ярмига етганимда бир бобойнинг олдида турган чана қузимга оловдай қуринди. Чана қулбола, узунлиги нақд бир метрдан зиёдроқ эди. Анча йилдан бери бир жойда турган бўлса керак, занг бойлаб кетибди. Нарҳини тушириш учун афгимни бужмайтириброқ сурадим:

— Буниям сотишга олиб чиқдингларми, неча пул сураяп-сизлар?

Бобой, ёнидаги икки кампир сапчиб туришди.

— Болам, олсанг арзон берамиз. Степа амакини узи ясаган. Икки қоп ун ортсанг ҳам қилт этмайди.

Ҳақиқатдан ҳам чана бақувват эди.

— Занг бойлаб кетибди-ку, юз эллик сумга берсанглар олиб кетаман.

Степа амакининг жаҳли чиққани қизариб кетган юзидан сезилди.

— Уч юз бер, тамом!

Бир пасда атрофимизни ҳангоматалаб томошабинлар ураб олишди.

— Неча пул деяпти?

— Беш юз булсаям сувтекин.

Қарасам, бир-иккитаси чананинг уёқ-буёғини қарай бошлади. Чунтагимдан пул чиқариб, икки юз эллик сум санаб, чолга тутдим:

— Сизникиям эмас, меникям эмас, икки юз эллик сум, яримтаининг пули, бор-барака, илгариям бунақа чанани битта-яримтага ясаб беришарди.

Чолниям томоғи тақиллаб турган эканми, кунгли юмшади.

— Ол, сеники.

Кампиршодардан бири чанага боғланган икки метрлар чамасидаги арқоини ечишга киришганди, чолнинг жаҳли чиқди.

— Надюша, пастлик қилма. Арқон булмаса қандай судраб кетади, кутариб кетадими?

Надюшасиниям энсаси қотди.

— Бу чол эсини еган шекилли? Болақайнинг берган пули чананинг арқопигаям арзимади-ку.

Ҳайрон булиб, Степа амакига қарадим. Чолнинг чапақай жаҳли чиқди.

— Надя, овозингни учир. Ҳозир текинга бериб юбораман.

• Кампиршо илгариям бир-икки бор чолининг феълидан куйган шекилли, шошиб чанадан узоқлашди. Мен эса яна бироз турсам чанадан ажраб қоладигандек арқонни тортдим. Қалин қорда занг изларини қолдирганимча, бекатга йўл олдим. Степа амакиларга кўринмайдиган жойда бироз нафас ростлашга тўхтаганимда кимдир енгимдан тортди. Чучиб тушиб, енимга утирилдим.

— Ука, мана шу музлатгични катта йулгача олиб чиқиб беринг.

Рунарамда эллик ёшлар атрофидаги басавлатгина аёл турарди. Шарфим билан буйинбоғимни беркитдим.

— Қанча берайсиз?

— Аравалар оладиган нарҳда.

Аравалар қанча ҳақ олишини билмасам-да, музлатгични чанага ортдим. Степа амаки алдамаган экан, чана қилт этмади. Катта йулга чиққанда мижозим битта юзталиқ узатди.

— Меҳнатингизга рози булинг.

Йулкада бир мунча вақт серрайиб қолдим. Бекат томонга қайрилиб ҳам қарамадим. Йулни яна бозор ичига солдим. Хуллас, бозор тарқагунча янги техникамга телевизор, кир ювиш машинаси, тикув машинаси, машина шиналари каби турли-туман матоҳларни ортиб, чанани обдан синовдан утказдим. Бозор тарқай бошлаган пайтда чунтагим анча қашпайиб қолганди. Автобусда бирорта бетавфиқ шилиб қўймасин, деб йиригини алоҳида қилиб ажратдим. Чана синови туфайли киссамга икки минг икки юз сўм пул тушибди. Шоддикдан теримга сизмай кетдим. Тезроқ бориб рафиқамни ҳайрон қолдириш учун такси елламоқчи бўлдим. Қарасам автобусимиз келяпти. Бир амаллаб чиқиб олдим. Паттачи аёл қаршилиқ қилиб, асабимга тега бошлаши билан битта элликтиликни узатдим:

— Қайтими керак эмас.

Пул улсин-а, пул улсин. Паттачи аёл ширингица жилмайиб қўйди.

Иссиқ уйга кирганимда чарчаганим, синовга қизиқиб кетиб, тушлик ҳам қилмаганимни эсладим. Иштаҳа билан овқатга ташланганимни курган хотинимнинг раҳми келиб, ачиниб кетди.

— Сизгинани бозорга юбормай, мен улай. Арзонини оламан, деб кечгача юрганингизни қаранг. Кузларингиз ҳам киртайиб кетибди. Шунча юрар экансиз, бир-иккита сомса еб олсангиз булмасмиди? Мен ҳозир четдаги уйга жой солиб берман. Кириб ухланг. Пешингача олдингизга пашшаниям йулатмайман. Туришингизга ош дамлаб қўяман. Ошни еб олиб, ҳикоянгни эзаверасиз.

Киссамдаги пулларни олиб хонтахтага ташладим.

— Ошни саҳар соат бешларга мулжаллаб дамланг. Ҳикоянинг зурини Тезиковкада эзаман. Мана, иккита ҳикоянинг қалам ҳақи. У ерда қалам ҳақидан солиқ ҳам ушлаб қолишмас экан.

Хотиним эрталаб соат бешда уйғотди. Нонуштани бақувват қилиб, йулга тушдим. Рафиқамнинг зукколигига яна бир бор қойил қолдим. Оғимда қалин пайпоқ, қалин юнгли маҳсикалиш, қўлимда қўлқоп, кичкина термосчада аччиққина кофе. Ақлингга балли! Баъзан кечалари бирор нарса ёзмоқчи булсам, мана шундай кофе дамлаб берарди. Ижодкорга ҳурмат шунчалик булар. Бугун тайёргарлик зурлигиданми, кечгача учта «ҳикоя» ёздим. Афсуски, Тезиковка дам олиш кунларигина ишларкан, холос. Булмаса бир ҳафтада битта қисса ёки роман ёзиб ташлаган булармидим! Шундаям ёмон булмади. Қиш яхши келди. Қорлар камайиб, чана юрмайдиган кунларгача «қалам ҳақимга» битта эскироқ «Запорожец» сотиб олдим. Ҳайдовчилар тайёрлайдиган мактабга кирдим. Яқинда ҳайдовчилик гувоҳномасини оламан. Стёпа амакининг чанасини эса яхшилаб мойлаб, эски курпага ураб, ертўлага тушириб қўйдим. Келгуси қишда ижодни давом эттирмоқчиман. Ишқилиб рақобатчилар пайдо булмаса бас...

## Мундарижа

### ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 7 ЙИЛЛИГИГА

Низомжон Парда. Мустақиллик бизга нималар берди? Дос-тон боблари . . . . .	3
<b>НАСР</b>	
Шойим Бутаев. Шўродан қолган одамлар. Қисса . . . . .	8
Гулнора Раҳмон. Марварид шодаси. Қисса . . . . .	60
Асад Дилмурод. Фано даштидаги қуш. Роман . . . . .	117
Олмос. Зилзила. Бадиа . . . . .	190
Юсуф Файзулло. Чана. Ҳажвия . . . . .	220
<b>НАЗМ</b>	
Сироҷиддин Саййид. Менда кўпдир ҳур ният . . . . .	52
Ёқубжон Аҳмаджонов. Сурагдаги дарахт япроғи . . . . .	56
Наби Жалолоддин. Қисқариб боради офтобли кунлар . . . . .	109
Каромат Дўстматова. Муҳаббат шаъмини ёндир . . . . .	112
Жамшид. Ҳаёт кўп мухтасардирким . . . . .	114
<b>МУШОИРА</b>	
Гул баргига томди изтироб . . . . .	182
<b>ЕДНОМА</b>	
Гайбулла ас-Салом. Ҳаёти эди унинг фасона . . . . .	206
<b>МЕРОС ВА ҚАДРИЯТ</b>	
Фарҳод Ҳамроев. «Ҳамиша ёр васлини тилайдир Навбатий ёр деб...» . . . . .	202
<b>АДАБИЙ ТАНҚИД</b>	
Маъруф Йўлдошев. Табиат тасвири . . . . .	217

Безовчи rassom Р. Қўнғирова.

Мусаҳҳиҳ М. Йўлдошев

● Муаллифлар фикри таҳририят фикри деб қабул қилинмасин. Таҳририятга келган бир босма табоқча бугун материаллар муаллифларга қайтарилмайдди ● Таҳририят ўз тавсиясига кўра амалга оширилган таржима асарларини қабул қилади ● Ойнома матбаасига оид нуқсонлар (саҳифалар етишмаслиги, чалқаш босилгани) бўйича ушбу ташкилотга мурожаат қилинг: Тошкент — 83, Буюк Турон кўчаси, 41. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни ● Обунага монельлик кўрсатилган ёки ойнома ўз вақтида етиб бормаган тақдирда Тошкент — 700000, Амир Темур тор кўчаси, 2. Жумҳурият матбуот тарқатиш марказига мурожаат қиласиз.

Теришга берилди 3.08.98 й. Босишга рухсат этилди 25.08.98 й. Қоғоз формати 84x108<sup>1/32</sup>. Офсет босма усулида 2-қоғозга босилди. Босма табоғи 7. Шартли босма табоғи 13,44. Нашриёт-ҳисоб табоғи 18,48. Адади 7.760 нусха. Буюртма № 2695.

ЧАКАНА САВДОДА БАҲОСИ КЕЛИШИЛГАН НАРҲДА

«Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг босмаҳонаси,  
700083, Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.